

Нурбай ЖАББОРОВ

Задон

Шеърият

Миллат ойнаси

Гўзал ташбех, сирли рух

Маънавият калити

Зулфикор рух орзуси

Кўнгил – олам меҳвари


Истеъдод учқунлари

Хаёл, ҳаёт, мухаббат

Кўзга айланган кўнгил

Нурбай ЖАББОРОВ

ЗАМОН МЕЗОН ШЕЪРИЯТ



Faфур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2015

ЯНГИ ЗАМОН РУХИ

ШЕЪРИЯТИМИЗДАГИ ХАЙРЛИ ТАМОЙИЛЛАР

Орзудан маҳрум инсон тубанлик сари қулашга маҳкум бўлгани сингари идеалдан бебаҳра жамият ҳам таназзул гирдобига тушиши муқаррар. Инсон орзуси, жамият идеали эса адабиётда акс этади. Адабиёт миллий шаклда намоён бўлар экан, нафақат алоҳида шахсларнинг, миллатнинг орзу-идеалларини ифодалайди. Бу ҳол, адабиётнинг энг фаол тури санаалган шеъриятда, айниқса, яққолроқ кўринади. Миллий шеъриятилизнинг такомиллашув тенденцияларини аниqlаш, унинг хос хусусиятларини таҳлил этиш, шеършуносликнинг замонавий мезонлари асосида баҳолаш ана шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга.

Таҳлил обьектимиз – ўтган 2012 йили чоп этилган шеърий тўпламлардир. Бу тўпламларга ижодкорларнинг бошқа йилларда яратилган назмий асарлари ҳам кирган бўлиши табиий. Бу эса кузатувларимизнинг мазкур йил шеърияти билангина чекланмаганидан дарак беради.

Бир йилда жами 100 дан ортиқ катта-кичик шеърий тўпламлар чоп этилгани халқимизнинг назмга бўлган ихлосидан, муҳаббатидан далолат. Табиийки, уларнинг барчасига тўхталиш имкони йўқ. Шу боис, имкон даражасида, чоп этилган шеърий асарлардаги етакчи тамойилларни белгилаш, уларни лирик жанрлар кесимида таснифлаш ва айни тасниф асосида иш кўришга уринамиз.

УЎК 82-95
КБК 83.3(5Ў)
Ж 13

Масъул мухаррир:

Сувон МЕЛИ,
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, филология
фанлари намзоди*

Тақризчилар:

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ,
филология фанлари доктори

Узок ЖЎРАҚУЛОВ,
филология фанлари намзоди

Жабборов, Нурбой

Замон. Мезон. Шеърият / Н. Жабборов. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 304 б.

Хар бир замон адабиёт, шеърият олдига ўз муаммоларини кўяди. Уларни ҳал этишда айни ўша даврга хос адабий-эстетик мезонларга таянилиши аён. Мустакиллик йилларида миллий шеъриятимиз тарақкийси қандай тенденциялар асосида кечачтир? Шеъриятимиз ривожининг ўзига хос тамойиллари ишмалардан иборат? Назмий асарларни бугун кай мезонларга таяниб баҳолаяпми? Адабиётшунос олим, профессор Нурбой Жабборовнинг ушбу китоби шу ва шу каби саволларга берилган охорли жавоблари, ўзига хос илмий хуласалари билан шеърият мухлисларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Китоб олий ўкув юртларининг филология факультетлари талабаларига ва барча шеърият мухлисларига мўлжалланган.

УЎК 82-95
КБК 83.3(5Ў)

ISBN 978-9943-03-577-5

© Нурбой Жабборов
© Faafur Fулом номидаги
нашиёр-матбаа ижодий
уйи, 2015

нигоҳ билан қарайди. Бошқалар илғаши қийин бўлган мохиятни ёркин образлар, тутилмаган ташбехлар орқали санъаткорона ифодалайди.

Йигирма йил йўл босиб
Маккага етган каби.
Юраклардан дард, алам,
Армонлар кетган каби.

Шоир истиқлолни мусулмон халқимизнинг энг муқаддас туйгулари билан boglайди. Муборак сафарга отланиб, муродга етган кишининг юраги, дард, алам, армонлардан фориғ бўлгани сингари истиқлол ҳам бизнинг халқимиз учун шундай: жон қадар, иймон қадар азиз. Унинг ютуқларини кўрса, одамнинг дарди арийди, армону аламлар ортда қолади.

Бу улуг санани муаллиф шунча йил тинмай хикмат конини қазган бир шоирнинг шох асарини ёзишига қиёслайди. Бундай тутилмаган ташбехлар кейинги мисраларда кетма-кет келади: “Кўл етмас чўққиларга қадалгандек туғ-ялов”, “Ёки эккан ниҳолинг айлангандек чинорга, номанг етиб боргандек олисдаги нигорга”. Бири алпинист, бири боғбон, яна бири эса ошик орзу-армонларининг ушалишига қиёс. Орзу бўлганда ҳам энг улуғ орзунинг, армон бўлганда ҳам чўнг армоннинг рўёби бу. Истиқлол хоҳижодкор, хоҳалпинист, хоҳ боғбон – хар бир ватандошимиз учун энг азиз, энг муқаддас ҳодиса эканини англатади бу ташбехлар.

Йигирма йил – уфқка
Ташланган кўприк мисол.
Ва ёки чашминг узра
Саф тортган киприк мисол.

Дастлаб шеърий тўпламларга кирган достонлар хусусида. Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири Абдулла Ориповнинг “Ранглар ва оҳанглар” тўпламига кирган “Истиқлол манзарапари” асари ўзбек достончилигига янги ҳодиса бўлганини таъкидлаш керак. Бу янгилик нималарда кўринади? Биринчидан, достонни ёзишда муаллиф лиро-эпик поэзияда бир оз унутила бошлигар ҳалқона қиссангийлик услубини танлаган. Муаллифнинг ўзи бунга куйидагича изоҳ беради: “...ушбу тизмаларимда ўзим гувоҳ бўлган кўпгина ҳаётий воқеаларнинг айримларини қаламга олдим, холос. Бу ўрида менга ҳалқона оҳанг ва қиссангийлик марокли туюлди”.

Иккинчидан, “Йигирма йил”, “Тоғлар ҳикояси”, “Ўзбек иши”, “Муронтов”, “Элобод”, “Қамчик довони”, “Имом Бухорий”, “Женева” сарлавҳалари билан берилган саккиз маңзара орқали яхлит ҳолда ҳалқимиз ҳаётида истиқлолгача ва мустақиллик йилларида кечган бутун мураккабликлар: зиддиятлару юксалишлар, алоҳида шахслар ва миллат руҳиятидаги эврилишлар қиёсий аспектда бетакрор поэтик талқин этилган. Ҳайратга лойик жиҳати шундаки, улар алоҳида-алоҳида олганда ҳам ўзига хос тугал бадиий қашфиёт бўлгани сингари, яхлит ҳолда ҳам оригинал лироэпик ҳодиса мавқеига кўтарилиган.

Достондаги биринчи маңзара “Йигирма йил” деб номланган. Нима учун шундай номлангани ўкувчига тушунарли – асар истиқлолнинг йигирма йиллигига багишланган. Бироқ бу ўринда муҳими ҳар бир мисранинг шеъриятга устоз шоирнинг ўзи қўйган талаб – бетакрор мазмун, гўзал ташбех, сирли рух уйғунлигига яратилганида. Агар оддий бир қаламкаш шу мавзуда бирор нарса қоралаганида, нари борса, воқеликни шунчаки қайд этиб қўя қоларди. Абдулла Орипов эса, ўтган йигирма йилга чинакам шоирона

Арслон ва суварак – таъсирчан қиёс. Йигирма йиллик тарихнинг мураккаб ва зиддиятли кечганини шоир ана шундай қиёслар, фикр ва туйғулар ғалаёни орқали ифодалайди. Довонлардан шу тахлит ғолиб ўтган бу “карбоннинг бисотида асл башар закоси, аждодлар армонию авлодлар муддаоси борлиги”, шу боис унинг йўлини тўсиш имконсиз эканини санъаткорона тасвирлайди.

Достондаги иккинчи манзара – “Тоғлар ҳикояси” деб номланган. Дастроб төғ дегани шунчаки томошабоп жой бўлмаганидек, тоғликларнинг егани нукул болу мой эмаслигидан сўз боради. “Йил келмаса ўт қовраб Булоқлар куриб битар. Бир сел босса бувангнинг Гўрини ювиб кетар. Ўзидан ўтганини Тоғлик ўзи билгайдир. Молига шоқол бўри Шерикчилик қилгайдир” сингари сатрларда бу ерларда тирикчилик ўтказиш жуда оғир бўлгани ўз ифодасини топган. Мана бу мисралар бу қийинчиликни янада яққолроқ ҳис этиш имконини беради:

Чора излаб куёвнинг
Ранги-рўйи бўзарган.
Таппи ёкиб, келиннинг
Икки кўзи қизарган.

Хуллас, бир йигинда тоғликларга ёрдам кўрсатилмаса бўлмаслиги айтилиб, таклифлар сўралади. Турлича таклифлар айтилади: 1) довонга янги шиор илиб, ёнида қизил бурчак ташкил этиш; 2) бўриларга қопқон қўйиш; 3) чойхона, кўприқ, шийпон қурилишини бошлаш. Шеър шунинг учун шеър, шоир шунинг учун шоирки, у ҳар бир деталь замирига олам-олам маъно юклайди. На халқа, на собиқ тузум раҳнамоларига Бирор манфаати бўлмаган юқоридагига ўхшаш таклифлар –

“Уфқقا ташланган кўприк” – бу қадар тутилмаган ташбехни қўллаш учун ижодкордан қанчалик фавқулодда истеъдод, нечоғлик кенг фантазия талаб қилинади. Мана бу ташбех эса, нақадар ҳаётий, қанчалар кўнгилга яқин: “Ва ёки чашминг узра Саф тортган киприк мисол”. Киприклар кўз корачигининг химоячилари экани назарга олинса, бу ташбехнинг нафакат бадиий киммати, теран моҳияти ҳам якқолроқ намоён бўлади.

Бу қадар равон услубда, халқона ибораларни моҳирона қўллаб асар ёзиш учун шоирдан катта ижодий тажриба билан бир каторда яна кўп фазилатлар талаб қилинади. Бу фазилатлар нималардан иборат? “Халқнинг ўлмас рухиятини, қадриятларини, миллий ўзига хослигини, ва ниҳоят, бебаҳо тил бойлигини мужассам эта олган ҳақиқий ижод намуналаригина яшашига ҳақли” – Абдулла Орипов шеъриятга ана шундай талаб билан ёндашади. Шунинг учун ҳам унинг асарлари кўнгилларнинг туб-тубига етиб боради, унинг нозик торларини чергиб юборади.

Ҳар бир ташбех, истиора, рамз, тимсол мазкур зиддиятларни янада теран, аввалгидан-да таъсирчан ифодалашга хизмат қилган. “Карвон ўтди, гүёки Қашкир юрмас чўллардан. Йигирма йил таг тортмай Довуллардан, дўллардан” сатрлари бу фикрни тасдиклайди. Мана бу мисралар эса, бадиий нияти талқини учун шоир дабдурустдан хаёлга келиши қийин бўлган қиёсларга мурожаат этганини кўрсатади.

Арслонларнинг наъраси
Кутку солса басма-бас.
Сувараклар аҳли ҳам
Тинч турганмас бир нафас.

“Тоғлар ҳикояси”нинг ёзилишига ижодий туртки бўлган воқеани муаллиф қуидагича ҳикоя қиласди: “Тошгузар – Дехқонобод – Бойсун – Қумкўргон” темир йўли курилиши бошланганидан хабарингиз бор. Унинг Тошгузар – Дехқонобод қисми қуриб битказилди. Ҳукумат комиссияси аъзолари қаторида поезднинг биринчийўловчиси бўлдим. Дехқонободга поезд келиши ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Бундай ҳодисани хаёли чек билмас бахши шоирлар ҳам ўйлаб топишлари даргумон эди. Дехқонободдаги йигинда бир замонлар шу туманда раҳбар бўлиб ишлаган, ҳозир эса вилоят “Нуроний” жамғармаси раиси Январ Иноятов бир воқеани хотирлаб қолди. Ўша йиллари қайсиdir мажлисда Январ aka сўз олиб: “Дехқонободга ҳам газ келармикан?” деганида залдагилар: “Газ дейсан-а, ҳали тепловоз ҳам сўрарсан?!” дея хохолаб кулишган, орзуманд одамни масхара килишган экан. Ҳуш энди нима бўлди?! Бу ҳам тарихнинг буюк истехзоларидан бири эмасми?!”

Кўриниб турибдики, Абдулла Орипов асарга туртки бўлган воқеадан нусха кўчириб кўя қолган эмас. Уни ўзининг бадиий ниятига мослаштирган. Раҳбар ўрнига чўпон образини олиб кирган. “Чора излаб ранги-рўйи бўзарган” куёв, “таппи ёқиб икки кўзи қизарган” келин образларини қойилмақом қилиб тасвирилаган. Сюжет линиясини ижод қилган, унга мувофиқ келадиган поэтик шакл топган, бадиий либос кийдирган. “Ижодий туртки икки хил қиёфада намоён бўлажак, – дейди шоирнинг ўзи. – Биринчиси, сизу биз кўриб турган моддий борлиқнинг бевосита таассуроти бўлса, иккинчиси эса фикр ғалаёнидир. Мўъжазгина тўртлик ҳам, улуғ достон ҳам шу икки жиҳатнинг уйғуллиги туфайлигина дунёга келади”. Гарчи “Тоғлар ҳикояси”да

шўроларнинг умуман ҳаёт мантиғига зид ишларига ишора. Ҳатто бу ҳақда машхур бир латифа ҳам бор. Эмишки, колхозда йиғилиш бўлибди. Кун тартибига икки масала қўйилган. Биринчиси – колхоз омборхонаси курилишини якунлаш. Иккинчиси – коммунизм куриш. Колхоз раиси айтар эмиш: “Омборхона курилишини якунлаш учун материал етарли эмас. Шунинг учун бирданига иккинчи масалага ўтамиз”. Омборхона курилишидан кўра коммунизм куриш осонроқ. Негаки, биринчиси учун курилиш материаллари керак. Иккинчиси учун – ҳеч нарса.

Тоғдаги йиғилишда охири қўрқа-писа қўл кўтарган бир чўпон: “Қайдадир таппи эмас, газ ёнармиш ўчоқда”, деган гапни айтиб юборади. Шунда мажлисни зўр тўлқин чулғаб олади, баъзилар эса қах-қах уриб, корнини чанглаб қолади...

Алкисса, бечора чўпон лофчига чиқади. Бироқ “Гоҳида бир дақиқа асрларга тенг” бўлиши ҳам мумкин экан. Кўп ҳам ўтмай “замонлар чеврилди, ёлғон кетиб ёлғонга, рост ростга эврилди”. Оқибатда “ўчоқларда ловуллаб газлар ёна бошлади. Келинчаклар таппини бир чеккага ташлади”. Бу ҳам майли: “Мўъжиза атайсизми, Туш дейсизми – фарқи кам. Бир куни денг тоғларга Кириб келди поезд ҳам”. Натижада, “Зўр мажлисда қатнашган ўша казо-казолар, Катта-кичик, паст-баланд Ҳоказо-ҳоказолар” чўпоннинг ўтовига келиб, ундан узр сўрашади.

Шоир чиқарган поэтик хулоса мана бундай:

Ўша йигин зўр тарих
Эсдан чиқмас умрбод.
Қатнашган экан унда
Мустақиллик деган зот!

Мана бу мисраларда муаллиф ана шу ҳақиқатни умумлашма образга айлантирган: “Ўғри билан қарокчи Ошни бирга есалар. Буларнинг барчасини “Ўзбек иши” десалар”.

Шоир фикр оқимини ўзбек иши аслида нима экани масаласига буради: “Наҳотки, билмасалар Ўзбек иши нелигин. Асли ўзбек кўтарган Маърифатнинг пилигин”. Бунинг исботи учун ижодкор миллатимиз тарихидан анча мисоллар келтиради: “Эрки учун курашган Ботганда ёвнинг тиши. Соҳибқирон шиддати Эмасми ўзбек иши”. “Берунийдан ўрганди тафаккурни китъалар. Демак илму ирфон ҳам Ўзбек иши аталар”. “Ўзбекнинг ушбу ишини Эплай олган қайси эр. Олти ойда “Хамса”ни Ёзиб қўйган Алишер”. Ҳарбий шиддат тимсоли бўлган буюк Соҳибқирон, илму ирфон рамзи – улуғ Беруний, шеърият жаҳонгири – ҳазрат Навоий “Хамса”сини шоир ўзбек ишига мисол сифатида кўрсатади.

Ботир ва Фотих образи орасида кечган кескин зиддият достоннинг “Ўзбек иши” қисми бадиияти янада юксалишига сабаб бўлган. Фотихнинг малайлари инсонийликдан шу қадар чиқканки, ҳатто айбсиз эри хибса ётган аёлнинг зирагу узугини ҳам юлиб олишгacha борган. Шундай бир шароитда чарх айланиб, даврон Ботир дастпанжасига ўтади. У “корани қорага, оқни оққа айириб, келгинди жаллодларнинг кўлларини қайиради”.

Достоннинг бу қисми мана бу тарзда хотима топади:

Бузилди зиндонларнинг
Эшиги-ю тирқиши.
Билиб қўйгин, биродар,
Мана бу Ўзбек иши!

биринчи тур ижодий турткы таъсир этган бўлса ҳам, унда фикр ғалаёни ҳам бўй кўрсатганини сезиш қийин эмас.

Достоннинг учинчи манзараси – “Ўзбек иши”га багишлиланган. Шоир адолат ва қонун тушунчалари ўзбекнинг асл тийнатида борлигию, Соҳибқирон Амир Темур бу сўзларни шамширига ўйиб ёздирганидан очади баҳсни. Кучли ҳаётий мантиққа асосланган мана бу сўзлар ўкувчини чукур ўйга солади:

Тутун чиқмас ҳеч қачон,
Бир нарса ёнмаганда.
Қонун бузилгай асли
Эҳтиёж қонмаганда.

Бу сўзлари билан шоир собиқ шўролар тузумининг илдизига назар солади. Инсон манфаатларига аслан зид бўлганига ишора қиласи. Кейинги қилмишлари ҳам буни тасдиқлади: “Ахли юрт ҳоли ночор, Ямоқ солса ямокқа. Ўзи йўқ бойлик учун олишсалар қамоққа”. Захматкаш, бир умр меҳнат қилиб бири икки бўлмаган халқ, бу ҳам етмагандек, ҳақсизлик, адолатсизлик азобини ҳам тортса: “Пахтасини тердириб, Бозорида сотсалар. Кечкурун юлдуз бериб, Эртасига отсалар”.

Шўроларнинг инсонийликка зид қилмишларини бундан ҳам таъсирчанрок ифодалаш қийин. Бирорта ҳам ортиқча сўз, яримта ҳам ўрнига тушмаган деталь йўқ бу мисраларда. Бир-икки одамга қилинган тухматни тасодифга йўйиш мумкинdir, балки. Агар бўхтон бутун бошли халқ, миллат шаъннига уюшибилса-чи? Унга сабр этишнинг имкони борми? Дунёда ёвузликни сиёсатга айлантирган салтанатлар кам бўлмагандир. Бироқ, шўролар сингариси аввал учрамагани тайин.

Олтинчи манзара – “Қамчик довони” таърифига бағишланган. Шоир довонни ўзбек халқи белидаги олтин камарга, Қуёшнинг саждагоҳи – Тахти Қамарга ташбех этади. “Бунда-чи, йўқдир тўхтов, У абадий сас каби. Ҳаётнинг ўзи мисол, Мунтазам нафас каби” сингари сатрлар Ватанимиз учун довоннинг аҳамияти нечоғлик эканини ўқувчи қалбига жойлаб қўйиши жиҳатидан аҳамиятлидир.

Шоир таърифлаганидек, бу муazzам довондан муттасил равишда эзгулик қатнайди. Шу боис: “Кала-вадек йўлларни Ипак каби эшдилар. Тезроқ ет, деб дийдорга Тоғларни ҳам тешдилар”. Муаллиф водийни тутилмаган ташбехлар билан васф этади. Бу замин фазилатларга бой. Адирлари, қирлари йил бўйи ризқ улашади. Сабаби, дечқончилик цирлари шу маъводан етишиб чиққан. “Гўзал бир шеъриятнинг мавжи ҳам, ҳофизлар овозининг авжи ҳам водийдадир”. Шоир ўз шеърларининг ана шу бетакрор водийда ҳам яшаб юрганидан мамнуният ҳиссини туяди.

Достоннинг еттинчи бобида ҳазрат И мом Бухорийнинг ҳадис илмида тутган ўрни, аллома зиёратгоҳи ўтмиши ва бугуни киёсан бадиий талқин этилади.

Ундаги воқеаларнинг тарихий асоси шундай: худосизлик айни авжига чиққан кезлари Москвага Ливия подшоҳи Надим ал-Жиср расман ташриф буюради. Мехмонга сафар режасини тақдим қилганиларида у буюк муҳаддис И мом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш ниятини билдиради. Москвадаги раҳбарлар суриштиришса, ахвол яхши эмас, зиёратгоҳ қаровсиз ҳолатда. Мехмонни фикридан қайтаришга шунчалик уринсалар ҳам, рози бўлмайди. У ерга самолёт қўна олмаслигини баҳона қилишиб, поездда олиб жўнайдилар.

Хоҳ кичик шеър бўлсин, хоҳ йирик достон, Абдулла Оринов ижодида фалсафий теранлик ва бадиий маҳорат бениҳоя уйғун келади. Достоннинг “Мурунтов” қисми ана шундай фалсафий қараш билан бошланади. Унга қўра, Яратган Инсонга эрк ато этади. Шунинг баробарида нафс балосини ҳам бериб, уни тилла деган маъданга қизиктириб қўяди. Кимdir бу оғир синовда ёниб кул бўлади. Кимdir унга соҳиб бўлса, ўзгаси маъданга кул бўлади. Достоннинг бу қисмida нафс бандаси Фотих ва тилланинг ҳақиқий соҳиби бўлган Ботир ўртасидаги кураш давом этади.

Шоир сўзларни шу қадар танлаб, саралаб қўллаганки, бирорта сўзни таҳрир қилиш, бирини бошқаси билан алмаштириш имконисиз. “Кимнингдир томин ҳатто қоплади тилла ранги. Кимгадир теккан эди Факат унинг жаранги” – бундай қўйма сатрлар ўйлаб топилиши маҳол. Шоир назарда тутган фикр бир вақтнинг ўзида ҳам шуурга, ҳам қалбга оқиб киради; ўқувчини титратиб юборади. Худо берган илҳом маҳсулидир бундай мисралар.

Гарчи “у замонлар Фотихнинг айтгани айтган” бўлса ҳам, Ботир шахиддан қайтмайди. Шоир таъбири билан айтганда: “Энг аввали ҳурлиқка Зўр ташналик эди бу. Соҳибқирон зурёди Занжирда қолмас манг’у”. Сабру бардоши зое кетмаган юртанинг факат остонаси эмас, боши ҳам тилла бўлишини тилайди муаллиф.

Достоннинг бешинчи манзарасида тақдирнинг не-не жафосини, дўстларига вафо қилиб вафосини ҳам кўрган, “тарихининг бузилмаган тахи, шоир десанг муҳташам Бердахи бор” корақалпок элининг жасорати, қоқ чўлнинг ўртасида Тожмаҳалдай қад кўтарган обод манзил – Элобод васф этилади.

Тарих шоҳид: баъзан якка бир шахс миллатнинг шаънини осмон қадар юксалтириши, унга шарафлар келтириши мумкин. Искандар – юноннинг, Чингизхон – мӯғулнинг тимсоли экани бунга далил бўла олади. Шоирнинг армони шунда эдикӣ, ўзбекнинг рамзи бўлган “Темурбекни рақиблар Дафтардан ўчирганди. Ўзбекнинг шонини ҳам Масковга кўчирганди”. Яъни ўзбек жаҳон минбарида ўз номидан иш кўриш ҳукуқидан маҳрум эди. Бу ҳол шоирни изтиробга солган, Женевада экан, “узун тунлар тушига Ўзбекистон кириб” чиқкан. Шоирнинг дарду алами мана бу мисраларда ошкор намоён бўлади: “Мен-ку чиқиб минбарда Викор тўкай демасдим. Нима учун рўйхатда Ҳабашчалик эмасдим”.

Булар барига сабаб она юртнинг истибдод исканжасида экани эди. Шоир бу ҳолни қуийдагича тасвирлайди: “Ҳа, юртим на сонда бор, На саноқда бор эди. Йўқdir ҳукуқи, ҳаққи, Тобе бир диёр эди”. Чинакам ватанпарвар учун бундан ҳам ортиқ фожиа бўлиши мумкинми? Агар у ватанпарвар мабодо ижодкор бўлса, фожсийлик даражаси бундан ҳам ошиши табиий. Чунки бошқалардан фарқли ўлароқ ижод ахлида ҳиссиётлар туғёни кучлироқ бўлади. Ижодкор таъсирчан келади. Қалбида дард, изтироб пўртанаси мудом тўлқинланиб туради.

Бироқ жамиятнинг ўзига хос мантиги, ёзилмаган коидалари ҳам бор. Бу мантиқ ҳар қандай гуссанинг изидан шодлик, фожианинг ортидан баҳт эпкинлари эсмоғини тақозо этади. Достонда ана шу ҳол қуийдагича тасвирланган: “Йигитнинг ҳам омаду Барорлари бўлгайдир. Аллоҳнинг кутилмаган Қарорлари бўлгайдир”.

Яратганинг кутилмаган бу карори нимадан иборат эди? “Фурсат етиб, яна бир Чайқалиб олди

Бу орада зиёратгоҳни гүё таъмир қиласидилар. Ат-рофни кўрмасин деб меҳмонни фира-шира саҳар чоги олиб келишади. У тиз чўкиб йиглаб, Куръон тиловат қила бошлияди. Саҳардан қарийб аср вақтигача Каломуллоҳни хатм қиласиди. Улуғ аллома мақбарасини зиёрат қиласиди учун кўп шукрлар айтади. Шоир алломанинг муборак ёди шўролар томонидан беҳурмат қилинганини қуидагича талқин этади:

Ҳа, замоннинг ҳовузи
Лойқага тўлган эди.
Ҳадис илмин сultonни
Беҳурмат бўлган эди...

Достонда Имом Бухорийнинг ҳадис илми ривожида тутган ўрни мана бундай баҳоланади: “Ҳадис чўнг илм бўлди, Етиб ҳақнинг ризоси. Айтса арзир, Бухорий – Пайгамбарнинг мирзоси”.

Сўнгги саккизинчи манзара “Женева” деб номланган. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида шоир республика Муаллифлик ҳуқуқини химоя қилиш Давлат агентлиги раиси сифатида хизмат сафари билан тез-тез Женевага боришига тўғри келади. У Женевани “Европа маликаси” дея таърифлайди. “Қари, баттол қитъанинг ягона тинч ўлкаси” сифатида васф этади.

Абдулла Орипов фикрни кутилмаган ўзанга буриб, фавқулодда оҳорли ташбеҳлар қўллай оладиган шоир. Мана бу фикр, биринчидан, шеърнинг бадиий қувватини ошириб юборади, иккинчидан, ўкувчида ҳайрат туйгусини пайдо қиласиди: “Бунда ором ва шодлик Сингиб кетар нигоҳга. Афсуски, у қиз эмас, Олиб бўлмас никоҳга”.

бадиий эҳтиёж эканини таъкидлаш зарурати бор. Халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг “Янги Тошкентнома”си ана шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Достоннинг асосий фазилатларидан бири шундаки, муаллиф Тошкент ҳакида ўзигача Фирдавсий-ю Низомийдан Камол Хўжандийгача, ҳазрат Навоий-ю шоҳ Бобурдан Зайниддин Восифийгача, ундан Мақсад Шайхзодагача бўлган олиму ижодкорлар яратган тарихий манбаларни, бадиий асарларни синчилаб ўрганган. Уларга эҳтиром билдириш баробарида ўз олдига “Элдан ҳикмат зиёсин олиб, эл кўнглига жойлаш” мақсадини қўйган шоир бунга эриша олган. Қуёш дарвазасига, беҳиштга, кўнгил кўргонига ташбех этилган Тошкентнинг бугунги манзараси достонда муҳаббат билан тасвиirlанган. Шоир бот-бот тарихга мурожаат этади, бугунги воқелик билан муқояса қиласи. Ўн уч аср мобайнида кўхна Шошнинг пойтахти бўлган Мингўрик васфига, бу шаҳарга Соҳибқирон Амир Темур ташрифи тафсилотларига алоҳида сатрлар бағишлайди. Ҳар дилда юз қасида очган Ҳазрати Имом мажмуаси зиёратидан баҳра олса, бағрида фарёду додларни жамлаган Алвастикўприк ҳақида ёзар экан, изтиробларини мана бундай ифодалайди:

Ўздан чиққан лаганбардорлар,
Ўз элига тикканми дорлар?
Сўрар ахир иймони борлар:
Қайга кўмдинг боболаримни?

Қодирий – бу қалбимдаги шон,
Юз йилда бир келарми Чўлпон?
Кўлдан кетди энг нодир имкон,
Қайга кўмдинг доноларимни?

дунё. – Узбекман! – деб юртимдан Чикди азамат сиймо. Улуг халқ азми билан Замона янги бўлди. Ўз туги, ўз мухри бор, Кошона янги бўлди”. Юрт асрий орзуси – истиқлолга эришди. Камситишу хўрликлар ортда қолди. Энди Европа томонларга йўли тушган шоирни не юртлар кўлда нону туз билан ҳурматини жойига қўйиб кутиб олди. Женевага боргандা мустақил мамлакат элчихонаси вакиллари ҳам мамнуният билан йўлига чиқди.

Ҳар йигинда ўрним бор,
Эрта кундан кўнглим тўқ.
Маъқул келса, “Ҳа” дейман
Номаъқулга хушим йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, достонда васф этилган саккиз манзара яхлит ҳолда она Ватанинг ёруғ пешонаси тимсолидир. Халқона услуб, бетакрор бадиият, сирли рух – достоннинг ўзига хослигини таъминлаган омиллар ана шулардир. Эътироф этиш керак, истиқлол мавзусида юксак поэтик маҳорат намунаси бўлган бошқа бундай достонимиз ҳозирча йўқ.

Яна бир муҳим жиҳати, гарчи достон “Истиқлол манзаралари” деб номланган бўлса ҳам, муаллиф бу табаррук сўзнинг ҳурматини жойига қўйган. “Мустақиллик” сўзи бир ўриндагина қўлланган, холос. Устоз шоир бу сўзни такрорлашдан тийилиб, истиқлолнинг нечоғлик улуғ неъмат эканини халқона қиссаларга хос усул ва образли тасвир орқали кўнгилларга кўчириш йўлидан борган.

Устоз Максад Шайхзода “Тошкентнома”сининг бадиий қимматини истисно қилмаган ҳолда мамлакатимиз бошкенти ҳакида янги достонлар яратилиши

Нафас Шодмоновнинг ютуғи шундаки, у мазкур қўйна ривоятларни янгича талқин этади. Ўзининг бадиий ниятига мувоғиқ шаклда ифодалайди. Ана шу ниятдан келиб чиқиб уларнинг мазмунига жузъий ўзгартиришлар ҳам киритади. Зеро, ижоднинг ижодлиги ҳам шунда: барчага аёндек кўринган ҳақиқатларнинг ўзгалар эътибор қилмаган жиҳатларини англаш ва санъаткорона тасвирлаш. Муаллиф ўзида ана шундай иктидор борлигини кўрсата билган. Биргина мисол. Искандар ва Нўшоба ҳақидаги ривоятда бутун оламга ҳокимликни даъво қилган Искандар Нўшоба исмли аёл хукмронлигидаги Бадра мамлакатига бостириб боради. Бу юртни ҳеч замонда ҳеч ким фатҳ этолмаганини эшигтгач, бунинг сабабини билиш учун элчи кийимини кийиб, ўзи Нўшобанинг ҳузурига келади. Қарасаки, боғлари, экинзорлари, майдонлари девор билан ўралмаган. Чорваларида чўпон йўқ. Ҳеч қаерга қоровул қўйилмаган. Бунинг сабабини сўраган Искандарга Нўшоба мана бундай жавоб беради:

Бадра юрти бир тан эрур, бор вужуд ақл.
Бутун тана иймон эрур, комил эътиқод.
Девор – жонсиз қалқон эрур, оғримас тандир,
Қолаверса, кемтиксиз ҳеч девор бўлмагай.
Хўш, деворми ишончлироқ, иймонми афзал?..

Соҳтакорликдан йироқ, ҳеч ким бир-бирига ёлғон сўзламайдиган, меҳнат мевасига меҳр доялик қиласидиган бу юрт Искандарда ҳайрат уйғотади. Дунёни асир этган жаҳонгир Нўшобанинг идрокига таҳсинлар айтади. Жаҳонда ҳали ҳеч ким у каби битта асир олиб дунёни асир эта олмаганини сўзлайди. Ўзининг маҳв этилганини эътироф қиласиди. Нўшобанинг бунга

Шоир Амир Темур хиёбони, ҳазрат Навоий но-мидаги Миллий боғ, Мустақиллик майдони, Эзгулик аркаси, Хотира хиёбони, Маърифат қасри таърифида назмий мисралар битади. Ўзбекни мавжи барҳаёт улуг дарёга қиёслаган достон муаллифи миллат ифтихори бўлган Тошкент шаънида ўзига хос бадиият обидаси бунёд эта олган. Фақат биргина мулоҳаза. Достонда Тошкент кечмишида алоҳида ўрин тутган бир-икки сиймо, масалан, Шайх Хованди Тоҳур, Мунавварқори ёки Абдулла Авлоний сийрати тўлақонлироқ очилса, асарнинг таъсир кучи янада ошган бўлар эди.

Инсон ўз фитратига қўра унутувчи. У ҳодисаларнинг кўпроқ зоҳирига эътибор қаратади, ботинни мушоҳада этавермайди. Одам фарзандлари аксар ҳолларда суратни кўради-ю моҳиятдан бебаҳра қолади. Чинакам бадиий асар ботинни – моҳиятни инкишоф этмоққа хизмат қиласи. Адабиётнинг асл миссияси ана шу ҳақиқатни образли талқин этмоқдир. Нафас Шодмоновнинг “Махзан” асари шу йўлдаги ўзига хос ютуқ сифатида баҳоланишга лойик.

Муаллиф “Ривоят” деб атаган бўлса ҳам, асарни жанр хусусиятларига қўра драматик достон дейиш мумкин. Асар ҳажман катта эмас. Иштирокчилар сони ҳам бор-йўғи тўрт киши: рассом йигит, кўзи ожиз чол, ёрдамчи йигит ва ёрдамчи қиз. Умрнинг бебақолиги, уни қадрлаш, муносиб яшаш инсонийликнинг асосий шарти экани асарнинг ўқ чизигини – бадиий концепциясини ташкил этади. Композиция, сюжет, бадиий тасвир воситалари, монолог, диалог, ремарка – барчаси ижодкорнинг ана шу поэтик концепциясига хизмат қилдирилган.

Асарда келтирилган ривоятларни, табиийки, муаллиф тўқиган эмас. Улар аслида мавжуд ривоятлардир.

достонлари поэтик рамзлар, бадий тимсоллар ўринли қўллангани билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, “Қалб қалъаси” достонида Юрак, Соғинч, Шубҳа, Хавотир, Нафрат, Сўз, Тасвир, Хаёл, Акл, Муқаддас туйғу сингари тимсоллар воситасида инсон, унга хос олижаноб туйғулар ўзига хос усулда тасвирланади. Ижодкорнинг бу жанр имкониятларидан самарали фойдаланишга инилилаётганини таъкидлаш керак.

Энди 2012 йилги шеърий тўпламларнинг хос хусусиятларини қўрсатувчи тамойиллар ҳақида. Бизнингча, улар қўйидагилардир:

1. Замонавий мавзуларни кўхна арузда ифодалашга интилиши. Ўтган асрнинг 20–30-йиллари шеъриятида аруздан бармоққа ўтиш тенденцияси кузатилгани маълум. Кейинчалик бутунлай бармоққа ўтилди. Бугун эса арузга эҳтиёж бироз кучаяётгандек. Айни кезда бу кўхна вазнiga янгича рух бераётгандар ичида энг фаоли устоз Абдулла Ориповдир. Шоирнинг “Ранглар ва оҳанглар” тўпламига кирган газаллари ушбу жанрнинг мумтоз намуналаридир.

Сочларинг ёймай туриб
Тушган қоронғу тун эмас,
Тишларингни қўрмайнин
Тонг ҳам оқарган кун эмас.

Мумтоз шеъриятимизга хос ҳусни матлаънинг нақадар гўзал намунаси. Бунда ташбех ҳам, тазод ҳам фикрнинг санъаткорона ифодасига хизмат қилган. Ёки мана бу байтдаги жозибадан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ:

жавобан айтган сўзлари муаллифнинг бадиий ниятига уйгун экани билан алоҳида ажралиб туради:

Ҳа, Искандар, бу дунёни забт этмоқ асли
Битта қалбни забт этмоқдан бошланар шаксиз.
Лекин баъзан дунёни забт этмоқ қасдида
Ҳирси ортган кимсаларнинг эсидан чиқар:
Оlam яшар одамларнинг қалби остида,
Забт этмасдан қалбни уни забт этолмаслар.

Драмада тўрт образ тимсолида бир шахс – комил инсон образи яратилган, дейиш ҳам мумкин. Бу талқин бўйича, чол – рух, йигит – вужуд тимсоли. Ёрдамчи йигит ва ёрдамчи қиз – ақл ва кўнгил рамзи. Ўзаро мулоқотлар вужуд ва рух ўртасидаги баҳс-мунозаралар ифодасидир. Зеро, бир инсон кўнглида ҳам қанча тўфонлар, зиддиятлар кечмоғи табиий бир ҳол.

Биргина мулоҳаза: бизнингча, асар сўнгида йигитнинг ўз кўзларини ситиб олиши воқеаси кучлироқ мантиқий далилланиши, кўнгилнинг кўзга айланиш жараёни муаллифнинг хоҳишига кўра эмас, воқеаларнинг табиий мантиғидан келиб чиқмоғи зарур эди. Токи, ўқувчи бошқача бўлиши мумкин эмаслигига ишонсин.

“Махзан” – хазина демакдир. Муаллиф хазина деганда, биринчидан, инсон умрини, иккинчидан, моҳиятни англаб, огоҳ яшашни назарда тутган, дейиш мумкин. Баҳарҳол, зоҳир ва ботин уйғунлиги, сурат ва моҳият мутаносиблиги маҳорат билан бадиий талқин этилгани “Махзан”нинг ютугини таъминлаган асосий омилдир.

Шоир Ҳумоюннинг “Интиҳосиз наволар” тўпламига кирган “Етти устоз сабоқлари”, “Қалб қалъаси”

Кимни сүйди жон тикиб, кимни отарга ўки йўк,
Мунчаям оқ бўлмаса, мунча қаро кўнглим менинг.

Шоиранинг газаллари дарду изтиробнинг, руҳий галаёнларнинг ўзига хос поэтик тасвирига багишлангани билан алоҳида ажралиб туради.

2. Шеъриятда ҳалқона оҳангларга эҳтиёжининг ортиши. Мумтоз шеъриятда сахлу мумтаниъ деб аталгувчи усул бор. Бир қарашда бу усулда ёзишдан осони йўқдай, бироқ буни уддалаш маҳол. Ҳалқона оҳангда ёзиш ҳам шундай. Юзаки қарагандা анчайин осон туюлади. Бироқ унда фикрни оҳорли айтиши, маромига етказиб ижод қилиш ҳар кимнинг ҳам ҳадди эмас. Махмуд Тоир ижодида ана шундай мисралар бор. Шоирининг “Бедорларга беринг дунёни” тўпламида ўқиймиз:

Кўклам қабоги
Бунча уюлди.
Осмон кўзидан
Ёши қуюлди.
Жисму жонимда
Ғалат титроқлар.
Шабнамдан шароб
Ичар япроқлар.

Туйғунинг образли тасвирини бу тарзда бериш кийин. Чинакам илҳом келгандагина туғилади бундай мисралар. Улар ўйлаб топилмайди, куйилиб келади. Акл маҳсули эмас улар, айни илҳом меваси. Шоирининг яна бир бошқа шеърида учрайдиган “Кўзингдаги шабнамни Кипригимда тергайман” мисралари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Икки чашмим жоласига
Бокмангиз ҳайрон бўлиб,
Асли улдир икки дарё.
Сир эмас, Жайхун эмас.

Рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган ғазал-и ning бирор ўрнида сакталик учрамайди. Теран мазмун ва гўзал бадиият уйғунилиги, оҳорли ташбеҳ ва бетакрор моҳият мутаносиблиги шоир ғазалларининг ютугини таъминлаган бош омилдир.

Шоир Ҳол Мұхаммад Ҳасаннинг мумтоз шоирларимиз ғазалларига боғлаган мухаммаслари унинг бу борада муайян ютуқларга эришаётгани исботидир. Мана, ҳазрат Навоийнинг машҳур ғазали матлаъсига унинг тахмиси:

Бүй баҳосинму дейин, басти расосинму дейин,
Хоки посинму дейин, сочи сиёсинму дейин,
Лаб гилосинму дейин, инжу жилосинму дейин,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглима ҳар бирининг дарду балосинму дейин.

Мазмун-моҳият жиҳатидан ҳам, вази хусусиятига кўра ҳам, санъат нуқтаи назаридан ҳам Ҳазрат Навоий байтига мутаносиб мисралар. Ҳатто улуғ шоир матлаъсига мос сажъга ҳам риоя этилган. Бироқ мана шу даража Ҳол Мұхаммад Ҳасан мухаммасларининг барчасида ҳам сақланган эмас. Уларда баъзан вази сакталиклари ҳам учраб туради. Лекин юқоридаги биргина банднинг ўзиёқ шоирнинг арузда ёзиш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Шоира Мұхтарама Улугнинг “Эй дилим” тўпламига кирган бир неча ғазаллари унинг арузда ижод килиш салоҳияти етарли эканидан далолаг беради. Масалан,

садо бермас. Шоир бу поэтик умумлашмани тун бўзаргач, ой ботиши, кун ёришгач тонг отиши сингари мутаносиб тасвирлар воситасида санъаткорона ифодалайди.

Кутлибеканинг “Коракўзларим” тўпламидаги шеърлар метафораларга бой. Шу боис улар бадиий жиҳатдан талаб даражасида, таъсирчан:

Ойнинг хуккасидан кумуш келтирсан,
Юлдуз токчасидан идиш келтирсан,
Найсон булутидан ёғиш келтирсан.
Дармон бўларманми дардларингизга.

“Ойнинг хуккаси (кутичаси)”, “юлдуз токчаси” метафоралари, биринчидан, шеърнинг бадииятини таъминлаган бўлса, иккинчидан, кутичадан кумуш, токчадан идиш келтириш бирикмалари муаллифнинг аёл зотига мансуб эканини кўрсатиши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. Умуман, бу тоифага хос назокат, уларгагина тегишли нафосат сезилиб туриши аёллар шеъриятининг фазилати сифатида баҳоланиши зарур. Мазкур шеърдаги “Дармон бўларманми дардларингизга” мисраси юракка яқин, халқона ибора экани билан фикрнинг таъсир кучини оширган.

Гавҳар Ибодуллаеванинг руҳий ғалаёнлар, қўнгил изтироблари ўзига хос талқин этилган шеърларидан таркиб топган “Юрагимда яшаётган сир” тўпламидаги халқона оҳангта йўғрилган мисралари қуйма экани алоҳида ажралиб туради:

Кўнглим ойга илинди,
Ҳилол бағри тилинди,
Софинганим билинди,
Сафом қайда, ёронлар?

Бу усулда шеър ёзиш ҳадисини олган ижодкорлардан яна бири Ҳол Мұхаммад Ҳасандир.

Тоғдай тилак тиламай
Қирдан умид қилмагин.
Хизэр назар йўламай
Тўрдан умид қилмагин, –

деб бошлиди шоир бир шеърини. Ҳалқона ҳикматнинг назмдаги ифодаси бу мисралар. Улар ҳалқона бўлгани билан юракка яқин, юракка яқин бўлгани боис ҳалқона.

Масирқаб най сехридан
Кечар хумнинг баҳридан.
Зар битса ҳам заҳридан
Мордан умид қилмагин.

Ҳалқ орасидаги машҳур нақлга кўра хазина бор жойда илон ҳам бор. У хазинани қўриклайди. Бирок, шоир маҳорат билан қўллаган ирсоли масалга кўра, мордан умид қилган, яъни илонга ишонган одам зардан қуруқ колади. Сабаби, най чалингнанда унинг оҳангидан масирқаган – маст бўлган илон хумни ташлаб чиқади. Ҳол Мұхаммад Ҳасаннинг ҳалқона шеърлари ана шундай ҳикматларнинг оҳорли бадиий талқини экани билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Тун бўзариб, ой ботар,
Кун ёришар – тонг отар.
Ҳол келмаса тўрт қатор
Шеърдан умид қилмагин.

Чинакам шеър – ҳол маҳсули, Худо берган илҳом меваси. Бунинг акси бўлган тизмалар кўнгилларда

лаётгани йўқ. У бениҳоя таъсири ва оҳорли образни шундоққина ўкувчи кўз ўнгиға муҳрлаб қўяяпти. Қолаверса, ҳали бирорта ижодкор дунёга нисбатан илон заҳридан тайёрланган шарбатни узатаётган айёр дўкончи ташбеҳини қўллаган эмас.

Юқоридаги мисраларда шоир дунёning моҳиятини шуничалик ўзига хос тасвирилаган бўлса, мана бу сатрларда инсон умридан кўзланган муддаони яна шунча оз сўз билан ундан ҳам кўра санъаткорона ифодалайди:

Ота-бобонг ким дея
Мендан сўраса синчи,
Чин дунёни қидириб
Йўлга чиққан кўчманчи.

Умуман, ҳалқона усулдаги назм намуналари шеъриятимизнинг илдизлари миллатимизнинг қадим кечмишига бориб туташадиган асл ўзанларидан мудом қувват олаётгани далилидир.

3. Поэтик шаклдаги янгиланиш. Ҳазрат Алишер Навоий “Хайрат-ул-аброр” достонида

Назмда ҳам асл анга маъни дуур,
Бўлсун аниңг сурати ҳар не дуур, –

деб ёзган эдилар. Яъни улуғ мутафаккир замонлар келиб назмнинг суратида янгиланишлар бўлишини башорат қилган. Буюк шоир назмнинг ранго-ранг либослар билан зийнатланиши табиий эканини таъкидлаш баробарида, ҳар қандай шаклда бўлишибидан қатъи назар, “асл анга маъни” эканини ҳам таъкидлаган.

Кўнгил ойга илингандада хилол бағри тилиниши дарднинг накадар чўнг эканини кўрсатади. Умуман, оҳорли мазмун ва тутилмаган ташбеҳлар уйгунлиги шоира назмининг етакчи хусусияти эканини таъкидлаш керак.

Муҳаммад Исломийнинг “Мени кучлироқ сев” тўпламидағи шеърларда ана шу рух ифодаси кучли экани кузатилади. Жумладан, шоирнинг “Нидо” шеърида мана бундай мисраларни ўқиймиз:

Баҳор келгани йўқ, қиши кетгани йўқ,
Бошимда офтобу пойимда корлар.
Яна қайлардандир келтирмоқда чўғ,
Кеча мени ташлаб кетган баҳорлар.

Бу мисралардан самимият уфуриб туради. “Бошимда офтобу пойимда корлар” мисрасидаги тазод ва ўзига хос оҳанг шеър бадииятини таъминлашда, айниқса, алоҳида ўрин тутган.

Бобомурод Эралининг шу йўлда ёзилган шеърларидағи ифода тарзи ҳам, образли тасвир ҳам ҳеч кимни такрорламайди. Шоирнинг “Сукунат сибизгаси” тўпламидағи “Аргамчи йўл” шеърида мана бундай сатрлар бор:

Аргамчи, ё аргамчи,
Дунё айёр дўкончи.
Шарбат узатар, унда
Илон заҳри – бир томчи.

Тўрт сатр шеърда дунёнинг моҳиятини бунчалик теран, бу қадар маҳорат билан тасвирлаш осон эмас. Бунинг учун билимнинг ўзи камлик килади. Ҳатто катта тажриба ҳам буни уddaлаши маҳол. Шоир сўз-

сиятларини, бир-биридан фарқли жиҳатларини ажрата билмоги зарур. Зеро, ижод аҳлининг ўзгалардан тафовути ҳам шунда.

Сенинг кўзларингга кўринсин улар,
Сенинг қулоғингга чалинсин унлар,
Барчаси ранго-ранг, саслари турфа.

Демак, бошқалар кўрмаган ранг ижодкор тасаввурнида намоён бўлмоги зарур. Тинглаш ўзгаларга ҳеч қачон насиб этмайдиган оҳанглар шоир қулоғида мудом жаранглаб турмоғи лозим.

Билиб қўй, ранги бор армоннинг ҳатто,
Орзуларнинг ажиб шамойиллари,
Инсон қанча бўлса, улар ҳам шунча.

Ҳакиқатан, ижодкорнинг ижодкорлиги ҳам шундаки, унинг наздида армоннинг ҳам ўзига хос ранги бор. У орзуларнинг шакл-шамойилини ҳам кўра билади. Энг ҳайратланарлиси, орзу ва армоннинг ранглари шу қадар турфаки, унинг навъи ҳатто ер юзидағи одамлар ададига teng.

Бироқ кўз сураткаш анжоми эмас,
Оддий сомеъ эмас қулоғимиз ҳам,
Нозик меҳробларга тегишли улар.

Абдулла Орипов – мутафаккир шоир. Шунинг учун ҳам у бошқаларнинг етти ухлаб тушига кириши маҳол бўлган оригинал бадиий умумлашмаларга кела олади. Жумладан, унингча, ижодга азм этган шоир рангларни зоҳир кўзи билан эмас, ботин дийдаси билан идрок

Бугунги шеъриятимизда кузатилаётган ана шундай шаклий янгиланишлар алоҳида эътиборга лойик. Устоз Абдулла Ориповнинг “Ранглар ва оҳанглар” тўпламидаги учликлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Оқ денгиздан оқ шамоллар эссалар,
Қизилидан келса алвон шаббода,
Қора денгиздан-чи, тим қора насим.

Оқ танли кишидан оқлик уфурса,
Сарғимтил қавмдан заҳил эпкинлар,
Қоралардан эса сиёхранг тутун.

Не ҳол юз берарди рубъи маскунда,
Ким ҳам кўз юмарди бу манзарадан,
Яхшиям шамолнинг ранглари йўқдир.

Аввало, тўпламнинг номида ҳам поэтика борлигини таъкидлаш керак. Қолаверса, юқоридаги мисраларда акс этган муаммо, бу каби оҳорли савол шеъриятимизда ҳанузгача ўртага қўйилган эмас. Бу мисраларни мутолаа қилган шеърхон ҳали шоирнинг асосий фикрини англай олмаслиги ҳам табиий. Қиссадан хисса мана бу сатрларда акс этган:

Бир қарашда улар ҳамоҳанг, ўхшашиб,
Бироқ сен, ижодга азм этган шоир,
Уларни адашмай фарқламоғинг шарт.

Бу мисраларда, таъбир жоиз бўлса, ижодкорнинг концепцияси акс этган. Яъни шоирким, чинакам ижодкор мавқеига кўтарилимоғи учун у қандай фазилатларга эга бўлмоғи керак? Абдулла Орипов фикрича, шоир зохиран ҳамоҳанг, уйғун ҳодисаларнинг ҳам хос хусу-

Иккиликларнинг иккинчисида, мана қандай талқин кузатилади:

Куйилар дилимга дарё мисоли
Сен айтмаган сўзлар шошқини.

Уларнинг еттинчисида ҳам ана шундай оҳорли тасвир ифодаланган:

Эшигдим Ой ноласин, тингладим,
шўрлик юрагим-да синди ой мисол.

Айтилмаган сўзлар шошқинини эшитиш, наинки эшитиш, бу оҳангнинг шоир дилига дарё мисоли куйилиши, ой ноласини тинглаб юраги ой мисол синиши Турсун Али шеъридаги ўзига хосликдан дарак беради.

Салим Ашурнинг “Мухаббат китоби” тўплами моҳият эътибори билан ҳам ишқ-мухаббатнинг оҳорли талқини бўлган, дейиш мумкин. Тўпламдаги учлик шаклидаги мўъжаз шеърлар поэтик жиҳатдан ҳам, теран мазмунни ва ўзига хос услубига кўра ҳам бошка ижодкорларни такрорламайди. Мана бу шеър таҳлили ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Туннинг хат тарқатувчиси – қурбақа
Гилос оёғини қитиқлаётир –
Кўзларида узук келтирган.

Аён энди гилосга бари:
Юлдузларни кўтарар тушида, –
Саҳаргача қизариб чиқар.

этмоғи керак. Чунки инсон кўзи сураткаш анжоми бўлмагани каби унинг қулоги ҳам оддий сомеъ эмас – улар нозик меҳробларга тегишли. Яъни ижодкорнинг назари ҳеч ким илғамаган гўзалликни пайқashi зарур. Шоирнинг қулоги бирор одам боласи эшитиши мумкин бўлмаган оҳангларни тингламоги керак.

Кўрганин етказгай Қалб деган жойга,
Тафаккурга айтгай эшигганларин,
Бундай издиҳомда ухлаб бўлурми?!

Чинакам ижодкорнинг қалби мудом титраб туради. Негаки, ҳеч ким кўрмаган синоатни мушоҳада этар экан, бу унинг қалбидаги акс-садо беради. Негаки, бошқалар эшита олмайдиган оҳангларни тинглар экан, бу унинг тафаккурини муттасил равишда безовта қиласи. “Бундай издиҳомда ухлаб бўлурми?!” – Дарҳақиқат, ижод ва ғафлат бир-бирига тамомила зид тушунчалардир. Ижодкорнинг огоҳлиги сири шунда. Шоирнинг бедорлиги сабаби шу. Бинобарин, ана шу фазилатларга эга бўлмаган одам ўзини ижодкор санашга ҳақли эмас – мана мутафаккир шоир концепцияси.

Турсун Алининг ўтган йили чоп этилган “Сайланма”сида ҳам янгича шаклий изланишларга анчагина мисоллар бор. Улардан биттасига тўхталамиз. Шоирнинг “Излар” деб номланган шеъри иккилик шаклида битилган. Бироқ, бу иккиликлар мумтоз адабиётимиздаги фардлардан фарқ қиласи. Масалан, мазкур шеър ўнта иккиликдан таркиб топган бўлиб, ҳар бири ўзича якунлангандек тасаввур уйғотади. Ҳатто зоҳиран улар бир-бирига боғланмагандек кўринади. Уларда мантиқий уйғунлик борлигини чуқурроқ мушоҳада этилсагина пайқаш мумкин.

Сөнгирнинг қўлига шам берма, дедим,
Ҳаёт кафгирига дам берма, дедим,
Мендан бошқасига ғам берма, дедим.

Ўзбекининг асл фитрати таъсирчан, ҳаётий образлар орқали ифодаланган бу мисраларда. Зоро, барчага эзгулик тилаш, ғам бўлса, факат ўзигагина сўраш – халқимизнинг хос фазилати. “Ҳаёт кафгири” истиорасида ҳам худди шундай теран мазмун мужассам.

Соядай қадамим пойлайди Гуноҳ,
Мени ўзимдан кўп ўйладиди Гуноҳ,
Нимага яшашга қўймайди Гуноҳ?!

Чинакам ижодкор бўлиш учун ўзини тафтиш қила билмоқ талаб этилади. Беҳзоднинг шеърларини нурлантириб турган хусусиятлардан бири ҳам худди шу. Юкоридаги учликда шоир ўз-ўзини тафтиш қиласди, руҳият тасвирини оз сўз воситасида бор кўлами, бор зиддиятлари билан ифодалай олади.

Умуман, поэтик шаклдаги янгиланиш ва изланишлар милий шеъриятимизда, назмий тафаккурда, бадиий-эстетик дунёқарашда муайян даражада ўсишга олиб келаётгани таҳсинга лойикдир.

4. Поэтик образлардаги янгиланиш. Образда янгиллик қилиш шаклдагига қараганда анча мураккаб. Лекин шеъриятнинг чин маънода юксалиши ана шу поэтик ҳодисага кўпроқ боғлиқ.

Устоз Абдулла Орипов ёзади:

Бир марта кўрганман,
Фақат бир марта,
Ойнинг ўроғига юлдуз қўнганин.

Замонавий шеъриятдаги ҳусни таълил санъатининг ёрқин намунаси! Гилоснинг қизариш сабабини шоир унинг ёрдан мактуб олгани билан изоҳлайди. Муҳаббат элчиси бўлгани учун унчалик суюкли бўлмаган қурбақа ҳам одамнинг кўзига жозибали, хушсурат бўлиб кўринади. Зеро, шеърнинг шеърлиги ҳам шунда: у одамда аввал туйилмаган туйғуларни пайдо қилиши, илгари ҳис этилмаган нафосатни уйғотиши зарур.

Кўхна арузда, кейинчалик бармоқдаги шеърларда ҳар бир ижодкор бетакрор талқин этишга уринган ишқ мавзуи янгича шаклдаги назмий асарларда ўзгача ифодаланаётгани ёшларнинг изланишлари самарали бўлаётгани исботидир. Мана, Шермурод Субҳон “Сокин сўз суврати” тўпламидаги тиниш белгилардан холи, шунга кўра бош ҳарфлардан мустасно машқларида ишқни қандай васф этади:

менинг ватаним қалбdir
ишқ – битмаган шеъrim
ҳаёт балки қаҳқaча
балки бир оҳdir
ишқsиз яшамoқ
менга гуноҳdir.

Ватан, ишқ ва ҳаёт ҳақидаги Шермуроднинг тасаввuri ўзгача ва буни у бўлакча бадиий талқин этишга уринади. Бироқ, унинг ишқsиз яшамoқ гуноҳ эканига оид хулосаси буюк салафлари қарашларига мутаносиб.

Беҳзод Фазлиддиннинг “Кутмаган кунларим, кутган кунларим” тўпламидаги учликлари маънонинг чукурлиги, истиоранинг оригиналлиги билан алоҳида ажralиб туради. Мана, шундай учликларидан бири:

бораётгани ҳақидаги поэтик хулосага келади. Яна бир эътиборли жиҳати, охирги “Ёмғирлар оралаб...” жумласидан кейинги уч нуқта орқали ўкувчига бошқача ечимга келиши учун ҳам имкон қолдиради.

Ҳол Мұхаммад Ҳасан “Сулувлардан сулувсан” тұпламидаги шеърларидан бирида Ватан тимсолини бу сүзни бирор марта ҳам құлламай туриб ёрқин бүекларда тасвирлай олган:

Замбурнинг заҳира ганжидан шириң,
аразқаш сулувнинг ранжидан шириң,
хур гүдак “инга”син авжидан шириң
хилқат бор –
Бир азиз. Бии-ир азиз...

Тан олиш керак, Ватанга нисбатан бундай ташибекни ҳали бошқа шоир құллаган әмас. Бундай охорли, ҳаётий, кишининг онгига, рухига Ватан мұхаббатини таъсирчан йўсинда жойлаб қўя оладиган образли тасвирни ижод қилиш учун катта маҳорат талаб этилиши аён.

Адабий мұхит шаклланиши истеъдодларнинг юзага чиқмоғи учун катта имконият демақдир. Ҳирот адабий мұхити миллий адабиётимизга малик ул-калом Мавлоно Лутфийни, ғазал мулкининг султони ҳазрат Навоийни берди. Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Қўон адабий мұхитларида етишиб чикқан шоирлар адабиётимиз равнақига катта ҳисса қўшгани маълум. Утган йили нашр этилган “Зарафшон мавжлари” альманахи Самарқандда бугунги кунда ҳам муайян ижодий анъаналарга эга адабий мұхит мавжуд экани далилидир.

Альманах ижодкорларнинг ёшига кўра тартиб билан тузилган. Уни мутолаа қилиш жараёнида воҳада тоза бир ижодий рух шаклланганини сезиш мүмкин.

Ойнинг ўротига юлдуз қўниши – табиатда камдан кам кузатиладиган ҳодиса. Шеърият муҳлисининг кўз ўнгидаги ёркин муҳрланадиган бундай образни қўллаш шоирдан инжа эстетик дидни, юксак бадиий маҳоратни талаб этади.

Ҳазрат Навоийнинг “Гаройиб ус-сифар” девонидаги газаллардан бирида мана бундай байт бор:

Заврақ ичра ул қуёш сайд айламас Жайхун аро.
Ахтари саъди хилол ичра кезар гардун аро.

Яъни улуг шоир қуёш юзли ёрнинг қайиқда Жайхун аро сайдишини Хилол ичидағи баҳт юлдузининг фалак бўйлаб айланиб юришига қиёслайди. “Хилол ичидағи баҳт юлдузи” – “ойнинг ўротига юлдуз қўниши” – булар айнан бир холатнинг икки хил бадиий тасвиридир. Яна бир муҳим фарқи: ҳазрат Навоий байтида табиатдаги бу ноёб ҳодиса воситасида ёр тасвири берилган бўлса, Абдулла Орипов шеърида миллатнинг толе юлдузи, саодат қамари порлаганига ишора қилинмоқда.

Абдулла Шернинг “Гул йиллар, булбул йиллар” сайланмасида “ёмғир” образига шу пайтгача кузатилганидан ўзгача маъни юкландган:

Ёмғирлар оралаб ўтади умрим,
Хар томчи – бир умр, ўзи бир дунё.
Ёмғирлар оралаб кузатаман жим:
Ювениб боради аста кир дунё, –
Ёмғирлар оралаб...

Шоир ёмғирнинг ҳар томчисини бир умрга, ўзига хос алоҳида бир дунёга ташбех этади. Натижада, бизнингча, ҳеч бир бошқа шоир ижодида кузатилмаган оҳорли умумлашмага – кир дунёнинг ёмғирда ювениб

Шеър образнинг ёрқинлиги билан шеър. Оҳорли ташбех, тутилмаган истиора назмни чиндан ҳам зийнатлайди. Қахрамон Норбоевнинг мана бу мисралари ана шу жиҳатдан чинакам бадиият ҳодисаси, дейишга лойик:

Уфққа санчилди ойнинг ўроғи,
Сомончи йўлида юлдуз янчилди.
Тун сочин сийпалаб қуёш тароги.
Анжир шафтолидай пўсти арчилди.

Тонг отиши жараёни ростакам гўзал бадиий шаклда ифодаланган бу мисраларда. Бу ҳол халқимиз ичида, гарчи даъвоси катта бўлмаса ҳам, Худо берган истеъдод эгалари борлигидан дарак беради. Шеърнинг давоми ҳам Қахрамон Норбоевнинг назмий салоҳияти анча юкори эканини кўрсатади:

Кувониб уйғонди болакай – борлиқ
Олтинранг матодан елкасида тўн.
Гўдакка зар либос этти-да тортиқ,
Оромга судралди мудраганча тун.

Мана бу поэтик хулоса, ижодкорнииг табиат ҳодисасидан жамият учун, унинг гултожи бўлган инсон учун зарур умумлашмалар чиқара олгани жиҳатидан ҳам алоҳида қимматга эга:

Бу яна оппоқ тонг – умримдан варак,
Нималар битилар – оқми ё қора.
“Кечадан бугуним бўлсин яхширок” –
Тонгга талпинаман шоир бечора.

Абдураҳмон Қодиров қаламига мансуб “Қодирийнинг башорати” шеъридаги мана бу мисралар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Энг сўнгги дамда ҳам ширин жон дея,
Иймон, эътиқодим мен сотганим йўқ.
Сохта шуҳрат дея, сохта шон дея,
Ҳақиқат юзига тош отганим йўқ.

Бу эътироф гарчи Абдулла Қодирий тилидан айтилган бўлса ҳам, муаммо аслида бугунги ижодкорнинг тутуми қандай бўлиши керак, ҳаёт ва ижод мезони қай бир асосларга таянмоғи зарур, тарзида кўйилгани жиҳатидан аҳамиятлидир.

Роҳила Аҳтамованинг шеърлари унинг ижодкор сифатида ўзига хос қарашларига, қатъий ҳаёт маслагига эга эканини кўрсатади. Шоира сояпарвар рангизиз ниҳолларни кўрганда куяди, мурғак дилдаги аламлардан изтироб чекади, кул босган виждонлардан хавотирга тушади. Нораста кўнгилни бозорга солган тамагир муаллим ҳолига ачинади, устоз шогирд учун илоҳдай бекам бўлмоғини орзу килади. Мана бу тўртлик ҳам унинг ижодкор ва шахс сифатидаги кредитосини кўрсатади:

Эшикларим қулфсиздир менинг,
Дилимга қулф солишдан қайтдим.
Топганимда буғдой нон кўйиб,
Топмаганда буғдой сўз айтдим.

Нуриддин Яҳёевнинг масаллари бу жанр мудом одам болаларига хос иллатларни муолажа қилишда давом этаётгани исботидир. “Таърифнома”, “Ўрмондаги тест” масаллари буни тасдиқлайди.

“Зарафшон мавжлари”даги ёш ижодкорлар машқлари шеъриятимизнинг эртанги кунига катта умидлар билан қараш мумкинлигини кўрсатади. Нигора Тошмуровованинг она-Ватанга муҳаббатини тоглар хавосидан ота сасини тинглаши, шамоллар соchlарини она каби силаши, чанқувузнинг сехрли созидан сархуш бўлиши сингари образли ифода орқали тасвиrlагани; Ҳилола Мўминованинг аёл руҳиятини ўзгача поэтик манзара орқали бера олгани, Муниса Расулованинг ҳаётга муҳаббат туйғусини қизғалдоқ тимсолида бетакорр талқин эта билгани бу фикрни тасдиқлайди.

Мен ҳозир йўлдаман
Бир ирмоқ бўлиб,
Оқиб боряпман
Орзуга тўлиб –

деб ёзади Самарканд университети талабаси Карима Ибрагимова. Зеро, орзуга тўла ёш юраклар – ёркин истеъдод эгалари миллий шеъриятимиз истиқболида улуғ дарёга айланиб, назм бўстонини бири-биридан тамомила фарқ қиласидиган, бири-биридан гўзал ва муаттар гуллар билан безашлари шарт.

Ўтган йили мазкур шеърий тўпламлардан ташқари “Оила – менинг кутлуг боғим” деб номланган ёшлар баёзи ҳам нашр қилинди. Ҳалқ шоири Иқбол Мирзо сўзбошиси билан чоп этилиб, 30 дан ортиқ ёш ижодкорларнинг шеърлари кирган баёз шеъриятимизнинг навқирон авлоди адабий-эстетик тафаккури, поэтик салоҳияти ҳақида муайян хulosаларга келиш имконини бериши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. Шеъриядда энг кўп куйланган Ватан мавзусини ўзига хос талқин этишга бўлган уриниш ёшлар назмининг истиқболига умид уйғотади.

Умрнинг ҳар лаҳзасини қадрлаш, муборак ҳадисда битилганидек, бугуннинг кечадан яхшироқ бўлмоғига интилиш – бу теран моҳият бетакрор бадиият уйғунлигида тасвирлангани шеърнинг ютуғини таъминлаган асосий омилдир. Охирги мисрадаги “Тонг” – бутун инсоният олдида турган буюк тонгга ишора.

Нафас Дўсановнинг мана бу мисралари ҳам образнинг ёркин экани, мисралар замиридаги мазмуннинг терапилиги билан илҳом маҳсули эканини эътироф этмоқ керак:

Яланғоч боғлардек кўнглимда ғулув,
Ёлғиз халоскорим дарддош суқунат.
Баҳорлар нақадар бўлмасин сулув,
Ўтиб бораётган куз ҳам ғанимат.

Инсон нима учун яралган? Унинг зиммасига қандай вазифалар юкланган? Одам болалари ана шу масъулиятни унутиб қўйгани йўқми? Эгамберди Султонов ана шу сингари фикр эгаларини мудом ўйлантириб келган саволларга жавоб излайди. Қониқарли жавоб топа олмагач, куйинади. Туйғуларини назмга солади:

Доно зикр қилмас эса,
Олим фикр қилмас эса,
Ҳеч ким шукр қилмас эса,
Мен ийғламай, ким йиғласин?

Гарчи йиги детали қўлланган бўлса ҳам, бу фикрлар бадбишлиқдан йироқ. Уларда пессимизм йўқ. Аксинча, доноларга, олимларга – барчага эслатма бор. Энг муҳими, бу эслатма қуруқ насиҳат тарзида эмас, халқона оҳангда, самимият изҳори ўлароқ ифодаланади.

хикмат тинглайди. Гулчехра Ашурова мурғак орзулари осмонга кўчганини изҳор этса, Мехриноз Аббосова:

Майда дардлардан ҳам асранигил, юрак,
Катта шеъриятни сол дилистонга.
Катта мақсад, катта қадамлар керак
Катта йўлга чиққан Ўзбекистонга –

дэя ижод йўлини муайянлаштиришга ҳаракат қиласди.

Янабирэътиборгамолик жиҳати, ёшижодкорларнинг баъзиларида образли тафаккурга, чукур мазмун ва гўзал таипбехлар уйғунлигига интилиш фазилати қўзга яққол ташланади. Жумладан, Юлдуз Зоированинг мана бу мисралари ушбу фикрни тасдиқлайди:

Кеча баҳт аллалаб юради мени,
Йигласам, бошимни силарди осмон.
Еллар тебратарди беланчагимни,
Юлдузлар қўзмунчоқ тутади ҳамон.

Корақалпоғистонлик Сарвиноз Мусатдинованинг Оролга мурожаат этиб ёзилган шеърида она-заминнинг ана шу бўллагига муҳаббат ва унинг қисматидан туғилган дард ёркин ҳамда таъсирчан образ воситасида бадиий талқин этилади:

Не қиласай, тўлмасанг қўзим ёшига,
Соҳилингга келган барча ошиғ-а.

Тўғри, бу ёшларнинг барча машқлари ҳам тўқис эмас. Улар ижодида ёркин мисралар учрайди, бирок чинакам тугал шеърларни топиш қийинрок. Шунинг ўзиёқ бу навқирон истеъдодларимизнинг ҳали мутолаа меҳнати, шеър заҳмати, ижод машаққати сингари

Нозиккина елкаларимда
Кўтараман Ватан юкини, –

деб ёзади Зулфизар Мухаммадисоқова. Ватанни васф этар экан, Кумуш Ўсарова “ҳатто тикони ҳам оғритмас жонни” деган оҳорли ифодани қўллайди.

Ижодкор олдидағи масъулиятни ҳис этиш, “буюклар каҳкашонида” (Абдулла Орипов таъбири – Н.Ж.) ўз йўлини излаш сезилаётгани ёшлар шеъриятининг келажаги ҳакида муайян тасаввур уйғотади. Жумладан, Жавлонбек Матназаров:

Мукаммал бир маъдан изладим,
Дард изладим ҳеч чекилмаган.
Ер изладим, минг йил куч олиб,
Бир бора ҳам гул экилмаган, –

деб ёзар экан, ўзининг ҳаётий ва ижодий йўналишини белгилааб олишга интилади. Ривож Ўтарбоев эса, эрка шамолларга мурожаат этиб, сўз излаш ҳаётий аъмолига айланганини изхор қиласиди: “Айтинг азиз онамга бориб, Шоир бўлар сизнинг болангиз, Сўз излайди тунлар ўртаниб”. Баҳодир Баҳром бойчечак тимсоли орқали орзуларнинг пок бир йўлига отланганидан дарак беради:

Чиққим келди орзуни бошлаб,
Бойчечакнинг истиқболига, –

Зулфия мукофоти совриндори Юлдуз Зоирова “Камалак рангига қалам ботириб, Ҳаётнинг расмини чизаман кўпроқ”, дея ижодда оригиналликка интилаётганидан дарак берса, ана шу давлат мукофоти соҳибаси Дилрабо Норкулова азим чинор япроқларидан

МИЛЛИЙ РУХИЯТ ЖИЛВАЛАРИ

Моҳиятан умуминсониятга дахлдор бўлса-да, адабиёт миллий шаклда намоён бўлади. Ўзида миллатнинг руҳини ифодалайди. Бу хусусиятлар шеъриятда, айниқса, яққолроқ бўй кўрсатади. Замонлар ўрин алмашаверади, тафаккур, тахайюл эврилаверади, шеъриятда сурат – шакл янгиланаверади... Бундан қатъи назар, ҳар қандай ҳолда адабиётнинг, шеъриятнинг даражаси икки мезон – миллий рух ва маҳоратга кўра белгиланади.

Ўтган 2013 йил ҳам шеъриятимиз учун ютуқларга бой келди, дейиш мумкин. Беш жилдли “Озод Ватан саодати” антологияси нашрини йилнинг эътиборли ҳодисаси сифатида баҳолаш зарур. Антологиянинг биринчи жилди мустақиллик даври шеъриятига бағишиланди. Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари адабиётимизнинг улкан намояндалари асарлари билан очилган антологиядан 110 шоир ижоди намуналари ўрин олди. Ушбу нашрга катта авлод шоирлар билан бир қаторда Икром Исқандар, Хосият Рустамова, Файрат Мажид, Гулжамол Аскарова сингари ёш ижодкорлар асарлари киргани миллий шеъриятимиз ривожига навқирон истеъдодлар ҳам муносиб ҳисса кўшаётганидан дарак беради. Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг уч шеърий тўплами нашр этилгани ижодкор хотирасига кўрсатилган муносиб ҳурмат самарасидир.

довоңлардан ўтмоги зарурлигини күрсатади. Шундан кейингина улар улуг ижодкор салафлариға муносиб издош бўлишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган иили чоп этилган шеърийтўпламлартаҳлили, биринчидан, шеъриятимизда мумтоз бадиият сарчашмаларидан баҳрамандлик, хусусан кўхна арузга мурожаат сезиларли даражада кучайганини күрсатади. Иккинчидан, миллий руҳиятни халқона оҳанглар орқали тасвирлашга интилиш ортиб бораётир. Учинчидан, поэтик шакл ва поэтик образда муттасил равишда янгиланиш жараёни кечмоқдаки, бу ҳол янгиланаётган адабий-эстетик тафаккур ҳосиласи экани билан алоҳида аҳамиятга эга. Тўртинчидан, ижодий жараёнида муайян адабий мухитларнинг ўрни ва мавқси бир қадар кучаймоқда. Бешинчидан, ёшлар шеъриятида устоз шоирлар ижодий лабораториясини ўрганиш, назмда улар яратган мактаб анъаналарини давом эттириш, шунинг баробарида ўз овозига эга бўлиш йўлида мунтазам изланиш олиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Энг мухими, айрим халқлар адабиётида орзу ва идеалларнинг майдалашуви, ҳатто инқизорзи кузатилаётган бугунги глобаллашув жараёнида бизнинг шеъриятимизда кечётган тенденциялар ва янгиланишлар инсонни комил, жамиятни мукаммал кўришдек эзгу гояга хизмат қилаётир. Шунинг ўзиёқ миллий шеъриятимизнинг, адабиётилизнинг эртанги кунига катта умидлар билан қарашга асос беради.

Оймомо пойлайди тун бўйи гирён,
Кириб кетмасин деб ернинг қўйнига.

Бунда оймомо – она тимсоли, оппоқ бўйнига дур такиб олган Зухро эса – бўй етган қиз. Оймомонинг тун бўйи гирён пойлашидан мурод – Зухрони ернинг қўйнига киришдан асрани. Ана, онанинг бедорлиги сабаби нимада?! Бўй қизининг иффатини, шаънини ҳимоя қилиш – ўзбек онаси учун ҳаёт-мамот масаласи. Шеъриятимизда шу кезгача Оймомо ва Зухро образлари орқали миллатимизга хос ушбу фазилатни бу қадар ёркин, бунчалик таъсирчан ифодалаган бошқа шеър учрамайди.

Шеърдаги мана бу мисралар эса, шоирона тахайюл, шоирона тафаккур маҳсули экани билан алоҳида ажралиб туради. Тасаввурингизда шундоқ гавдалангандасвир жозибасидан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ:

Сомончи йўлида ғафлатда қолиб,
Молидан айрилган Миррихга бок-чи.
Бир сурув эчкини олдига солиб
Чангитиб кетмоқда етти қароқчи.

Шоир фикрича, юлдузлар ҳаёти бағоят қизиқ. Улар ҳаётининг маъноси – самовий парвоз. “Бири куйлайвериб кетгандир қизиб, Бири тинглайвериб қотгандир музлаб”.

Табиат ҳақида ёзадими ёки самовий жисмлар хусусида фикр юритадими, инсон кечинмаларини тасвирлайдими ёки турфа туйғуларни қаламга оладими, Абдулла Ориповнинг кўз ўнгидаги ҳар доим Ватан тимсоли туради. Шеърларидаги миллий рух қалбингизга

Ушбу маколада 2013 йилги шеърий тўпламларга хос етакчи тамойилларни ажратиб кўрсатишга, шу асосда фикр юритишга ҳаракат қилдик. Хўш, бу тамойиллар нималарда кўринади? Биз уларни шартли равишида тўрт гурухга ажратдик: 1) миллийлик; 2) поэтик тил меъёри; 3) образлилик; 4) туйғунинг самимилиги тамойиллари.

1. Миллийлик тамойили. Миллийликдан холи бўлган туйғу таъсир кучидан айрилади. Миллий руҳдан мосуво тафаккур бамисоли қанотсиз қушга менгзайди. Шунга кўра, миллийлик – шеъриятнинг асосий тамойилидир. Таъбир жоиз бўлса, жаҳон адабиёти кўригига ўзбек шеъриятини ажратиб кўрсатувчи етакчи хусусият, ўзгалардан фаркини намоён этадиган бош белги бу – миллий руҳдир. Шунинг учун ҳам, “Халқнинг ўлмас руҳиятини, қадриятларини, миллий ўзига хослигини ва ниҳоят, бебаҳо тил бойлигини мужассам эта олган ҳакиқий ижод намуналаригина яшашга ҳақли”, деганда устоз Абдулла Орипов ҳак.

Ушбу тамойил ўтган йилги шеърий тўпламларда ўз ифодасини қай даражада топди?

2013 йили Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов “Танланган асарлар”ининг 7-жилди нашрдан чиқди. Аслида тўпламдаги ҳар бир шеърни мазкур тамойилга мисол ўларок келтириш мумкин. Жумладан, “Майданак” шеърида ифода ҳам, тасвир ҳам, образ ҳам, ташбех ҳам – барча-барчасида миллийлик яққол намоён. Фалвали заминга эл бўлолмай, осмонга учмоқни орзу қилган ватандошини шоир Майданакка таклиф этади. Зеро, унинг таъбирича, бунда коинотнинг ҳарамларига дурбин билан назар солмоқ имкони бор.

Ана, тонг юлдузи – Зухро нурафшон,
Дур тақиб олибди оппоқ бўйнига.

Күёшдан уялмоқ, ойдан уялмоқ
Қайси наасабда бор, кимнинг наслида?..
Ҳаёга суюнмоқ, орга таянмок
Худо берган давлат экан, аслида.

Ўзбекни бошқа миллатлардан ажратиб турадиган фазилатлардан бири ҳаёдир. У наинки атрофидаги одамлардан, ҳатто қуёшу ойдан ҳам ҳаё қила билади. Шоир таъбири билан айтганда, бу халқимизга Худо берган давлат, Яратганинг марҳамати. Шу боис ўзбек ювуқсиз қўл билан, кир-чир дил билан оқшомга киришдан хижолат чекади; ғараз ният билан, эгри йўл билан тонгларга боришдан ўзини тияди. Мана бу бадиий умумлашмада эса, момолар тимсолида миллатнинг номуси, асл табиати, руҳияти тажассум топганини кузатиш мумкин:

Тонгнинг ўз руҳи бор, ишонаман мен,
Уфқларда сездим шомнинг руҳини.
Кўрдим момоларим номусида мен
Осмон устунини, Ернинг ўқини.

Яъни шоир чиқарган поэтик хулосага кўра, мабодо номус, ҳаё, ор сингари туйгулар завол топадиган бўлса, Осмон кулайди, Ер ўз меҳваридан чиқиб кетади. Бу мукаммал коинот ана шундай қадриятлар эвазига барҳаёт ва устувордир. Шеърда бу фикрлар очиқ айтилмаган, улар тагматидан англашилади. Зеро, шоирнинг шоирлиги ҳам шундаки, у айтмасдан айтади, ботин тили билан сўзлайди. Шеър шунинг учун ҳам шеърки, унда бир вақтнинг ўзида бир қанча маъно ифодаланмоғи мумкин. Уларни англаб етиш, ҳис этиш эса ўқувчига тан.

кўчганини сезмай ҳам қоласиз. “Майданак” шеъридаги мана бу мисралар бунинг исботидир:

Энди жиддий туриб бу ёнга қара,
Фалакда кўринар иккита оқ қанд.
Бири “Ўзбекистон” деган сайёра,
Бирорининг эса номи – “Самарқанд”.

Шеърнинг поэтик хулосасида ҳам миллий ифода, миллий рух, миллий талқин мужассам. “Агар мағиз бўлсанг, олам бир данак” ташбеҳи ана шу миллийликка ёрқин бир далилдир. Бундай мисралар шунчаки ўйлаб топилиши маҳол. Улар қуиилиб келади; яхлит ҳолда, бир бутун тарзда туғилади:

Мана шу томоша етар сен учун,
Агар мағиз бўлсанг, олам бир данак.
Хис эт Улугбекни, хаёлнинг кучин,
Парвоз майдонидир сенга Майданак.

Эшқобил Шукурнинг “Кўз юмиб кўрганларим” китоби номиданоқ ростакам поэзияни ҳис этиш мумкин. “Кўз очиб кўриш” шаклидаги халқона иборадан хабардормиз. Кўзни юмганда эса, Румиёна талқин бўйича, кўнгил кўзи билан кўриш имкони кучаяди. Шунга кўра, тўпламнинг топиб қўйилган номида теран фалсафа мужассам.

“Тонг ила шом” шеъри миллий рухнинг ўзгача талқини билан алоҳида ажралиб туради. Шоир момоларнинг тонгдан уялиш, шомдан ҳаё қилиш ҳақидаги ўгитларини эслайди. Саҳар кушлари-ла уйғониб, шафакларга боқиб ўйланган кезларини ёдга олади. Мана, бу мисралар эса, миллий рухнинг чинакам таъсирчан ифодасидир:

Бобосининг белбоғин –
Адолатнинг байроби қилиб,
“Ҳалол, ҳалол!” дея, рақибин,
Курагини ерга босган полвон –
менинг Ватаним!

Шоира Ватанин куруқ мадҳ этиш йўлидан бормайди. Унинг жонли тимсолини шундок кўз олдингизга келтириб қўя қолади. Бу тимсол – кўнгилга нақадар яқин: заҳматкаш, қўли гул, ёз чилласи дошкозонида қовуриб, гармседа совуриб шимолга шафтоли тутган боғбон, бобомерос белбоғиниadolatnинг байроби қилиб кўтарган, рақибининг курагини ерга босган полвон. Демак, Ватан қандайдир мавҳум тушунча эмас, у – сиз, у – мен, у – она халқимиз. Аслида, шеъриятнинг асл мақсади ҳам, шоирликдан мурод ҳам ана шу туйғуни пайдо қила билишдир.

2. Поэтик тил меъёри тамойили. Бу тамойил шеърни шеър қиладиган асосий шартлардан. Зеро, сўзни хис қилмасдан, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмасдан, уни ўринли ва тежаб қўлламасдан туриб шеър хусусида сўзлаш ўринсиз. Кўпсўзлик адабиётни сийқалаштиради. Муайян воқеани қофияга солиб почор савияда қайд этиш ҳали шеър бўлолмайди. Поэтик тил бадииятнинг юқори даражасини ҳам, оз сўзга кўп маъно юклаш заруратини ҳам, мисраларнинг табиий оҳангини ҳам – барча-барчасини ўз ичига олади. Бусиз шеърининг савияси ҳақидаги ҳар қандай сўз ортиқча.

Абдулкарим Баҳриддиннинг “Томчили” тўпламида мазкур тамойилга мисол бўла оладиган шеърлар кўп. Мана, шоирнинг ана шундай тўртликларидан бири:

Ўтаётган ҳар бир дамни қадрлашга, уни неъмат деб билишга, ғафлат билан ўтказмасликка ундаш улуғ мутафаккир аждодларимиз энг кўп эътибор қаратган мавзулардан. Шоира Фарида Афрўзининг “Ўша кун бугундир” номли сайланмаси сарлавҳасига чиккан шеъри ана шу руҳда. Бирок, бу шеър зинхор мумтоз шоирларимиз асарларини такрорламайди. Гарчи мавзуда муайян мутаносиблик бўлса-да, шоира шеърида шакл ҳам, талқин ҳам ўзига хос, охорли экани билан алоҳида ажralиб туради:

Эртани ўйламоқ сен учун эмас,
Ўтганга йиғламоқ сен учун эмас,
Жазони қўлламоқ сен учун эмас,
Умр асли бир кундир,
Ўша кун –бугундир.

Танланган янги шакл (мисраларнинг зинапоя тарзида келиши), лахзалар шукри-ла яшаш, умрнинг ҳар онини ганимат билиш ҳақидаги шоира бадиий умумлашмаси бағоят таъсирчан. Тутилмаган ташбеҳлар, теран мазмун ва сирли рух уйғунлиги шеърнинг бадиий қувватини, поэтик жозибасини таъминлаган.

Шоиранинг бошқа бир шеъридаги мана бу мисраларида эса рух – миллий, образ – миллий, ташбеҳ – миллий:

Ёз чилласи дошқозонида,
қовурдоқдек қовуриб,
гармселда совуриб,
шимолга шафтоли тутган боғбон –
менинг Ватаним!

Бундай нафис шеърлар, тутилмаган ташбехлар, охорли талқинлар кўп экани тўпламнинг асосий ютуғидир.

Вафо Файзуллонинг “Азалий ғусса” шеърлар тўпламининг номидаёқ чинакам поэзия мужассам. Тўгриси, ундаги шеърларни мутолаа килиш анчайин оғир, гуссанинг зўрлигидан юраклар эзилиб кетади. Бирок, аён бир ҳақиқат шундаки, шеър факат қувончдангина тугилмайди. У ўқувчи кўнглини гоҳо изтироб ва андух оловига ташлайди, гоҳо ғаму андуҳ қозонида қовуради. Баъзан қайғу булоқлари воситаси ила бўлсин, кўнгил кирларини ювади. Мана, бу мисралар ҳам ана шундай изтироб ҳисси билан йўғрилган:

Иссиз чечакларнинг кўпини кўрдим,
Ҳаёсиз ғунчалар ундан зиёда.
Негадир келадир гоҳо хўрлигим,
Бахтсизликсиз яшаб бўлмас дунёда.

Мухими, шеърда теран мазмун ва юксак бадиият уйғунилиги кузатилади. Фалсафий тафаккур устунлик қиласи. Ортиқча бирор сўз учрамайди. Ҳеч бир ўринда таҳрирга эҳтиёж сезилмайди.

Ўроз Ҳайдарнинг “Фалак фаввораси” тўпламидаги шеърларнинг аксари поэтик тил меъёри жиҳатидан талаб даражасида. Мана бу мисралар мутолаасидан кўнгил ёришиб кетади. Сабаби, образли тафаккур ва ҳалқона оҳанг теран мазмунни гўзал бадиий шаклда ифодалаш имконини берган:

Куёшнинг саватидан
Бойчечаклар сочилсин.
Юрак ёруғ севгидан
Атиргулдек очилсин.

Шамол, куйла кўзимда!

Дарвешга дедилар: “Устингга қара,
Йиртиқ-ямоқ кийим, жанда хирқатинг!”
Дарвеш деди: “Дилни поклаш-ла бандман,
Устимни безашга йўқдир фурсатим”.

Дарҳақиқат, барча замонларда ҳам аҳли диллар – маърифат аҳли асосий эътиборни кўнгил поклигига қаратган. Зоҳирига зеб бериш билан овора бўлиб, ботинни ҳароб қилиш жаҳолат белгиси саналган. Ана шу туйғунинг бетакрор бадиий талқини шеърнинг ютуғини таъминлаган асосий омилдир. Яна бир муҳим жиҳати, унда наинки сўз, ҳатто бирорта тиниш белгиси ҳам ноўрин кўлланмаган.

Салим Ашурнинг “Титроқ” назмий тўплами мутолаасидан кўнгилларда тоза шеър титроғини туясиз. Шоирнинг бадиий-эстетик диidi шеърдан шеърга ўсаётганини ҳис этасиз. Жумладан, мана бу мисралар асло тўқилмаган, куйилиб келган:

Шаббода бир патни тутиб келтирди,
Севгининг номидан мактуб келтирди.
Хар сўзда чиройли бармоқ изи бор,
Хар сўзнинг ёнида гул илдизи бор.
Сўз эмас, лабларда таралган нафас,
Лаб эмас, бир қалбда яралган нафас.
Нафасмас, бир дилнинг тубидаги ух,
Ух эмас, кўкракда эриган андух...
Нукрамас, томокда тебранган бир воҳ,
Воҳ эмас, пардан ҳам енгилроқ бир оҳ...

Бу сатрларни ўқир экансиз, шаббода севги мактубини шоирга эмас, сизга келтиргандек, ҳаяжонга тушасиз. Кўнгил дунёнгизни нафис бир туйғу эгаллайди. Зеро, асл шеър ана шундай бўлиши керак, ўз муҳиби қалбига, шуурига, руҳиятига нур олиб кириши керак.

хочини, киприкларида осмону заминни кўтариб юргувчилик ҳам улар. Дунёни аччиқ севишлари сабаби шунда. Энг ачинарлиси, улар дунёда яшаётганлари йўқ, “Ўнг келмас тушларни кўраётирлар”. Мана бу бадиий умумлашма эса, шоирликнинг юки нақадар залворли экани ҳакидадир:

Шоирлар – оламнинг дилгир юраги,
Дунё – кўхна напрач, тураверади.
Шамол ва шоирлар руҳи тирикдир,
Дунёнинг юраги ураверади.

3. Образлилик тамойили. Образлилик – шеъриятнинг муҳим шарти. Зеро, образ тасвирга жон бағишилайди, поэтик жозиба бахш этади. Образсиз шеър бамисоли руҳсиз тандир. Чинакам шеърда чуқур мазмун оҳорли образ воситасида ифодаланади. Образ тимсолида намоён бўлмас экан, шеърнинг оддий хабардан фарқи қолмайди.

Устоз Абдулла Орипов “Танланган асарлар”и 7-жилдидаги “Кема” шеъри образлиликка ёрқин тимсол бўла олади. Тасаввур қилинг: денгиз уфқида гоҳ калқиб, гоҳ ғойиб бўлиб юзаётган; фурсат-бафурсат катталашиб, шакли-шамойили аникроқ намоён бўлаётган кема соҳилга тобора яқинлашиб келаётир. Бу кема шунчалар улканки, ваҳший тўлқинларни енгиб ўтолган, бўронларга қарши елкан кўтарган, туманлар қаърига сингиб йўл топа олган. Шоирнинг асл муддаоси мана бу поэтик холосадан англашилади:

Биз ҳам кема янглиғ сузгаймиз борҳо,
Ноаён эрурмиз бизлар ҳам дастлаб.
Елкандек тортилса туйғулар гоҳо,
Жисмимиз гоҳ балқар, гоҳ кетар пастлаб.

Шоирнинг “Тун ҳақида кўшиқ” шеъри ҳам поэтик тасвирнинг қуюклиги, ташбеҳларининг оҳорли экани, ўзга ижодкорларни такрорламаслиги билан алоҳида ажралиб туради:

Ой тангасин йўқотган қўқда
Сўниб борар юлдузлар шами.
Тун қайгули адашган киздай,
Келмас унга ҳеч кимнинг раҳми...

Йўқотгандир ранглар либосин,
Дилисиёҳ сойлар титрар жим.
Саф тортганча дараҳтлар сассиз,
Зулмат сари бошлайди ҳужум.

Шодмонкул Салом поэтик тил меъёрини, унинг назмдаги мавқеини теран ҳис этадиган шоирлардан. “Борлигини билганлар” тўпламидаги шеърлар бунинг ёркин исботидир. Шеърият – бу фантазия демакдир. Чинакам шоирнинг хаёлот олами кенг бўлади. У муайян мавзуга ҳеч ким ўйламаган ракурсда ёндаша билади. Шу боис Шодмонкулнинг шоирларнинг “насаб”и ҳақидаги мана бу мисралари ҳеч кимга малол келмайди. Шоир ростдан ҳам ўнчандай эканига одамни ишонтиради:

Шоирлар – шамолнинг авлодлари, иштироб туфайли ерга боғланган.
Мангу согинчларнинг қанотлари, ҳеч ким куймас ўтда алар доғланган.

Бугина эмас. Шоирлар “кўп хиргойи бўлган эсада, айтилмаган ғусса қўшигининг давоми”. Ҳайрат дарчасидан бокқан кўзларга муҳрни ҳам улар босган. Елкаларида ҳазрат Исо алайҳиссаломнинг ҳасрат

Ҳа, демак,

Ҳа, демак

ШЕЪР келяпти, ПҮШТ-ПҮШТ!

Йўлдан қочинг, ПҮШТ-ПҮШТ!

Гулдирак мисол бир товуш келиб, тоғу тошларни сел олиш хавфи туғилса, томоққа йиғи тиқилса.... Ижодкорнинг ичида бир олов ёнса, бир оловки, қуёшга эгиз, одамзорларда ёнғин хавфи туғилса... Шоирнинг ичига осмондан ой тушса, бир ойки, ишқдай мулойим, ерлик ғамларнинг тугаш хавфи пайдо бўлса... ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, ШЕЪР КЕЛЯПТИ.

Ана, илхом деганлари қандай суратларда намоён бўлиши мумкин. Образлиликнинг кучи шундаки, у исталган мавҳум ҳодисани ҳам кўз ўнгингизда намоён этишга қодир.

Эшқобил Шукур назмий тўпламида ёрқин образларга бой бўлмаган шеърни топиш қийин. Шоирнинг мана бу мисралари ҳам ушбу фикрни қувватлайди:

Қизгин қизғалдоклар кафтида ўсдим,

Ёнаётган музнинг тафтида ўсдим,

Бир жуфт кабутарнинг кифтида ўсдим...

Метафораларга бой бундай мисралар миллий шеъриятимизда поэтик тафаккур ўсаётганидан, она тилимизнинг ифода имконияти кенгаяётганидан дарак беради. Бунга ҳисса қўша олиш ижодкорнинг салоҳиятини кўрсатувчи ўзига хос мезондир. Оҳорли фикр талқинида маънонинг поэтик кўчишига асосланилган мана бу мисралар ҳам бадииятнинг баланд намуналариdir:

Буюк уммон эрур ўзи бу олам,
Чорлар одамзодни соҳиллар васли.
Тўфонларни енгиги сузаркан ҳар дам
Кемага ўхшайди Ватан ҳам асли.

Оlam буюк уммонга, она Ватан эса не-не тўфонларни – хатарли ҳолатларни енгиб, орзу соҳилига яқинлашаётган кемага ташбех этилмоқда. Бу кемада гоҳ балқиб, гоҳ ноаён, гоҳо туйгулари елкандек тортилиб юзаётганлар эса, сизу бизмиз. Нурли истиқболга, буюк келажак манзилига йўл олган Ватан тимсолини бу қадар ёркин образда, бунчалар таъсирчан тасвирилаш ҳар қандай ижодкорнинг ҳам ҳадди эмаслиги аён. Бадиий жиҳатдан юксак, ёркин образ ва теран фалсафий тафаккурга асосланган бундай шеърлар ҳар куни ҳам яратилавермаслиги кундай равшан.

Шоирлар, ижодкорлар, адабиётшунослар энг кўп фикр юритадиган мавзу – илҳом. Не-не шоҳ асарлар яратилишининг бош сабабчиси бўлган бу илҳом деганлари нима ўзи? Унинг саҳти-сумбатини, қаддиқоматини бирор марта бўлса ҳам кўрган одам борми? Бунинг учун юксакликка – фазога учиш ёки узок денгиз сафарига отланиш шарт эмас, Фарида Афрўзнинг “Шеър келяпти, пўшт, пўшт” шеърини ўқисангиз бўлди, илҳомни кўрасиз-кўясиз.

Ичимга...

ичимга....

ичимга зилзила киряпти,
зилзила киряпти, титроқ беаёв....

Вулқоннинг хавфи бор,
бемаврид, бежо,
Бир тошқин келяпти....

Мана бу сатрларда эса, теран ҳаёт фалсафаси ҳам,
охорли поэтик образ ҳам, аниқ ўлчамли ритм ҳам
мужассам эканини кузатиш мумкин:

Бошида кўтариб турган эди у,
Аллалаб бағрида парвариш этди.
Япроқлар жонини бахшида айлар –
ташлайди ўзини дарахт пойига.

Мисралар тагматнидан англашилганидек, шоир да-
рахтни онага, япроқларни эса унинг болаларига ташбеҳ
этади. Дарахт – она бошида кўтариб, аллалаб парвариш
этгани туфайли кузги япроқлар – зурриёдлари унинг
пойига бош ураётир. Ҳаёт фалсафаси ва поэтик жозиба
ана шундай уйғунлашган ҳолдагина чинакам шеър
дунёга келади.

Бугун шеъриятда янгидан-янги назмий шаклларга
рагбат кўрсатилмоқда. Учлик, бешлик (табиийки, бу
бешлик мухаммас эмас!), ҳатто геометрик шакллар ҳам
шеъриятга дадил кириб келаётир. Шундай бўлишини
ҳазрат Алишер Навоий қарийб олти юз йил муқаддам
ҳам билган. Улуғ мутафаккирнинг афоризмга айланиб
кетган:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур, –

деган фикрлари буни тасдиқлайди.

Демак, маънидан айри бўлса, ҳар қандай гўзал шакл
ҳам ўзини оқлай олмайди. Бошқача айтганда, жозибали
бадиий либоснинг ичи бўм-бўш бўлмаслиги керак.
Бетакрор шоиримиз Зокиржон Фурқат таъбири билаан
айтганда: “Сухан раъноси назм либоси бирла зебо
кўрунур бўлғай”.

Махлукдан малаклик изладим күпроқ,
Кошимда инсондай гуллади тупроқ,
Құлим қанот бўлди, кўзларим чироқ...

Икром Искандарнинг “Фасллар оҳанги” тўпла-
мидаги “Кузги япроқлар” туркуми образлиликка ёрқин
мисол бўла олади. Туркумдаги шеърлар куз манза-
расини ўқувчи кўз ўнгига якқол гавдалантиради. Куз
тунидай узайиб бораётган фироқ сабабидан йўлакда
япроқдай сарғайган умид, шамол салтанатида айрилиқ
куйига ўйин тушаётган япроқлар... Бундай таъсирчан
манзарадан кўнгилга ҳазинлик инади. Мана бу мисралар
эса, сўзга охорли поэтик либос кийдирилгани, оз сўз
замирига кўп ва залворли маъно юклангани билан
алоҳида ажралиб туради:

Қаранг, манов япроққа,
мўйсафиддек ёнбошлар
иссиқ тўшак –
тупроққа.

Бунда шакл ҳам, мазмун ҳам мутаносиб. Биргина
“тупроққа” сўзининг бир мисра қуидан ўрин олишида
ҳам, мўйсафиддек ёнбошлаган япроқнинг дараҳт
шохидан – юксакликдан тубанга тушишига нозик
ишора бор.

Йўлакда хижжалаб ўқир шабада
япроқларнинг
узук-юлуқ
хатини

Сўз орқали ҳам муайян манзарани бамисоли рассомдек
якқол тасвирлаш мумкинлигига далилдир бу мисралар.

ларни ўринли қўллай билиш ижод намунасининг савиясига қўйиладиган талабларнинг айримлари, холос. Агар шеърда туйғулар рост ва самимий бўлмаса, кўнгилларга етиб бора олмайди. Бу борада ҳам ҳазрат Навоийнинг ўйтларига муҳтожмиз. Буюк мутафаккир:

Нукта сув янглиғ эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни –

деганда айнан туйгунинг рост ва самимий бўлиши зарурлигини назарда тутган эди.

Ўтган йилги тўпламларда ана шу тамойилга мувофиқ келадиган шеърлар кўп экани шеъриятимизнинг мудом ўсишда, ривожланишда эканидан далолат беради.

Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимнинг “Уйингизга совчи боради” тўпламига кирган “Баҳор экан-да” шеърида ифодаланган туйғулар самимияти ўқувчи кўнглига беихтиёр кўчади. Унинг қалбida баҳор шавқини, кўклам суурини пайдо қиласди:

Дўстим, тонгда туриб боғларга йўл ол,
Бир чимдим уйқунинг баҳридан кечиб,
Қара,
Лола юзи ёнмоқда ял-ял –
Субҳидам шудрингдан шаробдек ичиб...

Шоирнинг маҳорати шундаки, у баҳор тасвирини ҳаётий мисоллар, таъсирчан образлар, тутилмаган ташбеҳлар воситасида талқин этади.

Борликда гуркираш,
Борликда яшиш.
Гул жамол кўрсатди ҳатто.... тиканда!

Салим Ашурнинг учликлари наинки шакл ва маъни мутаносиблиги билан, образнинг ёрқинлиги билан ҳам ажралиб туради. Бир-икки мисол:

Тошни ёрди тар чечак,
Сувга борди ҳар чечак,
Сирлар гуллар бу кеча.

Шоир бу туркумга “Қадим оҳангларда” дея изоҳ беради. Дарҳақиқат, улар мутолааси “Девону луготит-турк”даги қўшикларни ёдга солади:

Тепаликлар пастида
Баҳор ҳали расида.
Қиши изғийди қасдида.

Шаклий изланишларнинг бундай муваффақиятли намуналарини бошқа шоирларимиз ижодида ҳам кузатиш мумкин. Бундай ижод намуналаридан айримларининг қадими, мустаҳкам пойдеворларимиз усттига қурилаётгани, айниқса, эътиборга моликдир. Бу йўлга рағбат кўрсатаётган ёшларимизга устоз Абдулла Ориповнинг мана бу сўзларини эсдан чиқармаслик тавсиясини берган бўлар эдик: “Нега “энг янги шакллар” жаҳон бадиий тафаккурида муҳим зина бўлолмаётир. Бунинг сабаби оддий ва соддадир. Яъни ўз-ўзича шакл ҳеч нарсани англатмайди. Либос нисбийдир, факат рух ва маъно моҳиятни белгилайди. Адабиётдаги шаклий изланишлар ниҳоятда зарур. Лекин у нечоғлик замонавий ва илгор бўлмасин, почор истеъодни таназзулдан асрраб қоломайди”.

4. Туйгуанинг самимийлиги тамойили. Шеър техникасининг пухта эгаллангани, метафора ва ташбех-

Болалик ҳақидаги бу шеър шоиранинг ижодий салоҳиятидан, ундан баланд савиядаги шеърлар кутишга ҳақли эканимиздан далолат беради.

Юсуф Зиёднинг “Рухият манзаралари” тўпламидаги шеърлар асосан муҳаббат мавзуида. Мана бу самимий изҳорлар эса, инсон ва унинг моҳияти ҳақидаги фалсафий мушоҳаданинг назмий талқини ўларок дунёга келган:

Кун келиб узилса умр – жон япроқ,
Кўзим қарогидан жой олса тупроқ.
Билмадим, ортимда нелар қолади,
Гуноҳми, савобми, қай бири кўпроқ.

Фикрлайдиган ҳар бир одам ҳаётининг муайян босқичида ўтаётган умрини сарҳисоб қилишга эҳтиёж сезади. Яхши ном қолдира оляпманми, қаңдай савоб ишлар қилдиму, қай хатоларга йўл қўйдим, дея ўйланади. Бу табиий ҳол, албатта. Бундай самимий туйғу гўзал бадиий шаклда мисраларга кўчса, таъсири янада кучлирок бўлади. Ушбу тўртлик бунинг исботидир.

2013 йилда, булардан ташқари, ҳазрат Навоийдан бугунги ёш шоирларимизгача кўплаб ижодкорларнинг она ҳақидаги шеърларидан таркиб топган “Онажон” тўплами нашр этилди. Бу ажойиб ғоя музаллифларига, тўпловчи Ашурали Жўраевга раҳматлар айтишга бурчлимиз. Бундай гояларни кўллаб-куватлаш, рағбатлантириш зарур. Самарқандлик ижодкорлар назмий асарларини ўз ичига олган “Ифтихоримсан, Ватан” тўпламининг, 30 нафар ёш ижодкорлар шеърларидан тузилган “Созимда Ватан васфи” алманахининг нашр этилиши таҳсинга сазовор иш бўлганини эътироф этиш зарур.

Мовийликка чўмиб кетди тогу тош,
Баҳор деганлари баҳор экан-да.

УмидАбдуазимованинг “Марваридларим” ҳамда
“Ўша сизми?” тўпламларидан ўрин олган шеърлар
туйғуларнинг самимийлиги, талқиннинг оҳори билан
алоҳида ажralиб туради.

Менда вактдан бошқа ҳамма
Нарса етарли.
Сенда вактдан бошқа нарса
Йўқдир айтарли.

Инсон биринчи навбатда қадрлаши зарур бўлган
вакт ҳакида жуда кўп шеърлар битилган. УмидАбдуазимованинг шеъри, ифоданинг соддалиги (жўнлиги эмас!),
самимийлиги билан кўнгиллар тўридан ўрин олади.

Менга ситам қилганни
кечириб яшай.
Ёмонлигин дилимдан
ўчириб яшай.

Бу шеър ўзбекнинг асл табиати, ёмонлик қилган
кимсага ҳам яхшилик кила олиш қудратига эга экани
жуда оз сўз воситасида кўнгилга яқин услубда ифода-
лангани жиҳатидан ҳам қадрлидир.

Мунавваранинг “Юрагимдасан, Ватан” тўпламидаги
“Шаббода” шеъри туйғунинг самимиятига, изхорнинг
чинлигига далил бўла олади:

Тўқдимикан ўрик гулини,
Айни япроқ ёзгандир узум.
Ялпиз бўйи таралган йўлда
Қолдимикан менинг ҳам изим.

УСТОЗЛАР МАКТАБИ – КАМОЛОТ МАНБАИ ШЕЪРШУНОС МЕЗОНИ

Ўзбек шеършунослиги миллий шеъриятимиз билан тенгдошdir, ҳамқадам, ҳамнафасdir. Назмнинг илк намуналари яратилган кезлардаёқ шеърият ҳақида фикр айтилгани, унга баҳо берилгани исбот талаб қилмайди. Бирок шеършунослик илмнинг алоҳида йўналиши сифатида нисбатан кейинрок шакллангани, тараққий этгани ҳам рост. Адабиётшунослигимизда юксак савияли маҳсус илмий-назарий асарларнинг кейинги замонларда яратилгани ҳам буни тасдиқлайди. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балога”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авzon”, “Мажолис ун-нафоис”, Заҳириддин Бобурнинг “Рисолаи аруз” асарлари шеършунослигимизнинг ана шундай мумтоз намуналаридир.

Таъкидлаш жоизки, Фурқатнинг “Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида” номли назмий асари, Фитрат, Чўлпон ва Вадуд Маҳмуднинг адабий рисолалари ҳамда мақолаларидан бошланган янги замон шеършунослиги Ойбек,Faфур Ғулом сингари академик адаб ва шоирларимиз, Матёкуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов. Бегали Қосимов сингари нуктадон олимларимиз томонидан бойитилди, ривожлантирилди. Бу борада, Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор Озод Шарафиддиновнинг илмий фаолияти, айниқса, таҳсинга лойинқдир.

Мазкур ютуқлар баробарида муайян камчиликлар борлигидан ҳам қўз юмиб бўлмайди. Қофияли сўзлар тизмасидангина иборат, оддий сўзлашув жараёнида ифодаланиши мумкин бўлган саёз, жўн фикрларни жамлаган, бадииятдан йироқ “шиғир”ларни ўз ичига олган тўпламлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. “Шоу-бизнес”да “кўшиқ” матни ўларок дидсизликнинг урчишига хизмат қилаётган сўзбозлик намуналари ҳам тўплам ўларок тақдим этилаётгани, айниқса, ачинарли ҳолдир. Адабиётшуносликда “танқиддан тубан” деган қараш бор. Шу боис биз уларни номма-ном келтиришни, танқид қилишни лозим кўрмадик. Кўнгилга таскин берадиган жиҳати шундаки, шеъриятимизнинг юксак намуналарини жамлаган тўпламлар олдида уларнинг noctor савияси яққол кўриниб туради. Улар муazzам адабиётимиз учун ўткинчи ҳолат саналиб, ўзбек шеърияти ривожига тўсиқ бўла олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, шеъриятимизда миллий рух талқини етакчи тамойил даражасига кўтарилимоқда. Шоирларимиз назмий асарларида сўзга бўлган масъулият, уни исроф қилишдан сақланиши, оз сўзга кўп маъно юклаш сингари фазилатлар яққолпроқ намоён бўлаётир. Поэтик образнинг охорли, ёрқин, таъсирчан бўлишига интилиш ҳисси кучаймоқда. Шеърни шеър қиладиган, ўкувчи кўнгил оламини нурлантирадиган мухим омил – туйғунинг самимийлигига эътибор тобора ортиб бораётир. Бу тамойилларнинг намоён бўлиши янги замон ўзбек шеъриятининг бадиият жиҳатидан жаҳон адабиётининг юксак намуналаридаи қолишмаслигини кўрсатади. Миллий шеъриятимиз истиқболига катта умидлар билан қараш учун етарли асос беради.

шарын мағисурағынса хар жиҳатдан мос, лекин бадийят тағыдарапта живоб бера олмайдиган битиклар ҳакида “Шеърми шу асар? Поэзия борми унда?”, деган ҳақли саводларни факат Озод Шарафиддинов сингари фахримда метони бор олимгина ўртага ташлаши мумкин эди.

“Хар кандай шеър поэзия бўлавермайди, – деб ёзди олим. – Агар поэзиянинг моҳияти вазн ва туроқлардан, коғин ва аллитерациялардангина иборат бўлганда, маълум бир маънени маълум бир оҳангда ифодалашдан нарина ўтмаганда, дунёда шоирликдан осонроқ иш бўлмасади. Агар шундай бўлса, ўртacha саводи бор, эси бутун хар қандай одамни бир хафта ўқитиб, бинойидек шоир килиш мумкин бўларди. Унга ҳатто чиройли ўхнатишлар, аниқ сифатлашлар, оригинал метофоралар топини йўлини ҳам ўргатиб қўйса бўларди. Ҳолбуки, бундай эмас. Поэзия газетанинг информация жанридан фарқ қилади. Шоирлик – инсон фаолиятининг энг кийин, мураккаб томонларидан биридир. Шоир деган одам ўткир фикр юритиш қобилиятига, шоирлик талантига эга бўлиши лозим. Талант бўлмаса, хар қанча уринган билан чинакам поэзия намуналарини яратиб бўлмайди”. (Шарафиддинов О. Замон, қалб, поэзия. Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1962, 14-бет. Бундан кейин ушбу китобдан олинган иқтибосларнинг факат саҳифаси қавс ичидагелтирилади.)

Орадан қарийб ярим аср муддат ўтган бўлса ҳам, устоз шеършуноснинг бу фикрлари аҳамиятини заррача ҳам йўқотган эмас. Хар сафар бу сўзларни ўқиганимда бир ҳаваскор қаламкаш тенгдошимнинг ижодкорлик даъвоси эсимга тушади. Камина унга: “Сизнинг қораламаларингизда адабиётга дахлдорлик йўқ. Бу ёзганларингиз нари борса хабар мақолалар

Устоз олимнинг “Замон, қалб, поэзия” деб номланган китоби ўша мураккаб ва зиддиятли замонда шеъриятга янгича нуқтаи назарни ифодалагани, назмий асарларни баҳолашнинг Озод Шарафиддиновга хос мезонлари акс этгани билан аҳамиятлидир. Профессор Умарали Норматов таъбири билан айтганда, бу китоб “шеъриятни, умуман, адабий жараённи янгича англаш, идрок ва талқин этишнинг ёрқин намунаси эди”.

Озод Шарафиддинов шеъриятга ўзига хос мезонлар билан ёндашади. Бу мезонларнинг биринчиси ва олим асарларининг асл моҳиятини акс эттирадигани – ҳакиқатпарастлик. Ана шу мезон уни адабиётдаги, хусусан, шеъриятдаги ўртамиёначиликни фош этишга ундаdi. Буни профессор Бегали Қосимов куйидагича баҳолаган эди: “Табиат унга (Озод Шарафиддиновга – Н.Ж.) адабиётни нозик ҳис қилиш ва муносиб баҳолаш салоҳиятини ҳамда уни рўйи рост айтиш жасоратини берди. Унинг ижодда ўртамиёналийка, “кўлмак давралар”га (А.Орипов ибораси) токати йўқ эди... Лекин ҳамиша ижоди ва фаолияти “қиличнинг дами”да кечди. Чунки у ўртамиёна яшай олмасди, ўртамиёна сева олмасди. Айримлардек кўнглидагини яшира олмасди. Диридаги тилида эди”: (Озод Шарафиддинов замондошлиари хотирасида. Т.:Ўзбекистон, 2007, 52-53-бетлар.)

Олимнинг илк асарлариданоқ шеъриятимизнинг юксак чўққиларга қўтарилишига халақит бераётган камчиликларга эътибор қаратиши сабабини ҳам ана шу ҳакиқатпарастлик мезони билан изоҳлаш мумкин. Унинг “...баъзан заиф шеърларнинг остида атокли, хизмат кўрсатган, ҳатто йирик шоирнинг имзоси туриши”ни таассуф билан таъкидлаши боиси ҳам шунда. Номдор муаллифлар томонидан ёзилган, ўша

асарларда ҳам учрашини устоз шеършуноснинг назм таракқиётига хос қонуниятларни нозик илғаси, нуктадонлиги билан изоҳлаш мумкин.

Маълумки, шўролар замонида шеърият олдига баҳт ва шодликни куйлаш вазифаси қўйилган эди. Фам-андуҳни, армон ва изтиробни тасвирлаш ёхуд шеърият олдига шундай талабларни қўйиш қўнгилсиз оқибатларга олиб келиши муқаррар эди. Ўша мураккаб шароитда образ яратишда теран ўй, эҳтиосли завқ, енгил ҳазил қатори ҳасрат ва мунгдан ҳам фойдаланишга даъват этиш адабиётшуносдан чинакам жасоратни талаб қиласарди. Қаловини топиб, ана шундай талабни қўя олгани ҳам устоз олим учун ҳақиқат ҳар нарсадан устун бўлганини кўрсатади.

Озод Шарафиддинов ҳақиқатпаст сифатида наинки ижод ахлига, ҳатто ўзига нисбатан ҳам шафқатсиз экани ҳайратланарлидир. Акс ҳолда “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” мақоласида олим ўз шахсиятига, ҳаётий аъмолига бобурона нигоҳ ташлай билармиди?! Ёхуд “Мувашшах” сарлавҳали эссесида: “...мен адабиётшунос сифатида Абдуллажоннинг ижодидан уч-тўртта мақола эълон қилганиман-у, лекин унинг ижодини ҳар томонлама тадқиқ этувчи, XX аср шеъриятида, қолаверса, жаҳон шеъриятида Абдулла Орипов феноменини тўла бўлмаса-да, бир қадар мукаммалроқ очиб берадиган дурустрок бир макола ҳам ёзган эмасман. Ҳар гал бу ишга киришмоқчи бўлганимда, бу шеърият қаршисида қаламимнинг бениҳоя ожизлигини ҳис қиласардим...”, тарзидағи эътирофларни ёза олармиди??!

Шеършуносликдаги Озод Шарафиддиновга хос иккинчи мезон – юксак профессионал билимга асосланган талабчанликдир. Олимнинг фикрича: “Поззия

ёзадиган журналистнинг машклари” десам, “Йўқ, мен машхур ижодкор бўламан”, дея баҳслашарди. Орадан йиллар ўтиб, ўша танишим китоб чиқарди. Менга олиб келиб: “Сендан шоир чиқмайди”, дегандингиз. Мана китобим нашр этилди. Мен шоир бўлдим”, деб иддао килди. “Хафа бўлмангу, эҳтимол, яна ўнлаб китоблар чикарарсиз, аммо бу кораламаларингизда шоирлик истеъдодининг учқуни ҳам кўринмаяпти”, дегандим ўшанда. Ҳозир ўша тенгдошим қойилмақом тадбиркорга айланди... Бу воеа устоз Озод Шарафиддиновнинг юқоридаги фикрлари хаётда ўз тасдигини минглаб марта топганига биргина далил, холос.

Ҳақиқатпарастлик – мунаққид учун мухим фазилат. Агар у ҳақиқатпараст бўлмаса, бадий ижоддаги ҳалтурага, шеъриятдаги назмбозликка бефарқ караса, ҳеч қачон адабиётнинг равнақига хизмат қила олмайди. Аксинча, унинг заволига сабабчи бўлиши мумкин. Устоз шеършуноснинг “Замон, қалб, поэзия” китобидан ўрин олган “Лирика ҳақида мулоҳазалар” мақоласида ҳам ҳақиқатпарастлик фазилати яққол кўринади. Лирикада индивидуалликка, ўзига хосликка интилиш зарурлигини таъкидлаган олим “Ҳар бир шеър – у ҳаётимизнинг қайси томонига бағишланган бўлмасин, турмушимизнинг қайси соҳасини акс эттирасин – шоирнинг кашфиёти бўлиши лозим”, деб ҳисоблади.

Олим ҳақиқатпараст шеършунос сифатида ўтган асрнинг 50-йиллари шеъриятига хос икки камчиликни алоҳида ажратиб кўрсатган эди. Булардан биринчи – жонли инсон туйгуларини, ҳис-ҳаяжонларини, фикрларини ифодалашдаги примитивлик, иккинчиси эса – замондошимизнинг маънавий дунёсини бутун бойлиги ва мураккаблиги билан ифодалай олмаслик. Бу камчиликларнинг бугун яратилаётган айрим шеърий

мухим нарсаларни оригинал формада ифода килиб бериш истеъдоди билан боғлик” (33). Бу – жуда ҳам муҳим, ҳеч бир замонда аҳамиятини йўқотмайдиган талаб. Бинобарин, миллий шеъриятимиз, ҳатто жаҳон поэзияси тарихида ҳам ана шундай шахсиятга эга шоирлар бениҳоя кам экани бунинг исботидир.

Олим Шайхзодани “индивидуал манераси ёркин ифодаланган шоирлардан бири” деб ҳисоблайди. Шоир шеърларида доимо ўткир публицистик рух чукур фалсафий фикрлар билан кўшилиб кетишини таъкидлайди. Миртемир шеърлари, унинг фикрича, “халқ поэзиясига яқинлиги” билан ажралиб туради. “Бу яқинлик ритмикада эмас, балки бевосита хисларнинг ифодаланишида, халқ поэзиясидаги соддаликнинг қабул килинганида”, деб билади. Аскад Мухтор эса, олимнинг қайд этишича, “шеърларида кўпроқ ихчамликка интилади. Унинг кўп шеърлари конкрет воқеалар замирига қурилган. Яхши маънодаги воқеабандлик шоир шеърларининг кучли томонини ташкил қилади”. М.Бобоев, Шухрат каби шоирлар яна бошқачароқ йўлдан боради. “Уларда, айниқса, воқеликни майин лиризм орқали ифодалашга интилиш кучли” (34, 36). Бу ижодкорларнинг шеъриятдаги ютуқларини шу тарзда баҳолаган олим кези келганда уларнинг поэтик кашфиёт даражасига кўтарила олмаган, баёнчилик рухи етакчилик қилган асарлари хусусида танқидий мулоҳазаларни ҳам билдиради. Бу орқали шеърий асарлар савиясига бўлган талабчанлик, ижодкорнинг адабиётдаги мавқеидан қатъи назар, барчага баробар эканини амалда исбот этади.

Шеършунос олим ўтган асрнинг 50-йиллари лирикаси ҳақида мулоҳаза юритар экан, унинг тараққиётига тўсиқ бўлаётган куйидаги беш йирик камчиликини

ҳам, умуман санъат каби, воқеликни фақат кўзгудек устки томонидан эмас, балки моҳияти билан акс эттиради. Поэзияни ҳам, биринчи навбатда, инсон қалбининг таманнолари қизиқтиради. Шу маънода поэзиядаги замонавийлик – кундалик ҳодисаларга бевосита поэтик жавобгина эмас, балки ҳаётый тенденцияларнинг, процессларнинг ич-ичига, моҳиятига кира билиш ҳамдир... Хуллас, ҳар қандай шеър қофияси ва вазни, туроги ва банди жойида бўлгани билан поэзия бўлавермайди. Чинакам поэзия билан назмбозликни бир-биридан кескин фарқ қилиш керак. Поэзия – талантдан бошланади. Талант эса ҳаётнинг ҳеч ким кўрмаган томонларини кўра олиш, у орқали воқеликнинг муҳим томонларини ифодалай олиш, даврнинг катта проблемаларини кўтариб чиқа олиш қобилиятидир” (20,21).

Озод Шарафиддинов шеър чинакам юксак поэзия даражасига кўтарилиши учун индивидуал услугуб ва стилларнинг ранг-баранглиги, бойлигига эришмок зарур, деб ҳисоблайди. Фалсафий мuloҳазаларни ҳам, чукур ўйларни ҳам, драматизм билан сугорилган кечинмаларни ҳам ифодалашга, йирик масштабли, қабарик образлар яратишга имкон берадиган услублар кераклигини таъкидлайди. Шеъриятнинг ҳам, умуман, адабиётнинг ҳам асосий услуби – социалистик реализм, деб эълон килинган бир замонда бундай талабни қўйиш осон бўлмагани аник. Бундай талабни фақат Озод Шарафиддинов сингари фахмида мезони бор олимгина ўргага қўйиши мумкин эди ўша замонда.

Устоз шеършуноснинг Қарашиба: “Индивидуал услугуб, стиль, манера, албатта, биринчи навбатда, шоир шахси билан, унинг воқеликка ўзича мустақил ва оригинал қарай олиш қобилияти билан, ўзи кўрган

қилиб, риторика ва декларацияга айлантирадиган иллат – иллюстрациячиликдан, яъни юзаки тасвирийликдан сакланиш зарурлиги ҳақида огоҳлантиради.

Поэзиянинг интеллектуаллиги – ижоддаги изланувчанлик самарасини белгиловчи бош омил. Бироқ, бу тушунча ҳар доим ҳам адабиётшунослар, шоиру адиллар томонидан турлича талқин этилган, унга муносабат ҳар хил бўлган. Озод Шарафиддиновнинг бу борадаги нуқтаи назари ҳам ўзига хос. Жумладан, олим бундай ёзади: “Баъзилар поэзиянинг интеллектуаллиги деганда, фоят мураккаб ташбехларни, бениҳоя мавҳум фикрларни тушунишади. Менимча, бу тўғри эмас. Чинакам интеллектуаллик ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаларнинг чукурлиги ва оригиналлигига кўринади”(28). Лирикада интеллектуаллик чукур бўлишининг аҳамияти ҳақида баҳс юритган олим у поэзияда фалсафий лириканинг кучайишига, ўткир умумланималарнинг кўпайишига олиб келишини алоҳида таъкидлайди.

Муттасил изланувчанлик – Озод Шарафиддинов шеършунослигининг хос хусусияти. Мустақилликка эришилгач, олим “Адабиётда диний оҳанглар” сарлавҳали мақола ёзди. Унда диний мавзуга бағишлиланган барча адабий тур ва жанрлардаги асарлар қатори шу йўналишдаги шеърият намуналари ҳақида ҳам теран кузатишларини баён этди. “Модернизм – жўн ҳодиса... эмас” сарлавҳали адабий суҳбатда шеърий ижодда шакл ва услуб борасида олиб борилаётган изланишларга холис баҳо берди. Бошқача айтганда, адабиётда, шеъриятда пайдо бўлган бирор ҳодиса устоз олимнинг тийрак назаридан четда қолган эмас.

Озод Шарафиддинов шеършунослигига хос тўртинчи мезон – ёш истеъдодларни кўллаб-кувватлаш, уларнинг ижодий камолотига қанот бағишилашдир.

қайд этади: 1) жимжимадор, баландпарвоз стиль; 2) сохта стиль; 3) тасвирнинг ғоят рангизлиги, адабий приемларнинг камбагаллиги, такрорнинг устунлиги; 4) тасвир воситаларининг иочорлиги; 6) шеърий техника масалаларининг дикқат марказидан четда қолаётгани. Бу сингари камчиликлар шеъриятимизнинг бугунги вакиллари ижодида ҳам учраши шеършуносликда бундай талабчанлик мудом зарурлигини кўрсатади.

Олим шеършунослигига хос учинчи мезон – изланувчанлик. У шеъриятда изланиш руҳи хукмрон бўлиши зарур, деб ҳисоблайди. Шеършунослинг фикрича: “Санъат, поэзия ҳамиша санъаткорнинг воқеликка янгича муносабатидан, янгича қарашидан, янгича фикрлашидан бошланади” (15). Муттасил изланиш, ҳар бир шеърда бирон янгилик кашф килишга интилиш руҳи Миртемир ижодида кучли эканини таъкидлаган олим ёш истеъдодларни ундан ўрганишга чакиради. Миллий шеъриятимиздаги бунинг акси бўлган, изланиш ва кашфиёт руҳидан маҳрум, баёнчиликка асосланган асарларни кескин танқид қиласиди. Шеърият ҳаётий воқеликни шунчаки қайд килувчи эмас, ундаги ҳеч ким пайқамаган, ҳали ўзгалар сезишга улгурмаган поэтик гўзалликларни инкишоф этиш йўлидан бориши зарурлигини уқтиради.

Мунаққид насиҳатгўйлик, дидактизмга берилиш кўпгина шеърларнинг ҳуснига доғ бўлиб тушаётганини, қурук баёнчиликка, тавсифга интилиш, поэтик кашфиётлар ўрнига ҳаётий фактларни қайд қилиш билан чекланиш ҳоллари кўплаб учраётганини аниқ мисоллар билан танқид қиласиди. Замондош шоирлар шеърлари таҳлили асосида ижод ахлини поэзиянинг умумий савиясига путур етказадиган, уни қанотдан маҳрум

атак-чечак қилиб йўл юришни ўргангандек, кўп йиллар давомида шеърият алифбесини ўзлаштиради, ҳар хил шоирларга эргашиб кўради, изланади ва бора-бора қийналиб бўлса-да, ўз йўлини топиб олади. Шоирларки бор, биринчи қадамлариданоқ ҳаммани лол қолдириб, туйғуларини, ҳисларини, фикрларини тутилмаган образларга буркаб, “афсоналарнинг тушига кирмаган сўзлар”да қўйлай бошлишади. Уларни “ёш шоир” деган тушунчага сифдириш қийин. Улар ёши кичик бўлсада, шеъри, шеърий тафаккури балоғатга етган бўлади. Назаримда, Сирожиддин Сайидни ана шундай “тайёр” шоирлар тоифасидан десак хато бўлмайди”.

Умуман, Озод Шарафиддиновнинг шеърият ҳакидаги тадқиқотлари шеършунос қандай бўлиши кераклиги, поэзияни баҳолашда қай бир мезонларга таяниш зарурлиги ҳакида теран хulosалар чиқариш имконини беради. Ишонч билан айтиш мумкинки, худди ана шу фазилатлари боис олимнинг бошқа асарлари қатори шеърият таҳлилига оид илмий ишлари ҳам мудом миллий адабиётимиз равнақига, шеършуносларнинг янги навқирон ва салоҳиятли авлодларини тарбиялаб этиштириш ишига муносиб хизмат қиласкеради.

“Замон, қалб, поэзия” китобидаёқ олим шеъриятимиз ривожида ёшларнинг ҳиссаси катта бўлаётганидан, поэзиянинг эртасига ишонч ва умид билан қараш мумкинлигидан беҳад қувонган эди. Устоз шеършуноснинг Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари XX аср ўзбек шеъриятининг забардаст вакиллари, адабиётимиз қаҳрамонларини илк шеърлариданоқ қўллаб-куватлагани, уларнинг ижодий камолотига қанот бағищлагани бунинг далилидир.

Олимнинг “Ниҳоллар” мақоласи адабиётга дадил кириб келаётган ёш истеъдодлар ижодига бағищланган. У Теша Сайдалиев, Ҳусниддин Шарипов, Охунжон Ҳакимов, Хайриддин Салоҳ, Шукрулла, Тошпўлат Ҳамид, Юсуф Шомансур, Ҳабиб Саъдулла каби ўша даврнинг ёш ижодкорлари шеърий тўпламларини истеъдоднинг юзага чикиши сифатида баҳолади. Гулчехра Жўраева, Эътибор Охунова сингари аёл ижодкорларнинг дадил қалам тебратадигандан қувонди. Оригиналлик талантнинг дастлабки белгиси эканини таъкидлаган олим тематика, жанр, поэтик образлар ва шеърнинг бошқа компонентлари поэзияда бош мақсад эмас, восита эканини, бош мақсад эса воқеликни оҳорли акс эттириш, унинг муҳим томонларини, янги қирраларини очиб бериш эканини таъкидлайди. Ижодкор факат санъаткоргина эмас, ўткир зеҳнли мутафаккир, чуқур идрокли файласуф ҳам бўлиши кераклигини, ёшлар бугунги адабиётимиз тақдири учун жавобгар эканини уқтиради.

Олим бугун эл ардоғидаги кўплаб истеъдодларга чин маънода устозлик қилди. Ўзбекистон халқ шоири Сироҗиддин Сайиднинг ижодий истиқболи ҳақида билдирган қуйидаги фикрлари ҳам буни тасдиқлайди: “Шоирлар ҳар хил туғилади. Шоирларки бор, гўдак

Зулфия адабиёт майдонига қонида яшапи завқи жўшиб, дилида севги тўлкини тошиб кирди. Асарлари миллий шеъриятимизда бамисоли нафис баҳор чечаклари бўй кўрсатганидан дарак берди. Шеърлари адабиёт муҳлисларини ўзига бутунлай ром этди; ижодий истиқболи порлоқ эканини кўрсатди. Машхур адибу шоирлар эътирофи ҳам бу фикрини тасдиқлади: ижодкорнинг “ҳар парда – сатри ҳаётий шашмақомлардир” (Фафур Ғулом); у “ўзбек аёлининг қалбини каşф этди” (Асқад Мухтор); “ҳар янги шеърида илгарилади” (Миртемир); муҳиблар унинг “Ҳижрон кунларида” шеърий тўпламини, “Уни Фарҳод дер эдилар” достонини ёд олиб, бир-бирига ўқиб юрди” (Озод Шарағиддинов); “Асарлари бамисоли сўнмаган олов ёхуд тирик гулдасталар каби авлодлардан авлодларга ўта олди” (Абдулла Орипов).

“Уни Фарҳод дер эдилар” (1943), “Ҳижрон кунларида” (1944), “Ҳулкар” (1947), “Ўйлар” (1965), “Висол” (1972), “Йиллар, йиллар...” (1975) шеърий тўпламлари шоиранинг ижодий камолотига далиллар. “Мушоира”, “Ўглим, сира бўлмайди уруш”, “Қозогистон ўланлари”, “Мен чизолмаган сурат” шеърлари шоирага шуҳрат келтирди.

Муҳаббат аталмиш бебаҳо неъмат туфайли Зулфияхоним тақдири элизимзининг атоқли шоири Ҳамид Олимжон билан туташди; ижодда у билан жўровоз бўлди, бетакрор асарлар яратди. Афсуски, “баҳти муҳаббатни куйлаган сози ўлим ханжарига тегди” – суюкли умр йўлдоши, фарзандларининг отасидан ногоҳоний айрилиқни, кўнглидаги чўнг изтиробни шоира ана шундай ифодалаган эди. Қанчалик оғир бўлмасин, бу мусибат уни синдира олмади. Дилбандлари Ҳулкар ва Омонга “Сен ўс – соғлом, беқайғу эркам,

ШАРҚ – ШОИР МАКОНИ, ШЕЪР – ЙОРАК ҚОНИ

Толеи кулган халқмиз. Бунда заррача муболага йўқ. Негаки, комил инсон тимсоли сифатида кўрсатса арзийдиган юзлаб, ҳатто минглаб фарзандлари бор ўзбек халқининг. Муҳаббат, садоқат, вафо, ибо, ҳаё... Дунёниг айрим халқларида бундай тушунчаларнинг ўзи ҳам, ҳатто уларни ифодалайдиган сўзлар ҳам мавжуд эмас. Бахтимиз шундаки, булар бизда қадрият даражасига кўтарилиган. Шундай фазилатлардан маҳрумлик биз ўзбекларда айб саналади. Зулфияхоним миллатимизнинг ана шу сифатларни ўзида тўлақонли мужассам этган комил фарзанди, ардоқли ижодкоридир.

1

“Баҳор келди сени сўроқлаб...” Ҳар йили баҳорнинг илк куни – Зулфияхоним таваллуд айёмида бу дил изҳори шеърият муҳиблари кўнглида акс-садо беради... Негаки, Зулфияхоним ва баҳор эгизак тушунчалардир. Бу факат шоира туғилган сана билангина боғлиқ эмас. Таъбир жоиз бўлса, унинг ижодини миллий шеъриятимизнинг ўзига хос баҳори, дея таърифлаш мумкин. Одамзод ва табиат мутаносиблигини шоира мана бу тарзда васф этган эди:

На масъуд ҳузур бу, ёруғ жаҳон бу –
Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар!

салари ўзгача бир уйғунликда тасвирланган. Тиник осмон... Суюклисинг азиз хоки ётган қабр бошида узоқ қолиб кетган маҳбубанинг руҳий ҳолатига мос равишда етиб келган парча булутнинг қаҳрамонимиз юрагидай қалқиши; аёл күзида ёш күргач, у ҳам дувдув ёш тўкиши... Нақадар дардга йўғрилган мисралар! Фироқ дардида йиглаётган аёл ва сел тўкаётган ёмғир – соғинч изтиробини бу қадар таъсирчан киёс орқали тасвирлаш учун ижодкор қалбидаги қандайин тўфонлар юз кўрсатмоғи такозо этилади?! Фожиа шундаки, улар қанчалик йиғламасин, ёрдан садо йўқ, келдингми, дея бош кўтармайди. Мана бу поэтик хулоса эса, юракларни ўртаб юборади:

Айт-чи, сен-ла баҳтиёр онлар
Кўрганмидинг кўзимда бир ёш?

Энг муҳими, шоира турмушнинг аччиқ синовларини сабру матонати билан енга олди. Қайғу хаёт билан эгиз туғилганини англади. Кечаги кун ортга, эртангиси олдинга бошлиши ҳақидаги теран хулоса унга далда берди. “Оғир, бенаф ўйдан юрак безганда Сени куйлайман, хаёт!” – деган некбин тўхтамга келди. Уйқусиз тунларни ижод аталмиш нур, чироқ билан ёритди. Шеъриятни мулкидаги сийму зар сифатида эъзозлади. Унинг эътиқодича, “Шарқ – шоир макони, шеър – юрак қони”. Шу боис нимаики ёзса, ҳаётга доир ёзди, кўнгил тубидан ёзди ва буни инсоний қалбининг тебраниши, деб билди. Орзулари – карвон, сарбони ишонч бўлди. Юртбошимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда: “...ғам-андух ва ҳасратларни матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланди” (Каримов И. Юксак маънавият –

Мұхаббатим бошингга соя”, дея ўзбек онасига хос улуг фазилатни намоён этди. Шоиранинг бу давр ижодида қуюқ бир дард тасвирини қузатиш мумкин. Бу дард, бу изтироб унинг назмида ёрқин образ, юракни ўртайдиган таъсирчан бадиий талқин, күнгилга яқин, халқона ифода орқали намоён бўлди:

Кўз очгани қўймайди алам,
Бошим қўйсам куйдирар болиш.
Юпатолмас китоб ва қалам,
Мисраларим кўтарар нолиш.

Тоғдай деб ўйлаган юраги қуш бошича эканини ҳис этган, енгаман деган сари тобора ортиб борувчи ғам-алам юки оғирлик қилган кезлар, табиийки, шоира ҳаётида кўп бўлган. Заифлиги ҳоким келган дамларда у ҳатто ўзини ҳам ёмон кўрди; майда ҳислар измида қолишдан сақланди. Қувончларини ҳасрат кемирган онларда сабр топа билди. Сабр одамзодга зийнат бағишлиши аён. Бироқ кўнгил деган яратик ҳар доим ҳам инсоннинг хоҳишига бўйсунавермайди. Фироқ айрим ҳолларда одамнинг қаддини эгиб қўйиши, метиндек иродасига заха етказиши ҳам мумкин. Зулфия шеърларидаги соғинч, изтироб, нолиш оҳанглари ана шундай оғир руҳий кечинма маҳсули эканини таъкидлаш керак:

Соғинганда излаб бир нишон,
Қабринг томон олар эдим йўл.
Келтирадинг менга бир замон,
Энди ҳар чоғ мен элтаман гул.

“Кўрганмидинг кўзларимда ёш” сарлавҳали бу шеърда лирик қаҳрамон руҳияти ҳамда табиат ҳоди-

Гўзал Ҳиндистон тупроги узра оқшом қўйилиши,
Шарқ назмий чаманига менгзайдиган жўшқин мушоирада юраклар даврага кириши тасвири билан бошлиланган шеърда турли миллатларининг шоирлари санъат ва маҳорат мусобақасига киришгани қўйма мисралар билан мана бу тарзда поэтик талқин этилади:

Шеър ўқийди Непал, Вьетнам, Хитой,
Рус, тожик ўқийди шеърини сарбаст.
Қора алангадай соқолли сингхлар,
Қордай оқ либослиベンгаллар, ҳиндлар.
Завқидан тебраниб нақ тўлқинли сой
Тингларди ҳаяжон оғушида маст.

Мушоирада янграган шеърлар мавзу жиҳатдан турлича – гоҳ қураш, гоҳ қиз севгиси, гоҳ гўдак кулгуси, гоҳ хақикат ҳайқириги, гоҳ юлдуз каби йирок, ёрқин баҳт, гоҳ эрк тантанаси берган адолат ҳақида бўлса ҳам, бир-биридан фарқли тилларда ифодаланса ҳам, туйғулар, орзулар бир-бирига уйғун, бир-бирига монанд:

Дилларни пайвандлар эди сатрлар
Дўстлик, кардошликтининг кўпригисимон...

Шоиранинг мана бу хитоби замирида шеъриятнинг асл моҳияти, мазкур шеърни ёзишдан кўзланган асосий мақсад ўзига хос бадиий умумлашма даражасига қўтарилиган:

Эй, мушоира!
Сен чорла, овозинг эшитсин жаҳон!
Шеърнинг уриб турган юраги бўлиб,
Хаётнинг энг ажиб куйига тўлиб...

енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 167-бет). Бу айни ҳақиқатдир. Мана бу мисралардаги самимият ўқувчини бунга аниқ ишонтиради:

Хижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканиман, ҳаётсан Сен ҳам!

Шоира она халқига бўлган севгисини чинакам бойлик, деб билди. “Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!” дея ифтихор қилди. Дили шоир ҳассос бир эл фарзанди эканини, унинг олдидағи бурчини бир дам бўлсин унутмади. “Халқ қалбидай бир гўзал шеърга Етармикан ҳеч қачон кучим”, деб она элининг қадри нечоғлиқ юксак эканини изхор этди; ана шу юксакликка интилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг фикрича, “..эътиқоди, жуда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлари, дили билан тилининг бирлиги, шеърларида мадҳ этган инсонийлик, вафо, садоқат ва диёнат деган нарсаларга ўзи ҳаётда оғишмай амал қилгани” – шоирани одамларга ардоқли қилган; адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан бирига айлантирган асосий омиллар ана шулардир.

“Мушоира” шеъри Зулфия меросида алоҳида ўрин тутади. Устоз адиб Аскад Мухтор таъкидлаганидек, бу асарида ижодкор “Шарқ шоирларининг ўзига хос анъанавий шаклидан фойдаланиб, қитъанинг қок ўртасида замондошлиарини рамзий бир муширага чорладики, бу Осиё-Африка ёзувчиларининг тинчлик ва халқаро бирдамлик шиори остида ўтган ҳаракати томирига қон югуртирган воқеага айланди”.

тиниқлик наинки оламга, кўнгилларга ҳам сафо бахш этади.

Биз тонгни севган-чун, соф кўкимизга
Уфқдан ўтолмас зулмат дудлари –

деб ёзади ижодкор.

Шеърларида изҳор этилганидек, тун ўтиб, чорбогдан саҳарги туман кўтарилар экан, у чироқ сўндириб, отаётган тонгни кутди. Ёрқин тонгга етишар экан, тундан омон чиқкан жонини нур сийлаганидан кувонди. Шомнинг устидан ял-ял кулган ҳар саҳар унга халқининг юрагига сафар қилмоқ имконини берди.

Ижодкорнинг ижодкорлиги шундаки, бошқалар ҳам бир хил кузатиш имконига эга бўлган ҳодисада у ўзгаларнинг хаёлига келмайдиган қонуниятларни пайқай олади. Ўзи ҳис этган туйғуни ўзгаларнинг шуурига келиши қийин бўлган оҳорли шаклда ифодалай билади. Табиат ва жамият тонгидаги ажиб мутаносибликни тажассум этган мана бу мисралар ушбу фикрни тасдиқлайди:

Менинг тонгим қалбимда отар,
Ўйдан, кўздан ҳайдаб уйқуни.

Ўйдан, кўздан зулматнинг ҳайдалиши, қалбларда тонг отиши – барча мутафаккирлар шуни орзу қилиб келмаганми?! Қалбida тонг отган одам – мудроқ фикрлардан, ғафлат уйқусидан халос бўлган одам. Қалбida тонг отган одам – оламга қўнгил кўзи билан қарай оладиган одам. Қалбida тонг отган одам – факат зоҳирни эмас, моҳиятни ҳам англашга қурби етадиган одам. Бундай одамларнинг кўпайиши – жамиятнинг

Умуман, “Мушоира” умумбашарий миқёсдаги фикрлар теран мазмун ва гўзал бадиият муштараклигига тасвирлангани жиҳатидан шоира назмий меросида алоҳида ўрин тутади.

Дунёнинг қай бир мамлакатига сафар қилмасин, она юрт муҳаббатини, она халқининг истакларини шеърга солган ижодкор кейинчалик Югославия, Хитой, Япония, Шри Ланка, Миср сафарлари давомида бу мавзуни бойитди, такомилга етказди. Жумладан, “Халқимга айтар сўзларим” шеърида шоира ифтихор билан бундай ёзган эди:

Йўл юрдим, соғиндим, тўкилди байтим
Хорижнинг шомлари, сахарларида.
Эзгу истакларинг жаранглаб айтдим
Осиё, Африка минбарларида.

Натижада ўзбек шоираси юксак шеърий асарлари учун жаҳон адабий жамоатчилиги эътирофини қозонди. Жавоҳарлаъл Неру номидаги (1968) ва Нилуфар (1971) халқаро адабий мукофотларига сазовор бўлди. Болгариянинг “Кирилл ва Мефодий” ордени (1972) билан тақдирланди. Энг эътиборли жиҳати, у Ўзбекистон Халқ шоири унвонини ўзи эришган мукофотларнинг энг улуғи, деб билди.

Шоира ижодида тонг тимсоли энг кўп қўллангани кузатилади. “Муҳаббат тонги кулганда”, “Биз тонгни севган-чун”, “Сахар мен билан...”, “Менинг тонгим”, “Тонгда сўз кудугин тубига чўкиб..”, “Тонг”, “О, эртам, энг гўзал афсонам”... Ана шу сарлавҳаларнинг ўзиёқ шоиранинг тонгни нечоғлиқ эъзозлагани, қанчалар қадрлагани исботидир. Унингча, тонг тиниклик ва ёруғлик тимсоли. Бу

бутқул олиб кетиши ҳеч гап эмас. Унинг тонгни севиши сабаби шунда. Ўзбекистон Халқ шоири Миртемир таъбири билан айтганда: “Зулфияхоним шеърларида тонг тимсоли, тонг тасвири буюк эрк, буюк баҳт, буюк ва ёруғ дунё тимсолидай жаранглаб туради”.

Ҳар қандай бадиий ижод намунаси давр синовларидан ўтиб, халқнинг, миллатнинг қалб мулкига айлансанагина умрбоқийлик қасб этади. Зулфияхоним лирик мероси ана шундай замон чигириғидан ўтиб, шеъриятимиз хазинасини бекиёс бадиий жавоҳирлар билан бойитганини алоҳида таъкидлаш керак.

2

“Қуёшли қалам”, “Хотирам синиқлари” достонлари Зулфияхонимнинг йирик назмий асарлар ёзиши борасида ҳам баракали ижод қилганини кўрсатади. “Қуёшли қалам” мутафаккир адабимиз Ойбекка бағишиланган. Достон фикрнинг тиниқлигию тасвирининг қабариқлигига кўра ҳам, теран моҳиятнинг бетакрор бадиий талқини жиҳатидан ҳам ўзига хос; ўзбек достончилигига алоҳида мавқега эга.

Асар йўл ҳақидаги фалсафий мушоҳада билан бошлиданади. Шоира йўлга нисбатан узоқ, яқин, бопсиз, сўнгсиз, тор, кенг, равон, сўқмоқ каби эпитетларни кўллади. Бу йўллардан бирини ўтмоқ инсон учун туғилмокдай фарз эканига диққатни қаратади. Ижодкор фикрича: “Йўл демак, ўтилган бир умр демак”. Лекин яна бир аён ҳақиқат шундаки, инсон умри тупроқ сингари муқим бўлолмайди. Замонларнинг ўта бормоғи – ҳисмат. Одамзод учун эса, қисмати кимларнинг йўллари билан кесишгани муҳим. Модомики ўтилган йўллар бир-биридан фарқ қиласи экан, шоиранинг Ойбек

бахти. Ана шундай теран ҳақиқатларни мужассам этгани жиҳатидан ҳам юқоридаги икки мисра алоҳида эътиборга молик.

Ўтаётган вақтни, умрни қадрлаш ҳақида жуда кўп шеърлар битилган. Бу ҳақда ёзмаган шоибу адибни топиш маҳол. Ана шу кўхна мавзуда ёзар экан, Зулфияхоним тамомила янгича йўлдан боради. Ўзигача бўлган бирорта ҳам ижодкорни такрорламайди; мавзуга ўзгача ракурсда ёндашади, ўзгача миқёсда фикр юритади:

Тундан юлган тонгим:
Гоҳ бир шеър,
Гоҳ ўқилган бир китоб бўлур,
Гоҳ умрнинг ўтган беҳосил
Саҳфасига бўм-бўш боб бўлур.

Тундан юлинган тонг... бир шеър ёхуд бир китоб мутолаасига бағишиланиши – вақтнинг исроф қилинмаганидан далолат. Умрнинг беҳосил ўтган саҳфасига бўм-бўш боб бўлса-чи? – Бундан Яратганинг ўзи асрасин. Шоира ана шундай теран, таъсирчан, оҳорли фикрларни шеърга солади. Ўкувчининг руҳида, қалбida, шуурида огоҳлик ҳиссини уйготади. Зеро, бадий ижоднинг асосий мақсади ҳам “тоза маърифат суви билан ўткир юрак кирларини ювмоқ” (Чўлпон таъбири), ўкувчининг маънавий-руҳий оламини бойитмоқ, унда ўз моҳияти ҳақида тафаккур қилиш малакасини шакллантиromoқдир.

Тонгнинг зидди – тун. Бир шеърида шоира тунни севмай кўйганини айтади. Чунки у бир сирни туйган: ҳар тун умридан бир кунни узиб кетади. Модомики хушёр тортмаса, тома-тома кўл бўлгани сингари умрни

Хеч кимса билмади қалам билганин,
Неча бор севилиб, ёнди хуфя.

Зоҳирий сафар билан ижодий сафар бир-биридан кескин фарқ қилади. Биринчисида муайян муддат йўл юриш, қанчадир масофани босиб ўтиш тақозо этилса, иккинчисида бир дамнинг ўзида неча бор сафарга чиқиш, неча-неча эллар билан сухбат қуриш имкони бор. Энг аҳамиятлиси, бир-бирига мутлако ўхшамайдиган минглаб тоифа гоҳ уруш, гоҳ яраш, гоҳ ғурбат баҳонасида асар ичига кириб келади. Энди адид ана шу зиддиятли воқеликни аниқ-тиник ифодалаш учун сўз излайди, ранг, жон қидиради. Ижодий кайфият, ижодий руҳият лаҳзаларини Зулфияхоним нозик дид, ўткир фаросат билан илғайди; чўнг маҳорат ва санъаткорлик билан тасвирлайди. Мана бу мисраларни мутолаа қилган ўқувчи кўз ўнгидаги Ойбекнинг ижодий портрети яққол намоён бўлади:

Бу йирик кўзларнинг теран нигоҳи
Терған бўёқларнинг жилvasи не тус?
Учкур хаёлларнинг олов қаноти
Қай аср, қайси давр дамига тўқис,
Уни фақат адид ўзи қилар хис.

Ҳамиша осойиш, салобат сиймо,
Биламиз, жаҳонни қамрашга қодир.
Ким билади, шу он – тез оқар дарё
Каби не хил ва неча тақдир.

Бу сатрлар шоиранинг оз сўзга кўп ва теран маъно юклаш, воқеликдан бетакрор поэтик умумлашмалар чиқариш салоҳиятига яна бир далилдир. Охорли таш-

ҳаёти ва ижод йўли билан боғлиқ мана бу фикрларига қўшилмасликнинг иложи йўқ:

Ха, шундай йўллар бор тўлиқ изларга,
Замонлар тўфони кўмишдан ожиз.
У тирик! Жаҳонни очар бизларга...

Достонда шоиранинг Ойбек ва рафиқаси Зарифахон билан Бухоро – Навоий – Қарши – Толлимаржон маршрути бўйлаб амалга оширган сафари таассуротлари, ана шу аснодаги фикр-ўйлари, фалсафий ва адабий-эстетик қарашлари талқинини кузатиш мумкин. Мана, унинг сафар билан боғлиқ кузатишлари:

Сафар! Оз кездими адиб ҳаётда,
Қишлоқлар, шаҳарлар, элларга сафар.
Мудом шай сайёҳдай – хаёл-қанотда
Тақдирларга сафар, дилларга сафар.

Ҳақиқатан, ижодкор учун сафар бу – ижодий хаёллар парвози учун, янги асарларига материал йиғиш учун яхши бир имкон. Шоира талқинича, адиб зоҳиран қишлоқлар, шаҳарлар, элларга сафар қилса ҳам, ижодий ўйлар оғушида бўлар экан, тақдирларга, дилларга сафар қиласди. Бу – Ойбек ижодига берилган ҳаққоний баҳо. Зеро ёзувчи асарларида не-не чигал ва мураккаб тақдирлар тасвирланмаган дейсиз. Не-не диллар ту-бидаги туйғулар тўфони, орзу-армонлар, зиддиятли кечинмалар ифодаланмаган дейсиз. Мана бу мисраларда айни шу ҳолат ўзига хос бадиий талқин этилган:

Ҳар сафардан ортиб-тортиб келганин
Фақат қаламига этди ҳадя.

Достон мутолааси давомида қимматли тарихий асарлар битган олим ва адид Ойбек рухиятини шоира нечөглик нозик ҳис этгани, қанчалик санъаткорона тасвирилагани аёнлаша боради. Ўтмишнинг юки қанчалар оғир экани, тарих ҳақида чинакам юксак бадиий асар битиш ҳазилакам юмуш эмаслиги аён. Адиднииг бу борадаги хизматларини шоира қўйма сатрларда маҳорат билан васф этади:

Ўтмиш ўз юқидан қаддини букиб,
Ҳамон ўлжা олар биздан дамларни.
Битмас ғазнасига ғаввосдай чўкиб
Адид тинмай терди жавоҳирларни.

Юрт бўйлаб сафарга чиқсан ижодкорнинг қадим Бухордан қалбини, минг йилларга кирган хаёлини излаши; ҳақу ҳақсизликинг талашлари боис ҳолдан кетган нордай чўккан қасрлар, кўз ёш тепчиб чиқсан шўрҳак тошларда асрлар бўйи ўчмаган аждодлар заковати адигба мўлтираб бокиши тасвири Ойбекни тарих ҳақида ёзишга унданаган асослар ҳақида ёрқин тасаввур бериши жиҳатидан қимматлидир. Муҳими, бу асослар чукур мазмун ва бетакрор бадиият уйғунлигига ифодаланган:

Ўтмиш карвонининг йўлида унут
Саройлар тупроқ ранг уйқуда мудрар.
Адид юрагига солиб янги ўт
Қамчи буқолмаган тақдирлар судрар.

“Күёшли қалам”да Ойбекнинг Бухорадаги кўхна аркни томоша қилиши жараёнидаги изтиробли кечинмалари бағоят ҳаётий, таъсирчан талқин этилган. Адид арқда тарихимизнинг мураккаб ва зиддиятли

беклар, қуюқ метафоралар тасвирнинг юксак бадииятини таъминлаган.

Ижодий кайфият қачон кучаяди – адіб қалбіда янги ҳислар қайнаганда! Ижодда қачон муваффақиятга эришилади – ёзувчи бол аридек меҳнат килганда! Факат бугина эмас. Ижодда юксак мэрраларни қўлга киритмоқ учун, Зулфияхоним таъбири билан айтганда, “Тақдир адібига ҳамдам этган ёр Қаламдай вафодор, илҳомдай зебо” бўлмоғи зарур. Ана шу кўш мисрада Ойбекнинг умр йўлдоши Зарифаҳонимнинг фазилатлари бетакрор ифодаланган. Қаламдай вафодор, илҳомдай зебо – бундай оҳорли ташбехни бошқа бирорта шоир қўллагани маълум эмас. Шоира бунинг билан чекланмайди. Зарифаҳоним сиймосини янада ёрқинроқ, янада жозибалироқ тасвирлаш заруратини сезади. “Виждонидай тоза, ҳаётдай доно” бу аёл серташвиш умрида буюк адібга мунис ҳамдам бўлгани, лочиндай ўғил-қизларга оналик қилиш баробарида адіб хориган кезларда унинг тилига ва ишчи қаламига айлангани таъсирчан ифодаланади. Бугина эмас. Эридай заҳматкаш, эридай танти; кимё илмининг юлдузларидан бири; фан ва шеър, гўзаллик ошиғи – ана шу фазилатларнинг барчаси Зарифаҳоним сиймосида мужассам экани талқини ўқувчини улуғ адібнинг пок ва фидойи жуфти билан якиндан таништиради. Мана бу сатрлар эса, шеърият муҳиблари қўнглида бамисоли “гўзал байт кўш мисрасидай ишқда, ишда, баҳтда умр кечирган” бу жуфтлик қисматига нисбатан ҳавас уйготади:

Адіб сўзи етган ҳар бир овулда
Ажабмас, топилса унинг шогирди.
Иккиси гўзал байт кўш мисрасидай,
Ишқда, ишда, баҳтда умр кечирди.

метафоралар, ёрқин образлар бамисоли теран фикрининг бадиий либосига менгзайди.

Сайёхлар йўлда давом этиб, Бухоро ортда қолади. Бироқ бу тарихий шаҳар таассуроти адибдан бир нафас бўлсин ажралмайди. Қари-қартанглардан тингланган олтин китобга менгзарли ҳикоялар, жафони ҳам, даҳони ҳам, орзу-изтиробни ҳам ўзида мужассам этган буюк мозий уни қадам-бакадам таъқиб этади. Ақлу заковати жаҳонни тутган Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Торобий ва яна қанча улуғлар – кўхна тарихнинг очилмаган боблари... Достонда адиб хаёлида кечган ижодий орзулар мана бу тарзда бадиий талқин этилади:

Ўтмиш карвонида сочиқ дуримиз,
Териб, наҳот, дилдан бағишилаб малҳам –
Қайта порлатувчи истеъдодлар кам?..
Ёзиш керак ёниб ижод ўтида!

Достонда аждодлар даҳосини излашдан толмаган, улар меросини суяб, тиклаб, севиб, ардоклаган Ойбекка қўқдаги юлдузлар нақ олмос, ерда кундузлар сўнмовчи чироқ бўлиб, мозий зулматларини ёритиши ёрқин образлар воситасида тасвириланган. Адибда тарих жароҳатини тафаккур кўзгусида мушоҳада этиш, шаҳид қурбонларнинг қутлуғ қонларини артиб, унут сиймоларини тиклаш, мозий хусусида бир роман ёзиш нияти туғилганини бадиий талқин этар экан, шоира мана бундай таъсирчан бадиий умумлашма чиқаради:

Дилга шунча довул, курашни олиб
Филдай тинч ўлтириш эмасми малол?..
Не ёзди: баҳтданми ё жаҳолатдан,
Барини ёритди қалбидаги нур.

даврлари нафасини сезгандай бўлади. Эзгу мақсадни ўйлаб қурилган обхонани қамоқхонага айлантирган машъум замонлар ҳақида ўй суради. Кифтларида Айнийга урилган дарра зарбини сезади. Йирик, доно кўзлари мунгга айланиб, тўкилмаган ёшга тўлади. Айнийдан гойибона фотиха олади: “Гўё дерди: “Мавзу ётар тахланиб, Ёзинг, Ойбек, қанча ёзсангиз ҳам оз!”” Эътиборли жиҳати шундаки, шоира буюк Ойбек руҳиятини очишида, адид дунёқарашининг, асарларининг моҳиятини инкишоф этишида ҳар бир деталдан маҳорат билан фойдаланади.

Достоннинг “Яратиш дарди” деб номланган бўлимида Ойбекнинг Зарафшон дарёси соҳилидаги ҳолати, кечинмалари, завку шавқи тасвирланган. Шоиранинг санъаткорлиги шундаки, она тупрокқа, шоҳу гадога кўксини teng очган, замин тириклиги, инсон фаровонлигининг манбай, водий гўзаллиги бўлиб зар сочган дарёни кўрган адид туйғуларининг жўш уриши ўкувчи қалбидаги ҳаяжон билан уйғунлашиб кетади. Мана бу мисралар образли назмий тафаккурнинг ёркин намунаси билан алоҳида ажralиб туради:

Ойбек соҳилингда турар чинордай,
Барча улканлигинг завқли нигоҳда.
Бир сўнгсиз карвонга тизилган нордай
Толларинг таъзимда турар кирғоқда.

Завқли нигоҳлари билан дарёга бокиб, соҳилда чинордай турган буюк адигба бамисоли карвонга тизилган нордай таъзимда турган толлар – ўкувчи кўз ўнгидаги ёркин жонли манзара ҳосил қиласиган образли тасвир; жозибали, шунинг баробарида, охорли ташбех. Достондаги бундай поэтик тасвир, ташбехлар,

илтижо қиласи. Кече ва эртадай кетаётган ача ва эварани кузатар экан, адигана шу қизча вояга етган замонда ўз мөхнати ва курашлари қандай самара беришини ўйлаб, фалсафий мушохада оғушига чўмади.

Мана бу сатрларда эса, ҳаётни бамисоли заргар каби хаёл-ла безаб, минг-минг йиллардан буён гўзалик яратиб келаётган воҳа халқига меҳр изҳорини кўриш мумкин:

Узум – “қора жанжал”, юрак – кабутар.
Сахро – Толлимаржон, қишлоғи – Водил.
Ҳаётни хаёл-ла безаб нақ заргар
Гўзалик яратиб келар минг-минг йил.

Оқ симобранг булутдай силжиб келаётган кўйлар галаси, банорас каби эшилиб оқаётган сой ҳамда ловлов ёнаётган лола даласи – ҳаммаси адига ижодий завқ беради. Мезбонлар вакили унга: “Ўзбек қоракўли, биласиз, тилло, Жаҳон бозорининг бўрки аталур” – деса, ижодкор: “Ҳа, шу тилло соҳиби Бобо чўпон Ватан кўрки аталур” – дея жавоб беради. Бундай самимий сухбат, ширин, хушчакчақ дамлар, табиатнинг шивирлаб айтиётган кўшиғи, табиийки, дилларга нашида беради, ижодий қувват бағишлайди. Она заминнинг илюхий чиройидан маст, илҳом оғушидаги Ойбек домла мана бундай сўзларни изҳор этади:

– Кўрмасам кирмасди ақалли тушга
Үйқу ғафлатида ўтган умр ҳайф.

Унга: “Бир дам мизгиб олиш наҳотки ғафлат” – дейишишса, буюк адига ўзига хос ҳаётий аъмолини мана бу тарзда ифодалайди: “Яшаш керак дарёдай уйғоқ”.

Ана шундай ижодий ўйлар оғушида Зарафшондан ўтган сайёхлар Чўли Малик кўксини кесиб тушган йўл орқали мудом ёш, нурли, шеър даҳосидай бемисол ва бетахлит Навоий шаҳрига етадилар. Адиб наздида буюк Навоийнинг ўзи ҳам мезбонлар сафида издошлиарини кутиб олади. Достонда ҳар биноси бир халқ келинчагидай бетакрор зеб берилган бинолар, кўкнинг мўъжаз беланчагидай болалар боғчаси, шаҳар этагидаги дала, дара, тоғ, яшилланиб ўсаётган ниҳол боғ, кўсак шаклидаги биллур фаввора, гигант комбинату гигант фабрика – барчаси адибда чукур таассурот қолдиргани, унинг “Навоий юраги уриб турибди...” тарзидаги ҳаяжонга тўла хулосаси куйма мисраларда ифодаланган.

Асарнинг “Дарёдай уйгоқ” сарлавҳали бобида Қарши, Толлимаржон ГЭСи сафари таассуротлари қаламга олинган. Кўзи йўлда интизор кутган мезбонлар адибни офтобдай иссиқ нон, патир, шопириб-шопириб қуилган қимиз, йўл-йўл дастурхондаги яхна гўшт, асал, қурт, ровоч, хилма-хил узум, бўғирсок, улардан ҳам муҳими, қайноқ меҳр билан меҳмон қилгани тасвири орқали буюк ижодкорга бўлган халқ меҳри ифода этилади. Умри факат заҳматда, меҳнатда ўтган, оғзида бирорта ҳам тиши қолмаган кампир ва эвараси Ҳурилиқ образлари орқали Ойбек асарлари ўзбекнинг ҳар бир хонадонига, ёшидан, касбидан қатъи назар, ҳар бир ўзбек қалбига кириб боргани тасвирланади. Адибни таништиришганида “нақ ёзилажак қўшиққа ўҳшаш” Ҳурилиқо: “Кутлуғ қон”, “Навоий”... “Қизлар” достони... Ҳаммасини ёзган домлами чиндан?” дея ҳайратланади. Юзида, кулгичларида севинч порлайди. Кампир улуғ адибни меҳр ва хурмат билан чўпонча куртовага таклиф этади, қизча ҳам чин кўнгилдан

Муаллиф шунча теран, қайноқ хаёл ва туйғу совуқ тобутга қандай сиққанини ҳайрат ва таассуф билан изхор этади. Достонда рухсиз адибнинг катта меҳнатдан сўнг бир дам мизғиган сингари безавол, тинч сиймоси тасвири берилган. Ёзилажак роман, айтилажак сўзлари доно манглайидан англашилиб тургани, фикр тифизлигидан тарангланган юзи сўзловчи сукут қаърида экани чўнг дард билан ифодаланган.

Достоннинг поэтик хулосаси, айниқса, эътиборга моликдир. Унга кўра, гарчи Ойбек жисман орамизда бўлмаса ҳам, асарлари орқали авлодлар қалбидаги мудом барҳаёт. Демак, “Ойбек ишляяпти!” Куёшли қалами билан ҳамон дилларга нур улашаётир:

Давом этар йўлда адиб ҳаёти.
Йўл... йўл мўл, дарёдан кетган ирмоқдай
Ўғилларда, қизда пўлат қаноти,
“Бобоҷон”и дилин тутиб маёқдай
Неварапар бошлар шу йўлдан йўлни.

Буюк бу уйқуни этаркан ардоқ,
“Ойбек ишляяпти!” дейди насллар...
Ўз кўркини кўриб тасвирларида
“Ойбек ишляяпти!” дейди асрлар...

“Куёшли қалам” достонида Ойбекнинг метин иро-дали шахс, ҳар бир лаҳзани ғанимат билувчи, умрининг бирор лаҳзасини бехуда ишларга сарфламаган, ижод заҳматидан ҳаловат топа билган улуғ ижодкор сифатидаги сиймоси ёрқин бадиий бўёклар орқали тасвирланган. Достондаги ҳар бир сўз, ҳар бир деталь, ҳар бир поэтик тасвир воситаси муаллифнинг ана шу бадиий ниятини санъаткорона ёритишга хизмат қилган.

Достоннинг “Ойбек ишляяпти” сарлавҳали сўнгги бобида бу мавзу адибнинг ижод заҳмати тасвири орқали мантиқан давом эттирилган ва хulosаланган. Адиб қаерда бўлмасин – сафардами ё ишда – ҳар бир дақиқани ғанимат билгани, айтмоқ, битмоқ, ўйламоқ ғамида яшагани “Қуёшли қалам” сюжетида ўқ чизик бўлиб ўтади. Асардан ёзилишича, ҳатто умрининг охирги кунларида ҳам у ижодий орзулар оғушида бўлган. Шоира бу ҳолатни қуидагича тасвирлайди:

Дарду кексаликни бир ёқка қўйиб,
Тўйиб-тўйиб меҳнат қилмокчи ҳали.
Ҳамма кечинмани қайтадан туйиб
Қаламга шивирлаб бермоқчи ҳали.

Бу достон муаллифининг умидлари изҳори эди. Минг таассуф, бундай бўлмади. Бебақо умр вафо қилмади. “Афсус, ултурмади қоғозга тўкиб. Тўкилмокқа тайёр юрагин дури Наҳот қолаверди тубига чўкиб”, дея изтироб чекади шоира. Ҳали Ғафур Ғулом, Шайхзода, Абдулла Қахҳор догида диллар зор йиглаётган бир кезда, адаб ва маърифатнинг ёрқин қасрида яна бир чўнг чинор йиқилди. Ҳеч қачон, ҳеч нарса талашмаган, ҳаёт нesъматидан беҳад баҳтиёр, қалби ундан йўлдан адашмаган, бирорта ҳам дилни ранжитиб озор бермаган адиб умрига “Ажал ҳасад каби болтасин урди, Ҳаёт, ҳаёл курган йўлини тўсиб”. Бу оғир изтироб таъсирида битилган мана бу байтларда сўнгсиз армон ифодаси кузатилади:

У ҳатто ажал-ла қилмади талаш,
Аршидан қулади учқур илҳоми.
Гарчанд ҳаққи эди яшаш ва яшаш,
Гарчанд қалбда тифиз умиди, коми.

бетакрор назмий сабоқлар бериб келаётир. Шоиранинг “Мен қүёшдан узиб берай сепга бир парча, Юрагимдан узган сингари..”деган сўзлари гўё ижоддаги издошлирига қаратилгандай... Шоира номида давлат мукофоти таъсис этилиб, ижодда унинг анъаналарини муносиб давом эттираётган юзлаб қизларимиз ана шу мукофотга сазовор бўлаётгани ана шу издошлик самарасидир.

Бир шеърида “Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман”, деган Зулфия опа шеъриятнӣ қисмат деб билган, қалами билан миллий адабиёт, маънавият равнақига муносиб хизмат қила олган ижодкор эди. Шоиранинг мана бу сўзларига эътибор беринг:

Бу назм боғига киролмас хазон,
Бизни маҳв этолмас завол лашкари,
Мен кетсам мунғаймас умрим ҳеч қачон,
Бу боғлар... бир боғлар бўлади ҳали...

Зулфия опанинг ўзи ҳам шеърлари, достонлари билан улкан бир назм боғини барпо этиб кетди. Дарҳақикат, токи миллат ва унинг шеърсевар фарзандлари бор экан, бу боғ хазон билмагай, унга завол лашкари дахл қила олмагай. Миллий шеъриятимиз, адабиётимиз боғи, сўзсиз, Зулфия опа орзу қилган юксак мақомга кўтарила жакдир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовинг “Ўзбекистон Халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори халқимизнинг, зиёлиларимизнинг айни кўнглидаги иш бўлди. Зеро, Зулфияхоним сабру матонат рамзи бўлган ҳаёти билан ҳануз муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бериб келаётир. Маънавий жасорат тимсоли бўлган пок эътиқоди, ўлмас асарлари билан авлодлар қалбida мудом барҳаётдир.

Бир сүз билан айтганда, ушбу достонни буюк адид Ойбекка күйилган назмий ҳайкал, деб баҳолаш мумкин.

3

Зулфияхоним ёш истеъдодларни қўллаб-кувватлади, кўплаб навқирон ижодкорларга устозлиқ килди. Атокли адидимиз Пиримқул Қодиров дастлабки очерки чои этилганда улуғ шоира қанчалик рағбат кўрсатганини бир умр эслаб юргани, шогирдларидан яна бири Халқ шоираси Ойдин Ҳожисева устозини ирмоқлари боғу роғларга ҳаёт бағишловчи дарёга қиёс этгани ҳам бу фикрни қувватлайди.

Зулфия опанинг энг катта бахти миллатимиз мустақилликка эришган саодатли кунларни кўргани, бу улуг неъмат нашидасидан баҳраманд бўлганидир. Зеро, “Фусункор сўзга, инсонни гўзалликлар сари чорловчи, дунёни кашф этувчи бадиий сўзга бўлган муҳаббат чўғини илк бор қалбимга солган – онам эди”, деган шоира юртимиз мустақилликка эришгач, янада баракали ижод қила бошлади. Мана бу эътироф ҳам буни тасдиқлайди:

Келдинг-эй, Истиқлол, истиқбол бўлиб,
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.
Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб,
Мен оғир булатдек бир ёғиб олдим...

Истиқлол шарофати билан биз миллатимизнинг бошқа буюк истеъдодлари сингари ардоқли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам чинакамига қадрлаш имконига эга бўлдик. Зулфия опанинг шеърияти ҳар доим навқирон ижодкорларга, айниқса, салоҳиятли ёш истеъдодларга

бунинг исботидир. Айникса, Абдулла Орипов шеърияти бу жихатдан тадқиқотлар учун бой материал беради.

1

Абдулла Орипов, шубҳасиз, сўз ахлиниг юксак мақомига кўтарила олган ижодкор. Шоир хеч бир замонда эскирмайдиган мавзуларда шеърлар ёзди, ёзяпти. Унинг асосий ютуғи мумтоз адабиётимизни ҳам, замонавий адабиётни ҳам теран билишида, ижодида миллий адабиётимизнинг юксак мақомини таъминланган ютуклардан самарали фойдалана олишида бўлса ажаб эмас. Шоирнинг маҳорати арузда ҳам, бармоқда ҳам бирдай намоён бўлаётгани ҳам бу фикрни тасдиклайди.

«Катта шоир ҳамиша ўз вактида майдонга келади, у – ҳамиша тарихий. Зотан, катта шоир ўз халқининг овози, унинг орзу-умидлари ва инсон қалби изтиробларининг ифодачисидир. Бироқ, энг асосийси, у – ўз даврининг ҳаками ва куйчиси, у – жарчи ва файласуф, у – сўз сеҳргари ва узлатга чекинган мутафаккир дарвеш. Буларнинг бари унга қалб изҳорини ҳаммага бирдай тушунарли, севимли ва шу билан бирга, кўтаринки, теран маънолар моҳиятини ифодалаш учун ато этилган. Шу боис шоирнинг сўзларидан замондошлиари ҳам, келгуси авлодлар ҳам фахрланиб юрадилар.

Абдулла Орипов менга XXI асрга қадам қўйган даврларимизнинг буюк маданий аҳамиятга молик ана шундай шоири бўлиб гавдаланади». Дунёга машҳур қирғиз адаби Чингиз Айтматовнинг Абдулла Орипов ҳақидаги эътирофи шундай.

«Абдулла Орипов сўзнинг ифода кучини бехато сезади, хаётни ўз билишича, ўзига хос янги назар

ГҮЗАЛ ТАШБЕХ, СИРЛИ РУХ

Абдулла Ориповдай шоир юз йилда бир марта туғилади.

Ислом Каримов

«Шеър» ва «шуур» сўzlари ўзакдош. Аслида ҳам, шеър шуурга – инсон онгига, сезимларига ўзгача таъсир этувчи бекиёс кучдир. Шоир эса (худди шу ўзакдан ясалган сўз!) шеър воситасида шуурни уйготгувчи, тарбият этгувчидир. Шу маънода, ўзбек шеърияти мудом ўз вазифасини аъло даражада уddeлаб келаётир. Халқимиз бошига оғир кунлар тушган XIX аср охири – XX аср бошларида «кадабиёт – миллат ойнаси» (Абдулла Авлоний) ўларок истибодони қоралаб бонг ургани, «Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук» (Фурқат) дея изтиробнинг нечоғлик чўнглигини таъсирчан ифодалагани ҳам бунинг далилидир. Ўша пайтдаги вазиятни «...янги бир бало бош кўтарди – большевик балоси!» (Фитрат) дея хақоний баҳолаган ҳам, «ўзлари ошалаб, биз мусулмонларга ялатув билан кифояланган таваришларимиз»нинг Туркистонни «фано ва анч ҳол»га солганини айтиб (Авлоний), элни огоҳликка чорлаган ҳам адабиёт бўлди, шеърият бўлди.

Шўролар замонида ҳам, мафкуравий тазиикларга қарамай, шеърият шуурларни маърифат шуъласи билан ёритмоқ, кўнгилларда миллий озодликка интилиш туйгусини тарбиялаш вазифасини бажаришда давом этди. 60-йиллари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов, улар изидан кейинги авлод шоирлар миллат ва унинг тақдирни билан боғлиқ масалаларни теран мазмун ва бетакрор бадиият асосида ёритишга интилгани ҳам

хар кимга насиб қилмаган. Ўшандада илк бор гувоҳ бўлганман Абдулла Орипов шеъриятининг қурдатига, Ўркин Воҳидов таъбири билан айтганда «халқ қалбига аке-садо беришигага». Руҳим еттинчи осмонга кўтарилиб чиққанман ўша учрашувдан.

Муболағасиз айтишим керак, ўша пайтда қандай ҳолатни туйган бўлсам, шоирнинг янги шеърларини уқиганда ҳам худди шундай туйғуни ҳис этаман.

Шоирнинг «Адолат кўзгуси» китобига ёзган сўз-бонисида устоз Озод Шарафиддинов бундай таъкидлаган эди: «...мен адабиётшунос сифатида Абдуллажоннинг ижодидан уч-тўртта мақола эълон қилганман-у, некин унинг ижодини ҳар томонлама тадқиқ этувчи, XXI аср шеъриятида, қолаверса, жаҳон шеъриятида Абдулла Орипов феноменини тўла бўлмаса-да, бир қадар мукаммалроқ очиб берадиган дурустроқ бир мақола ҳам ёзган эмасман. Ҳар гал бу ишга киришмокчи бўйлганимда, бу шеърият қаршишида қаламимнинг бешинчоя ожизлигини ҳис қиласдим».

Дарҳақиқат, Абдулла Орипов шеърияти ҳақида ёзилган тадқиқотларни заррача камситмаган ҳолда, эътироф этиш керак, адабиётшунослигимиз бу шеърият олдида қарздор.

Устоз адабиётшунос Абдуғафур Расулов Абдулла Орипов тўртликларини ёмбигақиёслайди. Ёмби-бойлик рамзи. Гўзаллик ва жозиба ҳам мужассам унда. Буни инкор этмаган ҳолда мен Абдулла Орипов шеърларини, жумладан, тўртликларини маънолар хазинасига қиёслаган бўлардим. Бинобарин, ҳар қандай шеърда теран маъно ва гўзал бадиият мужассам бўлмоғи зарур. Бу ҳақиқатни ҳазрат Навоий: «Назмда ҳам асл анга маъни дуур, Бўлсун аниг сурати ҳар не дуур», дея таъкидлаган эди.

билин кўради. Абдулла Орипов шеърлари билан ҳар бир учрашув шеърият байрамига айланниб кетади». Бу фикрлар Қайсин Қулиевга тегишли.

Евгений Евтушенко «Ўзбекларга хос донишмандлик, бағрикенглик, хокисорлик ва андиша Абдулла Орипов поэзиясига сингиб кетган»ини эътироф этса, Ўлжас Сулаймонов фикрича, «Абдулла Орипов лирикасида қадимий ўзбек шеъриятига хос энг гўзал жиҳатлар мужассамлашган. У ўзбекнинг рамзи бўлган ижодкор».

Бундай эътирофлар ўз-ўзидан дунёга келган эмас. Бир пайтлар овози икки дарё оралиғида қолиб кетганидан ўкинган шоир истиқлолдан кейин дунё миқёсида эътироф этилди. Асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинди. Ўзи ҳам кўплаб мамлакатларда бўлиб, адабий анжуманларда иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, ёш авлод қалбида милий истиқлолга интилиш, ёруғ истиқболга ишонч руҳини тарбиялашида Абдулла Орипов шеъриятининг аҳамияти алоҳида. 1986 йили эди, чамамда. Талабалар шаҳарчасида бир қувончли хабар тарқалди: «Тўқимачилар маданият саройида Абдулла Орипов билан учрашув бўлармиш!» Бу хабар яшин тезлигида ҳар бир талабанинг қулогига, йўқ-йўқ, қалбига етди. Бирпасда ҳозирги «Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси жойлашган бино талабалар шаҳарчасининг юрагига айланди. Бўлажак филолог, журналистларгина эмас, университетнинг барча факультетлари, Тошкент политехника институти талабалари, минглаб шеърият муҳлислари – ҳамма «Тўқимачилар маданият саройи»да жам бўлди. Ўтирадиган жойга-ку орзу қилиб ҳам эришиш мушкул эди, шоирни тик туриб тинглаш учун жой топиш ҳам

Сенинг амалингга қойилдир жаҳон,
Бургани тақалаб күйгайсан осон.
Нозик санъатингга тикилавериб,
Кўзларим қисилиб кетди-ку, япон.

Ўз-ўзига маҳлиё бўлиш – иллат. Аждодларимиз
беназир бўлгани рост. Тарихда ҳайратга арзирли ютуқ-
ларга эришганимиздан асло кўз юмиб бўлмайди. Лекин
чинакам саодатга эришмоқ учун булардан фахрла-
нишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун ўша
аждодларга муносиб бўлмоқ, уларнинг ютуқларини
янгилари билан бойитиб бормоқ зарур. Афсуски, биз
ҳар доим ҳам бунга муваффақ бўлаверган эмасмиз.
Токиода ёзилган қўйидаги тўртлик ана шу армон
иғодаси ўлароқ яралган:

Дунёда тугамас экан армонлар,
Ўтди қанча замон, қанча сарбонлар.
Ўтира берибман буюкман дея,
Манзилга етибди бошқа карвонлар.

Сўзнинг нечоғлик улуғ неъмат экани аён. Бу неъмат
қадрини дунё матоҳи билан ўлчаб бўлмайди. Айниқса,
Абдулла Ориповдай сўз санъаткорининг ҳар бир асари
«сўз гуҳарининг шарафи» (ҳазрат Навоий таъбири)
нечоғли юксак эканини мудом тасдиқлаб туради.

Ўз вақтида Миртемир домла буидай ёзган эди:
«Абдулла Орипов. Шоир! Шоир бўлганда ҳам анов-
мановлардан эмас. Худо бутун қилиб берганлардан.
Зўр!» Ҳақиқатан ҳам шундай. Абдулла Ориповнинг энг
янги шеърлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Истиқлол шоир ижодида янги босқични бошлаб
берди десак, асло муболага бўлмас. Абдулла Орипов

Абдулла Орипов тўртликлари ана шундай теран мазмуннинг бетакрор бадиий ифодасига далил бўла олади. Биргина мисол:

Дунёниг ишлари ғалатdir билсанг,
Сени кўзга илмас – сен кўзга илсанг.
Ёмонлик шу заҳот қайтади, аммо
Кутма жавобини яхшилик қилсанг.

«Икки нарсани унутма: бирор сенга яхшилик қилса, сен кимгадир ёмонлик қилсанг. Икки нарсани ўша заҳоти унут: ўзинг қилган яхшиликни ва ўзганинг ёмонлигини». Халқимизнинг бу ҳикмати нечоғлик бебаҳо бўлмасин, афсуски, ҳаётда ҳар доим ҳам бунга эришиб бўлмайди. Дунёни ҳам, инсонлар қалбини ҳам ёвузлиқдан зада қўриқхонага қиёслаган Абдулла Орипов шеърларида бугун ҳам бу мавзунинг теран талқинини кузатиш мумкин:

Вакиллар йигилди турли томондан,
Турли ирқ, турли дин, турли забондан.
Яхшини ҳар бири меники деди,
Ва лекин ҳаммаси тонди ёмондан.

Абдулла Орипов шеърларида Япония мавзуси алоҳида ўрин тутади. Бу халқнинг салоҳиятига дунё қойил эканини таъкидлаган шоир, японларнинг ҳатто «бургани тақалаб қўя олиши»дан ҳайратга тушади. Бургани тақалаш – чинакам жозибали ва ўзбекона ифода! Энг муҳими, шоирнинг бу тўртлиги одамни мушоҳадага, ўз аҳволи ҳақида фикрлашга ундейди. Ўқувчидаги умр деб аталмиш неъматни қадрлаш, уни беҳуда ўтказмаслик туйғусини тарбиялайди:

ган шоир асарлари таҳлилига бағишланган салмоқли макола Абдулла Орипов ижодига бўлган эътибор мамлакатимиздан ташкарида ҳам тобора кучайиб бораёттанига яна бир далилдир.

Мутахассислар тўғри таъкидлаганидек, Абдулла Орипов ижоди XX аср ўзбек шеъриятида алоҳида мавқега эга. Шоирнинг энг янги асарлари ҳам бу ҳакиқатни тасдиқлади. «Талош палласи» шеъри мазмунан теранлиги, бир қанча маъно қатламига эгалиги, тасвирнинг оҳорли экани, поэтик мукаммалиги билан алоҳида ажралиб туради:

Куёш ботиб борар,
Уфқ кирмиз ранг,
Қуршаб олаётир ер юзини тун.
Сўнгги дақиқада қилаётир жанг
Тун ва кун, тун ва кун, тун ва кун.

Дарҳақиқат, табиат ва жамият қонунларида бир мутаносиблик бор: кун ва тун, ёруғлик ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик, маърифат ва жаҳолат ўртасида тинимсиз кураш кетади. Гоҳ буниси голиб бўлади, гоҳ униси. Албатта, искбин инсон ёруғлик, эзгулик ва маърифат ҳоким бўлишини истайди. Шунинг учун курашади. Шоир ҳаётнииг ана шу ҳақиқатидан бетакрор поэтик тасвир ҳосил қиласди:

Талош пайти дерлар ушбу лаҳзани,
Олишар ошқора нур ила зулмат.
Борлиқ жим кузатар қонли саҳнани,
Ҳар ёнда ваҳмкор, сирли сукунат.

Шоир фикрича, «талош палласи»нинг бир қанча хусусиятлари бор: бу онда шамол қайгадир беркинади.

шеърияти мудом мазмунан теранлиги, шаклан мукам-маллиги билан шеърият муҳибларини ҳайратга со-либ келаётир. Профессор Бегали Қосимов таъбири билан айтганда, “Ўзбек адабиётининг сўнгти 30-40 йили, муболагасиз айтиш мумкинки, Абдулла Орипов шеърияти таъсирида кечди. У, устозларимиз таъкидлаганларидек, шеъриятга ёниб кирди. Илк шеърлари биланок адабиётимизнинг мазмун ва йўналишида бурилиш ясади. Шуро мафкурасининг карнайига айланиб қолган “яшасин”чилик шеъриятига янги рух олиб кирди...

Тўғри, ўзбек шеърияти бугун бир оз ўзгача йўналишларга ҳам рағбат кўрсатмоқда. Лекин аминман: назм дарёси асл ўзанига — шеъриятда Абдулла Орипов яратган мактаб анъаналарига қайтажакдир».

2

«Самимият, ҳаққонийлик, табиийлик ҳамда маҳорат ҳар қандай мавзудаги асарни нурлантириб, унга қанот бағишлайди». Бу эътироф Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб ва таъкидлаш керакки, ушбу сўзлар замирида шоир ижодининг хос хусусияти ифодаланган. Бинобарин, шоир асарлари нечоғлик самимий бўлса, шу даражада ҳаққоний, қанчалик табиий бўлса, шунчалик юксак маҳорат маҳсулидир.

Абдулла Орипов шеърлари дунёning жуда кўп тилларига таржима қилинган. Чингиз Айтматов, Қайсин Кулиев, Давид Қўгултинов, Расул Ҳамзатов каби машҳур ижодкорлар эътирофини қозонган. Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Ўлжас Сулаймонов сингари шоирлар тарафидан юксак баҳоланган. Яқиндагина Москвада «Роман-журнал XXI век» журналида чоп этил-

шеърларга мавзу бўлган. Уларнинг энг ёрқин, таъсирчан мисралари назм жавҳарлари ўлароқ тақрор ва тақрор эсланиб келади. Энг муҳими, бу каби шеърлар вақтни ганимат билишга, огоҳликка даъват этади. Одам фарзандини қандай максад билан яратилгани, асосий вазифаси нима экани ҳақида мушоҳада юритишга ундиади. Асл моҳиятини англашга чакиради.

Абдулла Орипов ҳар қандай кўхна фикрга янгича рух, янгича мазмун бағишлийди, ҳаёт ҳақиқатини юксак бадиий умумлашма даражасига кўтара олади. Мана бу тўртлик ҳам фикримизни тасдиқлайди:

Соат милларига бокқанинг замон,
Кечмасми қўнгилдан бир гап ногаҳон:
Кимдир шу дақиқа дунёга келди,
Кетди шу дақиқа қайси бир инсон.

«Одам ва шайтон қиссаси» шеъри ёвузликнинг манбай хусусида. Шеърнинг асосий қаҳрамонлари – Одам Ато, Момо Ҳаво, Шайтон ва унинг боласи. Машхур ривоятга қўра, Одам Атонинг овга кетганини билган Иблис Момо Ҳавонинг қўнгли бўшлигидан фойдаланиб, “қуюқ-қуюқ салом беради, таъзим қилиб жилпанглайди”. Момомизнинг оламга чирой эканини таъкидлаб (Аёлнинг азалдан мақтовни, хушомадни ёқтириши бор гап бўлса керак), аврайди ва боласини унга ташлаб кетади. Уйида шайтонваччани кўрган Одам Ато Момо Ҳавога бор заҳрини сочади ва Иблис боласини чўнг денгизга чўқтириб юборади. Бу хол эртасига яна тақрорланади. “Гўзалларнинг гўзали, асалларнинг асали” деган таърифдан қалби мумдай эриган Момо Ҳаво шайтонваччани яна олиб қолади. Бу сафар Одам Ато Иблис боласини ўтда куйдиради.

Гужғон қушлар нафаси ҳам тинади. Боболаримиз она заминга зулмат чўка бошлаган бундай лаҳзаларда сафар қилишини бехосият билишган. Ҳатто қолган тўрт вақт намоздан фаркли ўларок шомдан сўнг Қуръон тиловат қилинмайди. Шоирнинг маҳорати шундаки, борлиқнинг бу зиддиятидан ўқувчи кўз олдида яққол гавдаланадиган ва ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган поэтик манзарани яратса олган. Ижодкор сўз кучи ила ҳосил қилган бу манзара, гўзал бадиий лавҳа ўқувчини ҳайратлантиради. Мана бу мисралар жозибаси сўзимиз тасдиғидир:

Тонгда қайтурман деб, умидга тўлиб,
Фалак пучмоғига чекинар Куёш.
Энди маржон-маржон юлдузлар бўлиб,
Само яноғида ялтирайди ёш.

Адабиётшуносликда тасвирнинг бу қадар охорли бўлиши, теран мазмун ва гўзал бадиий шаклнинг бу мақомдаги уйғунлиги кўпроқ мумтоз шеъриятимизга хос деган қараш мавжуд. Ушбу шеър бундай поэтик кашфиёт замонавий назмимизда ҳам яратилиши мумкинлигига далилдир. Куёш ботгач, осмонда юлдузлар пайдо бўлишини само яноғидаги ёшга менгзаш – бу ташбеҳни шу пайтгача бошқа бирорта ҳам шоир қўллаган эмас. Бу – Абдулла Ориповнинг бадиий кашфиёти. Қолаверса, бу шеърда наинки ташбеҳ, балки ташхис, таносуб каби бадиий санъатлар имкониятидан маҳорат билан фойдаланилган. Шу маънода, бу мўъжаз шеърни ҳақли равишда, миллий поэзиямизнинг сўнгги йиллардаги чўнг ютуғи, деб баҳолаш мумкин.

Инсон умри ўткинчи, бу дунё ҳаёти фоний экани адабиётимизнинг минг йиллик тарихида саноқсиз

Деворларга осиб чўгирмасини,
Ўтказамиз етти, йигирмасини.
Сўнгра қирқи бўлар, йили бўлади,
Кетгандан қолганнинг кўнгли тўлади.
Чорлаб мамлакатни эҳсон ошига,
Байтлар ҳам битамиз қабр тошига.
Буларнинг ҳаммаси савоб, албатта,
Тирик бандаларга ибратдир катта.

Оддий ҳаётий ҳодисалардан муҳим умумлашма хулосалар чиқариш, фикр йўналишини ўқувчининг хаёлига ҳам келиши мушкул бўлган томонга буриб, оҳорли поэтик тасвирлар яратиш – Абдулла Орипов шеъриягининг хос хусусияти. Ушбу шеърда ҳам худди шу хусусиятни қузатиш мумкин. Шогирдининг устозга берган қуидаги саволлари ҳам фикримизни тасдиқлайди:

Бироқ ечолмадим мен бир савонни,
Шарҳлай ололмадим сира бу ҳолни.
Инсонда жам бўлмиш не-не туйғулар.
Улар ҳам туғилар, яшар ва ўлар.
Нечун туйғу ўлса очилмас аза,
Нечун ўқилмайди унга жаноза?

Шундан кейин шоир шогирд тилидан виждан мархум бўлиб кетганида ҳеч ким кўз ёши тўқмаганини, кимдир панадан туриб кўриқхонадаги меҳрни ҳалок этганида одамлар ўзини эшитмаганга согганини таъсирчан ифодалайди. Шогирд устоздан одамзодни, эҳтимолки, минг йиллардан буён ўйлантириб келаётган бу ҳолнинг сабабини сўрайди. Бу саволлар инсоннинг нокомиллиги, замон илгарилаган сари гўзал туйғуларнинг барҳам топаётгани, энг ёмони, одам боласи

Таассуфки, учинчи марта ҳам шу ҳол юз беради. Шеърда таъкидлаганидек: “Бу сафар у на чўктирди, на кулини совурди, Шайтончани тўғраб-тўғраб, қозонида қовурди”.

Алқисса, Одам Ато ва Момо Ҳаво ионуштада Иблис боласининг гўштини тановул қиласи. Шу пайт Шайтон зоҳир бўлади ва уларга қаратада бундай дейди:

– Қовурдогинг ҳазм бўлгай,
Мен ҳаммасин билгандим.
Шайтончани еб битирдинг,
Шуни орзу қилгандим.

Шоир қиссадан ҳисса тариқасида инсондаги шайтоний хислатлар ана шундан мерос эканини, ўша замондан буён қонимиздан шайтонни ҳайдай олмай овора эканимизни образлар, тимсоллар воситасида ифодалайди. Кўхна ривоятга янгича рух бағишлийди. Ҳар бир ақл эгасини ўйлантирадиган поэтик холоса чиқаради.

Инсоннинг номукаммаллиги, мўътабар туйгуларнинг ҳар доим ҳам қадрланавермаслиги улуғ ижодкорни ўйлантиради. Шоир бундай ҳолдан изтироб чекади. Чинакам санъат асари дарднинг, изтиробнинг меваси экани аён. Бу эса, ўз ўрнида, янгидан янги поэтик яратиқларнинг юзага келишига замин бўлади. «Туйгулар» шеъри ҳам буни тасдиқлайди. Шеър қуийидаги мисралар билан бошланади:

Дунё ишларига бокиб ҳайрон, лол,
Шогирд устозига берди-ку савол:
– Мудом ўтганларни ёд айлагаймиз,
Ёд айлаб руҳларин шод айлагаймиз.

“Тамагир” деб номланган тўртлик моҳиятан мазкур шеърнинг давоми, дейиш мумкин. Таманинг инсонни тубанлик ботқоғига туширувчи иллат эканини шоир тўрт мисрада лўнда ва таъсирчан акс эттира олган:

Тамагирнинг иши тамадир билсанг,
Тама қони чиққай томирин тилсанг.
– Қанча олдинг, дея сўрар сендан ҳам,
Агарда бировга яхшилик қилсанг.

Ўзи чарчаган, оти ҳориб-толган чавандоз атрофини қашқирлар ўраб олиши, бу мудҳиш манзарадан Қуёш кўз юмиб, Ой ҳайратдан тош қотиши (“Манзара” шеъри); қаноат туйғусидан бебаҳра бир бойнинг иккинчи бойдан ҳомийлик қилишини илтижо этиши (“Ҳомийлик” тўртлиги); йиллар шафқатсизлиги боис қартайган, умрнинг хазон фаслига қадам қўйган отага боланинг насиҳат қила бошлагани (“Умр ҳисоби” шеъри); бозор бу дунёни забтига олгани, инсоннинг ҳақ йўлдан озиши боис қадриятларнинг-да бозорга солиниши (“Қадрият” тўртлиги); жаҳолат сабабидан дунёдаги тўфонлару зил-зилаларни маҳалла қудуғининг суви қочгани билан боғлаган чолнинг аянчли аҳволи (“Вахима” шеъри) – булар барчаси бир худуд, бир миллат доирасида эмас, умуминсоният миқёсида аксар ҳолларда худбинлик ва жаҳолатнинг бағрикенглик ва маърифатдан устун келаётганини кўриб, изтиробга тушаётган ижодкор кечинмаларининг поэтик умумлашма даражасида ифодаланишидир.

Ватан мавзуи Абдулла Орипов ижодида ўзига хос юксак мақомга эга. Ижодкорнинг бу мавзудаги шеърлари шеъриятдаги мавжуд колипларга асло мос келмайди. “Ватан” сўзини суистеъмол қилиш, тар-

бундан заррача афсусланмаётгани учун надомат ўларок ўртага ташланади. Айниқса, мана бу савол бениҳоя аччик экани билан ажralиб туради:

Бир ҳакам Инсофдан сўрабди пора,
Кўксига тиф урмиш Инсоф бечора.
Ҳаё ҳам осибди дорга ўзини,
Бирор айтгани йўқ таскин сўзини.

Инсофки инсофсизликка дуч келганидан кейин бунга ким ҳам чора топа олар эди. Энг ёмони, бу каби инсоний туйғулар ҳалокати ҳеч кимни ўйлантирганидир. Шунинг учун ҳам шогирд устозга «Ҳеч ким парво қилмас бундай заволга, Устоз, жавоб беринг ушбу саволга», дея мурожаат қилади.

Устознинг жавоби эса, янада таъсири. Бундай жавоб қаршисида қолган инсон ўз ҳоли, нафсу ҳаво гирдобига тушган одамзоднинг аҳволи хақида мушоҳада юритмай иложи йўқ.

– Аза очилмайди ҳеч кимга агар
Тирикликдан бўлса заррача асар.
Сен бунча ваҳима қилма, болажон,
Уларнинг кўплари ҳали чалажон.
Агарда бутунлай топсалар барҳам,
Бўлмасди уларни сўровчилар ҳам.

Шу биргина шеър таҳлили ҳам «Эскирмас, тўзимас сўз соҳибларидан бири Абдулла Ориповдир. Унинг илк шеърлари ҳалқ қалбидагандай акс-садо берган бўлса, энг янги сатрлари ҳам шундай сеҳрли қудрат билан жаранглаб турибди» деганида, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов нечоғлиқ ҳақ экани исботидир.

Ишонч билан таъкидлаш мумкинки, ана шу бетакрор мазмун, гўзал ташбех, сирли рух – устоз Абдулла Орипов шеъриятининг умбоқийлигини таъминлаб келаётган бош омилдир. Бинобарин, токи миллат ва унинг адабиёти бор экан, шоир ижоди “ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви” (Чўлпон гаъбири – Н.Ж.) ўлароқ янгидан янги авлодларнинг кўнгил ташналигини қондиражакдир. Нур ўлароқ шуурларни ёритгувсидир.

ғибот-ташвиқот рухи шоир ижодига мутлақо бегона. Абдулла Орипов Ватан мавзууга бетакрор ёндашади, кутилмаган ташбехларни күллайди, мисралар күйилиб келади. Натижада, уларни мутолаа қылганлар қалбидა ўз-ўзидан она заминга муҳаббат туғилади. Күнгилларга Ватан қадри нечөглик юксак экани ҳақидаги түйғу инади. Бинобарин, ҳақиқий шеърнинг, чинакам шоирнинг вазифаси ҳам шу: түйғуни түшунтириб, изохлаб ўтирумасдан юқтиради, шуурларга нур багишилади, рухни юксалтиради. “Бу юртда” түртлиги ана шу фазилатни мужассам этгани билан алоҳида ажралиб туради:

Токи тонг откунчалик интиқ қилас қүёшни,
Қишининг бели ёй каби букилгайдир бу юртда.
Болға билан бир урсанг учраган ҳар бир тошни,
Олтин қуми шовиллаб тўкилгайдир бу юртда.

Бугун шеъриятимиз ҳам шаклан, ҳам мазмунан эврилишга юз тутди. Бу хол кўпинча адабиёт равнақига хизмат қилаётгани ҳам рост. Абдулла Орипов устоз ижодкор, атоқли сўз санъаткори сифатида шеъриятдаги ҳар бир ўзгаришни, ютуқ ва муаммоларни мунтазам кузатиб келади. Кузатадигина эмас, катта ижодий тажрибасидан келиб чиқиб, муносабат билдиради. Шоирнинг Ватанимиз эндиғина мустақилликка эришган кезлари айтган мана бу фикри, айниқса, аҳамиятли ва қийматини ҳеч қачон йўқотмайди десак, муболага бўлмас: “Хозирги шеъриятимизда шаклдаги ранг-баранглик қарор топаётгани мени кувонтиради. Ранг-баранглик ҳеч қачон эскирмайди. Факат унинг замирада бетакрор мазмун, гўзал ташбех, сирли рух бўлса, бас”.

яратиб, уни янги замон шароитида чинакам юксак даражага күтара билгани Абдулла Орипов ижодининг бекиёс аҳамиятига ҳужжатдир, далилдир.

Савол туғилади: хўш, бу икки мутафаккир дунё-карашидаги, ижодий принципларидағи, поэтик каш-фиётларидаги муштараклик, ворисийлик нималарда кўринади? Уларнинг миллий маънавиятимиз, адабиётимиз такомилига қўшган улуғвор ҳиссаларида қандай мутаносиблик бор?

Буюк бешлик – “Хамса”ни ижод этар экан, ҳазрат Навоий мана бундай сатрларни битади:

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусга майли беандоза бўлғай.

Йўқ эрса, назм қилғонни халойик
Мукаррар айламак сендин не лойик.

Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўлеким, эл югурмишдур – югурмак.

Биравким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилғон – кўрди, терди.

Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон сахнида гул кўп, чаман кўп.

Улуғ мутафаккир халойик назм қилғонни мукаррар айламоқ – такрорламоқ фикридан йироқ. Ул зотнинг эътиқодича, бирорлар кетидан от сурмоқ, эл югурган йўлдан югурмоқ маъқул эмас. Бошқалар гул терган чаманда гул истамоқ оқил иши саналмайди. Ваҳоланки, “Бу бўстон сахнида гул кўп, чаман кўп”. Яъни ҳар ким ўз дидига мос гулни изламоғи, термоғи зарур. Буни

ШЕЪР АҲЛИНИНГ ИККИ ЖАҲОНГИРИ

Буюк адиблар, улуғ мутафаккирлар кисматида, ижодий қиёфасида муайян муштаракликлар бўлиши кўп кузатилган. Бунга аждодлар кечмиши, адабиёт тарихидан ададсиз мисоллар келтириш мумкин. Бироқ биз ўз олдимизга бундай вазифани қўймаганмиз. Бизнинг муддаомиз бир оз аниқроқ: миллатимизнинг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳамда замонавий шеъриятимизнинг забардаст намояндаси Абдулла Орипов сиймосидаги ана шундай муштараклик хусусида баҳс юритмоқдир.

Профессор Бегали Қосимов бундан қарийб ўн йил муқаддам мана бундай ёзган эди: “21 марта замонамизнинг машҳур адиби Абдулла Орипов 60 ёшга тўлди. Бу сана улуғ Навоий таваллудининг 560 йиллигига тўғри келишида ўзига хос рамзий маъно бор. Агар Абдулла Орипов шунчаки бир истеъдод бўлганида, 560, 60 ракамларига ёхуд Наврўз кунида туғилганига кўпчилик эътибор бермаган бўларди. Ёхуд тасодифга йўйиб қўя қоларди. Ҳозирда эса, у шубҳасиз, муайян маъно ташийди”.

Дарҳақиқат, бу мутаносиблик бежиз эмасдек, назаримизда. Бунда Яратганинг биз англамаган ҳикматлари бўлса ажаб эмас. Зоро, ҳазрат Навоийдан роппа-роса беш юз йил кейин буюк бобокалонимиз асарларидаги умрбоқий анъаналарни муносиб давом эттиргани, миллий шеъриятимизда ўзига хос мактаб

Тақлидчилик ҳазрат Навоийнинг “Ани назм этки тарҳинг тоза бўлғай” деган фикрларига ҳам моҳиятган мувофиқ эмас. Чинакам ижод намунаси оригинал бўлмоғи зарур, тоза тарҳ билан битилмоғи керак. Бутун ижодий фаолияти ана шундай юксак эътиқод, мустаҳкам тутум асосига қурилгани бу икки буюк истеъдоднинг ижодкор сифатидаги принциплари нечогли уйғун экани далилидир, бизнингча.

Улар ижод майдонига чиқкан тарихий шароит ўртасида ҳам муайян мутаносиблиқ бор. Ҳазрат Навоий замонида адабиёт тили сифатида форс тилининг мавқеи баланд эди. Ўзлари туркий миллатга мансуб икки буюк ижодкор – Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавий ҳам форсийда “Хамса” яратган, адабиёт ахли ўртасида туркий тилда бундай улкан бадиий обидани яратиб бўлмайди, унинг ифода имконияти кенг эмас, деган қарашлар ҳукмрон эди. Улуғ мутафаккир “Муҳокамат ул-лугатайн”да туркий тилининг фасоҳати ва балоғати форсийдан кам эмаслигини, аксинча баландроқ эканини аниқ далиллар билан исботлар экан, бундай ёзади: “Бу алғоз (туркий тил – Н.Ж.) ва иборатда бу навъ дақойик кўпдурким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатига мулоҳаза қилмагон жиҳатдин бу яшурун колубдур... Андин сўнграким, турк тилининг жомеияти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидан пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳият ва табъларин, ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар икки тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболага қилсалар, иккала тил била тенг айтсалар эрди. Бу эҳтимолга худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуштабълари мажмуи сорт тили била назм айтқайлар

ижодга татбик этилса, ҳар ким ўз сўзини, ўзигагина хос услугда ифодаламоги керак.

Абдулла Ориповнинг ижодий дастури ҳазрат Навоий-нинг мазкур фикрларига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг:

Мен шоирман,
Истасангиз шу,
Ўзимники эрур шу созим,
Бирорлардан олмадим туйгу,
Ўзгага ҳам бермам овозим...

Ана шу дастурий фикрнинг поэтик ифодаси билан бошланган шеърнинг хотимасида шоир бениҳоя салмокли хулосага келади. Аҳамиятлиси шундаки, бу хулоса ҳам ҳазрат Навоий номи билан боғланган:

Хаёл каби кенг эрур олам,
Майда гапни кўтармагай шеър.
Керак бўлса, менинг учун ҳам
Жавоб берар бобом Алишер.

Кўриниб турибиди, ҳар икки ижодкор яқдил фикрда: шеъриятда ўзгаларни такрорлаш (“мукаррар айламак”) айб. Чинакам шоир ўз сози билан куйлаши лозим. Бошқалар кетидан от сурмок, ўзгалардан туйгу олиш ҳақиқий ижодкор иши эмас. Тақлидчилик ижод табиатига зид. Шунинг учун ҳам Абдулла Орипов тақлидчи шоирга ҳақли равишда мана бундай киноя қиласди:

Тақлид кила бергин етса бардошинг.
Модомики сенда бор экан хавас.
Фақат бир қора кун кўтариб бошинг.
Асл нусхаман деб дод солмасанг бас.

сўзларни ўзбек адабий тили доирасига олиб кирди. Навоийнинг журъати ва жасорати, маҳорати туфайли ўзбек адабий тили мукаммал шаклланишга эришди” деган Абдулла Ориповнинг ўзи ҳам бу борада ўз даври учун тенгсиз хизмат қилди. Шоирнинг 1965 йилда ёзилган “Она тилимга” шеъри бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга:

Минг йилларким, булбул қаломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...

Бор-йўғи саккиз қатор шеърда миллатнинг тақдири билан боғлиқ муҳим масалани бу тарзда са-мимий, бунчалар образли ва таъсирчан ифодалаш учун сўзлар қалб призмасидан ўтмоғи зарур эди. Бинобарин, “сўз даҳоларини бирлаштирувчи биринчи фазилат” саналган “она тилига туганмас ишқ, унинг тақдирию камолоти учун масъуллик ва ғам-хўрлик” – Абдулла Орипов ижодий фаолиятининг ўзагини ташкил этади. Бу жиҳатдан уни ўзи номларини санаган улувлар – Навоий ва Данте сафига қўшиш мумкин.

Ватанга муҳаббат туйғусининг бетакрор поэтик талқини борасида ҳам Алишер Навоий ва Абдулла Орипов ижодида ана шундай уйғунликни кузатиш мумкин.

ва билкулл турк тили била айтмагайлар...” (Алишер Навоий. Мұхомамат ул-луғатайн. – МАТ, 20 томлик, XVI том, Т.: “Фан”, 2010, 23-24-бетлар).

Ҳазрат Навоий она тилининг тақдири учун ана шу тарзда қуюнди, унинг мавқеини күттармоқ, миллатнинг шаънини юксалтироқ учун бор салоҳиятини сафарбар этди. Бу миллатдан етишиб чиқсан табъ аҳлини – ижодкорларни ўзга лисонда эмас, она тилида бебаҳо бадиий асарлар битмоққа чорлади.

Абдулла Орипов ижод майдонига келган ўтган асрнинг 60-йилларида ҳам она тилимиз тақдири учун таҳликали вазият юзага келган, қўпмиллатли совет халқининг таркибий қисми саналган миллатлар тилининг йўқола бориши, бир тилга бирлашиб кетиши ҳақида “башорат”лар қилинаётган эди. Йирик нуфузли анжуманлар тугул кичик ташкилот ёки муассасадаги йигинлар ҳам рус тилида олиб борилиши урфга айланган эди. Барча идора ишлари ҳам ўзга тилда юритилар, собиқ иттифоқдаги бошқа миллий тиллар каби ўзбек тили ҳам деярли хонадон тили даражасига тушиш хавфини бошдан кечираётган эди. Абдулла Орипов ана шундай вазиятда ижод майдонига қадам кўйди. Энди унинг олдида ҳам “миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон оинаи ҳаёти” (Абдулла Авлоний таъбири – Н.Ж.) – тили ва адабиётини юксалтириш йўлида жонбозлик қилиш вазифаси тураг эди. “Она тилига туганмас ишқ, унинг тақдирию камолоти учун масъуллик ва ғамхўрлик – сўз даҳоларини бирлаштирувчи биринчи фазилат. Данте италян тилини халқаро йўқламада нечоғлик барқарор этган бўлса, Навоий ҳам шундай вазифани – жаҳоншумул ватанпарварлик ишини адо этди. Этник жиҳатдан бағоят хилма-хил, қанчадан-қанча шеваларда гаплашувчи кишилар тилига хос

“Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзда ҳал”, деб ёзади Абдулла Орипов. Зеро, чиндан ҳам, инсон учун Ватан – Яратганинг улуғ неъмати. Уни танлаш имконияти берилган эмас. Ватан – тақдир, Ватан – қисмат. Уни севиш иймондандир, одамийлик зийнатидир. Ҳар икки буюк мутафаккир асарлари бизга бу ҳақда унутилмас сабоклар беради.

Ўзи мансуб бўлган халққа муҳаббат, эл дардини ўз дарди деб билмоқ ҳар икки ижодкор асарлари лейтмотивини ташкил этади. Уларнинг ҳар иккиси “эл шод, мамлакат обод” бўлишини орзу қилди, бутун ижтимоий фаолиятини, ижодий салоҳиятини ана шу улугвор мақсадга йўналтиргди. Бу жиҳатдан, ҳазрат Навоийнинг мана бу мисралари айрича аҳамиятга эга:

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Элга фидойилик бундан ортиқ бўлмас. Бу туйғунинг поэтик талқини борасида улуғ шоирдан ўтказиб бир нарса дейиш маҳол. Бироқ Абдулла Орипов улуғ бобокалонидан юқкан истеъдоди боис ўзи мансуб бўлган халққа муҳаббатини бетакрор услугуб билан, баланд пафосда ифодалай олди:

Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин десалар менга.
Шоирона гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиласман она халқимга.

Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Мехрим бермасмидим ўша музларга?

Ватан хубби иймон нишони дуур –

деб ёзган Ҳазрат Навоий асарларида бу туйгуниң нечоғлик муқаддас экани теран мазмун ва гўзал бадиият вобасталигида тасвирланган. Жумладан, улуғ шоир “Садди Искандарий”да ўзи туғилиб ўсган Хуросон ва унинг гўзал шаҳри Ҳирот ҳакида бундай ёзади:

Хуросон бадандир, Ҳирий жон анга,
Ҳирий жон, Хуросон бадандир анга.

Таъкидлаш жоизки, бу мавзу Абдулла Ориповинг ҳар бир шеърида ўзгача маҳорат билан ифодаланади. Ватан тушунчаси мавхумлик гирдобига туширилган мураккаб ва зиддиятли даврда ёзилган “Ўзбекистон” шеъридаги “Ўзбекистон – Ватаним маним” мисраси ҳар бир ватанпарварнинг қалб садоси бўлиб янграган бўлса, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!“ асарида бу муқаддас туйғу ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган охорли услубда, тамомила ўзгача ракурсда бадиий ифодасини топгани сир эмас. Мана, шоир тўрт мисра шеърда “Ватан хубби”ни қандай тасвирлайди:

Балки чаман бўлар дашти Карбало,
Балки, беҳишт мавжуд юлдузлар аро.
Менинг Ўзбекистон – Ватаним бордир,
Уларнинг баридан аълороқ, аъло.

Ватан ҳимояси, уни хавфу хатарлардан эмин асраш – муқаддас бурч. Ҳазрат Навоий ижодида бу масала ҳам бетакрор поэтик талқинини топган:

Аёнким, Ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

Абдулла Орипов ижоди бу жиҳатдан илмий тадқиқотлар учун бой материал бера олади. Зеро, у мумтоз адабиётни, айниқса, Алишер Навоий асарларини чуқур билади. Ҳар йили Миллий боғда ўтказиладиган умуммиллий навоийхонлик байрамлари Абдулла Ориповнинг бири-бирини такрорламаган, ҳам илмий теран, ҳам ҳар кандай даражадаги тингловчи қалбини забт эта оладиган маърузалари билан очилиши бежиз эмас. Шу боис шоир ижодда ҳам буюк салафи юксакларга тиккан байрокни қўлдан бермай келаётир.

Абдулла Ориповнинг ғазаллари мумтоз шоирларимиз, хусусан, ҳазрат Навоий поэтик анъаналарининг муносиб давоми дейилса, муболаға бўлмас.

Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун,
Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун.

Ғазал матлаъида мумтоз шеъриятга хос бадиий унсурлар ажиб бир тарзда мужассам бўлган. Ўзини ишқ саҳросида беишқ ҳис этган ошиқ ёр ҳажрида бениҳоя қаттиқ изтироб чекмоқда. Натижада ишқ дарди боис саҳрони манзил этмоққа ўрганган Қайс бу одатидан воз кечмоққа мажбур. Не учунки, ошиқнинг ўтли оҳи сабабидан саҳрога ҳам ўт кетган. Энди Қайс – Мажнун учун борарга макон қолмаган. Байтда тасвирланган образ ёрқин ва жонли, ўкувчи кўз ўнгига мутлак унутилмас таассурот гавдаланади: олов ичида қолган бепоён саҳро ва иложсиз Қайс. Бир вақтнинг ўзида тазод, тажнис, игроқ фи-с-сифат сингари мумтоз бадиий санъатлар имкониятидан маҳорат билан фойдаланилгани байтнинг поэтик мукаммаллигини таъминлаган. Игроқ фи-с-сифат (“Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун”) санъатими шоир

Эътиборга молик яна бир жиҳати, мазкур шеърда шоирнинг халқига бўлган меҳри Ватанга муҳаббати билан уйғулиқда тасвиrlанганидир. Абдулла Орипов буюкларга даҳо баҳш этган, энг сўнгги нонини ҳам ўзи емай ўғлига тутган, фарзандлар шонини асрлардан опичлаб ўтган, суюклардан суюқ она халқини жону тан баробарида ардоқлайди. Муҳими, бу ардоғини бетакрор мазмун ва тутилмаган ташбеҳлар билан бадиий кашифий мақомида назм силкига чекади.

Ҳазрат Навоий ёзадилар:

Нафъинг агар халққа бешакдуур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдуур.

Абдулла Орипов оломоннинг халкқа айланиши учун жон куйдирган, ўз қисматини она халқи тақдири билан уйғулиқда тасаввур этган миллатпарвар сифатида буюк мутафаккир бобоси янглиғ бутун ижтимоий фаолиятини, ижодий салоҳиятини ана шу улуғвор мақсадга сафарбар этди. Шоирнинг мана бу мисралари чинакам халқпарварликнинг намунасиdir:

Халқим, мозий ўтди,
толе кўрмадинг,
Пиширдинг ўзингга
бенасиб таом.
Кийгаздинг бировга,
ўзинг киймадинг,
Юлдузни кашф этиб,
ном олдинг авом...

Замонавий шеъриятимизда ҳазрат Алишер Навоийнинг адабий анъаналари муносиб давом эттирилаётir.

Шоирнинг

Бул ажаб хор кимсадин имдод сўрайди хорлар,
Сиз бемор кўксига бош қўймангиз, эй bemорлар, –

матлаъли ғазали ҳам мумтоз лириканинг юксак талабларига жавоб бера олади. Охорли мазмун, вазн, қофия ва бадиий санъат мукаммаллиги Абдулла Ориповнинг газалнависликда ҳазрат Навоий санъатхонасидан баҳра ола билган баҳтли ижодкор экани исботидир.

Ўтган асрнинг 80-йилларида нашр этилган бир сухбатида шоир мана бундай фикрларни билдирган эди: “Мен навоийшунос деган терминга қаршиман. Чунки бу шундай катта баҳри муҳитки, унинг денгизлари бор. Шунинг учун “Лайли ва Мажнун”шунос ё “Фарҳод ва Ширин”шунос бўлиш мумкин. “Чор девон” бир умр ўрганилса кам. Мен Навоийдан масаланинг моҳиятига киришни, шеърни сеҳрли таёқчадай ўйнатишни ўргандим. У киши мазмун ифодасининг устаси, шеър айтиш мумкин, лекин шеърни мазмун билан факат Навоий айтган”.

Дарҳақиқат, Абдулла Орипов маънавий устози ҳазрат Навоийдан ўрганганидек, масаланинг моҳиятига кира билади. Бугина эмас, моҳиятни бетакрор бадиий талқин этиш бобида тенгсиз маҳорат касб этган. Яна улуғ Навоийдан ўргангани каби шоир шеърни сеҳрли таёқчадай ўйната олади. Шунинг учун ҳам, унинг асарлари бир вактнинг ўзида шуурни ҳам, кўнгилни ҳам бирдай зabit этади. Ўқувчини ҳайрат оламига олиб киради, унинг қалбида янги-янги дунёларни кашф қиласи. Мана, шоирнинг арузда ижод этиш имконияти нечоғлик катта эканини кўрсатадиган шоҳбайтларидан яна бири:

назариётчилар талаблари даражасида, балки ундан ҳам ўтказиб кўллади. Маълумки, Шайх Аҳмад Тарозий бу санъатда "...бир нарсанинг васфинда муболагани ҳадду гоятдин ўткарурлар" дея таъкидлаган (Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балога. Т.: Ҳазина, 1996, 103-бет). Атоуллоҳ Ҳусайнин мулоҳазалари Аҳмад Тарозий фикрларини тўлдиради: "Агар даъво ақлға сигсаю одатдин ташқари бўлса ҳам мақбулдур ва ани игрок дерлар" (Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ усанойиъ. Т.: Адабиёт ва санъат, 1981, 152-бет).

Арузнинг туркий шеъриятда кенг тарқалган рамал баҳри (колипи: фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун) – рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилгани ғазал ритмининг ўзига хослигини таъминлаш баробарида, ифодаланаётган фикр таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Кейинги байтлар ҳам жозибаси ва бадиий мукаммалигига кўра матлаъдан қолишмайди:

Чехрай заррин сира кўрмакка ҳожат қолмади.
Шамс нарвони уза ағёр эрур пайдо бу кун...

Ёки:

Нун лабинг узра сокин қолди ҳилолдек ҳолатим,
Ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун.

Бир вактнинг ўзида бир неча қават мазмуннинг ва гўзал бадииятнинг бу даражадаги уйғунлигига эришмоқ учун мумтоз адабиётни, ҳазрат Навоий асарларини шунчаки мутолаа қилишнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун Худо юқтирган шеърий иқтидор, юксак назмий салоҳият зарур.

комил баҳридаги ғазалга битилгани Абдулла Ориповнинг арузда нечоғлик маҳорат касб этганидан далолат беради. Мана, мухаммаснинг якунловчи банди:

Келибдур оғзима жоним, қилурман ишқими зикр,
Нетайким васл эрди орзу vale дилдордин макр,
Нетсун Абдулла ҳайрондур, аё пир, айланг фикр,
Навоий ҳажрға қолди, қилинг висолда шукр,
Жамоатеки, севар ёрингиз била биласиз.

Миллий университетда бўлган ижодий учрашувлардан бирида шоир ҳазрат Навоийнинг сўз қўллаш борасидаги ўзига хослиги ҳакида гапириб, улуғ мутафаккирнинг “бўлдило”, “қилдило” тарзидағи ифода шакли унга бениҳоя маъқул келгани хусусида баҳс юритди. Шундан сўнг ўзининг буюк бобо-калонимиздан таъсиrlаниб ёзилган “Бўлдило” шеърини ўқиб берди. Бу ҳол Абдулла Ориповнинг улуғ Навоий анъаналарини яна ўзгача шаклда ҳам давом эттираётганини кўрсатади.

Ҳазрат Навоийнинг Абдулла Ориповни тўлқинлантирган мисралари қуйидагича:

Кимки замон аҳлидин айламади ижтиноб,
Бир кун ани ҳам дегунг аҳли замон бўлдило.

Яхшилар ичра Ватан тутса Навоий, не тонг,
Кимки ёмонлар била бўлди ёмон бўлдило.

Ҳақиқий шеър изтиробдан, дарддан туғилади. Айникса, дунёни мукаммал кўрмоқ истаган, қўлмак давралардан ҳазар қилган, умрнинг югуриклигини теран ҳис этган, йиллар жароҳатига даво излаган шоир беғам,

Гар фалак буржида шамс уйқуга солса ўзни,
Етди навбат бизга деб чақнар эмиш сайёрлар.

Табиийки, бунда шамс (қүёш) ҳам, сайёralар ҳам мажоз. Байтда аслида аксар инсонлар табиатига хос ўзи лойик бўлмаган мақомга интилиш, ҳою ҳавас, ҳирсу ҳасад каби иллатлар танқиди ўз ифодасини топган. Муҳими, бу фикр фалак, бурж, шамс, сайёрлар каби мутаносиб образлар воситасида жозибали поэтик тасвир орқали акс этган. Бу каби байтлар шоир ижодида кўплаб учраши Абдулла Ориповнинг арузда ҳазрат Алишер Навоийнинг муносиб издоши экани далилидир.

Шоир ҳазрат Навоий ғазалларига мухаммаслар ҳам боғлаган. Улар орасида

Жамоатеки, жунун манъини манга қиласиз,
Тош отибон не учун телбаларга қотиласиз, –

матлаъли ғазалга боғланган мухаммас алоҳида ажралиб туради. Сабаби, биринчидан, бу ғазал туркий шеъриятда кам қўлланган комили мусаддаси солим (қолипи: мутафоилун-мутафоилун-мутафоилун) вазнида битилган. Иккинчидан, мухаммас мисралари шударажада мантиқан ва санъаткорона боғланганки, гўё бир ижодкор қаламига мансубдек таассурот қолдиради.

Ҳазрат Навоий “Мезон ул-авзон”да арузнинг комил баҳри ҳақида мана бундай маълумот беради: “Олтинчи доираки, андин икки баҳр мустахраж бўлур, бу ҳам ажам шуароси аруzlарида кўрулмайдурким, алардин бири комил баҳридуур...” (Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. – МАТ. 20 томлик, Ўн олтинчи том, Т.: Фан, 2000, 90-бет).

Мазкур мухаммаснинг айни шу “...ажам шуароси вазнларида кўрулмайдурган, оз шеър воқеъ бўлган”

Хадис моҳиятини бетакрор бадиий ифодалаган. Бу борадаги кузатишларимизни биргина ҳадис поэтик талқини муқоясаси билан чеклаймиз. Жумладан, "Арбаин"да қаноатнинг туганмас бойлик экани ҳақидаги ҳадис қуидагича шеърий шархланган:

Ҳирсдин кечгил ул ғамедурким,
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.
Тут қаноатки, ул эрур моле –
Ки, ниҳоят анга эмас пайдо.

Қаноат комилликнинг бош шартларидан. Шу боис ҳам мумтоз шоирларимиз ҳадиси шарифда улуғланган бу фазилат тарғибиға алоҳида эътибор билан қаратган. Зеро, қаноат – бошдаги тож. Унинг акси бўлган гамагирлик эса инсоннинг асл табиатига ёт хусусият. Қаноат инсонни юксакликка кўтарса, тама уни забунликка маҳкум этади. Абдулла Ориповнинг қаноат ҳақидаги шеърий ҳикмати ҳам ҳадиси шарифнинг буғунги замон кишиси руҳиятига мос поэтик талқишидир:

Рамазон ойида, ҳайит чогида,
Сумалак пиширди аҳли мусулмон.
Унни қовурдилар зайдун ёғида,
Ҳалим тайёрлади – кимда бор имкон.

Баҳор келди, мана, қишдан чиқолдик,
Берган ризқ-рӯзига, неъматга шараф.
Тоғдайин заҳматни ахир йиқолдик,
Табиатга шараф, ҳимматга шараф.

Рӯздан чиққанлар, сизга ҳам раҳмат
Фарзингиз синовли саодат эрур.

бепарво бўлиши мумкин эмас. Абдулла Ориповнинг ҳазрат Навоийнинг мазкур шеъри таъсирида дунёга келган куйидаги мисралари ана шундай изтироб маҳсали:

Йиллар жароҳатин борми давоси.
Бормикан Луқмони, борми Синоси?
Мухаббат мулкининг нозик биноси
Ҳижрон сели ила вайрон бўлдило.

Шоир лирик қаҳрамонининг изтироби ўтқипчи ҳою ҳаваслардан туғилмаган. У баҳтга зор бўлса-да, баҳтни куйлаган, саробга термулиб нақдни бой берган, вақтни сомондек совурган ва бундан адоксиз андуҳда қолган, бошқача айтганида, ўз-ўзини тафтиш қилишга қодир тафаккур соҳибининг изтироби.

Лирик қаҳрамон гарчи сув излаб қумларга дуч келган, дафъатан дўстга мадад бера олмаган, ёвлари мисоли тикандек қуршаган, не-не орзулари армонга айланган бўлса-да, некбин. Ҳаётга умид ва ишонч билан қарайди:

Бу фоний дунёда мен ҳам бир сайёх,
Гоҳида шошилдим, шошилтиридим гоҳ,
Асл манзил экан у Олий даргоҳ,
Қолгани шунчаки сайрон бўлдило.

Ҳазрат Навоийнинг “Арбаъин” асари ва Абдулла Ориповнинг “Ҳикмат садолари” туркумининг қиёсий таҳлили ҳам қизиқарли хulosаларга олиб келади. Аввало, таъкидлаш керакки, асар номидан ҳам кўриниб турганидек, ҳазрат Навоий қирқ ҳадис мазмунини назмий талқин қилган бўлса, Абдулла Орипов эллик

Ҳазрат Навоийни улуғлаб минглаб байт шеърлар битилган. Мулкзам адабиётимиз тарихида ул зотнинг шаънида шеър багишламаган шоирни топиш маҳол. Бироқ шеър билан шеърнинг фарки бор. Бобокалонини улуғлар ёки, Абдулла Орипов охори тўкилмаган ташбехлар кўллади, мавзуга ҳеч бир ижодкорда кузатилимсан услуб ва мезонлар асосида ёндашади. Масалан, ҳазрат Навоий бебаҳо асарлари билан миллий тилимиз, адабиётимиз мавқеини, миллатнинг шаънини юксакларга кўтаргани маълум. Бироқ, бу фикрни мана бу тарзда ўзига хос поэтик талқин этиш осон иш эмас:

Шу буюк ўғлингни ардоклаб дилдан, –
Халқим, таъзим этсанг арзигай тамом.
Унинг номи билан бирга битилган
Дунё дафтарига ўзбек деган ном.

Улуғ мутафаккир таваллудининг олтинчи юз йиллиги ҳам ниҳоясига яқинлашаётир. У мансуб бўлган халқ буюк ўғлига юксак даражада эҳтиром кўрсатиб келмоқда. Абдулла Орипов бу фикрни ҳам бетакор бадиият билан, ўкувчининг кўнглига, шуурига таъсир кўрсатадиган даражада ифодалайди:

Нидо тингла, бу кун, юртинг тарафдан,
Эй, йироқ Ҳиротда маскан топган эр!
Огоҳ бўл, Алишер, сен ушбу гапдан:
Ҳар икки набиранг бири – Алишер.

“Ҳар икки набиранг бири – Алишер” – бу поэтик фикр чинакам бадиий топилдиқ, ўзбекона ибора. Буюк мутафаккирга бўлган эҳтиромни бундан ҳам содда ва таъсиричан ифодалаш маҳол.

Расулуллоҳ демиш: – Сабр қил, уммат,
Мўминлик белгиси қаноат эрур.

“Арбаъин” ва “Ҳикмат садолари”нинг муштарак ҳамда фарқли жиҳатлари алоҳида тадқиқотларга мавзу бўла олади. Мухими, шу биргина мисол ҳам кўрсатиб турибдики, замонамиз шоири Абдулла Орипов ҳазрат Навоий сингари муборак ҳадислар мазмунини бетакрор бадиий талқин эта билди. Бу орқали ўзининг инсонни комил, жамиятни мукаммал қўриш ҳақидаги орзуларини оҳорли образлар, гўзал ташбеҳлар орқали поэтик тасвирлашга муваффақ бўлди.

Абдулла Орипов шеъриятда ҳазрат Навоий анъана-наларини муносиб давом эттириш баробарида шоирлар султони образини бетакрор поэтик талқин этиш бобида ҳам пешқадамдир. “Навоий бобомиз асарлари мутолаасидан чарчаганим йўқ, – деб ёзади шоир матбуотда ўтган юз йилликнинг 90-йилларида чоп этилган бир сухбатида. – У кишининг бирор байти ёки мисрасини ҳар ўқиганимда, янги-янги қирраларини каашф қиласман, гёё оҳори тўкилмагандай туйилаверади. Ижодкорлар орасида Ҳаққа стгани Навоий, деган тушунча бор. У киши асарларини ўқиганимда кўз ўнгимда соҳиби камол,ベンазир бир инсон сиймоси гавдаланаверади”.

1966 йили ҳазрат Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан ижод этилган “Алишер” шеърида шоир бундай ёзади:

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди, –
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.
Беш юз йил наридан боқиб турибди
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.

Абдулла Орипов бир замонлар овози икки дарё оралигида қолиб кетаётганидан афсус чеккан эди. Миллий истиқбол шарофати билан унинг асарлари ҳам дунёниг кўплаб тилларига таржима бўлди, эътироф қозонди. Жаҳон адабиётининг Чингиз Айтматов, Қайсин Қулиев, Ҷавид Қўғултинов, Расул Ҳамзатов, Евгений Евтушенко, Улжас Сулаймонов, Андрей Вознесенский сингари атоқли намояндадарининг эътирофлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, Улжас Сулаймоновининг эътирофича: “Абдулла Орипов лирикасида қадимий ўзбек шеъриятига хос энг гўзал жиҳатлар мужассамлашган. У ўзбекнинг рамзи бўлган ижодкор”. Евгений Евтушенко осса “Ўзбекларга хос донишмандлик, бағрикенглик, хокисорлик ва андиша Абдулла Орипов поэзиясига сингиб кетган”ини таъкидлайди.

Чингиз Айтматов Абдулла Ориповга ўз даврининг ҳаками ва куйчиси, жарчи ва файласуф, сўз сеҳргари, мутафаккири, XXI асрга қадам қўйган давримизнинг буюк маданий аҳамиятга молик шоири, деся таъриф беради.

Абдулла Орипов жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига ижодий сафарлар қилди. “Ҳаж дафтари”, “Япон оҳанглари”, “Женева дафтари”, “Италия таассуротлари” сингари туркumlари шоирнинг барҳаёт умуминсоний гояларни ҳеч кимга ўхшамаган тарзда, ўз сози, ўз овози билан куйлагани исботидир.

Булар барчаси Абдулла Орипов назмий асарлари билан жаҳоний эътироф қозонганидан, шоир бу борада улуғ бобокалони ҳазрат Алишер Навоийнинг муносаб издоши эканидан далолат беради. Муazzзам миллий шеъриятимизнинг 570 га кирган бобо жаҳонгири ёнида ижодкор учун айни камолот палласи – 70 ни қаршилаган невара жаҳонгирнинг борлиги нақадар ярашиб турибди.

Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...
Шодмон қасида айт сен ҳам, эй қўёш!
Беш юз йил унга ҳам нима гап ахир,
Мингга қадам қўйди йигирма беш ёш.

Яъни ҳазрат Навоий жаҳоний миқёсга қўтарилиган ижодкор. Унга қўёш ҳам қасида айтса арзийди (шоир улуғ мутафаккирнинг серқуёш замин фарзанди эканига ишора қилган). Беш юз йил деганлари нима гап, у мингга қараб ҳам яна йигирма беш қадам қўйди. Бошқача айтганда, яна эҳтимол минг йиллар ўтар, бироқ, Алишер Навоий даҳоси мудом етиб бўлмас юксакликда қолаверади. Ахир у қалам билан Соҳибқирон Амир Темур тифи етмаган жойларни, наинки мамлакатлар, уларда яшайдиган инсонлар қалбини ҳам забт этди. Абдулла Орипов “Ўзбекистон” қасидасида бу ҳаётий ҳақиқатни мана бу тарзда бадиий ҳақиқатга айлантириди:

Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,
Ҳаммасига гувоҳ – ср ости.
Лекин, дўстлар, шеър ахли аро
Жаҳонгири кам бўлар, рости.
Беш асрким, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер.
Темур тифи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер.

Дарҳақиқат, ҳазрат Навоий – шеър аҳлининг тан олинган жаҳонгири. Улуғ мутафаккир, ўз таъбири билан айтганда, Хитодин то Хуросонгача, ундан Шерозу Табризгача бўлган худудни черик чекмай туриб, таҳти фармонига олган, бўйсундирган. Буюк шоирнинг фасоҳат ва балогатда тенгсиз сўзига наинки турк жон ҳам, ҳатто туркмон ҳам кўнгил берган.

Жавоб топмок истайди, топади ҳам. Қуйидаги мисралар шибү фикрни қувватлайды:

Дунёга келмоғу кетмоқ бор, албат,
Одамга ибратдир ҳар битта қисмат.
Бундан ҳам донишманд бўлардик, дўстлар,
Ҳар кимдан қолса гар биттадан ҳикмат.

Абдуқодир Ҳайитметов кўп йиллардан бери ижод билан шуғулланиб келади. Китобдаги шеърлар санаси ҳам шундан далолат беради. Ўз эътирофича, агар у олим бўлмаганида, албатта шоир бўлар эди. Мана унинг 1944 йили ёзган “Ой ва солдат” тўртлиги. Унда ўзбекона миллий урф поэтик образ даражасига олиб чиқилган:

Солдат ойга қарайди,
Ой эса кемтик. Шу он –
Хаёлига келади
Онаси тишлатган нон.

Китобнинг “Ғазал гулшани” деб номланган фасли арузда битилган дил изҳорлари орқали ўкувчи қалбини ром этади. Уларда лирик кайфият баробарида олим-ижодкорнинг ҳаётий хуносалари, фалсафий мушоҳадалари ўз ифодасини топганлиги кузатилади. Қуйидаги мисралар замиридаги ҳикматни англамаслик мумкин эмас:

Буюкликнинг илдизи камтарлиқдан сув ичар,
Манманликдан ёғилар бошга минг хил хатарлар.
Оlam ахлин билсангиз, бир-бирига қариндош,
Фарзандларин кун ора аразлашиб нетарлар?

ШЕЪР – КЎНГИЛ ОЙНАСИ

ОЛИМНИНГ ИШҚ ЧЕЧАКЛАРИ

Бу ном наинки мамлакатимиз, ҳатто ҳорижда ҳам маълум ва машхур. Ўзбек адабиётшунослиги, хусусан навоийшунослиги ривожини Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметов илмий-ижодий фаолиятидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Унинг хизматлари икки марта Беруний номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлангани, ўтган йили Президентимиз Фармонига кўра “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлангани ҳам бунинг далилидир.

Кейинги пайтда устоз олим бир катор шеърий ва насрый асарлар, бадиий таржималар орқали ҳам кўпчиликнинг эътиборини қозонмоқда. “Шарқ” нашриётида босилган “Ишқим чечаклари” тўплами ижодкорнинг сара асарларини ўзида жамлаган. Шеърлар, манзумалар ҳамда таржима асарлардан таркиб топган ушбу тўпламнинг нашр этилиши адабий ҳаётимиздаги ўзига хос воқеадир.

Маълумки, ижод дегани ҳаёлга келган ҳар кандай нарсани ёзавериш эмас. Ёзилган асар ўқувчига нима беради? Унинг руҳиятига қандай таъсир этади? Улуғ аждодларимиз бунга катта эътибор беришган. Устоз Абдуқодир Ҳайитметов ҳам масалани шу тарзда кўяди. Инсон нима учун дунёга келади? Унинг ҳаётдан мақсади нима бўлиши керак? Шу каби саволларга

Дарҳақиқат, паҳлавон Мұхаммад машхур Хиндисопи филини шундай тадбир билан йиқитадики, барча уни юрак-юрагидан табриклайди. Бу ҳаяжонли ҳодиенини томоша қилиб турған Навоий уни күзида севинч өнгілари билан муборакбод этади.

Абдуқодир Ҳайитметов – шарқ адабиёти билимдони. Шу боис унинг форс классиклари асарлари таржимасында күл уриши минбаъд ажабланарли эмас. Шайх Саъдий ҳикматлари, Шоҳий Сабзаворий ғазаллари, Ҳазрат Навоийнинг Фоний тахаллуси билан ёзилган форсий меросидан қилинган таржималар ижодкоролимнинг бу борадаги натижалари хавас қиласы өзкөнлигини күрсатади:

Илмни қанча сен ўрганма, билма, –
Гар амал қымасанг нодон дер ҳамма.
Устига юз китоб ортсанг ҳам эшак, –
На олим аталар, на оқил, бешак.

Таржималарда устознинг ҳам олимлиги, ҳам ижодкорлиги яққол күзга ташланади. Уларда айрим мажоз орқали ифодаланган ҳикматлар ҳам маҳорат билан она тилимизга ўтирилган. Қуйидаги ҳикмат бунинг далили:

Бечор мушукнинг бўлса қаноти,
Дунёда ўчарди чумчуқнинг оти.
Эшакка икки шоҳ битсади, ҳайҳот,
Унга яқин келолмасди ҳеч зот.

Шайх Саъдий ҳикматлари таржимаси ўқувчини ҳаёт фалсафасидан огоҳ бўлишга ундейди. Уларнинг бадиий аҳамияти қанчалик теран бўлса, амалий аҳамияти шунчалик катта:

Абдуқодир Ҳайитметов – биринчи навбатда, олим. Шунинг учун ҳам “Анвойи манзумалар” орқали болажонларни миллатимизнинг қўхна тарихи, улуғ мутафаккир аждодларимиз кечмиши, улар ҳаётидаги ибратли воқеалар билан таншитириш мақсадини ўз олдига қўяди. Натижада тарихимизнинг таъсирчан лавҳаларини яратади. Энг муҳими, бу ҳодисаларни баён этишининг ўзига хос услубини, йўлини топади. Болажоннинг

–Ота, нега қўчамизнинг
Номи “Аҳмад Югнакий?”
Югнакий ким? Қаҳрамонми?
Бирон олимми ёки? –

деган саволга жавоб берар экан, ижодкор улуғ мутафаккир Аҳмад Югнакийнинг ибратларга тўла ҳаёти манзараларини ўқувчи қўз ўнгидა ёрқингавдалантиради. Бу жуда аҳамиятли. Чунки улуғларимиз кечмишидан хабардор бўлмай туриб, ёшларимиз онгидаги чинакам миллатпарварлик туйғуси шаклланиши маҳол.

Китобдаги “Пули Молонда наврўз” манзумаси ҳазрат Навоий ҳаётидан ҳикоя қилса, “Фил ва паҳлавон” шеъри паҳлавон Муҳаммаднинг бемисл баҳодирлиги таърифига бағишланган. Айниқса, паҳлавон Муҳаммаднинг фил билан олишуви лавҳаси болажонлар қалбида ҳам жисмонан, ҳам руҳан забардаст бўлиш иштиёқини уйғотади.

Рақиб қанча бўлмасин зўр,
Шиддатли ва муғомбир,
Агар билиб ишлатолсанг
Етарлидир бир тадбир.

ЗУЛФИҚОР РУҲ ОРЗУСИ

Муайян ижодий концепциясига эга бўлган шоир ёки адигина адабиёт оламида муносиб эътироф қозона олади. Ижодий концепция, ўз навбатида, ижодкорнинг адабий-эстетик идеалида тўлақонли намоён бўлади. Жумладан, чинакам шоир шеъриятга фақат ўзигагина хос талаблар асосида ёндашади; ижода катъий мезонларга таянади, ундан заррача ҳам огишмайди; юксак идеалларни кўйлайди; шеърияти ва шахси мутаносиб келади. Шавкат Раҳмон ана шундай шоирлардан.

У шеърият, адабиёт оламига ўтган асрнинг 70-йиларида – мураккаб ва зиддиятли бир даврда кириб келди. Кўнгил кўзи, тафаккури очик одамларга, ижодкорларга осон бўлмагани аён ўша кезлари. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи сингари забардаст шоирлар туфайли миллий шеърият яшасинчилик кайфиятидан халос бўлиб, асл илдизларига – инсон моҳиятини, миллат рухиятини инкишоф этиш йўлига қайтган эди ўша даврда. Ҳакиқий шеъриятдан баҳрамандлик, фақат бугина эмас, Худо берган тугма истеъоди боис Шавкат Раҳмон ўзининг шахс ва ижодкор сифатидаги йўлини аниқ белгилаб ола билди. 1975 йили ёзган бир шеъридаги мана бу мисралар ҳам фикримизни тасдиқлайди:

Кўзингизни очинг, қўрқманг,
Зиёдан қамашсин, оғрисин майли,

Ёшлигимда кўп эди билагимда қуч,
Кучсизлар қақшарди менга келса дуч.
Шундай зўр мушт едим кунлардан бир кун,
Зўравонликни сўнгра тарк этдим бутун.

Навоийнинг “Тухфат ул-афкор” қасидаси – теран фалсафий асар. Уни таржима килишга ҳар қандай ижодкор ҳам ботина олмайди. Устоз Абдуқодир Ҳайит-метов ушбу қасидани ҳам муваффақият билан таржима қилган.

Инсон ҳаёттий тажрибаси ортиб борган сари ҳаётга ўзгача назар ташлайди. Ҳар бир ҳодиса замиридан ҳикмат қидиради. Устоз олим-ижодкорнинг қуийдаги мисралари унинг қалби ҳаётга, инсонларга, СЎЗга муҳаббат билан лиммо-лим эканлиги исботидир:

Ҳаётга янгидан боқаман,
Янгидан келади яшагим,
Жўшар куч. Илмда, ижодда –
Вақтидир янги сўз айтмагим.

У “Ишқим чечаклари” китоби орқали мана шу янги сўзни айта олди. Бинобарин, ишқ – Шарқ шеъриятининг абадий мавзуси. Қайси бир қалбда ишқ чечеклари гулласа, бу чечакларнинг ифори бошқа қалбларга ҳам муҳаббат уругини қадайди. Ҳаёт ўзгача мазмун касб этади.

деган сўзлари унинг “шахсияти шеърига кўчганидан” (Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон таъбири) далолат беради. Унинг шеъриятга талаби ҳам ана шу шахсиятдан келиб чиққанини кузатиш мумкин:

Шоирнинг йўли бу – дунёнинг йўли,
У башар қалбida ловиллаган оҳ –

деб ёзган эди у бир шеърида. Дарҳақиқат, ижоднинг табиати асли шундай. Фақат ўзини, ўз нафсинигина ўйлаган худбин шунинг учун ҳам ҳақиқий ижодкор даражасига кўтарила олмайди. Ўзгалар дарди бутун кўлами билан ҳис этилган ондан бошланади ҳақиқий ижод. Чин шоир шу боис ҳазрат Алишер Навоий йўлинни тутади: “...ҳиммат этагига фоний дунё молига муҳаббат губорини, бу жаҳон ашёсиға қизиқиши гардини юқтирмайди” (Хондамир таъбири).

Ижодкор ҳамма катори бўлишга ҳақли эмас. Табиийки, бошқа одамларга хос кўпгина хусусиятлар унга ҳам хос. Фарки, у ўз манфаатинигина ўйлай олмайди. Ўзгалар дардими ҳам ўзиникидек кабул қиласиди. Наинки қабул қиласиди, гўзал бадиий шаклда, таъсирчан сўзлар воситасида назмга солади. “Башар фожиасини, миллат фожиасини ўз фожиаси билиб ўртанган шоир ҳақиқий шеър баҳтига мусассар бўлади. Шеър ёзиш ўлим билан юзма-юз туриб гаплашган билан баробардир” – ўзи белгилаган ана шундай мезонларда туриб ижод қилди Шавкат Раҳмон. Куйидаги мисралар шеъриятининг ана шу юксак талабидан келиб чиққанлиги билан аҳамиятлидир:

Шеърият,
халажкруҳ паризод,

Майлига, яшамак бўлсин қийинрок
Очиқлиги туфайли...

Қийнанг, ўз ҳолига қўйманг юракни
Яшамаслик учун юраксиз...

Муқаддас ҳислар чўкиб бораётган, гўзал туйғулар, орзулар қадрсизланган истибод замони эди у давр. Шоирнинг тили “кеssир сўзлардан”, нозиктаъб дили изтиробдан қонагани сабабини тушуниш мумкин. Қалбларини зулмат босган, бир-бирини алдаб, бир-бирининг мотамидан шод кимсалар ҳоли унга азоб берди. Ўсишдан тўхтаган, дидига оламни мослаган, келажак ташвиши бир ёқда қолиб, ўзининг ташвишин ростлаган кишилар аҳволига ачинди. Унинг фикрича: “Чидамак мумкинимас, мумкинимас сира, Ҳамоқат ҳайқирса, боқилса ўгри. Фаҳш юрса, менман, деб тоза, бокира, Тўгрилиги учун қийналса тўгри”. Кимсалар бўғизларида мумдек қотиб кетган сасларни, улуғвор бошларини минг йиллаб кўтаролмай ётган касларни кўрганда шунинг учун ҳам қалби ҳасратларга тўлди. Жамики тирик зотнинг ўз табиатига хиёнат қилмаслигини хоҳлади. Бунинг учун биринчи навбатда ичдаги хоинни – нафсу ҳавони, ҳирсу ҳasadни, бугзу адоварни ўлдирмоқ зарурлигини англади, англатишга уринди. Оламни кўнгил кўзи билан кўришга унади, одамларни жаҳолат макрига алданиб қолишдан эҳтиёт бўлишга чакирди. Хаёлларни чақмоқ каби ёритгувчи лаҳзаларга интилди.

Содик қолдим табиатимга,
яшамадим юз хил турланиб –

танд. Модомики шундай экан, ижод ахли сўзларнинг
сарапарини сайламоққа масъул. Шавкат Раҳмоннинг

Ҳаётим маънисин жуда кўп ўйлаб,
сайлайдим сўзларнинг
сарапарини...

Айтиши сабаби ҳам сўз деган неъматнинг нечоғлик
улуғлигини теран хис этганликдан. Унинг “ондай
зарур, қиличдай кескир сўзлар” излаши боиси ҳам
шунда. Шоирликни у шунинг учун ҳам “жасорат
сўзининг таржимаси”, деб билади.

Ижод, ижодкор ва сўз масъулияти ҳакида фикр
юритилар экан, муҳим бир жиҳатни таъкидлаш
керак: китобхонга чақмоқдек таъсир этиши учун сўз
ҳакиқат оловидан тафт олмоғи зарур. Асарларида
шоирнинг “ўз қалби, қиёфаси, аъмоли ва ботини акс
этмоғи” (Баҳодир Карим таъбири) лозим. Ана шу
шарт бажарилмас экан, сўз аталмини бекиёс неъмат
исроф қилинган бўлади; бундай асардан на жамиятга
фойда етади, на унинг муаллифига. Чинакам ижодкор
буни эътибордан соқит қила олмайди. Шавкат Раҳмон –
ҳакиқатпаст шоир. Мана бу мисралар ҳам ушбу
фикрни тасдиқлайди:

Энди ишлаш керак бу кенгликларда,
токим сўйламасин ёлғонни ҳеч ким,
токим буюк тоглар салтанатида
эгилган бошларни қиличлар кессин.

“Қасам” шеъридан олинган бу сатрлар шоирнинг
собит эътиқодидан, катъиятидан дарак беради. Ижод-
корнинг ижодкорлиги шундаки, у ҳамма биладиган,
ўрганилган ҳакиқатларни такрорлашдан тийилади.

учдингми кичкина дунёга,
кўндингми кундалик ёвғонга...

Энтикиб сўйлайсан шамолга:
орзулар чечаги сўлди, деб,
бурди йўқ кимсалар кўлида
бағри қон,
бағри қон бўлди. деб.

Кичкина дунёга учишга, кундалик ёвғонга кўнишга шеъриятнинг ҳаққи йўқ. У заминнинг дардии осмоний руҳда куйламоги керак. Муҳиблар қалбидагуллатмоги зарур. Бу чечак бурди йўқ кимсалар кўлида ноймод этилиб сўлса, бағри қонга тўлса, шеъриятнинг ҳам парвози сўнади. Бундай ҳолда (Худо асрасин) ижодкор шеъриятдек пок бир поэтик воқелик олдида мулзам бўлади, табиийки, унинг кўзига қарай олмайди. Мана бу мисраларда ана шу оғир дарднинг, ана шу чўнг изтиробнинг образи тасвири берилган:

Оғирдир кўзингга қарамоқ,
кўзларинг,
ўлдирап кўзларинг...

Сўз – инсонга ато этилган неъматларнинг энг улуғи. Олам яралишининг боиси ҳам, одамзод ҳаётига маъни бағишлиб турган ҳам – сўз. Айрим неъматлардан айрилса, инсон кўп нарса йўқотмаслиги мумкин, мабодо сўздан жудо бўлса, ҳамма нарсасини бой беради; ҳаётида маъни қолмайди. Шунинг учун ҳам сўзга бўлган эътибор юксак даражада бўлмоги шарт. Сўз аҳлининг мартабаси шу боисдан ҳам чандон ба-

“Ёш ўзбек шоирларига” шеърида у навқирон истеътодларга қалб даъватларини ифодалади. Шунчаки рангсиз, таъсир кучидан маҳрум сўзлардан на миллатга, на ижод аҳлига наф етмаслигини уқтиromoқ истади. Сўзларни қайраш – ана шу муддао ифодаси. Гаффат – инсоннинг ўсищдан, жамиятнинг тараккиётдан маҳрум қолиши белгиси. Шоирнинг: “гафлат тӯшагида ётмай, шошайлик”, дея хитоб қилиши сабаби шунда. Йашамоқ, курашмоқ, ўлмок сирларини очиш – ижоддан кўзланган бош мақсад. Бусиз бадиий асарнинг бирон-бир аҳамияти қолмаган бўлар эди. Зеро, адабиёт одамларнинг ҳиссиётига, рухиятига, шуурига таъсир ўтмоғи; жамиятнинг маънавий юксалишига қанот багишламоғи зарур. Акс ҳолда у зиммасидаги вазифани бажармаган бўлади. Мана бу поэтик хулосада ана шу геран моҳиятнинг бетакрор талқини кузатилади:

Ўткир сўз қолмаса шоирларидан,
ўткир сўз қолмаса...
хеч нарса қолмас.

Шавкат Раҳмон миллат ўзи орзу килган истиклолга эришган даврда, таассуфки, оғир хасталикни бошдан кечирди. Вужудидаги беморлик унинг эмин-эркин ижод қилишига имкон бермади. Ҳақсевар бир шоир сифатида замондошларининг диенатли, орли аждодларга муносиб бўлишини, сохта шухрат, тама ҳакида хаёл сурмаслигини истади. Халклар ўз ўтмишларидан инжуларни зарралаб-зарралаб терган пайтида биз шамолда ногоҳ очилиб қолган жавоҳирларни ҳам қайта кўмганимиздан, буюк Турон кенгликларида ҳадсиз хазина ер остида ётганидан ачинди. Бу маънавий хазина юксак бир оламга туташ зина эканини эслатиб, буюк

Дунёга ўзгача нигоҳ, теран назар билан қарайди. “Эгилган бошни қилич кесмас”, бу – халқимизнинг машхур мақоли. Мустабид тузумнинг ададсиз жабридан, ўзи мансуб бўлган миллатнинг аянчли қисматидан изтиробда бўлган ижодкор бу нақлни ўзгартирмоқ истайди. Бу буюк тоғлар салтанатида, яъни бир замонлар дунёнинг катта қисмига ўз хукмини ўтказган, тараққиётнинг юксак даражасига эришган, муazzам тарихга эга заминда миллатнинг ақлли бошлари ўзига адолатсизликни шиор қилган, ўзгалар юртига эгалик қилиш илинжида бўлган, ҳавоий нафсининг қулига айланган тубанлар олдида эгилмаслигини хоҳлади. “Эгилган бошларни қиличлар кессин”, деган кескин хulosса замираиди ана шу моҳият мужассам.

Истибодд замонида яшар экан, Шавкат Раҳмон озод руҳли барча ижодкорлар сингари она халқининг оғир қисматига ачинди; унинг дардига малҳам излади. Шеърлари азбаройи шоирлигини кўз-кўз қилиш, истеъдодини ўзгаларга намойиш этиш учун ёзилган эмас. Аксинча, у миллатнинг фожиасини юракдан ҳис этди, унинг ёргуғ кунларга етишмогини орзу қилди – туйгулари шеър ўлароқ қуиилиб келди. “Шоирлик касб эмас, – деб ёзган эди у, – шеър ҳам ботмон-ботмон ёзилавермайди, ёзилиш сабаби бор, вакти-соати бор. Шеър буюк севинчдан ёки буюк фожиадап дунёга келади, ташоликда яралади, ташоликда ўқилади”.

Сўзларни қайрайлик,
дўстлар, жўралар,
ғафлат тўшагида ётмай, шошайлик:
яшамоқ, курашмоқ, ўлмоқ сирларин
болакайлар учун очайлик....

ообразли тафаккур маҳсули бўлган мисралар бунинг исботидир. Теран моҳият ва бетакрор бадииятнинг ана шундай уйғуналиги таъминлаб келаётир шоир назмининг барҳаётлигини.

Зулфиқор рух керак,
керак чин ёғду.
чин ишқ ёлқинлари бағримга тўлсин...

“Зулфиқор” сўзи кескир, ўткир маъноларини ифодалайди. Бу сўз миллат тарихи, аждодлар эътиқоди билан боғлиқ чукур мазмунни ўзида мужассам этади. Шавкат Раҳмон зулфиқор рух, чин ёғду ва чин ишқ ёлқинлари миллатнинг, унга мансуб ҳар бир шахснинг ҳаётий аъмолига айланишини орзу қилди. Моҳиятан, бу орзу ижодкорнинг бадиий-эстетик идеалини, ҳаётий аъмолини белгилайди. Қатъий ижодий концепцияга таяниб ёзилган ана шундай асарлар, шубҳасиз, миллий адабиётни юксалтиради.

тариҳимиздан кенгрөк миқёсда фойдаланишимиз за-
рурлиги ҳақида күйиниб ёзи. Ижодкорнинг ҳар да-
қиқани ғазаб билан, севги билан тўлдириб, дунёдаги
барча кора нарсани ёргуф лаҳзаларда ўлдириб яшамоқ
ҳақидаги образли фикрлари замирида бир олам маъно
бор. Мана бу бадиий умумлашма эса, ўқувчи қалбига
тиитроқ солади: “Мен ўзи қандай яшаяпман, хаёт тарзим
виждан ва ҳаққониятга уйғунми?!” сингари саволлар
шеърият муҳиби кўнглида беихтиёр ғалаён кўтаришига
сабаб бўлади:

Токим
Бош кўтариб қарай қуёшга,
Токим кўзларимда ёнсин ҳақиқат,
Токим тош мисоли тегмасин бошга
Мен яшай олмаган
Ҳар бир дақиқа...

Шавкат Раҳмон шеъриятида қуёш, нур, тог, вақт,
дарахт сингари тимсоллар кўп қўлланган. Бу тим-
солларнинг ҳар бири замирида теран моҳият мужассам.
Жумладан, “куннинг ўткир пичоги”, “қуёш тигин
ўткир зарби”, “қуёш каби пориллаб турган сўз”, “ўзга
сайёralардан ёргуф саломлар айтгани ҳолда бизни
зулматга ташлаб кетадиган нур”, “буюк тоғларнинг
чўккан боши”, “ердан ўсиб чиққан тирик тоғлар”,
“сабру иродадан тўралган тоғлар”, “оппоқ кўйлагини
ечиб, яшил гулли кўйлагин кийган вақт”, “бири –
бекорчиликдан, бири – жаҳолатдан, бири – тўқликтан
вақтни ўлдириб, қора қонига бўяғанлар”, “гоҳ кундузни,
гоҳ тунни кийиб, тинимсиз айлананаётган фурсат”,
“шоҳларида сўзлар пишган дараҳт”, “сабр дараҳтидай
ўсган одамлар” сингари ташбехга, метафорага бой,

Кўнглим сезар – бу сўқмоқдан
Ўтолмайман.
Қайтиб кетай десам, қайтиб
Кетолмайман.

Чақиртошлар товоnimдан
Тишлаб олган.
Қўлларимдан кийикчалар
Ушлаб олган.

Товони чақиртошларга ботиб, қўлларидан кийикчалар ушлаб олган шоир образи – чиндан ҳам позик гопилма. Образ шу даражада жозибалики, кўнгилда ҳайрат уйготади, тасаввурда муҳрланиб қолади.

Бошқа бир шеърида шоир шеъриятни бевафо санамга қиёслайди. У боис орттирган заҳматларини бу дунёда орттирган зари деб билади. Ухламай қон ютган тунлари учун раҳматлари бор эканини изҳор этади. У – шеъриятнинг чин ошиги. Шоирнинг хаёли – маҳбуба остонасидаги ит. Унинг учун шеърият – қўл етмас ҳилол. Танаси ерда бўлса ҳам, руҳи кўкда экани сабаби шунда. Ана шу сўнмас ишқ, ана шу чинакам ошиқлик шоир назмига нур бағишлиб туради.

Ватан муҳаббати – Муҳаммад Юсуф шеъриятининг бош мавзуси. Ижодкор она Ватанини “ёруғ жаҳоним”, “тахти Сулаймоним”, “ягонам”, “топинган кошонам”, дея васф этади. Шоир кўнглининг мана бу изҳори эса ташбеҳнинг бетакрорлиги, ифоданинг тиниклиги билан кўнгилнинг туб-тубига ўрнашади:

Офтобдан ҳам ўзинг меҳри
Илиғимсан, Ватаним.

ТУЙГУЛАРИ РОСТ ШОИР

Шеъриятнинг катъий талаоб-қоидалари бор, бу аён. Кўлига қалам ушлаган одам буларга риоя этиши шарт. Бирок... Ҳамма гап ана шу “бирок”да. Туйгу рост, самимий бўлмаса, изхор кўнгилдан чикмаса, ҳар қанча қоидали ёзилган бўлмасин, бундай битик кўнгилларга етиб бормайди. Бундай шеърнинг узоқ яши амримаҳол. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеъриятининг бугун ҳам ўқувчилар қалбу шуурида аксадо бераётгани сабаби айнан ростгўйлик ва самимият эканини таъкидлаш керак.

Шоир таъбирича, шеърият бу – қадим буюк сўқмоқ. Шундай сўқмоқки, ундан юрмоқ ҳар кимнинг ҳам ҳадди эмас. Шу боис у кийик сўқмоқка менгзайди. Хўш, шеъриятни яна қандай таърифламоқ мумкин?

Ширин азоб экан, жонни
Ёқмоқ экан.
Бир қўлда гул, бир қўлингда
чакмоқ экан.

Шеърият бу – образли тафаккур демакдир. Чинакам шоир образни шу даражада аник-тиник тасвирлайдики, бу образ ўқувчи кўз ўнгига ёрқин манзара ҳосил қиласди; унинг туйгуларини, шуурини ўзига ром этиб қўяди. Муҳаммад Юсуф шеъриятида ана шундай мисралар талайгина. Юқоридаги шеърнинг мана бу поэтик холосаси ҳам фикримизни тасдиклайди:

Ўтган асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири Абдулла Ориповнинг “Қачон ҳалқ бўласан, сен, эй оломон” деган мисраси эл калбида акс-садо бергани, жуда кўп ижодкорларга илҳом бағишилагани аён. Муҳаммад Юсуфнинг “Халқ бўл, элим” шеъри моҳияттан шунга якин. У қадим юртига қадим наволари қайтмоғини истайди, буюк Соҳибқирон бешигини тебратган, боласи (Мирзо Улуғбек) юлдузларга нарвон қўйган элиниң бир майизни киркка бўлган бир тану жон кунларга яна стишишмоғини орзу қиласди. Туйғуниң тозалиги, ифоданинг самимийлиги шеърнинг таъсир кучини, айниқса, оширган:

Қадим юртга қайтсан қадим наволарим,
Кумлар босиб қуримасин дарёларим.
Алномишга алла айтган момоларим
Рухини шод этай десанг – ҳалқ бўл, элим!..

У элиниң ҳалқ бўлишини истади, ўзбекни маҳаллийчилик қийратганидан изтироб чекди, даҳоларга бой миллатининг улар қадрига ҳар доим ҳам етавермаганидан қуйинди. Яктагининг енгларидан тер юргурган, даласини боласидан ҳам устун қўйган, бир кўлини силамоққа иккинчи қўлининг фурсати йўқ бободеҳқонга бор меҳрини нисор этди:

Иш дегани фақат сенга
Чиққанми ё, эй мўмин?
Қора меҳнат йўргагингдан
Юққанми ё, эй мўмин?
Онанг сени пахтазорда
Туққанми ё, эй мўмин?..

Профессор Қозоқбай Йўлдош: “Кўпинча Ватан ҳақида шеър битган ижодкорлар қандайдир ўзидан ташқаридаги бир мавжудлик ҳақида ёзаётгандек қалам суришади. Шунинг учун ҳам ватаний ашъорда жозиба камроқ, фикр кучлироқ бўлади. Муҳаммад Юсуфнинг ватани унинг нақ юрагида эди. У Ватан ҳақида ичдан куюниб, қизғаниш ва изтироб билан ёзарди”, дей эътироф этади. Дарҳақиқат, шоирнинг Ватан мавзусидаги шеърларини бефарқ ўқиш маҳол. Сабаби, у она заминни мана бу тарзда севади:

Ватан –
Юрагимнинг
Оlampanoхи,
Бу дунё –
Буқри бир
Жийдангнинг шохи!...
Кўзим ёши билан сугориб гоҳи
Кўксимда ўстирган
Гулдай севаман.

Дунёлар ичра дунёга менгзарли она Ватан ва муроди оқ якtagи янглиг опиоқ она халқ тимсоллари шоир шеърларида ажиб уйғунлик касб этади, баланд пафос билан куйланади. Ижодкор ўзи мансуб миллат болаларининг бошида дўппи, белида белбоғ кўриши истайди. Тилдошларининг дўппи киймай қўйганидан куйиниш ҳиссини “Бошга лойиқ дўппи йўқдир ё, Бош қолмади дўппига лойиқ”, дей охорли умумлашма орқали изҳор этади. Миллий ғуур тимсоли бўлган белбоғини ташлаганлардан “Белбогингиз қани белингиздаги?” дейа ўртанади. Ҳар икки тимсол – дўппи ва белбоғни Муҳаммад Юсуф шунчаки бир буюм сифатида эмас, миллий ўзлик ва орият рамзи ўлароқ тасвиirlайди.

Олдингга мен боролмасам, ўт гуноҳим,
Бир йўқлаб қўй, мен дунёдан ўтган чоғим –
Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалдогим,
Муҳаммаддан бўлак дўсти-девонанг йўқ.

“Бинафша” шеърида шоир “Асл гулнинг ҳамиша
Умри қисқа бўлади” тарзидаги бадий умумлашмани
беради. Муаллиф наздида, бинафшанинг юраги мудом
кон, ичи тўла фарёд. Ваҳоланки, баҳор усиз баҳор
бўломайди. Замин усиз хувиллаган келинсиз ҳовлига
менгзайди. Барака ҳам, Хизр ҳам у бор жойда мухайё.
Шу боис бинафша гўзал достонга қиёс этгулиkdir.
Жуда қисқа умр кўрадиган биргина гул тимсолида
шунча ҳикматни муশоҳада этиш учун ижодкор назари
зарур, шоир бўлиб туғилиш керак. Муҳаммад Юсуф ана
шундай шоир эди.

Унинг фикрича, “капалаклар одамлардан меҳри-
бон...”. Шеърда сахарлардан шудриниг шароб ичган,
танламайин қабрларни кучган, оккуш янглиғ оқ
ёмғирда учган капалаклар вафо ва меҳр тимсоли
ўларок васф этилади. Сабаби, улар гулга қўнса, озор
бермаслик учун каноти ботмайди; минбаъд бирорвга
тош отмайди, бор-йўги бир кун яшаса ҳам, бир-бирини
сотмайди. Бинобарин, уларнинг кулбаси ҳам уйи ҳам,
товуши ҳам, куйи ҳам, орасида камбагали, бийи ҳам
йўқ. Капалакларни таърифлар экан, шоир ҳар бир сўз
замирига олам-олам маъноюклайди. Вафо ва садоқатни,
поклигу диённатни ҳар недан улуғ билган шоир мана
бундай умумлашма чиқаради:

Муҳаммадга ишонган эй, мўминлар.
Ўлсан сўзим эслаб ўйга чўминглар:
Капалакнинг қанотига кўминглар,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

Қадоққўл – товоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Муҳаммад Юсуф шеъриятиниң образ ва тимсоллар олами ўрганилса, қизик бир ҳол кузатилади. Шоир қизғалдок, бинафша, капалак тимсоллариға энг кўп мурожаат қилган ва бу тасодифий эмас. Эътибор берилса, улар барчаси гўзалликнинг бетакрор намунаси бўлиши баробарида, ҳаммаси бирдай қисқа умр кўради. Нима учун шоир бу тимсолларни хуш кўрган? Нега айнан кўпроқ уларни қаламга олган?

“Қизғалдок” шеъри ижодкор назмида образли тафаккурнинг ўзига хос намунаси экани билан алоҳида ажралиб туради. Шеърда шоир қалбидаги ҳеч кимга айтилмайдиган изтироб изҳорини кузатиш мумкин. Бу изтироб беихтиёр ўқувчи қалбига ҳам кўчади:

Кизғалдоғим, қирдан бўлак кошонанг йўқ,
Кокил ёйсанг, ердан бўлак тошойнанг йўқ.
Ўқсиб-ўқсиб турганингда ўзим бориб,
Пешонангдан ўпай десам, пешонанг йўқ.

Қизғалдоқнинг бош эгиб, келинчакдай солланиши, жайрон ўтган сўқмоқларга ёш тўкиши – ташхис санъатининг ёрқин намунаси. Бу гулнинг қизил юзи шоирнинг қон дилига ташбех этилиши, “Менингдек сен гарибнинг ҳам парвонанг йўқ”, дея муаллиф руҳиятиниңг, лирик кайфиятиниңг ифодаланиши шеърнинг бадиий қувватини оширган.

Ҳакиқий шеър чўнг даррдан туғилади. “Қизғалдок” бунинг яна бир исботи. Шеърнинг поэтик холосаси, айниқса, шоир дилидаги дардни, изтиробни таъсирчан ифода этгани билан алоҳида аҳамиятга эга:

“РУХИМ ХАРИТАСИ”ДАН “ДИЛ ФАСЛИ”ГАЧА

Истеъдод Худодан берилади. Ҳар қанча меҳнат ва заҳмат маҳсули бўлмасин, истеъдоддан бебаҳра ижод юксак мақомга кўтарила олмайди. Чинакам иктидор соҳиби илк асарлариданоқ кўнгилларга йўл топади. Дастлабки ижод намуналари биланоқ эътироф қозонади, назарга тушади. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайийд ана шундай салоҳият эгаларидандир.

Шеърият муҳиблари яхши биладилар: шоирнинг илк китоби «Рухим харитаси» номи билан чоп этилган. Шубҳасиз, биринчи китоби нашр қилинган ёш шоир юрагида андак ҳадик, бир оз ҳаяжон бўлади. «Устозлар нима дер экан?» деган хавотир чулгайди унинг қалбини. «Тошкент оқшоми» таҳририятида хизмат қилаётган ана шундай хаёллар оғушидаги шоирга кутилмаганда кимсан устоз Абдулла Орифнинг ўзи телефон қилиб: «Китобингни ўқидим, Сирож! Ана шу мўъжаз китобдан катта қадамларнинг товуши келяпти» дегани, биринчидан, устоз ижодкорнинг янги авлодга хайриҳоҳ назари ифодаси бўлса, иккинчидан, тоза, самимий эътирофни англатади. Бинобарин, Сирожиддин Сайийд 1984 йили чоп этилган ана шу илк китоби биланоқ ўзининг ижодий кслажаги ҳакида муайян тасаввур бера олди.

Шундан бўён шоирнинг «Салқин харсанглар кафтида», «Севги мамлакати», «Асрагил», «Мехр қолур, муҳаббат қолур», «Куйдим», «Ватанни ўрганиш»,

Муҳаммад Юсуфнинг жисмоний умри, афсуслар бўлсинки, қисқа бўлди, қазо отли номеҳрибон уни навқирон 47 ёшида орамиздан олиб кетди. Қизғалдок, бинафша, капалак сингари қисқа умр кўрувчи яратиклар ҳақида кўп ёзгани ва бу мудхиш воқелик ўртасида, эҳтимол, қандайдир алоқадорлик бордир. Асрлар мобайнида кўр тўкиб турувчи тоғлар, минг йил умр кўрувчи чинорлар ҳақида ёнса бўлмасмиди бу ўқтам шоир, деган ўй ҳам кечади баъзан хаёлдан. Тасалли шундаки, унинг шеърлари ҳар бир ўзбекнинг қалбидаги яшаб келяпти. Шоир шеърларини қўшиқ қилиб куйламаган хонандани топиш маҳол. Демак, самимий, рост туйғулар куйчиси бўлган Муҳаммад Юсуф бар-ҳаётдир.

ижоди тобора юксала борди десак, асло муболага шулмас.

«Илоё, ҳар кимга ҳаётида ифтихор насиб этсин. Ифтихорнинг гўзал шаклу шамойиллари кўп. Уларнинг шиг аввали, албатта, халқу Ватанингдир! Ундан сўнгра, оқилким, устозу шогирдлар. Шу маънода, жумладан мен ўзимни ниҳоятда баҳтли инсонлардан бири деб ҳисоблайман. Улуғ халқим, буюк устозларим, кўз-кўз килишга арзигулик соғдил шогирд укаларим бор. Шоён шеъриятимизда эса, ана шундай ифтихорларимиздан нири, шубҳасиз, Сирожиддин Сайийиддир». Устоз Абдулла Ориповнинг ушбу эътирофи ҳам Сирожиддин Сайийиддининг ижодкор сифатидаги салоҳияти ҳавас қитарли эканини кўрсатади.

Ватан ҳақида ёзмаган бирорта ҳам шоир бўлмаса керак. Лекин Сирожиддин Сайийиддининг бу мавзудаги битиклари, салафлари ва замондошлари назмини такрорламайди. Мана бу мисралар ҳам фикримизни тасдиқлади:

Юртим, менга зар керакмас зарларингдан,
Киприкларим ўпсалар бас гардларингдан.
Мен бир насим бўлиб келдим, мен бир насим,
Айтиб ўтсан дейман кўҳна дардларингдан.

Сирожиддин Сайийид – дардли шоир. Зеро, чинакам шеърият дардан, изтиробдан туғилади. Шоирнинг зоҳиран кувончли ҳолатнинг гўзал поэтик ифодаси берилгандек кўринган мисралари замираидаги ҳам элшининг, юрганинг ғамида яшаётган кўнгил изтироблари сирқиб туради. «Айвонлари нурга талош, кайвониси ою қуёш» бўлган Ватан ҳақида «кўзида ёш, юзида ёш» билан ёзишининг сабаби шунда.

«Кўнгил соҳили», «Кўксимдаги зангорларим», «Қалдирғочларга бер айвонларингни» сингари ўн бешга яқин шеърий тўпламлари чоп этилди. Энг муҳими, унинг ижоди тўпламдан тўпламга, китобдан китобга сайқал топа борди. Моҳиятган теран, бадиий жиҳатдан баркамол шеърлари ўкувчи қалбини забт қилишда давом этаётир.

Ким кўп – шоирликка даъвогар кўп. Лекин улуг Огаҳий айтганидек, Тангри таоло «...алар орасида баъзисининг (!) тилин фасоҳат ва балогат бобида нодир ва сўз риштасига маоний жавоҳирин назм этарга қодир қилиб, маъни аҳли орасида қуёш ёнглиғ равшан ва сарафroz этти». Ышу боис, чинакам шоирлик мақомига кўтарилиш даъвогарларнинг ҳаммасига ҳам насиб этаверган эмас.

Эътиборга лойик бир воқеа: адаб аҳли даврасидаги бир суҳбатда ёш, иктидорли шоир шеър ўқиди. Гаштақда иштирок этган устоз ижодкорлардан бири: «Шеърларингизнинг савияси анча баланд, бироқ уларни ўқишида Сирожиддин Сайидга тақлид қиласиз. Агар яхши шоир бўлишни орзу қилсангиз, ҳар қандай тақлиддан сақланинг», деб насиҳат қилди. Устознинг фикри тўғри, шубҳасиз. Мен эътиборни масаланинг бошқа жиҳатига қаратмоқчиман: ёш истеъдоллар ҳаммага ҳам эргашавермайди...

Бу воқеа навқирон ижодкорларнинг Сирожиддин Сайидга ҳавас қилишига ягона мисол эмас. Шоирнинг миллий шеъриятимизда ўз ўрнига эга ижодкор эканига яна кўплаб далиллар келтириш мумкин. Дастрлабки тўпламларидан кейинги «Куйдим», «Ватанни ўрганиши», «Кўксимдаги зангорларим», «Кўнгил соҳили» каби китобларигача, улардан «Қалдирғочларга бер айвонларингни» номли сайланмасию «Дил фасли»гача шоир

«Ҳар қандай айрилик ҳам ғурбат эмасдир» – охорли ва теран хulosса! Зеро, «ғурбат» – моҳият эътибори билан қамровли тушунча. «Фарҳанги истилоҳоти ва гаъбироти ирфоний»да келтирилишича, «ғурбат» сўзи уч хил маънони ифодалайди: 1. Ватандан жудолик ғурбати. 2. Жоҳил ва фосиқ қавм орасида мажбуран, яъни ғайриихтиёрий равишда ўтирган одам ғурбати. 3. Ҳак талабидаги орифнинг ғурбати. Шоир Фурқатнинг ғурбати ана шу маъноларнинг барчасини ўзида мужассам этгани тадкиқотлардан маълум. «Юртдан кетган ҳар зот Фурқат эмасдир» деган мисрада ўнлаб саҳифаларда баён этиш мумкин бўлган ана шундай чуқур моҳият ифодаланган. Банддаги ҳар бир мисра фикрнинг изчил, тугал бўлишига, «Ватан қолар экан, Ватан абадий» деган барҳаёт ҳақиқатни англатишга хизмат қилганини таъкидлаш керак.

Сирожиддин Сайид шеърларидағи яна бир фазилат – уларда улуғ салафларга бўлган эҳтиром ёрқин ифодаланишидир. Аҳмад Яссавий, Навоий, Махтумкули, Бобур, Машраб, Фурқат каби ижодкорларга багишлиланган шеърлар, улар ғазалларига боғланган мухаммаслар ҳам буни тасдиқлайди.

Арузда ёзиш осон эмас. Бунинг учун наинки сўзни нозик ҳис этиш, уни маҳорат билан саралай олиш, муайян мезонга сола билиш зарур. Ҳатто булар ҳам кифоя қилмайди. Бунинг учун мумтоз адабиёт мутолаасидан лаззат олмоқ, «билимлар учлиги» – илми аruz, илми бадеъ, илми қофия сирларини эгалламок талаб этилади. Сирожиддин Сайид жуда кўп замондошларидан шу каби фазилатлар соҳиби экани, билгандарини амалиётда маҳорат билан қўллай олиши билан алоҳида ажралиб туради. Бугунги шоирлардан камданками бундай салоҳиятга эга экани сир эмас. Заҳириддин

Қалдирғочларга бер айвонларингни...

Бенихоя жозибали мисра. Бинобарин, уйнинг айвонига қалдирғоч кўниши – баҳт тимсоли. Ҳар ҳолда, ҳалқимиз уйга қалдирғочларнинг ин қуришини саодат даракчиси сифатида қабул қилиб келган. Шоирнинг шеърларида ана шундай ҳалқчилик, кўнгилга яқин, қалбнинг нозик торларини-да чертиб юборадиган мисралар кўп. Мана, яна бир мисол:

Ким Ватанини зар тўнига енг этмишdir,
Ким бағрини осмонлардай кенг этмишdir.
Яратганинг ўзи бугун тенг этмишdir
Асрларга онларини, онларини.

Тўгри, бу иқтибос Гафур Гуломнинг «Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал», деган мисрасига бир қадар уйғун. Лекин Сирожиддин Сайиддининг ютуғи шундаки, у ифоданинг мутлако ўзига хос, охорли усулини топа билган. «Ватанини зар тўнга енг этиши» – юракка яқин, ёрқин ва образли талқин. Умуман, бошқа кўп шеърлари қатори шоирнинг бу мисраларида ҳам теран мазмун, гўзал ташбех ва бетакрор бадиият мутаносиблиги кузатилади.

Оз сўзга кўп маъно юклай олиш шоирдан жуда катта иқтидорни талаб этади. Сирожиддин Сайид шеърларида бу фазилат бўртиб кўринади. «Ватан абадий» шеъридан олинган қуйидаги иқтибос ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Ҳар тепа, ҳар дўнглик турбат эмасдир.
Ҳар қандай айрилик гурбат эмасдир.
Юртдан кетган ҳар зот Фурқат эмасдир,
Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Сирожиддин Сайид шеърларидан бирини «Навоий-ши ўқиши» деб номлаган. Унингча: «Ҳар бир калла, ҳар бир бош жаҳолатдан қўрқиши керак. Ҳар бир бола, ҳар бир ёш Навоийни ўқиши керак». Навоийдек улуғларни ўқимаслик, англамаслик жаҳолатга олиб келишидан огоҳ килишни бурч деб билган шоир «Ҳар бир ота, ҳар бир мўйсафид Умр ҳикматларин кўрсатиб, Нафс арқонларин қирқиши керак, Фарзандлари, набирасига Навоийни ўқиши керак», дея таъкидлайди.

Улуг салафлар маҳорат мактабидан ўрганиш самараси бўлса керак, Сирожиддин Сайид шеърларida теран фалсафий фикрларининг бетакрор поэтик ифодаси даражасидаги байтлар, бандлар анчагина. Ҳазрат Яссавийнинг «Кўксумдаги зангорларим кетармукин» мисрасига тазмин ўлароқ яратилган шеъри, ҳадисларнинг назмий талқинлари, халқона ҳикматлар сингдирилган асарлари бунинг исботидир. Бир қараашда содда туйиладиган, лекин ўкувчини умрнинг мазмуни, олам ва одамнинг моҳияти ҳақида мушоҳада этишга ундейдиган мана бу мисралар ҳазрат Яссавий ҳикматларини эсга тушириши билан ҳам аҳамиятлидир:

Келиб кетмоқ ўйин эрмас, саёҳат ё зиёрат,
Умр йўли заҳматлару меҳнатлардан иборат.
Кўнгилларга қурдингми бир кўприкми ё иморат?
Курганларинг ўзингники, курмаганинг гумондир.

Кўнгилларга иморат қуриш, вайрон дилни обод этиш ҳақида «кўп ва хўб» ёзилган. Сирожиддин Сайиднинг ушбу битиклари уларнинг бирортасига ўхшамаслиги билан ҳам қимматлидир.

Ифоданинг ихчамлиги ва поэтик жозибаси, ҳеч бир замонда эскирмайдиган мавзуларнинг оҳорли талқини,

Мұхаммад Бобурнинг қазажи мусаммани солим вазнида ёзилған қуидаги машхұр ғазалига боғланған тахмис шоирнинг юксак салохиятига яна бир далилдір:

Булут әрмас, күк узра тарқаган күңгил гумонидур,
Гумон килмак бу дамда бегумон дилнинг зиёнидур,
Күкарған хор ила хаслар тирикликтінніг нишонидур,
Баҳор айёмидур даги йигитликнинг овонидур,
Кетур соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Тұғри, «хор ила хаслар»ға күкармоқ сифатини бериш бироз ғалат. Ушбу «айбұна»ни эътиборға олмаганда, тахмис вазн жиҳатдан ҳам, мазмун эътибори билан ҳам Бобур ғазалига мутаносибдір.

Сирожиддин Саййид Навоийни күп ўқыйди. «Хазойин ул-маоний»ни хатм қилған кунини энг катта байрам деб билади. Мұхими, шеърларыда улуғ Навоидан, мұмтоз шеъриятимиздан баҳрамандлық таъсири сезилиб туради:

Чаман ичра ўзи ҳам бир
атиргулдай бўлиб қолгай,
Дилимнинг қонига булбул
қанотин гар бураб қўйса...

Менга ханжар билан шамшир
тиғига ҳаргиз ҳожат йўқ,
Узун мижгонларини гар
нигорим бир қадаб қўйса.

«Менга ханжар билан шамшир тиғига ҳаргиз ҳожат йўқ» мисрасидаги вазн сакталигини эътиборға олмаганда, бу байтлардаги мұмтоз ғазалнависликка хос жозибани ҳис этмаслик мумкин эмас.

Адабиёттимизнинг минг йиллик тарихи гувоҳлик беринчича, чин дўст, чин ёр топиш шуаро учун ушалмас армон бўлиб келган. Ҳазрат Навоий «Меҳр кўп кўргузуб меҳрибоне топмаган»и, Фурқат «Оҳким, йўқтур мани табъимга лойик улфатим», дея изтироб чеккани бунинг далилидир. Устоз Абдулла Ориф: «Бахтиёр ҳар дилга ошино топилгай, Гуссали дилга-чи лекин йўқ ҳамдам» деганда, айни шу туйгуни назарда тутган. Сирожиддин Саййиднинг

Қисмат қаттиқ, алам бисёр, эл ғофил,
Бу дунёда борми бир дилхоҳ, Бобур? –

дэйиши сабаби ҳам шунда.

Сирожиддин Саййид сўзга зугум ўтказмайди. Шеърларининг оҳангি табиий, мисраларининг аксарияти куйма. Айниқса, ғазалларида фикр таъсирчан, тасвир оҳорли. Уларни гўзал ташбеҳлар зийнатлаб туради. Минг йиллардан буён куйланиб келаётган Ватан мавзуи унинг қаламида ўзгача инкишоф топаётганини ҳам шунинг билан изоҳлаш мумкин. Шу боис туйгуларнинг самимийлиги ўқувчига ҳам юқади:

Бу диёрда тогу тош шоир бўлиб,
Ерга тушгайдир қуёш шоир бўлиб.

Ўргатар куйлашини булбул сувлари,
Майса ҳам тебрайди бош шоир бўлиб.

Булбул куйини сувнинг шарқирашига менгзаш шеърдани ўзига хосликдан даюлат. Фақат бу ташбеҳни яққолроқ англаш, ҳис этиш учун «булбул» сўзидан кейин «тире» аломати кўйилиши мақсадга мувофиқ бўлар

кутилмаган гўзал ташбеҳлар қўллай олиш – Сиро жиддин Сайид шеъриятининг хос хусусиятидир. Унинг учун шеърият «воситаи жоҳ» эмас. Шоирниң ўз эътирофича, «Оlamda энг оғир – Сўзниңг йўлидир». Бу йўлдан юриш чиндан ҳам осон эмас. «Faфур Ғулом сиёҳдонига» шеърида бетакрор ифодаланганидек:

Улуғ шоирларнинг қалби сиёҳдон бўлган,
Ёзса юрак қони билан ёзган, сиёҳ – кон бўлган.

Сирожиддин Сайид ана шу сермашаққат, «нўши бир бўлса, ниши минг, роҳати бир бўлса, ташвиши минг» (Огаҳий таърифи) йўлнинг саботли йўлчиларидандир. Чинакам шеъриятга ташна қалблар малҳами бўлган шеърлари шоирдан мудом беназир асарлар кутишга умид уйғотади. Ўқувчи билан илк мулоқотини «Рухим харитаси» тўплами билан бошлаган шоир «Дил фасли»га бир олам ютуқлар билан қадам қўйгани эса бу умидни янада кучайтиради.

Таъкидланганидек, Ватан ва миллатга муҳаббат туйгуси Сирожиддин Сайид шеърларининг асл мөҳиятини, мағзини белгилайди. Шоир «ризқ-рўзи ҳалол, мангу ҳалқ» фарзанди эканидан ифтихор хиссини туди. «Азал булбулларга ошён» бўлган она замин «боғларини босган қаргалар кетгани»дан, юрга соҳиблик асл эгалирига муюссар бўлганидан қувонади. Мана бу мисралар ана шу қувонч изҳори ўлароқ яралган:

Амир Темурлардан қолган номус-ор,
Бир синиқ ғишти ҳам шараф-шон, юртим.
Сен – ўлмас ғуурсан, сўнмас ифтихор,
Суви ҳам, қуми ҳам зарафшон юртим...

кўнгилларнинг кир совунидир». Бинобарин, инсон руҳи ва кўнглини адабиётчалик поклайдиган бошқа бир ҳодиса мавжуд эмас. Муҳими, шоир кўхна бу ҳақикатни поэтик жиҳатдан янгича ифодалаганидир.

Ҳар қандай шоирнинг ижодий камолотини кўрсатадиган бош омил – шеърларида теран ҳикматларнинг гўзал бадиият билан акс этишидир. Ижоднинг юксалиш шалласида фикр теранлашади, «қаймок боғлайди», ифода сайқалланади, ўзига хослик яққолроқ намоён бўлади. Сирожиддин Сайид шеърларида ана шу камолот аломатлари бўй кўрсатаётгани алоҳида таҳсинга лойикдир. Мана бу мисралар ҳам фикримизни кувватлайди:

Кетар жисминг муваққатдир,
Ватан – мангу муҳаббатдир.
Агар кимда мухаббат йўқ,
жаҳонда номурод бўлгай.

«Дил фасли» китоби – шоир ижодининг, таъкидланганидек, камолот босқичига мансуб. Китобнинг «Бойбува, дуо айланг...» («Бозор ижодиёти»дан) деб номланган алоҳида бўлимида шоир коса тагида нимкоса тарзида миллий маънавиятимиз ривожига салбий таъсир кўрсатаётган ходисаларни қоралайди. «Бош қолиб корин билан ўйлайдиган»лар ҳеч қачон юртнинг корига яраши мумкин эмаслигини таъсирчан ифодалайди. «Ичи тўла риё, кўнгли қаро» кимсаларнинг «кийиб юрган чопонлари зар ранг» эканига таажжуб изҳор этади. Уларнинг сурати ва сийрати мутаносиб эмаслигини ҳажв қиласи.

Муборак ҳадислардан бирида «Киши бирор гуноҳ амалга қўл урса, унинг қалбида бир қора нуқта пайдо

эди. Бу мисралар юкоридаги таърифларга нечоғлиқ мос эканини таъкидлашга эҳтиёж йўқ.

Сирожиддин Сайид сўз исроифидан парҳез қиласди. Сўзни тежаб ишлатади, сўзга залворли мазмун юклай билади. «Шеър аро полвон бўлиш осон эмас» деган биргина таъриф орқали устоз Абдулла Орифнинг миллий адабиётимизда тутган ўрнига муносиб баҳо бергани бунинг исботидир. «450 000 лола» шеърида иккинчи жаҳон урушининг бутун фожиаси лўнда, таъсирчан, бетакрор ифодалангани ҳам фикримизни тасдиқлади:

Кўз олдингга келтирсанг
Бўйларию кўз-қошин.
Тўрт юз эллик минг лола –
Кўкрагида кўрғошин.

Ҳар кўклам кўкка етар
Тўрт юз эллик минг нолам.
Ёт элларда ётибди
Тўрт юз эллик минг болам.

Сирожиддин Сайид «Шоир кимdir?» дея савол қўяди («Нуктаи назар» шеъри) ва «Мир Алишер бобонинг биринчи ва мангу муовинидир» деган хулосага келади. Адабиётга бундай юксакдан қараш ижодкорга муайян масъулият ҳиссини юклайди.

Чўлпон адабиётни «Ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви» дея таърифлаган эди. Сирожиддин Сайид шунга уйғун фикрни ўзига хос тарзда, бетакрор ифодалайди. Унингча: «Шеър гарчи шоирнинг кўксига ёнган, Бўғзини куйдирган олов унидир. Шеърият – гул эмас, чечакмас, асли. Рух ва

Миллатпарвар Чўлпон «Садои Фарғона» газетасида 1914 йили босилган бир мақоласида мана бундай ёзган эди: «Эй қариндошлар... катта илтимосимиз шулдурки, Оврўпонинг мўдосидан, шишиласидан ва бузук ахлоқидан намуна олмасдан ва бунларга бул жиҳатдан тақлид қиласдан, балки илм, фан, хунар, саноатфа ўхшашлиқ маданиятларидан намуна олуб, бул жиҳатдан тақлид қилмоқимиз лозимдур. Оврўпонинг мўдоси, шишиси ва бузук ахлоқи сизларни хонавайрон, беватан, асир, кул қиласидур. Бундан сакланингиз!

Оврўпонинг мактаб, мадраса, илм-фан, саноат, хунарға ўхшашиб маданиятлари сизларни обод, маъмур, олим қилуб, жоҳилликдан, асорат қуллигидан кутултуродур. Биродарлар, кўзларинигизни очиб, яхши ўйланглар!»

Таассуфки, Чўлпон қўрқкан ҳодиса рўй берди. Ҳар учала воқелик – Оврўпонинг мўдоси, шишиси ва бузук ахлоқи миллатнинг турмуш тарзига турли йўллар билан кириб келди. Энг ёмони, вужудни кўзкўз қилишга, ялангочликка ружу қўйилаётганидир. Миллий ахлокка қаратилган бу таҳдид ўтган аср бошида Чўлпонни нечоғлик ўйлантирган бўлса, унинг воқеликка айлангани янги юз йиллик аввалида Сирожиддин Сайидни шунчалик изтиробга солади. Мана бу мисралардаги аччик истеҳзо сабаби шу:

Кўриб киндикларини ҳалқа тақсан,
Қочайлик, бир чукур гор ахтарайлук.

Миллий ахлок, уни асраш ҳақида қайғуриш миллат зиёлиларининг зиммасидаги масъулиятдир. Шоирнинг бу каби шеърлари ана шу масъулиятни ҳис этиш, эртанги кун учун куйиниш самарасидир.

бўлади. Гуноҳига астойдил тавба қилса, бу қора нуқта кетади. Тавба қилмай, гуноҳларда давом этса, қора нуқталар сони ҳам қўпайиб боради», дейилади. Шоирнинг мана бу мисраларида ана шу ҳадис мазмуни гўзал поэтик ифодасини топгани Сирожиддин Сайид шеъриятида муборак сарчашмалардан баҳрамандлик таъсири кучаяётгани исботидир:

Мен бу чаман саҳнасига
ошиқ бўлиб келган эдим,
Гул рангига тушундиму
дил зангига тушунмадим.

Шоир риёкорлик, кўнгли қаролик дилни занг босишига сабаб бўлишини образлар, тимсоллар воситасида тасвирлайди.

«Ахтарайлук» ғазалида миллат турмуш тарзига кириб келаётган нобоп аъмоллар ҳажв тигига олинган. Буюк Хоразмий машхур «Мұхаббатнома»да «Анинг-ким, ол юзинда менг яратти, Бўйи бирла сочини тенг яратти» дея сочининг бўйи билан тенглигини ёр гўзаллигига далил ўлароқ мадҳ этган эди. Таассуфки, замонамиз шоирлари энди бундай мисраларни ижод қилиш имкониятидан маҳрумдирлар. Ижод қилсалар ҳам ёр сочининг бўйи билан эмас, бўйни билан тенглиги ҳакида ёзишлари мумкин, холос. Сирожиддин Сайиднинг кесилган зулфларга оид мана бу байти ҳам фикримизни тасдиқлайди:

Бўйинлар осилур зулфлар кесилмиш,
Биз энди ўзга бир дор ахтарайлук.

МЕТАФОРАГА БОЙ ШЕЪРИЯТ

Инсонни комил, жамиятни мукаммал кўриш – ҳакиқий ижод намунаси ана шу ҳаётбахш орзу заминида ҷунёга келади. Агар ана шундай юксак орзулардан монсиво бўлса, бундай асар на муаллифга наф келтиради, на жамиятга. У ҳолда ижод маҳсули майдага ҳиссиётлар, чучмал туйғулар, ўткинчи ҳою ҳаваслар гирдобида қолишга маҳкум. Табиийки, бундай “асар”лар, вакт синовларига дош бера олмайди, мезонлар сал ўзгарса, ўша ондаёқ ғалвирдан тушиб колади. Чинакам шоири адиблар эса, юксак идеалларни куйлади. Уларнинг асарлари замонлар кечса-да эскирмайди, даврларнинг өврилишларида тўзгимайди, вақтнинг бешафқат имтиҳонларига дош бера олади. Сабаби, уларда ўлмас ҳақиқатлар, умрбокий қадриятлар ўзининг бетакрор талқинини топади. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайид шеърияти ана шу жиҳати билан алоҳида ажраби туради. Шоирнинг “Салқин ҳарсанглар кафтида”, “Севги мамлакати”, “Асрагил”, “Мехр қолур, муҳаббат қолур”, “Кўйдим”, “Ватанни ўрганиш”, “Кўнгил соҳили”, “Кўксимдаги зангорларим”, “Қалдирғочларга бер айвонларингни”, “Дил фасли”, “Сўз йўли” сингари ўн бешга яқин шеърий тўпламлари бунинг исботидир. Энг муҳими, унинг ижоди тўпламдан тўпламга, китобдан китобга сайқал топа бораётир. Моҳиятган теран, бадиий жиҳатдан баркамол шеърлари ўқувчи қалбини забт қилишда давом этаётир.

Сирожиддин Сайид замонавий миллий адабиётимизда ўз ўрнига эга, эътирофга сазовор шоирларимиздан. «Рухим харитаси»дан «Дил фасли»гача ҳар бир китоби, ҳар бир шеъри шоир ижодининг янги, янада баланд миқёсларга кўтарилиши учун асос бўлиб келаётгани ҳам бунинг исботидир.

Бу йил шоир таваллудига ярим аср тўлади. Биз унга яна шунча баракали умр, ҳозиргидан ҳам кўра ютуқларга тўлик, янада нурли ижодий истиқбол тилаймиз.

бор, биринчи қадамлариданоқ ҳаммани лол қолдириб, түйғуларини, ҳисларини, фикрларини тутилмаган образларга буркаб, “афсоналарнинг тушига кирмаган сўзлар”да куйлай бошлашади. Уларни “ёш шоир” деган тушунчага сифдириш қийин. Улар ёши кичик бўлсада, шеъри, шеърий тафаккури балогатга етган бўлади. Назаримда, Сирожиддин Саййидни ана шундай “тайёр” шоирлар тоифасидан десак хато бўлмайди”.

Олим бу сўзларни 1982 йили ёзган эди. Шундан бўён ўтган ўттиз уч йилдан зиёд вақт Озод аканинг фикрлари нечоғлик ҳақиқат эканини кўрсатди. Дастреблари биланоқ шоиру адиблар, адабиётшунослару мунаққидлар тилига тушган Сирожиддин Саййид бугун ўқувчилар қалбидан чукур жой олди, элнинг, Элбоншининг назарига тушди. “Ўзбекистон халқ шоири” деган юксак унвон, “Дўстлик” ордени сингари юксак мукофотлар билан тақдирлангани бунинг ёрқин исботи. Унинг “Очил, эй гулки, бўстон вақти бўлди” деб номланган салмоқли шеърий тўплами шоирнинг бу эътирофлардан “талтайиб кетмаган”ини, эски шеърлари шухратидан ҳаволанмай, муттасил асарлар ёзаётганини, ижод заҳматидан ҳаловат топиш унинг ҳаётий аъмоли даражасига кўтарилиганини кўрсатади.

Тўпламдаги шеърларнинг жанрлар кўлами анча кенг. Бармоқдаги шеърлар, тўртликлар, ғазал, мухаммас, фард, қитъа, ҳазил шеърлар, “Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур” достони тўплам мундарижасининг нечоғлик бой ва салмоқли эканини тасдиқлайди.

Китобдаги шеърлар тўққиз бобга ажратилган бўлиб, бобларнинг номида ҳам чинакам поэзия мужассам эканини таъкидлаш керак: “Саломлар абаддир, онажон”, “Менинг кўнглимда бир шам бор”, “Гул рангию дил ранги”, “Қошу қўзу холу зулф”, “То тузди Навоий ояти

“Тошкент шоирлари вақт синовларидан ўта олдилар, – деб ёзган эди атоқли рус шоири Андрей Вознесенский. – Бу гап Сирожиддинга ҳам тааллуклидир. У Абдулла Орипов билан, бошқа шоирлар билан бир қаторда ўзбек шеъриятининг таникли намояндаларидан биридир. Унинг шунчаки шаҳар эмас, инсоний қисматимнинг таркибий қисми ҳисобланувчи Тошкентдан туриб қилган ҳар бир телефон кўнгироги мен учун ҳамиша қадрлидир”.

Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнбергнинг эътирофи янада самимийдир: “Мен ижоди метафорага бой бу шоир ва ҳеч қандай қолипга тушмайдиган бу шахс билан бутунлай яқдилман. Менинг фикримча, Сирожиддин Саййиднинг ижодда эришганлари сингари истиқболи ҳам ёрқин ва нурафшондир”.

Табиийки, бундай таърифу таҳсинга сазовор бўлиш осон эмас. Бунинг учун тунларни тонгларга улаб мунтазам меҳнат қилиш, ижод малакасини ҳамда маҳоратини муттасил ошириш, тинимсиз заҳмат чекиш, энг муҳими, заҳматдан лаззат топа билиш ва Худо берган истеъдодни доимий равишда камол топтириш талаб килиниади. “Дунёда энг оғир – Сўзнинг йўлидир” дея ижод машаққатларини зиммасига мардона олгани, шеъриятни “воситай жоҳ” эмас, “воситай дил” деб билгани, адабиётни қисмат дея қабул килгани Сирожиддин Саййид ютукларининг асосий омилидир.

Устоз адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов шоир ҳақида бундай ёзган эди: “Шоирлар ҳар хил туғилади. Шоирларки бор, гўдак атак-чечак қилиб йўл юришни ўргангандек, кўп йиллар давомида шеърият алифбесини ўзлаштиради, ҳар хил шоирларга эргашиб кўради, изланади ва бора-бора кийналиб бўлса-да, ўз йўлини топиб олади. Шоирларки

ни такрорламайди, ифоданинг ўзига хос усулларини топади, маҳоратини муттасил равишда оширишга интилади. Ватанни онага ташбех этиш шеъриятда янгилик эмас. Бирок шоир назмий талқиннинг шундай йўриғини топадики, сатрлар қуилиб келади, туйғунинг самимийлиги беихтиёр ўкувчи қалбига ҳам кўчади:

Булбул яшай олмас чамансиз, она,
Инсон хор бўлгайдир ватансиз, она.
Ватан барчамизга буюк Онадир,
Сиз буюк Ватансиз, Ватансиз, она.

Ижодкор учун Ватан шу даражадаги олий хилқатки, у ҳар бир ҳодиса замирида Ватанни кўради. Унинг наздида, энг буюк муаллим бу – Ватан. Онаизор кафтларида чизиқлар – хатларда ҳам, чехрасидаги ажинлар – харитада ҳам Ватан намоён. Унинг кўнглида “Ватан янглиғ улуғ сўз” улғайиб боради. Шоир Ватанни нокаслардан, ёт каслардан эмас, ору қарздан, гиёхлару эгатлардан, ҳатто хору хасдан – қўйингки, ҳар заррадан ўрганади. Унинг мана бу бадиий хулосаси соддалиги ва самимияти билан кўнгилларда акс садо беради: “Ватанни севиш керак. Бошқа гап йўқ”.

Ватанни асраромоқдан ҳам кўра олий бурч йўқ шоир наздида. Шу боис унинг шеърларида Ватан кўзга ташбех этилса, тонгни сокингина бошламоқ, болишга бемалол ёнбошламоқ имконига эга бўлмайдиган заҳматкаш юрт посбонлари мужгонга қиёсланади. Ватан мавзусига шоир ҳар бир шеърида янгича ракурсда ёндашади. Фикрни кутилмаган ўзанга буриб, хаёлга келиши қийин бўлган оҳорли поэтик умумлашмалар чиқаради. Она замин гардларини кўзёшларидан сув сепиб, киприклари билан тозалаш – бундай ташбех (“Дил фарроши” шеъ-

ишқ...”, “Умр ва айём фардлари” ва ҳоказо. Шеърлар мавзу жиҳатидан ҳам ранг-баранг. Ватан, она, ишқ, она юрт табиати тасвири, фалсафий, ижтимоий-ахлоқий мавзуларда битилган назм намуналари шоирнинг салоҳияти нечоғлик баланд эканини кўрсатади.

Ҳар бир ижодкорнинг ўз тутуми, ижодий концепцияси, мезонлари бўлади. Аслида, шоиру адаб ижоддининг моҳияти ана шу жиҳатига кўра белгиланади. Шоир ким, деган саволга Сирожиддин Сайид: “Ҳазрат Навоийнинг биринчи ва мангу муовини”, дея жавоб беради. Ижодга ана шундай катта талаб билан ёндашган шоирнинг мана бу эътирофи, айниқса, эътиборга моликдир:

Мен дардни ҳеч кимдан
Кўчирмадим, йўқ,
Ёзганимдан кўра
Ўчирганим кўп.

Шеърлари оламга танилишини орзу қилмаган шоир бўлмаса керак. Назмий асарлари бир қанча тилларга таржима қилинган, нашр этилган Сирожиддин Сайид ҳам ижод намуналари дунёга кўпроқ тарқалишини истайди. “Қаламимга” шеърида шоир ижодий фаолиятига доир ана шундай орзуларини қуидагича талқин этади:

Айро этиб мендан дашту даламни,
Худо менга буюрмишdir қаламни.
Мен қаламдан олгайдирман аламни.
Қалам эса олай дейди оламни.

Сирожиддин Сайид шеъриятида Ватанга муҳаббат туйғуси бетакрор талқин этилади. Бу борада у ҳеч ким-

ижодкор бармоқ билан санаарли. Сирожиддин Сайид аруз вазнининг назарий қоидаларини пухта эгаллаган ва унда маҳорат билан ижод қилаётган шоирлардан. Шоирнинг ғазаллари бу жанрга қўйиладиган талабларга ҳар жиҳатдан мувофиқ келишини тъкидлаш керак. Унинг ҳазажи мусаддаси маҳзуф (рукнлари: мафой-лун-мафойлун-фаулун) вазнида ёзилган “Чамандирсан чамандан ташқарида” мисраси билан бошланувчи ғазали ҳам бу фикрни тасдиқлайди:

Мұхаббат жон билан күнгил фанидир,
Надир ҳолинг бу фандан ташқарида.
Ниҳол эк эзгулик bogига, инсон,
Юрибсан то кафандан ташқарида.

Эзгулик bogига ниҳол экиш – ўзидан эзгу ном қолдириш демакдир. Миллий адабиётимизнинг энг қадимги давридан то бугунга қадар мутафаккир ижодкорлар бирбирини такрорламаган ҳолда ана шу умрбоқий гояни оҳорли бадиий талқин этганини кузатиш мумкин. Бу кўхна ва теран фикрга янги поэтик либос кийдира олгани Сирожиддин Сайиднинг катта ютуғидир.

Ўзингдан ичкари кир, дилга киргил,
На бордир жон ва тандан ташқарида?

Ичкари ва ташқари, ботин ва зоҳир муносабатлари барча даврларда ҳам адабиётнинг, шеъриятнинг бош мавзуларидан бўлиб келган. Зоро, ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, инсон “Ўз вужудига тафаккур айлаган” тақдирдагина моҳиятга етмоғи мумкин. Ана шу ҳаётбахш гоянинг замонавий шеъриятимизда ҳам маҳорат билан қўйланаётгани таҳсинга лойиқ.

ри) ҳанузгача бошқа бирор шоир ижодида кузатилмаган:

Тун-күн бедор дилим – фаррошим билан
Ҳар бир супургингдан соз олай, Ватан.
Сени – сувлар сепиб күзёшим билан,
Киприкларим билан тозалай, Ватан.

“Остона ҳакида күшик” шеърида ёзилишича, Ватанга ҳурмат остоңага ҳурматдан бошланади. “Остона” – ўзбек учун энг табаррук, қадрият даражасидаги маъволардан бири. Шоир ана шу маъвони она-Ватаннинг поэтик тимсоли мавқеига кўтариб тасвирлай олган.

Сирожиддин Сайид инсон ва унинг моҳияти, умр мазмуни сингари фалсафий мавзуларни ҳам гўзal бадиий шаклда талқин этади. Шеърнинг бадиий қувватини таъминлашда шоир оригинал метафоралардан, охорли ташбеҳлардан маҳорат билан фойдаланади:

Сув уза ярқ этган шуъладир умринг.
Осилган омонат тугмадир умринг.
Магар Ҳақ йўлида ўтмади умринг,
Сени бу чулғаган сароб на керак?

Илғагил дунёдан мунглуг куйингни,
Энг аввал супургил кўнгил уйингни,
Саволу жавоб эт ҳар бир кунингни,
Саволинг бўлмаса жавоб на керак?

Бугунги кунда шеъриятимизда фикрни кўхна арузда ифодалашга интилиш тамойили кучайиб бораётир. Бирок аруз вазнида талаб даражасида ёза оладиган

иный санъатлардан (таносуб, тазод, ташбех) маҳорат билан фойдаланилган; 3) мурожаат-савол усули қўлланган; 4) газалда вазн сакталиги учрамайди.

Шоир ғазаларида тажнис санъатидан ҳам маҳорат билан истифода этилган. Жумладан, мана бу фардда теран мазмун мазкур санъат воситасида гўзал бадиий шаклда ифодаланган:

Яратган гар қаро холни
сенинг бўйнингга қўймишdir,
Анинг жабрини тортмоқни
менинг бўйнимга қўймишdir.

“Бўйин” сўзи биринчи мисрада ўз маъносида қўлланган бўлса, иккинчи сатрда “зиммамга” маъносида қўлланган. Бу ҳол шоирнинг сўзни нозик ҳис этишидан, фикрнинг бадиий қувватини ошириш сирларини пухта эгаллаганидан далолат беради.

Сирожиддин Сайид мумтоз шеъриятимизга хос мухаммас жанрида ҳам самарали ижод қилиб келмоқда. Лутфий, Атойи, Алишер Навоий, Ҳофиз Шерозий, Захириддин Бобур, Адиб Собир Термизий, Сидкий Хондайликий, Аваз Ўтар, Мухаммад Шариф Сўфизода ғазалларига битилган тахмислари, Чўллоннинг машҳур байтига битган тазмини шоирнинг бу мумтоз назмий жанрда чўнг маҳорат касб этганини тасдиқлайди. Шоир улуг Алишер Навоийнинг ўнлаб ғазалларига тахмис боғлагани ва уларнинг барчаси юксак бадиий савияда ижод этилгани ҳам бунинг исботидир.

Мухаммас жанрининг қатъий талаблари бор: салафлар ғазалига боғланган уч мисра газал байтларига ҳам мазмун, ҳам вазн, ҳам санъат жиҳатидан шу қадар уйгуналашмоғи зарурки, ҳар беш мисра гўё бир шоир

Ватан ичра сафарлар айла, эй дил,
Ватан бўлмас Ватандан ташқарида.

Нақшбандиёна “Сафар дар ватан”нинг замонага мос охорли поэтик талқини кўнгилларга нур олиб киради. Қалбу шуурни чинакам ғазалиёт, ҳақиқий шеърият лаззатидан баҳраманд этади.

Умр ўткинчи, вақт ўтгувчидир. Шундай экан, инсон умрнинг бирор лаҳзасини ғафлатда ўтказмаслиги зарур; вақтни қадрламоги керак. Маънавий камолот учун сафарбар этилмаса, инсон ҳаётидан ҳеч қандай маъни қолмайди. Азиз умр бехуда ишларга, бесамар ҳою ҳавасларга қурбон қилинмаслиги лозим. Шоир ғазалларида ҳеч бир замонда эскирмайдиган шу ва шу сингари мавзуулар қаламга олинади. Бу жиҳатдан улар мумтоз ғазалиёт намуналарига менгзайди. Муҳими, бу каби мавзуулар шунчаки баён этилмайди, бадиий тасвир замирига санъаткорона сингдирилади. Жумладан, шоир зеби зоҳирга берилиш, молпарастлик инсонийликнинг асл моҳиятига зид эканини мана бу тарзда бадиий талқин этади:

Солдинг баланд кошоналар,
айвонидан бош айланар,
Бошинг уза тош айланар,
мақсад ва аъмолинг надир?

Умринг бўйи мол истадинг,
кўргил, на иқбол истадинг,
Қаддингни ҳам дол истадинг,
йиқкан зару молинг надир?

Ушбу ғазал бадииятини таъминлаган омиллар қуидагилардир: 1) фикр сажъ орқали ифодаланган; 2) ба-

бўй бўлолмайди” деган халқона нақл ирсоли масал сифатида қўлланган. Натижада мазкур нақл шоир талинида ўзига хос моҳият касб этиши баробарида шеърнинг таъсир кучи ошган, юксак бадиияти таъминланган.

Тўпламга кирган “Юз ох, Захириддин Муҳаммад Бобур” достони бадииятнинг ўзига хос намунаси экани билан алоҳида ажralиб туради. Асар одатдаги достонлар каби яхлит сюжетга эга эмас. Таркибий тузилиши жиҳатидан уни тазмин-достон деб аташ мумкин. Маълумки, мумтоз шеъриятда ўзга ижодкор асаридан бир мисра, бир ёки икки байтни ўз шеъри орасида энг лойик ўринда келтириш, мавжуд вазн ва радифни саклаган ҳолда тамомила янги назм намунасини яратиш тазмин санъатининг моҳиятини ташкил этади. Тазмин гарчи ғазал жанрида кўпроқ қўлланган бўлса ҳам, Атоуллоҳ Ҳусайнин машҳур “Бадойиу-с-санойиъ” асарида бу санъатнинг насрга ҳам тегишли экани ҳақида фикр билдирган. “Юз ох, Захириддин Муҳаммад Бобур” адабиётимиз тарихидаги тўлигича мазкур санъат билан зийнатланган илк достон экани билан алоҳида адабий-эстетик қимматга эга. Шоирнинг ўзи ҳам достоннинг тазмин эканига ишора қиласи. “Бино ёхуд иморатда бўлгани янглиғ, – деб ёзади Сирожиддин Сайид, – бунинг пойдеворига “Бобурнома”дан, Бобур шеъриятидаги энг нозик нукталардан – хотиралар, ўй ва кечинмалар, мисралар билан байт ва рубоийлар асос қилиб олинди”.

Достон Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ёки ижоди билан боғлиқ юз лавҳанинг бетакор бадиий талқини асосига қурилган. Мақсад – бугунги авлюд мураккаб ва зиддиятли қисмат соҳиби бўлган бу буюк сиймо сийратини чукурроқ ўргансин, тафаккур ва та-

қаламидан чиққандек тасаввур ҳосил қилиши керак. Сирожиддин Сайид мухаммаслари ана шу талабларга түлақонли жавоб беришига күра ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ҳазрат Алишер Навоийнинг машхур ғазалига боғланган мухаммаснинг мана бу сўнгги банди бунинг ёркин мисолидир:

Кема эрур бу умр, чолғуси ҳар лаҳза бонг.
Битгуси ногоҳ сафар шом эрур хоҳи тонг.
Яхши эрур яхшилик бирла тўлиб фикру онг,
Яхшилар ичра ватан тутса Навоий не тонг,
Кимки ёмонлар била бўлди ёмон бўлдило.

Фард – ўзига хос жанр. Бор-йўғи икки мисрада олам-жаҳон маъни ифодалашни, ифодалаганда ҳам юксак бадиият талабларидан келиб чиқиши тақозо этадиган бу жанрнинг маълум бир мураккабликлари бор. Бу жанрда муваффақият қозониш учун шоир, биринчидан, оз сўзга кўп маъни юклай билиши, иккинчидан, мумтоз шеъриятимизнинг улуғ намояндалари назмий меросини пухта ўрганиб, фикрни санъаткорона ифодалаш сирларини эгаллапи, учинчидан, аruz илми сирларидан хабардор бўлиши талаб қилинади. Сирожиддин Сайиднинг бу борадаги маҳорати ҳам эътирофга лойик. Мана бу фард фикримизни тасдиклайди:

Не учун келдинг жаҳонга – эл билан эл бўлмадинг,
Ўзгага бўй бўлмадинг, ўзингга ҳам эн бўлмадинг.

Ушбу фарднинг поэтик қиммати унда ирсоли масал санъатининг юксак маҳорат билан қўллангани ва бу орқали фикрнинг таъсирчан ифодасига эришилганида кўринади. Фардда шоир “Ўзига енг бўлолмаган ўзгага

Бобур ҳазратлари тилидан, гоҳ ўзимдан, гоҳи шеър, тоҳи ғазал тарзида, гоҳ рубоий, гоҳи мухаммас шаклида кўнглимдагиларни, ният ва мақсадимни иншо этишга уриниб кўрдим”.

Мумтоз шоирлардан фарқли ўлароқ Сирожиддин Саййид тазминга асос бўлган шеър вазнини, қофия ва радифини саклаш йўлидан бормаган. У мазкур тазминиктибос таъсирида оригинал назмий асар ёзиши мақсад қилган. Масалан, “Бобурнома” сарлавҳали шеърда “Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум” деб бошлинувчи рубоий, буюк адабнинг “Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзумни, Сўзумни ўкуб, соғингасен ўзумни”, деган эътирофи ва “Бобурнома”дан ҳар сўзнинг ростини битгани ҳақидаги иқтибос тазмин сифатида келтирилган. Шоир “Бобурнома”ни “Шоҳ шоирдан авлодларга мангу ўлмас Қадрнома”, ундаги “ҳар бир нома – Такдирнома”, “Бобур чеккан изтироблар, ранжу заҳмат ҳам азоблар, буюк ҳижронидан боблар акс этган Жабрнома”, “зафарлар, ҳарбу зарблар тасвирланган Ҳарбийнома”, “Тожмаҳалдан ҳам зўр кўрғон – Кабир нома”, “Ботирнома”, “Хотирнома”, “Сабрнома” дея васф этади. Бу номларнинг барчаси Бобур ва “Бобурнома” руҳиятига ҳар жиҳатдан мувофик бўлиши баробарида улардан чинакам назмий руҳ уфуриб турди.

“Умаршайх мирзо” сарлавҳали шеър мазмун жиҳатидан ҳам, бадиият нуқтаи назаридан ҳам юқоридаги шеърга ҳамоҳанг. Умаршайх мирзонинг “Хамсатайн”, маснавий китоблари ва тарихларни, айниқса, “Шоҳнома”ни севиб ўқигани ҳақидаги иқтибосдан таъсиранган шоир мана бу тўртликни ижод этади:

“Шоҳнома” ўқийди Умаршайх мирзо,
Ўқир “Хамсатайн”лар оҳномасини.

хайюл қилсии, ибратлансан. Зеро, одамзоднинг умри йиллар саноги билан эмас, бажарган ишлари салмоғи билан белгиланади. Бор-йўғи қирқ етти йиллик умрида Бобур ўзидан бебаҳо шеърлар, бекиёс “Бобурнома”, аruz, фикҳ ва бошқа илмларга оид асарлар, ундан ҳам муҳими, эзгу ном қолдиришга улгурди. Сирожиддин Сайид достонида ана шу жиҳатлар бутун қамрови, бор кўлами билан тасвиrlанган. Муаллиф буни қуйидагича изоҳлади: “...бу – ниҳоятда қисқа, аммо туганмас ҳаётнинг, зим-зиё оламни ёритган чақиндай тез сўнган, лекин мана, беш юз йиллардан буён тўхтамай давом этиб келаётган, мардлик ва матонат, ғурбату фирок, меҳнату аламларга тўла умринг юз лаҳза, юз ҳолатини кўлимдан келганча ифодалаб беришга ҳаракат қилдим”.

Достон композициясини ташкил этувчи тазмин-шеърларни қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1. “Бобурнома”дан олинган иқтибосларга тазмин.
2. Ғазалларга тазмин.
3. Рубоийларга тазмин.
4. Буюк шоир ғазалларига боғланган тахмислар.

Таъкидлаш керакки, достон матнида бир вақтнинг ўзида “Бобурнома”дан иқтибос олиниб, ҳам муайян ғазалдан бир мисра ёки бир байт, ҳам рубоий кельтирилган ҳоллар ҳам учрайди. Бу жиҳат юқоридаги таснифнинг шартли эканини кўрсатади. Тазминнинг қайси турига кирмасин, турли жанрларга мансуб шеърлар асар умумматнида ягона мақсадга – Бобур образи, унинг рухияти, орзу-армонлари, буюк сиймо қалбидаги зиддиятлар, кечинмалар тасвирини беришга хизмат килган. Шеърлар умумматн таркибида ҳам, алоҳида олинганда ҳам муаллифнинг бадиий нияти охорли поэтик талқин этилишини таъминлаган. Достон муқаддимасида бу ҳол қуйидагича изоҳланади: “Гоҳ

Жумладан, шоир “Бобурнома”дан мана бу иқтибосни олади: “Самарқанд қалъасининг ичида яна бир қадими иморатдур, масжиди Лақлақа дерлар. Ул гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар, тамом гунбаздин “лақ-лақ” ун келур, ғариб амредур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас”. Ана шу иқтибос таъсирида битилган шеър теран фикр ва гўзал бадиий шакл мутаносиблиги билан алоҳида ажралиб туради:

Бу олам кўхна масжидdir,
унинг гунбазлари – осмон,
Бу гунбаздин азалдин то
абад “лақ-лақ” садо келгай.

Оламнинг кўхна масжидга, масжид гунбазларининг осмонга ташбех этилгани, “азал” ва “абад” тимсолларининг олиб кирилгани, “лақ-лақ” тақлид сўзи замираiga чуқур маъно юклангани шоирнинг тахайюл миёси нечоғлиқ кенг, тафаккур дунёси қанчалар қамровли эканидан далолат беради.

Шоирнинг шоирлиги, ижодкорнинг ижодкорлиги шундаки, “Бобурнома”даги, эҳтимол, бошқалар эътибор бермаслиги мумкин бўлган иукталардан ҳам ўзгача таъсиранади. Энг муҳими эса, бу ҳол руҳиятнинг бетакрор тасвири билан йўғрилган охорли мисраларнииг ижод этилишига сабаб бўлади. “Панжшанба куни хазонлар сайр қилиб, кеч намозшом Чорбоққа келиб туштум”, деган иқтибос таъсирида яратилган мана бу мисралар фикримизни тасдиқлайди:

Хазонлар сайр этиб чорбоққа тушдим,
Ўзим ҳолимни бир сўрмоққа тушдим.
Ҳазин кўнглимдайин баргихазонлар,
Кўнгил деб сап-сарик япроққа тушдим.

Билмаски, ўз ўғли айлагай иншо
Бир буюк миллатнинг шоҳномасини.

“Хамсатайн”лар оҳномаси” – чинакам бадий топилдик бўлган бу метафора тўртликка ўзгача рух бағишлиган. Шеърда Бобур номи тилга олинмаган бўлса ҳам отасининг руҳиятини тасвирилаш орқали келажакда унинг буюк бир миллатнинг шоҳномасини – “Бобурнома”ни ёзишига ишора килинади. Маълум бўладики, Сирожиддин Сайид олинган иқтибоснинг маъносини шеърга солиб қўя қолган эмас. Уни қалб призмасидан ўтказгани ҳолда тамомила янги бадиият намунасини ижод қилган. Достоннинг ибтидосидан интиҳосигача ана шундай ёндашув кузатилади.

Мана бу тўртлик ҳам юқоридаги иқтибос таъсирида ёзилган:

Шоҳ шоирнинг оҳномаси – “Бобурнома”,
Ҳарбу зарб жанггоҳномаси – “Бобурнома”.
Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си бордур агар,
Туркийларнинг шоҳномаси – “Бобурнома”.

Бу тўртликда шоир, таъбир жоиз бўлса, оз сўз воситасида “Бобурнома”нинг асл моҳиятини инкишоф эта олган. Унга туркийларнинг шоҳномаси деган оҳорли таъриф берган. Бу ҳол муаллифнинг инжа назмий дидини, баланд адабий идрокини намоён этиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Сирожиддин Сайид “умри отда ўтган буюк мусо-фир”, “шоирлиги шоҳлигидан улуғроқ, шоҳлиги ҳам шеъридай огоҳ” Бобур ҳаётидан лавҳаларни келтирас экан, улардан илҳомланиб, одам ва оламнинг моҳиятига доир теран фалсафий умумлашмаларни назмга солади.

байтда сўз замирига юкланган маъно юкининг салмоғи, уларнинг бетакрор бадиият билан зийнатлангани буни тасдиқлайди:

Даҳр, боғинг азалдан бебақодир,
Сенинг ҳолингни бир кўрмоққа тушдим.
Хазонлар ичра мен ҳам бир хазонман,
Бу ҳикматдин нечун титроққа тушдим?...

Ижод жараёнининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, адаб ёки шоир одатда асар қаҳрамонини яхши кўриб қолади. Унга меҳри товланиб туради ва бу асар матнидан ҳам сезилиб туради. Натижада ижодкор ва асар қаҳрамонининг тафаккур тарзида ҳам мутаносиблик юзага келади. Бу мутаносиблик баъзан шундай даражага етадики, улар бир хил фикрлай бошлайди, орзулари ҳам, армонлари ҳам уйғунлашиб кетади. Ҳатто улардаги бадиий-эстетик идеал яхлитлик касб этади. “Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур” достонида ҳам ана шу ўзига хос ҳолат кузатилади. “Бобурнома”дан олинган “Яна Ҳиндустон бағриқорасидур, ул бағриқорадин ки-чикроқ ва иничкарактур. Бағрининг қораси ҳам камдур. Уни (товуши) ҳам андин иничкарактур” кўчирмаси таъсирида битилган “Бағриқора күш” сарлавҳали шеър бунинг далилидир:

Жаҳонда ҳеч киши мен сингари оввора эрмасдир,
Бирор кўнгил менинг кўнглим каби садпора эрмасдир.
Аё, эй бағриқора күш. агар бағринг қародир, лек
Менинг бағримдаги доғлар мисоли қора эрмасдир.

Бу тўртликда бобурона рух, бобурона кайфият ифодалангани исбот талаб қилмайди. Ҳасби ҳолни ифода-

Оддий ўқувчи күзи билан қаралса, “Бобурнома”дан олинган юқоридаги иқтибос одатий хабардек таассурот колдириши мумкин. “Хазонлар”, “намозшом” сүзлари замиридаги ҳазинлик сабабиданми, бу күчирма шоир рухиятига чақмоқдек таъсир қылған. Ана шу түйгү таъсирида ижод этилған сатрлар Бобур қалбіда кечган туғёнлар, она диёр ҳажрида буюк фарзанд күнглини ўртаган армонлар бор мураккаблиги ва зиддиятлари билан тасвирланғани жиҳатидан алоҳида ажралиб тұради.

Фироқ дарёсининг күприклари йўқ.
Қачон мен бу ғарип қирғоққа тушдим.
Аёвсиз сарғарип баҳтим дарахти,
Сарик мотамдайин титроққа тушдим.

Ҳазажи мусаддаси маҳзуф (рукнлари: мағойлун-мағойлун-фаулун) вазнида битилған ғазалнинг бирор байтида сакталиқ учрамайди. Тутилмаган ташбәхлар (ғарип қирғоқ, сарик мотамдайин), қуюқ метафоралар (фироқ дарёси, баҳтим дарахти) шеърнинг юксак бадииятини татьминлаган. Күпrikдан мосуво фироқ дарёсининг ғарип қирғоғи... Баҳт дарахтининг аёвсиз сарғаришидан сарик мотамдайин титроққа тушган чорасиз лирик қаҳрамон... Ўқувчи күз ўнгida ҳазин манзарани яққол намоён этувчи, унинг күнглига ҳам ҳаяжон ва титроқ солувчи бу поэтик тасвир Сирожиддин Сайиднинг рухият талқини борасида нодир истеъдод сохиби эканини күрсатади.

Шоир ёрқин бадиий тасвиридан теран поэтик умумлашмалар чиқаради. Бу хусусият унинг фалсафий мушоҳада куввати баланд, хаёлт дунёси кенг эканидан далолат беради. Ғазал мақтаи ва ундан олдинги

сиймосини ёрқин акс эттирган назмий обида, деб аташ мумкин.

Умуман, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Очил, эй гулки, бўстон вақти бўлди” шеърий тўплами ҳам мазмун-мундарижасининг ранг-баранглиги, ҳам жанрлар кўламининг кенглиги, ҳам юксак бадиий қиммати жиҳатидан миллий шеъриятимиз ривожига кўшилган муносаб ҳисса сифатида баҳоланишга лойикдир.

лаши жиҳатидан ҳам, лирик оҳанг нуқтаи назаридан ҳам бу тўртлик Бобур рубоийларини эслатади. Ранг (қора ранг) ва руҳият тасвиридаги уйғунлик шеърнинг таъсир кучини ошириб юборган. Ҳазажи мусаммани солим (рукнлари: мафойлун-мафойлун-мафойлун-мафойлун) вазни шеърдаги бобурона кайфиятнинг ўкувчи қалби ва шуурига кўчишини таъминлаган.

Достондаги ғазал ва рубоийларга битилган тазминлар, буюк шоир ғазалларига боғланган тахмислар мутолааси ҳам Сирожиддин Саййиддин Захириддин Мұхаммад Бобур ижод лабораториясига чуқур кира олганидан, улуг адид санъатхонасидан бекиёс сабоқлар ола билганидан дарак беради. Табиийки, бундай сабоқлар ижодкорга илҳом бағишлайди, ижодда ўсиш, юксалиши учун замин яратади.

Таъкидлаш керакки, асар достон жанрининг назарий-эстетик талабларига ҳар жиҳатдан мувофиқ келади. Достондаги юз бадиий лавҳанинг ҳар бири алоҳида шеърий асар сифатида ҳам юксак поэтик кимматга эга. Зохиран, мазкур юз поэтик лавҳа бир-биридан фарқлидек туялса ҳам, улар кучли бадиий мантиқ, ички бир композиция асосида чамбарчас боғланган.

Яхлит ҳолда, ушбу достон улуғ мутафаккир бобомиз Захириддин Мұхаммад Бобурнинг ҳам буюк қомусий олим, ҳам давлат арбоби, ҳам беназир шоир, ҳам бекиёс шахс сифатидаги сиймосини, бадиий образини ўкувчи кўз ўнгида намоён эта олади. Бу буюк шахс қалбидаги юксак орзулар, унинг ушалмаган армонлари, кўнглида кечган тўфонлар, уни изтиробга соглан муаммолар тегран мазмун ва мукаммал бадиий шакл мутаносиблигида бетакрор бадиий талқин этилгани достоннинг асосий ютуғидир. Ана шу фазилатларига кўра, асарни буюк бобокалонимиз Захириддин Мұхаммад Бобур

рухиятни сирли туйгуларга чулғайди; шуурларга нур бағишлайди.

Коинот мукаммал, бироқ, унинг гултожи бўлиши кутилган инсон нокомил – муаллифнинг достон моҳиятига сингдирган бадиий концепцияси ана шу. Асардаги поэтик умумлашмага кўра, инсон синовда эканини унутган: ҳамма нарсага ишқибоз, ҳаётдан ҳамма нарсани истайди; учкур эгарлардан ўрин олиб, асло отдан тушгиси келмайди. Шу боис, таассуфки, у:

айланади мешин малайига –

хор.

Кулфланган дилида тариқча ўрин
иқтибоси йўқдир,
бори,
факат,
зор.

Бу ерда “ўрин” – мавқе маъносида келган, фикримизча. Яъни инсоннинг яшаш тарзи унинг асл мавкеига мутаносиб эмас, демокчи шоир. Сабаби, одам болалари: “Ўзи ясаган нарсасига қул, ўзин яратганни эсдан чиқарган”. Шу кезда яна бир мулоҳазани айтиш жоиз кўринади: достон номи ҳам ана шу моҳиятдан келиб чикиб танланган: бу оламда хар бир нарса-ҳодисанинг ўрни тайин; лекин яралмишлар афзали – инсон ўз ўрнини, мақомини биладими? Ҳаёт тарзи шунга муносибми...?

Ваҳоланки, шоир айтмоқчи, инсон муттасил синовда:

Одамни имтиҳон айлади Ўзи,
Кўйиб бирдай майлин ихтиёрига:
қаергача йўрттар,
йўлларин чўзиб,
қачонгача чўмар ҳубоб корига?

СИРЛИ КЕЧИНМАЛАР ТАЛҚИНИ

Коинот мукаммал – унда ҳар бир нарса-ходисанинг ўз ўрни бор. Улар барчаси муайян низомга бўйсунади, белгиланган тартиб асосида ҳаракат қиласиди. Жумладан, қуёш ҳар куни аниқ бир вақтда чиқади, тайин муддатдан кечикмай ботади. Ой ҳам, ўзга фалак жисмлари ҳам шундай: зиммасига юкланган вазифани оғишмай адо этади. Яралмишлар ичида бу мувозанатни бузиши мумкин бўлгани эса ёлғиз инсондир. Ана шу ҳолнинг сабаби, неча асрдирки, фикр эгаларини мудом ўйлантиради; ижод ахлини қалам олишга мажбур этиб келади. Бу муаммо жаҳон адабиётида нене шоҳ асарларнинг дунёга келишига сабаб бўлмаган дейсиз. Атокли шоир Икром Отамуроднинг “Ўрин” достони (“Шарқ юлдузи”, 2013 йил 3-сон) ана шу мавзу оҳорли поэтик талқин этилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Достоннинг асосий ютуғи, биринчи навбатда, тасвирнинг қабариқлиги ва образ ёрқинлигига намоён бўлган. “Куннинг бор борлиғидан воқиғ” қуёшнинг “Ботинга ҳарорат туморин боғлаб, зохирга нақшлар нақш турларин”, тарзида васф этилиши; туннинг чироғига менгзалган ой “зулматни чегириб, фирогин неларгадир қолдириб, фалакда сузиб, чўмиб бораётгани” тасвири достонда моҳият ва поэтик тасвир нечоғлик уйғунлашгани далилидир. Бундай образли тасвир ўкувчи кўз ўнгига ёрқин манзара ҳосил қиласиди;

майди. Ифода – мухтасар, ҳар бир сўз замирига юкланган маъно қуввати муаллиф бадиий ниятига маҳорат билан хизмат қилдирилган. Достон аввалида келган

...Нимадир...

...Қачондир...

...Кимдир...

сўзлари асардаги сирли руҳнинг поэтик талқинида ўзига хос мавқега эга. Шу боис достон айни сўзлар билан хотима топади. Бу эса, асарда уларнинг оддий сўзлар эмас, поэтик унсур даражасига кўтарилиганидан дарак беради.

...Нимадир... – достонда, таъбир жоиз бўлса, инсонни ҳак йўлдан чалғитувчи, унинг нафсиға ғулғула солувчи ашёлару тушунчаларнинг умумлашма образи. “Нарх навосинда гангид, довдираб, не-не муюлишу бурилишлардан илинжларин йўргалатиб, ҳовлиқиб, шошар бозорларга хилма-хил нимадир...” сингари мисралар ушбу фикрни тасдиқлади. Жамиятда муносаб ўрнига эга бўлиши учун инсон ана шу “нимадир”-нинг комига тушмаслиги, унга ҳирс қўймаслиги зарур. Бунинг учун эса, у фаҳмини, акл-фаросатини ишга солиши керак – ана шу сингари теран мазмуннинг назмий талқинига бағишланган ушбу достон.

...Қачондир... – бу поэтик унсурда достон мөҳиятига сингдирилган ҳақиқатларнинг замон билан чегараланмаслиги ифодаланган. Бинобарин, нафс ва фаҳм, зоҳир ва ботин ўртасидаги кураш одам боласи яшайдигап барча даврларда ҳам долзарб бўлган ва шундай бўлиб қолади.

...Кимдир... – бу бадиий умумлашма асардаги образли тасвирининг, ким бўлишидан (ҳатто миллати,

Достонда тил ва дил, зохир ва ботин номутаносиб-лиги одам фарзандларининг йўлдан адашувига, уларнинг хос мавқеи – ўрнидан тубанлашувига сабаб бўлиши бадиий умумлашма даражасида тасвирланган. Асар мутолааси ўқувчида “дилин мавжудлигин йўқотган”, “фаҳмидан айро, дилидан айро” кимсаларга нисбатан ачиниш ҳиссини пайдо килади. Тил ўтрукларин ботмон-ботмон экиб, майсаларнинг пучак бошоқларини кўпайтириш дилга кетмон санчилишига сабаб бўлиши; тил ўтрукларин гумбазларга такиб, тақинчоқдек кўз-кўз қилиш дил пойдевори смирилишига олиб келиши талқини шеърхонни фикрлашга, сўзнинг факат зохирига эмас, ботинига ҳам назар ташлашга ундейди. Бунда “тил” ва “дил” тушунчалари ҳосил қилган тазод муаллифнинг поэтик иктидорига, оз сўз замирига кўп маъно юклай олиш салоҳиятига далил бўла олади.

Нафс ва фаҳм – асарда ана шу икки ҳодиса зиддияти тасвирига алоҳида ургу берилган. Нафс инсонни адаштириб, тойрилтириб ўз тушовига солса, фаҳмга таянган, уни мувозий қилиб йўллаган киши ўзини, ўзлигини йўқотмайди – ана шу поэтик хулоса достоннинг ўқ чизигини ташкил этади.

Одам нафс омбори бўлмайин,
асло,
қани эди бўлса,
фаҳм чироги.

Достоннинг ифода усули, муаллиф услуби шу пайтгача биз ўқиган бирор асарни тақрорламайди – ўзига хос. Асарда ўқувчининг ғашига тегиши мумкин бўлган ортиқча, таҳрирталаб бирорта ҳам сўз учра-

КҮНГИЛ – ОЛАМ МЕХВАРИ

Одамзоднинг эътибори асосан зоҳирга қаратилган, ботинни кўпда англайвермайди. Инсон – суратнинг ошиғи, сийрат билан кўпда қизикавермайди. Зоҳирга алданган, суратга шайдо одам болаларининг нигоҳини ботинга, сийратга қаратиш, унинг дунё муҳаббати билан андармон қалбига Ҳак ишкি учкунларини солиш – адабиётнинг асосий вазифаларидан. Таникли шоир Икром Отамуроднинг “Доф” достони ана шу йўлдаги жиддий уриниш экани билан алохидат аҳамиятга молик.

Тафаккур қилувчи одам бефарқ бўла олмайди. Лоқайдлик – бундай кишига мутлақо ёт. Фикрини муттасил чархлаётган одам ўзига, атрофидагиларга тинимсиз саволлар беради, уларга жавоб излайди. Табиийки, аксар ҳолларда жавоблар дилга таскин беравермайди. Яна янгидан янги саволлар туғилаверади, туғилаверади... Икром Отамурод ана шундай серсавол ижодкор. Лекин унинг саволлари шунчаки саволлар эмас. Улар асл моҳиятга қаратилгани билан залворли, ҳақиқатни англаш ва англатишга хизмат қилиши билан қимматли. “Доф” достони ҳам ана шундай саволлар билан бошланган: Қаер каергадир талпинар?!.. Қаер қасрдадир догланар?!... Қаер каергадир боғланар?!...

Кўнгил – оламнинг меҳвари. Мутафаккир аждодларимиз уни олами сурро – кичик олам, деб атаганлари бежиз эмас. Ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтганда, кўнгил – Ҳак нурининг жилвагоҳи, моҳият

ирки, диний мансублигидан) қатъи назар, одам болаларининг барчасига бирдай тегишли эканини ифодалаши жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга.

...Кизиқ:
зоҳирин яйратар,
ботинин ингратар, кимдир...

Ботинни унутиб, асосий эътиборни зоҳирга қартиш – XXI аср одамини боши берк кўчага олиб кирди. Инсон зиммасидаги асосий вазифа – комилликка интилиш заруратини бир қадар эсдан чиқарди. Ўзихтиросининг қулига айланиб, жаҳонни маҳв этиш илинжида ўзини ўтга-чўқка ура бошлади. Ўзгаларнинг тинчлигига, осойишталигига раҳна солиш, бошқаларнинг бойлигига, мол-дунёсига кўз олайтириш унинг аъмолига айланди. Ваҳоланки, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз қарийб олти аср наридан туриб, инсониятни

Одам ўлғон зеби зоҳирдин демас,
Кимки ондин фахр этар, одам эмас –

дея огоҳлантирганини ёдга олайлик. Бундай барҳаёт гояларнинг бадиий талқини бугун ҳам муносаб давом эттирилаётгани ҳар бир адабиёт мухлисини, шеърият мухибини кувонтиради.

Замонавий ўзбек достончилигига ижодий изланиш, янгиланиш жараёнлари кечмоқда. Бу жанрнинг ҳажман ихчамлашиб, мохиятан теранлашиб бораётгани ҳам давр тақозосидир. Нуктадон муаллифни ва синчков ўқувчини ана шу хусусиятларни ўзида мужассам этган янги асар – сирли туйғулар достони билан муборакбод этишга бурчлимиз.

Сәмурод достонлари ҳажман жуда
Барни бир көнра бир сўздан иборат бўлиши ҳам
уварни мутолаа қилиш кўп фурсат
жумладан “Доф” достонини
хам бир марта ўкишда тушуниш қийин. Шоир сўзлар
замирига ёйлаган маъноларни англаш, магзини чаб акиш
учун достонни кунт билан бир неча марта мутта толаа
киломк тарур. Масалан, юкорида қуёшнинг беми туманлар
сахий ётуси ва уни тўсиб қовоғини уйган туматинлар
ҳақида сўз юритилган. Ҳўш, бунинг билан шоир нима
демокчи? Қуёш, туман тимсоллари замирига қандай
маъно юкланган? Қуёш – ёруғлик, туман – зулматинлар
рамзлари экани аён. Зулматнинг иши ёруғликни тўс.
моқдан иборат. Ана шу коронгиликни ёриб чиколса гина
куёш зиммасидаги вазифани бажарган бўлади. Бу гина
эмас, қуёш – Яратганинг улуг неъмати. Унинг ҳар
куни мунтазам равишда айнан белгиланган соне аяд
чикиши ва муайян вактда ботишини улуг адаб III Шай
Сайдий Ҳақ амрига фармонбардорлиги сабаби гидан
дека изоҳлайди. Шундай экан, яралмишлар гулт тож
бўлгани инсоннинг бу фармонга бўйсунмаслиги акж
дан йироқ эканини таъкидлайди. Фалакиёт олим ми:
рининг фикрича, қуёш ўз ўрнидан ерга озп гии
якинлапса, ҳароратнинг зўридан заминдаги = хаф
барҳам топади. Унинг ердан камгина масоғ фойи
узокланиши эса, хавонинг ҳаддан ташқари со ови
кетинига сабаб бўлади ва бу ҳолда хам яшша
имкони йўколади. Қайси жихатдан ёндашилма си
юкоридаги иктибосда шоирнинг оз сўз восита олиси
терин моҳиятни ифодалашга эришгани аён бўлган
Жабуру жафолар ва гумонлар ҳақидаги кейин иш
миерлар ана шу фикри тасдиқлашга, далилларни
хизмат қилган.

акс этадиган кўзгу. Фақат бунинг учун у тоза, соғ бўлмоғи керак. “Доғ” достонидаги мана бу сўзлар ана шу мазмунни акс эттирган:

...Ҳодислар содирдир кетма-кет,
баъзан,
баъзан,
узоқ муҳлат мум ютиб –
қотар.

Кангул ботинига доғ солиб аҳсан,
Кангул зоҳирига ғайбурдай ботар.

Инсон замон ва маконда кечётган ҳодисаларда истаб-истамай иштирок этади. Шоир талқинича, бу ҳодисалар кўнгил ботинига муттасил равишда доғ солади. Бу фикр тагматнида ифодаланган мазмунни англаш учун муборак бир ҳадисга мурожаат қилсақ: “Инсон гуноҳ иш қилса, қалбида бир қора нуқта пайдо бўлади. Агар тавба қилиб, гуноҳдан бутунлай қайтса, истиғфор айтса, қалби покланади. Мабодо гуноҳларда давом этаверса, қалбидаги доғ яна ҳам зиёда бўлади”. Икром Отамурод айнан шу ҳадисдан илҳом олган, дея олмаймиз. Лекин достондан олинган юқоридаги иқтиbos билан мазкур ҳадис замирида инсон ҳаёти учун муҳим саналган бир муаммо – кўнгилдаги донги поклаш истаги турганини инкор этиб бўлмайди.

Қуёшнинг беминнат сахий ёғдусин
тўсиб,
қовоғини уяр туманлар.
Хавотирга йўллаб йўлларнинг тусин,
жабру
жафоларни ниқтар гумонлар.

Бу орқали камолга эришмоқ учун берилган имкон – умрни беҳуда юмушларга сарфлаш, вақтни бой бериш нечоғлик улкан фожиа экани назарда тутилган, дейиш мумкин. Хайриятки, истиснолар бор. Достонда бунга қуйидагича ишора қилинади:

...Сукутдан
қандайдир
жой топиб боради
ҲАҚқа интизор,
ҲАҚқа маҳлиё, мискин чидам-ла
интилиб толғон:
чунгирак жон...

Бу истисно Ҳақ ошиқлариidir. “Чунгирак жон” – уларнинг бениҳоя кам эканига ишора. Сабаби, одамзод аксари ёлғон, кибр, ҳирс, нафс каби иллатлар домидан чиқа олмайди. Бу иллатлар инсон камолига түсиқ бўлиб, унинг тафаккурига соя солади, ҳақиқатни англашига монелик қиласди. “...Ёлғонлар ёлғонни ёлғонга корар ЭЪТИҚОД аҳдига тифини тиғлаб...”, “Қай вужудда манманликнинг хуружи... Кибр ҳавоси-ла йўртиб, худбинлик худбинликка қўйгайдир ружу..”, “...Ҳаётда биргина манфаат бордай манфаат эгарига манфаат минар...” мисраларида ана шу ҳақиқатнинг поэтик ифодасини кўрамиз.

Муборак ҳадислардан бирида барча гуноҳлар уч иллат – кибр, ҳирс ва ҳасаддан келиб чиқиши зикр этилади. Достондаги талқинларда шунга уйгунилик қузатилиади. Жумладан, шоир нафс рухиятнинг заволига олиб келиши ҳақидаги фалсафий умумлашмаларини мана бу тарзда ифодалайди:

Шоир достонда яна шундай улуғ неъмат бўлган тонгни ҳам оҳорли метафоралар орқали васф этади. Тонгнинг оламга тўшалган қат-қат сепи, меҳру муруватини заррача дариг тутмай кундузга хадя қилиши тасвири бунинг исботидир. Жимжитликнинг қаърига қурб берган ТАҲАММУЛ ва қўнгил тубида томир ёйган ҲАҚИҚАТнинг нисбат тушунчаси негизида талқин этилиши замирида ҳам шоир қалбини изтиробга солган саволлар мужассам.

...Ғанимат он...

...Ғанимат имконнинг

тақозосида

дийдор илғамайди

сира ҳижронни...

... Ғанимат имконнинг

тақозосида

ҳижрон ғамга йўғрилар

сезмай дийдорни...

Ғанимат он – инсон умри. Ғанимат имкон – унга берилган фурсат. Дийдор ва ҳижрон поэтик тимсолларига шоир олам-олам маъно юклайди. Жумладан, дийдорнинг ҳижронни илғамаслигини одам болаларининг умр бебақолигини эсдан чиқариб қўйиши, дея изоҳлаш мумкин. Ҳижроннинг дийдорни сезмай ғамга йўғрилиши тасвири замирида Ҳақ висолига эришмоқ имконини бой бераётган инсон аҳволи тажассум топган, дейилса хато бўлмас. Шу боис достоннинг давомида ўзаро туташ томирларию боғичларини зифирча ҳам парво қилмай қадам-бақадам йўқотиб бораётган маскун ва лаҳза, бошқача айтганда, умр ва вақт муносабатлари, зиддиятлари бадиий талқин этилади.

шархтнинг эгилган новдасига мих сингари санчиб тирпогин, анчадан бери капалакни синчиклаб кузатиб турған кўзлари олазарак, мугамбир майна ҳовлиқиб, ҳаприқиб, капалакка чанг солиб нохос ва оғзин очиб, фавқулодда ютиб юборди – жонсарак... Боф ўксинди... Эҳ....”

Капалак-ку ишқ йўлида қурбон бўлди. Инсон-чи, оу олий мавжудот ишқдан холи яшаши мумкинми, ишқсиз унинг ҳаётида маъни қоладими?! Достонда бу фикр айтилмаган. Лекин бадиий тасвир моҳиятидан бу изтиробли савол англашилиб туради. Зоро, шоир шунинг учун ҳам шоирки, у айтмасдан айтади, изҳор этмай туриб ҳам моҳиятни англата билади.

Капалакнинг ҳолидан ўксинган боғ – бу ёргу олам тимсоли. Ёвузлик рамзи бўлган майналар бу ёргу оламни зулматга айлантиради: “...феъли бебурд, жойи бетайин, саси беёқим майна: чағиллаб-чағиллаб, титкилаб-титкилаб афсусга йўғиради, боғнинг бағрига тўкканича дод...” Оламнинг бағридаги дод шундан. Унда шодлиқдан кўра ғам, орзудан кўра армон кўплигининг боиси – шу.

Достонда робот тимсолига ҳам дуч келамиз. Бирбирига гал бермай, бир-биридан қизганиб, шовқин-сурон солиб, басма-басига пойга қўяётган, боғнинг бағрига тинимсиз дод солаётган роботлар тасвири замирида ҳам теран моҳият мужассам. Робот – инсоннинг асл моҳиятидан, тафаккурдан, маънавиятдан, соғрухиятдан узоқлашаётгани тимсоли. Бу ҳол шоирни изтиробга солади. Куйидаги сатрлар бунинг исботидир:

...Танг қотиб қолдим.
Бухсанган таним
канглумга туганмас дардин қадади.
Не-не хаёлимни чалпитиб маним,
шоналатди армонимнинг ададин...

...Қай вужудда ихлос ҳикмати бефарқ...
...Қай вужудда нафс қанотин ёзар...
...Нафс йўрттар ғўрдайиб,
басма-басга ғарқ,
руҳиятга,
асло
солмайин назар...

Ёруг ниятлар огушида, узоқни кўзлаб яшаш, умрни инсон деган шарафли номга муносиб ишларга сафарбар этиш одамзод ҳаётига зийнат бериши аён. Бироқ бу қанчалик тўғри бўлмасин, ақл ва мантиққа нечоғлик мувофиқ келмасин, буни жўн баён этиш нафақат достонга, умуман ҳар қандай жанрдаги бадиий асарга фазилат бағишламайди. Ҳамма гап уни тутилмаган ташбеҳлар, оҳорли метафоралар орқали теран мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигига ифодалай олишда. Икром Отамурод буни юксак даражада уддалаган.

Бадиий асар ўзига хос образ ва тимсоллари билан адабиётнинг бойишига, ривожланишига хизмат қиласиди. Факат бир шарти бор: образ ва тимсолларни бошқалардан фарқли, оригинал қўллаш тақозо этилади. Жумладан, капалак – шеъриятда энг кўп қўлланган тимсоллардан. У аксар назмий асарларда умрнинг қисқалиги, меҳр рамзи сифатида тасвирланган. Икром Отамурод уни ўзгача – ишқ тимсоли ўлароқ талқин этади. Достонда дунёнинг бир кунлик меҳмони бўлган бу жонивор “ишиқин изхор қилмоқни хоҳлаб...” лаҳзалик дийдорга шайдо ҳолида гулнинг атрофида айланиб-ўргилади. Капалак – ошиқ, гул – маъшук. Соғинч капалаги, ишқ капалаги боғнинг бир гулига қўнди. Мақсади – висол оғушига муҳаббатини бахшида айламоқ... Лекин ошиққа висол қайда дейсиз... “...Шу маҳал, боғдаги қайсиdir

шу йўналишда тадқиқотлар олиб боришга эҳтиёж сези-лаётир. Бизнингча, ушбу достондаги кўпнуқталар – асар номи ва моҳиятида акс этган дод рамзи. Достон давомида нукталар сони кўпайиб борганини тараққиёт юксалгани сари инсониятнинг маънавий-рухий мезонлардан узоқлашаётганига ишора, дейиш мумкин, назаримизда.

Умуман, Икром Отамуроднинг “Дод” асари моҳият ҳақидаги, Ҳак ишқи ва эътиқод ҳақидаги достон. Достон – шоирнинг бадиий маҳорати асардан асарга юксалиб бораётгани исботи. Гарчи тизимли сюжетга асосланмаган бўлса-да, унда рамзлар ва тимсолларга таянган ўзгача бир тизим яратилганки, бу биз ўрганиб қолган воқеалар баёнидан кўра бадиият учун муҳимроқдир. Бу тизимнинг афзаллиги шундаки, ўкувчини фикрлашга, тагматнда ифодаланган моҳиятни, рамзлар, тимсолларга яширинган ҳақиқатни англашга, бошқача айтганда, бадиий дидни, адабий-эстетик идрокни муттасил равишда ўстиришга ундейди. Нафакат ундейди, интеллектуал даражаси баланд шеърият муҳибларини тарбиялашга хизмат қиласи. Шунга кўра, асар ўзбек достончилиги ривожида муҳим ўрин тутади, деб хулоса қилиш мумкин.

“Доғ” – ишқ достони, армон ва изтироб достони. Ишксиз, маънавиятсиз дунёнинг ҳолигавой. Инсон уларсиз яшай олмайди. Бундай ҳаётда маъни йўқ. Ҳақ ишқи олам меҳвари бўлган кўнгилни поклайди, инсонни камолотга эриштиради – ана шу ҳақиқатнинг бадиий талқини достоннинг мағзини ташкил этади. Ботинни вайрон килиб, зохирга берилиш инсонни маънавий таназзулга олиб келади. Достонда доғ ана шу таназзул тимсоли сифатида талқин этилган:

...Доғ ботинда ўсади...

...Доғ –

ботинда қақраган виждон.

...Доғ –

ботиннинг қақраган умиди...

...Эҳ...

...Ёмғир томчилади...

Шоир фикрича, ёмғир “тӯё гулнинг ҳижронини унуттиrmок изнида тугма тахлит тақди мунису мушфик томчиларини...”. Демак, ёмғир – умид тимсоли. У доғларни ювиши, дунёни тозартириши мумкин.

Кўнглида доғ билан боққа термулган шоир хуласасига кўра, кўрдим деганда тайрилиш – доғ, топдим деганда йўқотиш – доғ, етдим деганда айрилиш – доғ. Инсон шунинг учун ҳам инсонки, у доғлар гирдобида қолмаслиги керак – достоннинг поэтик умумлашмаси ана шу.

Достон матнида келган кўпнукталар, табиийки, шунчаки кўйилган эмас. Жаҳон адабиётшунослигида бадиий асаддаги ишоралар, белгилар тадқиқи билан шуғулланадиган алоҳида соҳа – семиотика тобора ривожланмоқда. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам ана

булоққа дуч қилса, гоҳо унинг бошида чақмоқлар қарақлади”. Инсон фақатгина эзгуликлар қуршовида була олмайди. Уни кўролмаслик қиличи муттасил таъқиб этади, хиёнат ҳам унга ханжардай боқади. У ҳасад билан юзма-юз туришга маҳкум. Одам болаларини ёвузлик таъқибидан кутқариши мумкин бўлган ягона куч эса – тафаккур. Шунинг учун шоир тафаккурга мурожаат қилиб, бундай ёзади:

Офтоб ботди эртага қадар,
То тонггача ҳали бор фурсат.
Болаларин ўйласанг агар,
Эй тафаккур, ўзингни кўрсат!

Китобдаги дастлабки туркумнинг “Тезрок уйғотинг дилни” деб аталиши ҳам унданги шеърларнинг ҳаёт мөхиятини англаш ва англатиш руҳи билан сугорилганида бўлса ажаб эмас. Бинобарин, ҳаёт – инсонга Ҳакни танимок, ҳакиқатни англамоқ учун берилган имкон. Бироқ бу имкониятдан зарур даражада фойдаланиш маҳол, бундай саодат камдан кам одамга насиб этади. Шоирнинг “Ўтиб борар вақт писанд қилмай, Отаверар пешонамга тонг. Ғанимат шу кунларни билмай, Бой бердик-ку, дўстгинам, ишон!” дейиши шундан.

Синовлардан ўтган ҳакиқат шундан иборатки, инсон руҳида, шуурида мудом икки куч – раҳмоний ва шайтоний ҳислар кураши кечади. Ўткир Раҳматнинг қаҳрамони қалбини Раҳмонга тутади. Ундан номардларга дуч этмасликни, йўлдан адаштирмасликни, тухмат балосидан сақлашни ўтинади. Ҳаёт чорраҳаларида унга вафо пешвоз чиқмоғини, ҳамроҳи сабр-тоқат бўлмоғини сўраб илтижо қиласиди. Мана бу поэтик холоса ана шу истак самарасидир:

ХАЁЛ, ХАЁТ, МУҲАББАТ

Хаёлнинг ҳам ифори бўладими? – Ҳа. Факат бунинг учун хаёл ёруғ ва эзгу туйғуларга йўғрилган бўлмоғи керак. Яна бир шарти: хаёл шеър бўлиб куйилмоғи, шуурларга шижаот, кўнгилларга муҳаббат улашмоғи зарур. Машҳур муҳаррир, таникли шоир Ўткир Раҳматнинг “Хаёл ифори” китоби ана шундай туйғуларни ҳадя этиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Китоб “Ватан” шеъри билан очилган. Шеър куйидаги мисралар билан бошланади:

Ватан – сен кўзимсан, борсанки – ёруғ,
Ҳам оташ қалбимсан – даргоҳи юрак.
Сен – нурли истиқлол, буюк ва улуғ,
Ватан, сен – онамсан
Ҳаммадан юксак...

Шоир Ватанга бўлган меҳру муҳаббатини: “Қошу кўзгинангга Тушмасин бир гард, Мен кўрай, сен асло, Ҳеч кўрмагин дард”, дея изҳор этади. Она юртнинг эртаси бугунидан гўзалроқ, индини эртасидан тотлироқ бўлмоғини орзулайди.

Ўткир Раҳмат шеърлари инсон ҳаётидаги бутун мураккабликлар, зиддиятлар ўзига хос бадиий талқин этилгани, оҳорли мазмун ва поэтик ифода уйғунлик касб этгани билан алоҳида ажралиб туради. Шоир эътироф этганидек, тақдир инсонни “гоҳ шаффоғ

Ёнбошлаган төг ўй суриб,
Бошларига тушар оқ.
Қайси номард бузиб кетди
Бу қил ўтмас орани!
Тиним билмай шамоллар ҳам
Түрт томонга чопарлар.
Тұтмоқ бўлиб қайлардандир
Ўша ичи қорани.

Кўриниб турибдики, шеър образ ва тимсолларга бой. Шоир табиат ҳодисаларини чинакамига жонлантириб юборган. Шеър хотимасида ижодкор төг дарасини кўриб, қўксидаги эски яра тирналганини айтади, икки дўст орасини бузган номарднинг қилмишини эслайди. Табиат ва жамият ҳодисалари орасида ажиб бир мутаносиблик кўради. Бадий тасвирдан теран поэтик хулоса ясайди.

Шоир табиат билан қадрдон дўст сингари сирлашади, энг муҳими, у билан тил топиша олади. Шу маънода, Ўткир Раҳмат чин маънодаги табиат ошиғи сифатида тасаввур уйғотади. Мана бу мисралар ҳам бу фикри тасдиқлайди:

Осмон булатники –
Бехудуд майдон
Парку кўрпаларин йигар,
Гоҳ ёяр.
Гоҳида чеҳраси ўзгариб ёмон,
Палахмон отгандек гумбурлаб қўяр.
Қорайиб кетади гоҳо юзлари,
Пахса-пахса кўчар,
Қизик.
Миллиард томчиларга
Тўлар кўзлари
Бўзлаб юборади оламни бузиб.

Нафсу кибр саҳросин даф қил,
Ўз-ўзини ёб адо бўлсин.

Юрагимни кабутар қилгил,
Парвозидан кўзларим кулсин.

Ўткир Раҳмат табиат тасвирини бадиий бўёкларда беришгамохир. „Дара“ деб номланган шеърбу жиҳатдан, айникса, алоҳида ажралиб туради. Зеро, табиатнинг мўъжиз ҳодисаларига ўзига хос поэтик назар билан қарай билиш, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ташбеҳлар кўллай олиш, табиат тасвири замирига теран мазмунни жойлаш маҳорати – шеъриятнинг, шоирликнинг бош шарти. Ўткир Раҳмат буни санъаткорона уddeлагани эса таҳсинга лойикдир:

Мен тонг қотдим ногоҳ кўриб
Бир ғуборли дарани.
Тиф тилгандай она-Замин
Кўксидаги ярани.
Ул ёнида гуллар йиғлар,
Бул ёнида булбуллар,
Икки томон – икки ёнда
Икки қалби порани.

Кўриниб турганидек, шеърда мисралар куйма, фикр теран, ташбеҳлар оҳорли. Ҳар ҳолда, фақат чинакам ижодкоргина оддий тоф дарасига ана шундай шоирона нигоҳ ташлай олади. Фақат ростакам шоиргина “Ёниб кетар гоҳи офтоб, Булут гоҳи йиғлар-эй, Киприк қоқмай тонг оттирас, Ой тополмай чорани”, тарзидағи ташбеҳларни кўллай билади. Мана бу поэтик тасвир эса янада таъсирчан, янада ўзига хос экани билан ажралиб туради:

Ўрик гулларини
Сочиб ҳар ёққа
Диллардан
Мұхаббат
Тиланди күнгил.

Умуман, Ўткир Раҳмат шеъриятда ўз сўзини айтиб келаётган ижодкор. Шоирнинг яқиндагина Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйида 5000 нусхада чоп этилган “Хаёл ифори” тўпламига кирган назмий асарлари ҳам буни тасдиқлайди. Унинг шеърлари асосан ижодкор учун туганмас илҳом манбаи бўлган учлик – хаёл, ҳаёт ва муҳаббатдан дунёга келади. Шу боис бу назм намуналари ўқувчига ижодий хаёллар улашади, уни ҳаётнинг мураккаб ва зиддиятли сўқмоқлари орқали нурли манзилларга элтади, қўнгилларни муҳаббат сирларидан огоҳ этади.

Дарҳакиқат, китобнинг иккинчи қисми “Миллиард томчиларга тўлади кўзлар” деб номланган. Айни шу шеърдаги энг гўзал поэтик ташбеҳ туркумнинг номига айланган.

Тўпламнинг учинчи – охирги қисми “Диллардан муҳаббат тиљанди кўнгил” дея сарлавҳаланган. Бу бўлимдаги шеърлар шоир Ўткир Раҳмат миллий шеъриятимизнинг азалий мавзуси – муҳаббат ҳақида ҳам маҳорат билан қалам тебратганини кўрсатади.

Ишқ нима? Ошиқ ким? Барча замонларда ҳам долзарб бўлиб келаётган бу саволларга ҳар бир ижодкор ўз жавобини берган. Бу мавзунинг Ўткир Раҳматга хос талқини ҳам бор: шоир наздида чинакам ошиқ кўзига олам ишқу ошиқликдангина иборат бўлиб кўринади. Бутун борлиқ муҳаббат ўтида ёнаётгандек таассурот қолдиради. Мана бу тўртлик фикримиз тасдиғидир:

Зулмат ранги бўзариб аста,
Тонг қўйнига сингди судралиб.
Борлик тутди оппоқ гулдаста,
Севгисини айтди ғудраниб.

Чин ошиқ ҳар бир ашёда, ҳар бир заррада маъшуқа жамолини кўргани каби шоир хаёлида зарраларда ракс этганча жилваланиб боққан нур гўё ёкут кўзли узук таққан соңсиз оқбилак малак бўлиб кўринади. Қуйидаги мисралар ҳам муҳаббатга тўлиқ кўнгил изҳори ўлароқ тасаввур уйғотади:

Ҳамал ифоридай
Бўйланди кўнгил,
Атиргул барғига
Ўранди кўнгил,

дан дарак берса, иккинчидан, илм-фан ривожида муайян натижаларга эришаётганимизни кўрсатади. Ўюк мутафаккир қаламига мансуб “Атвок уз-заҳаб фил мавоизи вал-хутаб” (“Насиҳат ва ваъзлардан тизилган олтин шодалар”) асарининг манбашунос Рашид Зоҳид томонидан амалга оширилган ўзбекча таржимаси ва таниқли ижодкор Фозил Зоҳиднинг ундаги юз ҳикматга битган назмий шархи замахшарийшунослик миқёси юксалаётгани, теранлашаётганига яна бир далилдир.

2010 йили “Атвок уз-заҳаб” асари “Extremum press” нашриётида “Олтин шодалари” номи билан Маҳкам Маҳмуд ва Назарбек Ҳаким таржимасида ўзбек тилида нашр этилган эди. Асарни яна қайта таржима қилишга эҳтиёж борми, деган савол туғилиши табиий. Аввалги таржиманинг аҳамиятини заррача камситмаган ҳолда таъкидлаш керакки, бизнингча, Рашид Зоҳид таржимаси бир қанча афзалликларга эга. Биринчидан, асар тўғридан-тўғри араб тилидан ўғирилган, аввалгиси эса туркча матн асосида амалга оширилган эди. Иккинчидан, Маҳкам Маҳмуд ва Назарбек Ҳаким таржимасида асарга турк олимлари томонидан битилган айrim изоҳлар ҳам асосий матнга қўшиб юборилган. Бу эса, ўз навбатида, таржиманинг аслиятдан фарқли бўлишига олиб келган. Рашид Зоҳид эса таржиманинг аслиятга ҳар жиҳатдан мувофик бўлишига ҳаракат қилган ва бунга эриша олган. Таржима тили равон, услуги жозибали. Баъзан аслиятдаги сажъни ҳам сақлашга ҳаракат қилингани асарни ўқишли бўлишини таъминлаган. Учинчидан, Маҳмуд Замахшарий ҳикматларига Фозил Зоҳид томонидан битилган назмий шарҳлар асар моҳиятини бугунги китобхон руҳи ва шуурига етказища алоҳида аҳамиятга эга. Фозил Зоҳид юз ҳикмат

ЮЗ ҲИКМАТ ВА НАЗМИЙ ШАРХ

Замонавий шеъриятимизда улуг мутафаккирлар ҳикматларига назмий шарҳ битишидек анъана тикла-наётгани ҳар жихатдан таҳсинга сазовордир. “Устоз ул-араб ва-л-ажам”, “Фахри Хоразм”, “Жоруллоҳ” сингари нисбалар билан машхур мутафаккир Маҳмуд Замахшарий ҳикматлари асосида шоир Фозил Зоҳид ижод этган шеърий шарҳ бунинг эътиборга молик намунаси эканини таъкидлаш керак.

Бу улуг аллома ижодининг қўлами бениҳоя қамровли ва серқирра экани маълум. “Ал-муфассал”, “Муқаддамат ул-адаб”, “Асос ул-балоға” сингари асарлари ундан тилшунос ва лугатшунос сифатида бескиёс мерос қолганидан дарак беради. “Ал-мустақсо фи амсоли-л-араб” китоби ва бошқа асарларидаги назарий қарашлари унинг дақиқбин адабиётшунос бўлганини кўрсатади. Унинг қаламига мансуб “Ал-Каишоф” Қуръони каримнинг фасоҳат ва балогати инкишоф этилгани билан ҳам тафсир илмида алоҳида мавқега эга. Араб тилидаги шеърлар девони бу улуг мутафаккирнинг назмдаги салоҳияти нечоғлик баланд бўлгани исботидир. Шукрки, алломанинг дунё шарқшунослари эътиборини тортиб келган бу сингари асарлари бугун у туғилиб ўсган заминда ҳам илмий асосда чуқур ўрганилмоқда, уларга шарҳлар битилмоқда. Бу ҳол, биринчидан, бизнинг замонамизда ҳам улуг аждодларга муносиб ворислар етишаётгани-

Шу икки неъматнинг қадрига етсанг,
Саодатдан бўлсанг арзир умидвор.

Кўриниб турибдики, шеърий шарҳ Замахшарий ҳикмати замиридаги мазмунни шуурларга таъсирчан тарзда еtkаза олган. Илм ахли орасида тан олинган бир ҳақиқат бор: мутолаа инсон тафаккурини юксалтиради, унинг интеллектуал даражаси ошишига сабаб бўлади. Замахшарий ҳикматларини ўқиган ва уккан одамга, шубҳасиз, алломанинг улуғворлигидан муайян насиба етишади. “Атвок уз-заҳаб” мутолааси ва му-шоҳадаси давомида назмий шарҳ моҳият ва бадиият жиҳатдан мукаммаллашиб, теранлашиб боргани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди. Мана бу ҳикмат шарҳи ҳам фикримиз далилидир: “Дўстларига энг ҳалим киши одамларнинг ғаму ташвиш юкларига энг тоқатли кишидир. Балки душмани ҳам дўстининг ёнидан жой олган киши одамларнинг энг тоқатлисидир. Энг тоқатли инсон душманини сўкмайди, маломат қилмайди, балки унинг жазосини гуноҳига ҳавола қилиб кўяди, озорларини елкасида кўтаради. У шундай кишики, Оллоҳ унинг қалбини кек-гинадан сақлаган, балки соғлом аҳду паймонни унга жойлаган”.

Назмий шарҳ:

Билар у – аҳдга содик қолган ғолиб,
Нафснинг бўйнига занжир соглан – ғолиб.
Ҳалимлиги, яхши хулқи туфайли
Душманини дўст қила олган – ғолиб.

Дарҳақиқат, биз улуғларимиз асарларини мутолаа қиласиз, ҳаёт ҳақиқидаги холосаларимиз теранлаша боради, тафаккуrimиз чархланади, ақлимиз тиник-

шархига шеърий муқаддима ҳам битган. Шунга кўра, асарнинг ушбу ўзбекча нашри ўзига хос тарзда “Замахшар тасбехи ёхуд 101 манзума” деб аталгани ўзини оқлайди.

Таъкидлаш керакки, назмий шарх асардаги ўгитлар моҳиятини англашда, ҳис этишда бекиёс аҳамият касб этади. Биргина мисол. “Атвоқ уз-заҳаб”даги биринчи ҳикмат мана бундай сўзлар билан бошланади: “Кишини дини ва илми юксакка қўтарган экан, на йўқлик-кашшоқлик, на етим-есирлик унинг қаддини бука олади. Кимнинг бузуқлиги ва жаҳолати унинг тубанлашувига сабаб бўлган экан, на мол-дунёси, на аҳлу яқинлари унинг қаддини тиклай олади. Илм, бамисоли ота! Дунёни танитади, тўғриликка йўллайди, йиқилганда суюйди, дардга малҳам бўлади. Тақво, бамисоли она! Бағрига босиб, меҳрини беради, қалбни поклаб, кўзни яшнатади. Бас, шундай экан, ўзингни илм ва тақво билан кўргонла”.

Ҳикмат ҳақиқатан ҳам таъсири: инсонни ўзининг ва Ҳақнинг моҳиятидан огоҳ этишга қаратилган. Уни мутолаа ва мушоҳада килган одам маърифатга, юксалишга интилади, жаҳолатдан, тубан иллатлардан сақланишга ҳаракат қиласи. Йиққан мол-дунёсига, имконияти катта бўлган яқинларига суюнмайди, аксинча ўзини илм ва тақво билан кўргонлади. Бу ҳикмат Фозил Зоҳид назмida куйидагича ифодаланган:

Илм ота кабидир, ёқар у чироғ,
Фарзанднинг йўли ойдин, иймони соғ.
Тақво она янглиғ бағрига босиб,
Ювиб-тарар, пок асрар, юқтирмас доғ...
Токи илм – ота, тақво – онанг бор,
Сен етим эмассан, Раббинг қўймас хор.

Эй олим, Набий вориси, улугсан –
Улуглик даъвосидан бўлсанг халос.

Улуг аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб”даги ҳикматлари – бамисоли ойна. Бу ойнага қараган одам унда малоҳатини ҳам, қабоҳатини ҳам кўради. Бу ойнанинг оддий кўзгудан фарки шундаки, у инсонга нуқсонларини намойиш қилиш билангина чекланмайди, улардан қутулиш, нажот топиш йўлларини ҳам кўрсатади. Ана шундай асарнинг она тилимизга аслият асосида таржима қилиниши, назмий шархи билан нашр этилиши маънавий ҳаётимиздаги эътиборга молик ҳодисадир. “Атвоқ уз-заҳаб” мутолааси буғун Ватан ва Миллат истиқболига оид муҳим масала ўлароқ кун гартибida турган баркамол авлод тарбиясига хизмат қилиши билан ҳам дикқатга сазовор эканини таъкидлаш керак.

лашади, маърифатимиз юксалади. “Улуғликка интил” дея номланган ҳикмат инсонда ана шундай фазилатларни тарбиялашга хизмат қилиши билан, айникса, алоҳида ажралиб туради. Жоруллоҳ мана бундай ўгит беради: “Кечаги иззат-шарафга қаноатланма, у отангнинг топгани. Сен унга янгисини қўш, шунда икки шарафга эга бўласан. Модомики, ўз обрўингни кўз-кўз қилмаётган экансан, отанг топган обрў билан ҳам гуурланма. Чунки ўзингда улуғлик ҳосил этмаган экансан, отангнинг улуғлигидан сенга фойда йўқ. Сенинг топган шарафинг билан отанг топган шараф ўртасидаги фарқ – бугунги ризқинг билан кечаги ризқинг ўртасидаги фарқ мисолидир. Кечаги ризқ бугунги очликни кетказадими? Ҳеч ҳам кетказмайди”.

Дарҳақиқат, мозий – ўтмиш ҳакида гапириб, ота-боболарнинг ютуклари, шон-шарафига маҳлиё бўлиш инсоннинг тафаккурдан, ўсишдан тўхтаганини кўрсатади. Келажак ҳакида, истиқболдаги орзулар тўғрисида ҳаддан зиёда ўйлаб, хом хаёлга берилиш ҳам ақлли одамнинг иши эмас. Унинг ўрнига, бугун ҳакида кўпроқ бош қотирмоқ, ўтаётган хар бир дақиқани, хар бир онни ғанимат билмоқ, камол касб этмоқ, ота-боболар ютукларини янгилари билан муттасил бойитмоқ зарур – ҳикматдан чиқадиган хулоса шу. Назмий шарҳ муаллифи бу мазмунни куйидагича образли ифодалайди:

Отанг улуғлиги, хомтамаъ ўғил,
Сенга улуғликни ато қилмас, бил.
Гар муродинг – бўлмоқ ҳикмат эгаси,
Чекиб риёзат, улуғликка интил...
Улуғлик касб этмоқ илм аҳлига хос,
Лек отадан болага эмас мерос.

дийдасидан айрилиб, кўнгил кўзи очилган рассом йигит тилидан айтилади. Умринг бебақолиги, уни қадрлаш, муносиб яшаш инсонийликнинг асосий шарти экани драманинг ўқ чизифини – концепциясини ташкил этади. Асарнинг композицияси, сюжети, бадиий тасвир воситалари, монолог, диалог, ремарка – барчаси ижодкорнинг ана шу поэтик концепциясига хизмат килдирилган.

“Махзан”да тўртта ривоят келтирилади: Лайли ва Мажнун, Донишманд малика, Иброҳим Адҳам ва Робиа, Искандар ва Нўшоба. Дастрлабки учтаси чол тилидан, сўнгги ривоят қалб кўзи очилган йигит тарафидан зикр қилинади. Илк мулокот чоғида вужуди бут, кўзи соппа-соғ эканидан, дараҳтлар баргига боккан одамлар биттагина яшил рангни кўрса, ҳар бир япроқда минг ранг жилvasини томоша қилиб, мато юзига кўчира олишидан фахрланган рассом ривоятларни тинглаш ва ўзаро сухбат жараёнида оламга ўзгача назар сола бошлиди.

Асарда келтирилган ривоятларни, табиийки, муаллиф тўкиган эмас. Улар аслида мавжуд ривоятлардир. Нафас Шодмоновнинг ютуғи шундаки, у мазкур кўхна ривоятларни янгича талқин этади. Ўзининг бадиий ниятига мувофиқ шаклда ифодалайди. Ана шу ниятдан келиб чиқиб уларнинг мазмунига ҳам жузъий ўзгартиришлар киритади. Зеро, ижоднинг ижодлиги ҳам шунда: барчага аёндек кўринган ҳақиқатларнинг ўзгалар эътибор қилмаган жиҳатларини англаш ва санъаткорона тасвирлаш. Муаллиф ўзида ана шундай иктидор борлигини кўрсата билган. Биргина мисол. Искандар ва Нўшоба ҳақидаги ривоятда бутун оламга ҳокимликни даъво килган Искандар Нўшоба исмли аёл хукмронлигидаги Бадра мамлакатига бостириб боради.

КҮЗГА АЙЛАНГАН КҮНГИЛ

Умр – инсонга ато этилган бебаҳо хазина. Унинг ҳар бир лаҳзасини огоҳ ўтказиш чинакам саодатдир. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, ҳар бир нафасда икки неъмат бор: бири – нафаснинг кирмоғи, иккинчиси – чиқмоғи. “Бу ики неъматки намудордур, Ҳар бирига шукр ери бордур”, дега огоҳлантиради улуғ бобокалонимиз. Бироқ, инсон ўз фитратига кўра унутувчи. У ҳодисаларнинг кўпроқ зоҳирига эътибор қаратади, ботинни мушоҳада этавермайди. Одам фарзандлари аксар ҳолларда суратни кўради-ю моҳиятдан бебаҳра қолади. Чинакам бадиий асар ботинни – моҳиятни инкишоф этмоққа хизмат қиласди. Адабиётнинг асл миссияси ана шу ҳақиқатни образли талқин этмоқдир. Нуктадон олим, салоҳиятли драматург Нафас Шодмоновнинг “Махзан” асари шу йўлдаги ўзига хос ютуқ сифатида баҳоланишга лойик.

Драма ҳажман катта эмас. Иштирокчилар сони ҳам бор-йўғи тўрт киши: рассом йигит, кўзи ожиз чол, ёрдамчи йигит ва ёрдамчи қиз. Асар:

Келурда йўқ эди зинҳор ихтиёр,
Кетмақда яна йўқ ихтиёр зинҳор!..

мисралари билан бошланади ва айни сўзлар билан интиҳо топади. Фақат бир фарқи: драма аввалида бу ҳикмат кўзи ожиз чол тилидан, охирида эса зоҳир

қолдинг анча ўзингга, Кўрмоқдасан оламни сен энди қалб ила”, – дея унинг кўзи очилишига сабаб бўлганидан кувонади. Умуман, асарда кичик поэтик умумлашмалар орқали катта моҳият ифодаланган ўринлар кўп.

Драмада тўрт образ тимсолида бир шахс – комил инсон образи яратилган, дейиш ҳам мумкин. Бу талқин бўйича, чол – рух, йигит – вужуд тимсоли. Ёрдамчи йигит ва ёрдамчи қиз – акл ва кўнгил рамзи. Ўзаро мулоқотлар вужуд ва рух ўртасидаги баҳс-мунозоралар ифодасидир. Зеро, бир инсон кўнглида ҳам қанча тўфонлар, зиддиятлар кечмоги табиний бир ҳол.

Уларни яхлит бир образ ёки алоҳида-алоҳида тўрт образ дейилганда ҳам моҳиятга заарар етмайди. Асар ҳам мазмун, ҳам бадиият жиҳатидан талаб даражасида. Факат биргина мулоҳаза: бизнингча, йигитнинг ўз кўзларини ситиб олиши воқеаси кучлироқ мантикий далилланиши, кўнгилнинг кўзга айланиш жараёни муаллифнинг хоҳишига кўра эмас, воқеаларнинг табиий мантиғидан келиб чиқмоги зарур эди. Токи, ўкувчи бошқача бўлиши мумкин эмаслигига ишонсин. Асар мутолааси жараёнида йигитнинг зохир кўзидан айрилиши бир оз таассуф уйғотса, олами қалб кўзи билан мушоҳада эта бошлагани қаноат ҳиссини ҳосил қиласди.

“Махзан” – хазина демакдир. Муаллиф хазина деганда, биринчидан, инсон умрини, иккинчидан, моҳиятни англаб, огох яшаши назарда тутган, дейиш мумкин. Баҳархол, зохир ва ботин уйғунлиги, сурат ва моҳият мутаносиблиги маҳорат билан бадиий талқин этилгани “Махзан”нинг ютугини таъминлаган асосий омилдир.

Бу юртни ҳеч замонда ҳеч ким фатх этолмаганини эшиитгач, бунинг сабабини билиш учун элчи кийимини кийиб, ўзи Нўшобанинг хузурига келади. Қарасаки, боғлари, экинзорлари, майдонлари девор билан ўралмаган. Чорваларида чўпон йўқ. Ҳеч қаерга коровул қўйилмаган. Бунинг сабабини сўраган Искандарга Нўшоба мана бундай жавоб беради:

Бадра юрти бир тан эрур, бор вужуд акл,
Бутун тана иймон эрур, комил эътиқод.
Девор – жонсиз қалқон эрур, оғримас тандир,
Қолаверса, кемтиксиз ҳеч девор бўлмагай.
Хўш, деворми ишончлироқ, иймонми афзal?..

Соҳтакорликдан йирок, ҳеч ким бир-бирига ёлғон сўзламайдиган, меҳнат мевасига меҳр доялик қиласидиган бу юрт Искандарда ҳайрат уйғотади. Дунёни асир этган жаҳонгир Нўшобанинг идрокига таҳсиллар айтади. Жаҳонда ҳали ҳеч ким у каби битта асир олиб дунёни асир этмаганини сўзлайди. Ўзининг маҳв этилганини эътироф қиласиди. Нўшобанинг бунга жавобан айтган сўзлари муаллифнинг бадиий ниятига уйғун экани билан алоҳида ажralиб туради:

Ҳа, Искандар, бу дунёни забт этмоқ асли
Битта қалбни забт этмоқдан бошланар шаксиз.
Лекин баъзан дунёни забт этмоқ қасдида
Ҳирси ортган кимсаларнинг эсидан чиқар:
Оlam яшар одамларнинг қалби остида,
Забт этмасдан қалбни уни забт этолмаслар.

Бу ривоят, таъкидланганидек, рассом йигит тилидан айтилади. Буни тинглаган чол: “Балли, ўғлим, келиб

Ўзбек барча даврларда ҳам севикли ёрининг исмини элга ошкор этишдан истиҳола қилган, орияти бунга йўл қўймаган. Ҳеч бир замонда унинг номини айтиб, севгисини бозорга солмаган. Аҳад Қаюм деган ҳаваскорнинг Нилуфар, Раъно, Гулираъно, Насиба, Сабоҳат исмли беш қиз таърифидаги бозорбоп машқлари шоирда эътиroz уйғотгани сабаби ҳам шунда. Энг ёмони, бу каби “эжод намуналари” қўшиққа айланиб, ёш авлод онгини заҳарлаётир. Ҳар бешала “шеър”дан икки мисрадан мисол келтирган Абдураззок Обрўй мана бу тарзда киноя қилади:

Севиб қолиб беш қизни,
Ашъор битдим исмига.
Танишсак бас, ёзаман,
Кейин қолган қисмига.

Киноя – пародиянинг асосий поэтик унсури. Шоир бу унсурдан маҳорат билан фойдаланади. Шеърнинг давоми ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

Қизлар жуда бисёр –ку.
Мұхабbat бор, Гули бор.
Марҳабоҳон деганинг
Отасининг пули бор.

Шоирнинг киноясидан запасда турган “дўмбокқина Ҳалима” ҳам қуруқ қолмайди. Агар Салима чорласа, бир нафасда унга ҳам шеър тайёр бўлиши, қўшнисининг бўй етган қизи Азизанинг мактовини ҳам қийиб қўйиши – булар мазкур поэтик унсурнинг шеър давомида янги исмлар эвазига изчил равишда кучайиб борганини кўрсатади. “Синовчи ҳидловчи” – бошқа бирорта ҳам

ИЖОД ОЙНАСИ

Кишининг малоҳати ёхуд қабоҳати ойнада яққол кўрингани каби жамият тараққиётига тўсик бўлаётган иллатлар бадиий адабиётда таъсирчанроқ акс этади. Зеро, чинакам шоири адиблар инсон руҳиятини кирлардан тозалашга, бу орқали жамиятни поклашга интилади. Ўз навбатида, адабиётнинг ҳам хос ойнаси бор. Бадиий асарлардаги нуқсонларни фош этувчи, уларнинг ислоҳига хизмат қилувчи бу ойна – пародия. Юончадан тўғридан-тўғри таржимаси “тескари куйлаш” бўлган бу усул ҳажвий таклид орқали бадиий адабиётдаги, хусусан, шеърий асарлардаги мазмун жўнлигини, сийқа усулни инкор этади. Шунчаки инкор этибгина қолмайди, ундаги саёзликни кўзгу сингари кўрсатиб ҳам беради. Бу орқали эса шеърият муҳлисининг адабий-эстетик дидини тарбиялайди. Ижоднинг эзгулика йўғрилган ана шу турида фаол қалам тебратаетганлардан бири шоир Абдураззок Обрўйдир.

Шоирнинг ижодий бисоти анча салмокли. Машқлари эндиғина чоп этилаётган ҳаваскорлардан тортиб анчайин шухратли шоирлар шеърларига ҳам ўхшатиб пародиялар ёзган. Мана, унинг пародияларидан бири. Сарлавҳасиёқ диққатни торгади: “Синовчи ҳидловчи”. Унда шеърбозликтаги ғалати машҳур “урф” – қизлар номига қофияли тизмалар битиш ҳажв остига олинади. Зеро, бу “урф” миллатимизнинг асл табиатига зид.

шахс ва жамият ҳаётидаги жиддий муаммоларни муолажа этишга қаратилади. Шоир шеърлари бу жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Биргина мисол. Тўймаъракага бўлган ҳаддан зиёд жидду жаҳд, ортиқча чикимлару ададсиз исрофгарчилик бадиий адабиётда кўп ҳажв қилинган. Ўтган аср аввалида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳалқимиз орасида кенг тарқалган аза ва тўйга хос дабдабозликни “Бизни кемиргувчи иллатлар” деб атаган эди. Маърифатпарвар жадидлар уларга кетадиган вакт ва маблағни миллат маърифати учун сарфлаш таклифини билдирганлари маълум. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг “Нега япон юз йил яшар?” шеърида ҳам айни иллатлар ўткир ҳажв қилинди. Бу муаммо миллатнинг бир зиёлиси, бир ижодкори сифатида Абдураззоқ Обрўйнинг ҳам дилини ўртайди. Мана, шоирнинг бу ҳақдаги изтироблари кандай талкин этилади:

Майли, синса ҳам бели,
Нима дер ахир эли,
Ҳамма шу одат кули,
Тўй бошлайди, катта тўй.

Энг муҳими, шоир бу мавзуни бошқалардан фарқли, ҳалқона оҳангда, таъсирчан ифодалайди. “Майли, синса ҳам бели” – кўнгилдан отилиб чиқадиган аламнинг чинакам ўзбекона иборадаги талқини. “Эл нима дейди” – ҳалқимиз эътиқодининг ўзак томири. Бу дунёқараш ўзбек миллатига хос ориятнинг тимсоли ўлароқ, кўпинча, эзгуликка хизмат қилгани шубҳасиз. Аксар ҳолларда эса, шу одат кулига айланилгани тараққиётга тушов бўлгани ҳам сир эмас.

Шоир ҳазилларида айрим ёшлардаги миллатимиз фазилати бўлган урф-удумларга нописандлик, оилавий

ҳажвчи шоирда учрамаган образ. Абдураззок Обрўй ана шундай ўзгаларни такрорламасликка, охорли образларни, тутилмаган ташбеҳларни қўллашга харатат қиласиган ижодкор. Мана бу назмий хулоса ҳам муаллифнинг ҳажвий маҳорати анча баланд экани исботидир:

Ҳар гулни мен шунақа,
Бир бор ҳидлаб кўраман.
Шу синовчи ҳидловчи
Аҳад Қаюм бўламан.

Шоир пародиялари турли мавзуларга бағишиланган. “Мени севинг” дея таклиф қилаётган “маъшука”, бўса таърифига кўп куч сарфлаган қаламкаш, курортда шеър ёзиб, тингловчи топа олмаган аламкаш, йўқотган тарогини шеърга солган ҳаваскор, сувга ташласа ҳам, ўтда ёқса ҳам чидашга тайёр ошики бекарор – хуллас суюқ сўзлар замирига қурилган қофияли тизма борки, уни бефарқ колдирмайди.

Шеърият – миллатнинг маънавий қиёфасини кўрсатувчи ўзига хос мезон. Бинобарин, у майда ҳиссиётларни, ўткинчи ҳавасларни эмас, юксак туйгуларни, теран моҳиятни бетакор бадиий шаклда ифодаламоғи зарур. Шоир пародияларида бундай баланд мезонлар у ёқда турсин, оддий талабга ҳам жавоб бера олмайдиган, ҳатто шеъриятдай юксак эстетик ҳодисани эрмакка айлантираётган тизмалар ҳажв қилинади. Улар устидан бадиий хукм ўқилади.

Абдураззок Обрўй ижодидаги иккинчи йўналиш – ҳазил шеърлар моҳиятан биринчисига уйғун. Зеро, жаҳон адабиёти, жумладан, миллий шеъриятимиз тарихидан маълумки, ҳазил шеърлар кулги фонида

НАЗМ ЙЎЛИ ИБТИДОСИДА

ШЕЪРИЯТНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

Ўша кезлари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” таҳририятида ишлар эдим. Кунлардан бирида хонамга нигоҳи тийрак, ташки кўринишидан тожирга менгзайдиган, гап-сўзи дангал, чамаси эллик ёшлар атрофидаги бир одам кириб келди. “Хуш келибсиз” – десам, шеър ёзишини айтди. Бу гап камина учун янгилик эмас эди. Зеро, таҳририятга келадиганлар ичидан шеър ёзмайдиганини топиш маҳол эди. Одатдагидек, қораламаларини қолдиришини сўрадим. Бирок, у киши бошқалардан фарқли ўлароқ қайтишга шошилмади, анча сухбатлашдик. Маълум бўлишича, тақдир тақозосига кўра долғали замонларда унинг оиласи узок юртларга кўчиб кетишга мажбур бўлган. Асли андижонлик бу одам ҳозирги Хитойда, Шарқий Туркистоннинг Ғулжа шаҳрида дунёга келган экан. Бир умр она-Ватанга интилганини, муқаддас замин – Ўзбекистон соғинчи билан яшаганини айтди. Ана шу соғинчлару армонларми, она-юрга қайтиш насиб этганининг шукронасими – қай бир сирли туйғулар уни шеър ёзишга ундаган кўринади. Қисматини назм билан боғлагани сабаби шунда бўлса ажаб эмас. Битикларида ҳам ана шу туйғуларнинг ўзига хос талқини сезилади... Бугун бу исм адабиёт ахлига, шеърият муҳибларига бир қадар таниш: у шоир Абдуғани Сулаймон.

Унинг шеърлари, публицистик чиқишилари мамлакатимизнинг нуфузли нашрларида тез-тез чоп этилиб

муносабатларда учраб турадиган номутаносибликлар, баъзи қаламкашлардаги ортиқча иззатталаблик, айрим ватандошларимизга хос хориждан толе излаш иллатлари танқид килинади. Бунда она тилимиз ва унинг Самарқанд шевасига хос ифода имкониятларидан ўринли фойдаланилади. Унинг шеърларида мажознинг бадий талқинига ҳам яхшигина мисоллар бор. “Ўзбекнинг идиш-товоқлари”, “Бозорнинг ҳайвонлари” туркумлари бунинг исботидир.

Табиийки, шоирнинг ҳамма шеърлари ҳам бир хил даражада бўлавермайди. Уларнинг айримларида ифода ғализлиги, маъно юкининг бир оз енгиллиги ёки поэтик хulosанинг маромига етмай қолиши сингари жузъий нуқсонлар ҳам учраб туради. Бироқ булар шоир шеърларининг умумий савиясига путур етказа олмайди. Абдураззок Обруй ҳажвгўй шоирларимизнинг олдинги сафларидан ўрин олишга лойиқ ижодкор. Унинг назмий асарлари янги замон шеъриятимиз ривожига муайян ҳисса қўшишига шубҳа килмаса ҳам бўлади.

Истиқболнинг юкини елкалаган, эй Ватан,
Сен – зўр манзил кўзлаган катта карвон тимсоли.

Абдуғани Сулаймон шеърда образлиликка интилади, оҳорли ташбеҳлар, метафоралар излайди. Муҳими, бу изланишлари бехуда кетмаяпти. “Миллат ғуури – Тошкент” шеърида у пойтахтнинг кўк тоқига етган азим минорларию кечмишидан сўйлар кекса чинорларини мадҳ этади. Она-Ватан тимсоли бўлган бу муazzам шаҳар остонасининг губорлари ҳам дардларга малҳам бўларли эканини таъсирчан ифодалашга эришади. Шоир ислом маданиятининг пойтахти мақомига етган Тошкент ҳақида мана бундай ёзади:

Тошкент – қадим Шарқнинг олтин дарвозаси,
Жаҳон ичра йўқдир асло андозаси.
Илму ирфон маданият пойтахтидир,
Кенг оламни тутмиш бугун овозаси.

Ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир юртнинг тимсоллари бўлади. Ўзбекистоннинг жаҳондаги бошқа мамлакатлардан фарқи шундаки, бу заминда бундай тимсоллар саноқсиз. “Шарқнинг олтин дарвозаси” саналган Тошкент ана шундай тимсоллардан бири бўлса, Самарқанд “рўйи замин сайқали” экани барчага аён. Шоир бундан ифтихорини шу қадар жону дил билан тасвирлайдики, мана бу мисраларни таъсирланмай, лоқайд ўқиб бўлмайди:

Шавкатингга далилдир ҳар қуббаю бинолар,
Койил қилди жаҳонни Абуллайсу Синолар.
Ҳар обиданг – қурдатинг, ҳар ўғлонинг – дунёлар,
Нондай азиз билгаймиз дийдорингни, Самарқанд.

турибди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ўзбекистон овози”, “Халқ сўзи”, “Тошкент оқшоми”, “Маҳалла”, “Адолат” сингари газеталар, “Шарқ юлдузи”, “Ҳидоят” каби журналлар шулар жумласидандир. “Абдугани Сулаймон шеърлари юрак тафти, Ватан соғинчи, ошиқнинг мунгли ҳасратларию муҳаббатнинг ўтли дардларидан сўзлади. Энг муҳими, унинг ёзганларида Ватан мавзуси мана-ман деб кўзга ташланиб туради”, деб ёзади “Маҳалла” газетаси таҳририяти. “Абдугани ака қирғиз, қозоқ, уйғур тилларида ҳам равон, гўзал шеърларни битган. Бироқ, у кишининг ўзбек тилидаги ижоди ғоятда гўзал ва ранг-баранг”, дея эътироф этади “Адолат”чилар.

Шоирлару адиблар, газета-журналлар таҳририяти-дагилару телерадиожурналистлар орасида уни танимайдигани кам. Бироқ бу эътирофлар ижодкорни олға интилишдан тўхтата олмайди. Абдугани ака кўп ёзади. Матиғ устида эринмай ишлайди. Кораламалари таҳрири устида муттасил тер тўқади. Натижалар ёмон эмас, салмоқлигина бир китоби нашрдан чиқди. Аслида, унинг ёзганлари яна бир неча китоб бўлиши мумкин. Лекин талабчанлиги боисми, ҳар холда китоб чиқаришга шошилавермайди. Бу фазилатми ё нуқсон? Менимча, бу – фазилат. Негаки, қалинлигию нашр сифатига ҳавас қиласларли, аммо ичida кўнгилни ёритадиган бирор мисра топилмайдиган китоблар озми дейсиз?! Ҳар холда, Абдугани Сулаймон ундайлардан эмаслиги аниқ.

Шоир назмий машқларию публицистикасининг ўқ илдизини Ватанга муҳаббат туйғусининг ўзига хос талқини ташкил этади. Мана, биргина мисол:

Улусдан фахрланиб, шукрим айтдим юракдан,
Бахти бутун элимнинг, зотан, ёрқин иқболи.

Күшлар ҳам басма-бас куйлашар эди,
Табиат хуснига қўйгандек ихлос...

Шаббода оҳиста кўксингга қўнди,
Ўйладим, қанийди мен ҳам учолсам.
Ишқим қанот бериб, этсаму парвоз,
Гулузли Осиём, сени қучолсам.

Табиат тасвири ва ижодкор руҳияти мутаносиб ифодаланган бу каби мисралар Абдуғани Сулаймон шеърларида қўплаб учрайди. Улар шоирнинг сўз устида муттасил изланишидан дарак беради.

Шоир арузда ҳам ёзишга ҳаракат қилмоқда. Мұхими, айрим сакталикларни эътиборга олмаганды, бу борада муайян натижаларга эришаётир. Тўпламдаги “Маснавийлар” туркуми ана шундай изланишлар са-мараси. Мана бу мисралар шеъриятда ҳам интилганга толе ёр эканига яна бир далилдир:

Инсон кўнгли Каъбадан ҳам улуғдир,
Насаби наст билмас недир қиммати.

Қадри йўқдир аҳли дониш наздида,
Гарчи кўркам нодон сахту сумбати.

Кўнгилларга иморатлар бино эт,
Абдулғани, шулдур олам ҳикмати.

Тўртлик – оз сўз воситасида қўп маъно англатиш санъати. Шоир бу борада ҳам муайян малака ҳосил қилганини таъкидлаш керак. У чукур ҳаётий фикрларни образли, таъсирчан ифодалашга ҳаракат қиласи. Рамзлар, тимсоллар тилида сўзлашга интиладики, шеър чин

Шеър аҳли борки, она-табиатдан илҳом олади. Шу боис пейзаж тасвирида бетакрорликка интилмаган ижодкорни топиш маҳол. Абдугани Сулаймон ҳам табиатнинг ана шундай охорли чизгиларини беришга ҳаракат қиласи. Унинг “Манзара” шеъридаги турфа ранг либослар кийиб, товусдай товланган гулбадан баҳор тасвири ҳам фикримизни тасдиқлайди:

Чечаклар юз очиб, чирой кўрсатиб,
Ҳақнинг санъатига ҳавас уйғотар.
Қалдирғоч “Валфажр” сурасин ўқиб,
Аҳли ишқ дарсида зикр ўргатар.

Кўм-кўк майсазорда лола олови,
Гулкоса тўла май, мастдир булбуллар.
Тилида қаҳқаҳа, қўлда ялови,
Самонинг кўзёши ерга довуллар.

Чечаклар чиройига боқиб, Ҳақнинг санъатидан ҳайратланиш туйгуси, қалдирғочнинг “Валфажр” сурасини ўқиб ишқ дарсида зикр ўргатиши – табиат тасвирининг ёрқин поэтик талқини. Айниқса, “лола олови”, “самонинг кўзёши” сингари метафоралар шеърнинг бадиий жозибасини оширган. Шеърнинг сўнгти мисрасидаги “Шудир “келинчак”ка берилган таъриф” деган поэтик хулоса ҳақиқий шеърий сатрларга дуч келганимиздан далолат беради.

“Дарё бўйида” шеърида эса табиат тасвири ишқ талқини билан уйғунлашиб кетгани кузатилади:

Дарё соҳилида шивирларди ел,
Тароватин сочар кувнаб фасли ёз.

Бўлма ғофил, билгил дамлар қадрини,
Зое кетган умрдандир пушаймон.

Адабиёт шундай бир ҳодисаки, қоғозга тушган ҳар
кандай асар вақт аталмиш олий ҳакамнинг синовидан
ўтган тақдирдагина келажак мулкига айланмоғи мум-
кин. Акс ҳолда, унут бўлишга маҳкум. Қўлига қалам
тутган ҳар бир ижодкор эса, яхши умид қилишга
ҳақли. Бадиий асарнинг ҳақиқий баҳосини эса ўқув-
чи беради. Шу маънода, Абдуғани Сулаймонга шеъ-
риятнинг сирли дунёси сари оқ йўл, ижодда ютуқлар
тилаймиз.

маънода шеър бўлмоги учун бу фазилатлар эҳтиёждир, заруратдир.

Ҳасад – инсон маънавий қиёфасини хиралаштирувчи, уни одамийликдан маҳрум этиб, тубанликка қулатувчи иллат. Ҳатто уни бошқа иллатларнинг дояси ҳам дейиши мумкин. Қуйидаги тўртликда бу иллат хусусида мана бу тарзда умумлашма чиқарилади:

Занг боис темирнинг қолмас мисқоли,
Ҳасад – вужуддаги шу занг мисоли.
Ўтни ковладиган косовга қаранг,
Оловга авж бериб, буқчайган ҳоли.

Маълумки, олов занги аритади. Аксар ҳолларда занг ҳақида ана шу мантиқ доирасида фикр юритилади. Мазкур тўртликдаги ўтни ковладиган косов – ҳасад оловини авж олдирувчилар тимсоли. Уларнинг ҳолига ачинмай илож йўқ. Зеро, ҳасад оловини қанчалик авж олдирса, ўзининг ҳам қадди шунчалик ғигилади. Бошқача айтганда, шоир бу ўринда барчага матълум ҳақиқатга ўзгача ракурсда ёндашади ва ўзига хос бадиий хулоса чиқаради.

Инсон умри бебако. Кўхна Шарқ мутафаккирлари, хусусан, ўзбек адабиётининг улуғ намояндалари умрни камолотга эришмок учун берилган имкон, деб билганлар. Ҳар бир нафасни ғанимат билишга даъват этганлар. Ана шу ҳақиқатни яхши билған Абдуғани Сулаймон ҳам тўртликларида мазкур фалсафий муаммони ўзига хос ифодалашга интилади. Биргина мисол:

Кутган кунлар келмоги бор, бу – аён,
Ўтган кунинг такрор бўлмас намоён.

мухаррир ўринбосари даражасига эришди. Бир муддат Миллий ахборот агентлигиде ҳам фаолият юритди. Журналистлар орасида эътироф қозона бошлади. Ана шундай эътирофлар кўпайиб, омади юришиб турган Юсуфжои, сабабини билмадим, нима учундир тугилиб усган қишлоғига қайтди. Энди шундай истеъдод тирик-чилик ташвишлари гирдобида қоладиган бўлди-да, деган хавотир фақат мени эмас, уни танийдиган барчани ўйлантиргани аник. Бироқ...

Истеъдод ҳамма жойда ҳам ўзини кўрсатар, борлингини қай усул билан бўлса ҳам намоён эта олар экан. “Мехрингга ташнаман” деб номланган ушбу китоб ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Гарчи камтарлиги боис кирқ беш ёшигача ҳам шеърларини тўплам ҳолида чоп өттиргмаган бўлса-да, Юсуф Зиёд ижодда бошқаларни тақрорламасликка, шеъриятда ўзининг йўлини топишга интилаётган, бунга муайян даражада муваффак бўла олган қалам соҳибидир.

Бирор шоир йўқки, ишқ-муҳаббат мавзуида қалам тебратмаган бўлсин. Бирор ижодкор йўқки, армон ҳақида ёзмаган бўлсин. Юсуф Зиёд ҳам бундан мустасно эмас. Унинг ишқий шеърларида оҳорли мазмун ва гўзал ташбеҳлар уйғунилиги кузатилади. Бу назм намуналарининг аксарияти армон туйгуси билан йўғрилган:

Висол – менинг пешонамга битилган армон,
Осмонимни ой-юлдузлар йўқламай қўйди.
Бу дунёда қучганим шу – биргина ҳижрон,
Бу дунёда мени фақат армонлар сўйди.

Шеър чин маънода шеър бўлмоғи учун мазмун ва шакл уйғунилиги керак. Унда ташбеҳу истиоралар кўлланса, нур устига нур. Бироқ, ҳақиқий назм учун

ТУШГА АЙЛАНАЖАК АРМОНЛАР

1986 йил сентябрь ойлари эди. Биз ҳарбий хизматдан қайтган бир гурӯҳ талабалар яна Тошкент давлат университети (хозирги Ўзбекистон Миллий университети) ўзбек филологияси факультетида ўқишини давом эттира бошладик. Янги курсдошлар билан тезда тил топишиб кетдик. Барчаси ўзига хос талабалар: иқтидорлilarи кўпроқ. Бугунги кунда улардан таниқли олимлар, журналистлар, моҳир педагоглар етишиб чиққани ҳам бунинг исботидир. Жумладан, курсдошларимизнинг икки нафари фан доктори, профессор, уч нафари фан номзоди, доцент, бир нечтаси Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими аълочилари-дир. Тили бурро, сўзни топиб, билиб гапирадиган Юсуф Зиёд улар орасида алоҳида ажralиб турарди. Унинг ишқ-муҳаббат ҳақидаги шеърлари дастлаб талабалар, кейин домлалар тилига тушди. Айрим машклари ҳатто республика матбуотида ҳам эълон қилинди. Шунинг учунми, жуссаси ихчам бўлишига қарамай, атрофида қизлар парвона эди...

Вактнинг шиддатини қаранг: талабалик олтин давримиз қандай поёнига етганини билмай ҳам қолдик. Барчамиз ҳар тарафга тарқаб ҳам кетдик. Қобиляйтли бўлгани учун Юсуф ўша кезлари анчайин шуҳратли газеталардан ҳисобланган “Оила ва жамият”га ишга таклиф этилди. Мухбир сифатида иш бошлаб, маъсулиятли экани боис тез орада бош

Хаёлимдан хаёлинг
Йироқ экан, ёр-ёр.

Қалқиб турган, күзимда
Ёш экансан, ёр-ёр.
Томирида қон оққан
Тош экансан, ёр-ёр.

Бадий образнинг ёрқинлиги, ташбеҳнинг охорли бўлиши шеърга зийнат беради. Ночор ошиқнинг ёрни “Кўзида қалқиб турган ёш”га ёхуд “Томирида қон оққан тош”га қиёслаши – ўкувчи кўз ўнгига яққол намоён бўладиган ва ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган образли тасвир. Ана шундай ҳаётий ва таъсирчан образлар ижод эта олиши ҳам шоирнинг назмдаги ўзига хос ютуғи сифатида баҳоланишга лойик.

Юсуф Зиёд армонлар ҳақида кўп ёзди, ҳижрон изтиробларини хўб қуилайди – бу рост. Лекин у оддий одам сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам бадбин эмас. У ҳар қандай мағлубият замирида ғалаба, ҳар қандай армон ортида шодлик нашидасини кўра билади. Унинг шеърларини мутолаа қилган одам бунинг ёрқин гувоҳи бўлиши мумкин:

Кун келар армонлар айланар тушига,
Умримиз тунлари нурга тўлади.
Булутлар дўнади энг гўзал қушга,
Ишон, турмушимиз ширин бўлади.

Ижодкор дўстимиз арузда ҳам машқлар қилди: ғазаллар, мухаммаслар ёзди. Тўғри, уларда баъзан вазн сакталиклари учрайди, айрим ҳолларда тасвир поэтик умумлашма даражасига етмай қолади. Лекин муаллиф-

булар ҳам кифоя қилмайди. Туйғу ифодаси самимиятдан йирок бұлса, шеър ўқувчи қалбига етиб бормайди. Баъзан бирор ижодкор шеърларини мутолаа қиласиз: шеър техникаси жойида, фикр бор, бадий тасвир воситалари ҳам қўлланган – зоҳирان қараганда камчиликдан холи. Лекин нимадир етишмаётганини сезасиз... Бу – самимият. Қачонки шеър қалб призмасидан ўтиб ижод қилинмаса, кўнгилларда акс-садо бермайди. Яъни ижод ақлдан ҳам кўра кўпроқ кўнгил иши. Табиийки, бу ақлу тафаккуринг ижод жараёнидаги иштирокини инкор этиш дегани эмас. Юсуф Зиёд ўзи ҳис этмаган туйғуни қаламга олмайди. Шу боис уларни мутолаа қилар экан, ўкувчи муаллиф билан бирга изтироб чекади, унинг билан бирга қувонади:

Хаёлларим кўкка учади,
Фикру ўйим сен билан бари.
Тунлар мени тинмай қучади
Ёш Вертернинг изтироблари.

Халқона оҳанг ҳар кандай шеърга жозиба багишлайди, унинг ўқиши бўлишини таъминлаиди; назмнинг таъсир кучитни оширади. Биз тајаба бўлган кезлари шеъриятда халқ оҳангиди ёзиш ўзига хос анъянага айланган эди. Устоз шоирлар ва навқирон қаламкашлар бу борада ўзаро ижодий мусобақага киришгандек эди гўё. Бу ҳол Юсуф Зиёд шеърларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Унинг мана бу сатрлари ҳам фикримизни тасдиқлайди:

Дардга тўлган дилимни
Шамол бўлиб айтдим-ку,
Шодон кириб бобингга
Сўнгра йиғлаб қайтдим-ку.

Чақнаб турган кўзларинг
Чироқ экан, ёр-ёр.

ОБРАЗЛИ МУШОҲАДА ЙӮЛИДА

Шеърият – оламни образли мушоҳада этмоқдир, ҳайрат ва эҳтирос ифодасидир. Бошқалар учун оддий саналган ҳодиса шоирни ҳаяжонга солиши, ўзгаларга эътиборсиз кўринган ашё ижодкор қалбидаги ажиб хиссиётлар уйғотиши сабаби шунда бўлса керак. Зулфия опанинг тўрт нафар издоши – Гули Нигор, Юлдуз Файзий, Зебо Нурмонова ҳамда Гулбаҳор Қобулованинг мўъжаз китоблари мутолааси бу ёш шоиралар ижоднинг ана шу моҳиятини англағанидан, оламни образли мушоҳада этишга интилаётганидан дарак беради. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод фонди” ва Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорлигида чоп этилган бу китоблар мамлакатимизда ёш ижодкорларга нечоғли катта эътибор кўрсатилаётгани тасдиғидир.

Юрак йўлакларга сочилди,
Парчасида сенинг сийратинг.
Дилда минг бир кеча очилди,
Минг бир эртак ичра тийнатинг.

Бутун дунё бўлинар мингга,
Уни йиғмоқ нақадар мушқул.
Минг биринчи бўлакни топсанг,
Эртак сўйлар. Сен уни кутгил...

нинг бу турдаги шеърлари ҳам туйғунинг самимийлиги, ифоданинг тинқлиги билан ажралиб туради.

Шоир бир нечта ҳазил шеърлар ҳам ёзди. Ҳазил шеърлар одатда улар тагматнидан англашиладиган мазмуннинг теранлиги билан ўзига хос аҳамият касб этади. Юсуфжоннинг “Соткали раиснинг дардлари” шеъри бу жиҳатдан қимматлидир:

Тиржаяман қалбаки,
Энди тушкун, маъюсман.
Телефонсиз яшолмайман,
Нима қиласай, раисман.

Мазкур шеърдаги ижодкор бадиий нияти ва унинг бетакрор ифодаси Юсуф Зиёднинг бу борада муваффақиятли қалам тебратга олишидан далолат беради.

Одам қирқдан ошгач, фикрлар қуюла боради. Ёзгандаридан ҳам ихчамликка, ҳикматга мойиллик сезила бошлайди. Бу борада энг қўл келадиган шеърий шакл – тўртлик. Юсуф Зиёднинг тўртликлари теран мазмуни, ҳаётий деталларнинг поэтик умумлашмага айлангани билан характерлидир. Биргина мисол:

Ҳаётнинг ишлари қизик, ҳар қалай,
Ҳайратга солади улар кишини.
Чумоли югуриб елади тинмай,
Чаённинг нияти урмоқ нишини.

Умуман, Юсуф Зиёднинг шеърлари ўкувчилар шуурини ёритади, назм ихлосмандлари қалбидаги эзгуликка, нафосатга бўлган интилиш туйғусини кучайтиради, деб умид билдириш мумкин. Ҳаётдаги армонлари тушга дўнаётгани рост бўлсин; ижод изтироби, шеър завқи уни ҳеч қачон тарк этмасин.

Чопиб энтикишдан чарчамас сабо,
Майин майсаларнинг исларин ютар.
Дунёга тарапди муаттар наво,
Менинг қалбим ҳамон баҳорин кутар.

Юлдуз – муттасил ижодий изланишдаги ёш шоира. У ўз олдига катта мақсадларни қўйишга ҳаракат қиласиди. Она юртга хизмат қилмоқни муқаддас бурч деб билади. Шу боис тенгдошларига “Мен нима беролдим, дўстим, Ватанга?”, дея мурожаат этади:

Ҳар дам энтиккандим, етолмадим ҳеч,
Олис маконлардан жон топдим танга.
Лекин юрагимда, бир савол, ўқинч –
Мен нима беролдим, дўстим, Ватанга?

Зулфияхонимнинг яна бир издоши Зебо Нурмонова оламини ажиб рангларга бурканган ҳолда тасаввур этади, мазмуннинг оҳорли, тасвирининг жозибали бўлишига интилади. Аслида, шеърнинг шеърлиги ҳам, ижодкорнинг ижодкорлиги ҳам шунда. Агар ёш шоира ижодининг дастлабки қадамларидан бунга эришаётган бўлса, уни қутламоқ керак.

Куз ҳақида “кўп ва хўб” ёзилган. Умуман, куз ижод ахлига ўзгача илҳом, ҳазин ва нафис туйғулар ато этувчи фасл. Зебо кузни ўзига хос тасвирилайди:

Нигоҳларим Қабо рангида,
Нафасим Гул, Сабо рангида.
Софинч куйлар Наво рангида
Мусавирим Кузак, қани Куз?

Миллий адабиётни, сўз санъатини муқаддас билиш – ижодкор эътиқодининг асоси. Гарчи улуғ ижод-

“Минг бир кеч” мутолаасидан туғилған бу шеър муаллифи истеъодли шоира Гули Нигордир. Юракни йўлакларга сочиб, парчасидан сир-синоат излаётган, минг бир кечани мўъжазгина дилига жойлашга журъат топган, дунёни минг бўлакда тасаввур этиб, эртак сўйлайдигани – минг биринчисини қидираётган бу ижодкор – марҳум шоир Чори Авазнинг қизи. Қисқа хаёти давомида ўзидан салмоқли назмий мерос қолдирган, асарлари эътиборга молик, эътирофга сазовор бўлса-да, ҳеч нарсага даъво қилмай яшаб ўтган Чори Авазнинг умри нафақат нафис шеърлари, қизи Гули Нигор ва унинг ижоди тимсолида ҳам давом этаётгани кувонтиради одамни.

Ватан ҳакида ёзмаган шоир бўлмаса керак. Энг мухими, бу мўътабар мавзуни ўзига хос ифодалашдир, ўзгаларни такрорламасликдир. Гули Нигор ана шунга интилади. Мана, у Ватан мухаббатини қай тарзда бадиий ифодалайди:

Ёндириди...
Вужудим руҳим аланг –
Оташида қоврилди, куйди.
Сўнг Қодири Якто қўнглимга:
“Сен ҳам сўйгин, у Сени сўйди”
Дея Ватанимни кўрсатиб қўйди.

Юлдуз Файзий – ўзига хос ижодкор сифатида ном қолдириб кетган салоҳиятли шоир Равшан Файзнинг фарзанди. У отаси шоир бўлгани учунгина эмас, назаримда, Худодан ато этилган түгма истеъоди борлиги билан ҳам эътиборга, эътирофга сазовордир. Бу синглилиз ҳақиқатан ҳам оламни образли мушоҳада этишига, дунёни ўзига хос тасвирлашга интилади. Мана бу мисралар ҳам фикримизни қувватлайди:

Кўз очгандан мубтало дилман,
Ишқинг билан ёнаман, Ватан!

Ватан ишқи билан ёнаётган бу мубтало дил соҳибаси
Ватан адабиётида ўзининг муносиб ўрнини топишига
ишонгимиз келади.

Шеърий ижод – фақат қоғоз қоралаш эмас. Устоз Абдулла Орипов шеърда уч нарса уйгун келиши зарурлигини таъкидлайди: бетакрор мазмун, гўзал ташбех, сирли рух. Шеър ана шундагина юксак талабларга жавоб бериши мумкин. Ана шундай назмий асарларгина нафис адабиёт ривожига хизмат килади, ижод маҳсулиниңг умрбокийлигини таъминлайди. Бирок, бунинг учун тинимсиз изланиш, мутолаа ва мушоҳада талаб қилинади. Номлари зикр қилинган тўрт шоира синглимизнинг шеърлари орасида ёрқин мисралар, жозибали ташбехлар учраши баробарида анчайин жўн назмий машқлар ҳам кузатилади. Яна бир мулоҳаза: мавзу кўламиниңг чекланганлиги. Шеърлар асосан бир-икки мавзу атрофида экани ҳам уларниңг муттасил ўқиши, изланишда бўлиши зарурат эканини кўрсатади.

Бу фикрлар Зулфияхоним издошларининг ижодини мукаммал кўриш орзусида айтилаётир. Умуман, мазкур мўъжаз китоблар мутолааси тўрт ёш шоиранинг ижодий истиқболига умид уйготади.

корларнинг сиёҳдони ҳақидаги ташбех янги бўлмаса ҳам (Faфур Ғулом, Сирожиддин Сайийдда бундай ташбеҳлар бор), Зебонинг мана бу фикрлари унинг қарашлари бегубор эканидан дарак беради:

Адабиёт – оқиб кетар дарё эмас,
Адабиёт – Навоийнинг сиёҳдони.
Адабиёт ҳақиқатни инкор этмас,
Адабиёт кутқаради бу дунёни.

Дунёни образли мушоҳада қилишга интилаётган, шеърият аталмиш нафис оламда ўз ўрнини топип йўлида изланаётган Гулбаҳор Қобулова шеърлари ундан яхшигина шоира етишиб чиқиши мумкинлигидан далолат беради. Унинг қаламига мансуб мана бу мисралар ҳам фикримизни тасдиқлайди:

Оқшом чўқди замин кўксига,
Юлдузларни аллалади кўк.
Ойни тутди олам аксига
Лек кундузни тополгани йўк.

Ҳар ҳолда, кундузни қидираётган, ойни оламга ойна қилиб тутган оқшом ҳақидаги бу мисраларда табиатни жонли тасаввур этишга интилиш бор, оламни поэтик идрок этишга ҳаракат сезилади. Ёш ижодкорда ана шундай интилиш, изланиш борлигиёқ таҳсинга лойикдир.

Гулбаҳор Қобулова Ватанга бўлган муҳаббатини ўзига хос ифодалайди:

Жон бахшида этаркан Худо,
Менга ишқни этди раҳнамо.

Ҳижрон тимсоли саналган хазон, кузги япроқлар уига илҳом беради. Ўзини ҳижроилар бағрида унган чечак дея атаси сабаби шунда. Рухини, умрини, борлигини асл муҳаббатга кўмиш – унинг орзуси. У ана шу орзуларни поэтик ифодага айлантиришга уринади.

Дилдора ижод деб аталмиш сирли оламга эндиғина кириб келяпти. Табиийки, унинг барча шеърларида ҳам юқоридаги каби қўйма мисралар, ўринли ташбеҳлар учрайвермайди. Уларда маромига етмаган ўринлар ҳам кузатилади. Бироқ, энг муҳими, ёш ижодкорда шеъриятга муҳаббат бор, унинг назмий машқлари шундан дарак беради:

Уйғотади ҳар дилда баҳор,
Садоқатнинг ошпок йўллари.

Чиндан ҳам, садоқатнинг ойдин йўллари кўнгилда баҳорий ҳисларни уйғотади. Шеъриятга садоқат, унинг ўтиш осон бўлмаган йўлларида событқадамлик кўрсатиш орқалигина бадиий ижодда муайян ютукларга эришимоқ мумкин. Ана шу заҳматли йўлда Дијдора Оқбўтаеванинг толе юлдузи мудом кулиб турсин.

ИСТЕЬДОД УЧҚУНЛАРИ

Шеърият ҳамма кўриб турган ҳодисанинг ҳеч ким пайқамаган жиҳатини ҳис этиш, уни поэтик воқеликка айлантира билиш салоҳиятидир. Одамнинг фитратида бўлмаса, бундай иқтидорни ўкиш, ўрганиш, тарбиялаш орқали ҳосил қилиш маҳол. Бироқ бу дегани изланиш, ўқиб-ўрганиш бехуда дегани эмас. Истеъдод ва унинг тарбияси мутаносиблигига эришмоқ зарур, деганидир. Дилдора Оқбўтаева шеърлари унда Худо берган ана шундай истеъдод учқунлари борлигидан дарак беради.

Мана бу мисраларда изтиробга йўғрилган туйгунинг, дардли кечинманинг бадиий ифодаси кузатилади:

Энди йифламайман дейману аммо
Кипригим торларин чертади ёмғир.

Дилдоранинг машқлари асосан шеъриятнинг азалий мавзуси – ишқ ҳақида, ҳижрон аламлари хусусида. Зоро, дард бўлмаган жойда шеър ҳам туғилмайди. Ёлғиз сирдоши қалам экани унинг ижодий истиқболига умид билан қарашга асос беради:

Шеърларимдан кўнглим тўлмайди,
Ёзганларим ҳижрону алам.
Шоирликни баҳт деб бўлмайди,
Аммо ёлғиз сирдошим қалам.

- 1) она тили тақдири учун куйиниши хисси миллатнинг ҳар бир вакили қалбига кўчиши;
- 2) тил илмининг миллий негизда ривожланиши;
- 3) замонавий техника-технологиялар ва тилнинг ўзаро тенг таъсир асосида тараққий этиши;
- 4) миллий адабий тилда яратилган адабиётнинг равнаки.

Мабодо мазкур омиллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ҳам, тилнинг ривожи ҳақидаги гаплар гаплигича қолиши эҳтимолга яқин. Биз мустақил тараққиётнинг йигирма иккинчи йилидамиз. Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига эса, роппа-роса йигирма уч йил тўляпти. Бу жуда катта муҳлат бўлмаса-да, кичик ҳам эмас. Ютуклар ўзимизники. Шу боис асосан камчиликларимиз ҳақида, бажарилиши бенихоя зарур бўлган вазифалар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Зеро, ойнага қарашдан мақсад – ўз-ўзига маҳлиё бўлмоқ эмас, нуқсни аниқлаш ва тузатишдир.

2. “Асл тилларнинг машъаъи...”

Биз қандай тил соҳибимиз? Она тилимизнинг дунёдаги бошқа тиллар орасида тутган мавқеи тарихда қайдаражада бўлган, ҳозир-чи? Бундан минг йил муқаддам буюк тилшунос Маҳмуд Кошғарий она тилимизнинг араб тили билан икки улокчи от сингари тенг пойга килиб ўзиб бораётганидан ифтихор қилган эди. “Мухокамат ул-луғатайн”да ҳазрат Навоий бу ҳақда қуйидагicha ёзади: “...уч навъ тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборот гавҳари билан қойилининг адосига зевар ва ҳар қайсининг фуруъи бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг машъаидурки, Нуҳ пайғамбар саловаттуллоҳи алайҳининг уч ўғлиғаким, Ёфас ва Сом ва Ҳомдур, этишур”.

ТИЛ – МИЛЛИЙ, АДАБИЁТ – УМУМБАШАРИЙ МИЛЛАТ ОЙНАСИ

1. Ҳаёт-мамот масаласи...

“Оинаи ҳар миллат эрур тил-адабиёт”... Улуг маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг бир шеърида ана шундай мисра бор. Бу сўзларга бирор ақлли одам эътиroz билдира олмайди. Зоро, миллат деганлари тилга кўра белгиланади. Тил – миллатнинг мавжудлигини тасдиқловчи хужжат, таъбир жоиз бўлса, унинг паспорти. Шу боис ўзини таниган, ўзлигига эга ҳар бир миллат она тили ривожини ҳаёт-мамот масаласи деб билади. Тил тараққийси учун бор имкониятини ишга солади. Мустақиллик бизга ана шундай улуг ва баҳосиз неъматни тортиқ қилди. Она тилимиз давлат тили мақомига эга бўлди. Бу ҳақда маҳсус қонун қабул қилинди. Миллатимиз оти мамлакатимиз номида-да акс этди. Булар ҳазилакам гаплар эмас. Машхур ибора билан айтганда, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Бунга гувоҳ бўлғанлар нақадар бахтли, нечоғлиқ саодатли. Бу ҳодисалар аҳамиятини заррача ҳам инкор этмаган ҳолда, таъкидлаш керакки, тилнинг чинакам ривожи учун буларнинг ўзигина кифоя қилмайди...

Қонун қабул қилиниши – тил тараққиётининг хуқуқий кафолати. Усиз бир қадам ҳам олдинга юриб бўлмаслиги аён. Шукрки, биз бундай қонунга эгамиз. Лекин тилнинг бор имконияти билан равнақ топиши учун бунинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун камида қўйидаги яна тўрт омил мутаносиблиги талаб этилади:

Хито (Хитой эмас!) – баъзи олимлар фикрича, ҳозирги Шаркий Туркестон худуди. Лекин Рабгузийнинг “Ёфасни Туркестон вилоятиға изди” деган қайди ҳазрат Навоий Хито деганда биз яшаётган худудни ҳам назарда гутмаганмикан, деган мулоҳазани-да уйғотади.

Нима бўлганда ҳам, икки улуг мутафаккир – ҳазрат Навоий ва Носириддин Рабгузий яқдил эътироф этишларича, барча одамлар Нуҳ алайҳиссалом фарзандлари – Ёфас, Сом ва Ҳомнинг авлодлари. Дунёдаги барча тилларнинг маншаъи (келиб чиқиши асоси) туркӣ, форс ва ҳинд тилларидир.

Дарҳақиқат, она тилимиз дунёдаги “асл тилларнинг маншаъи” бўлгани рост. Мутафаккир боболаримиз бу тил шаъинини юксакларга қўтартгани ҳам айни ҳақиқат. Лекин бунинг ўзигина кифоя қилмайди, албатта. Ҳўш, бугунги авлод бу борада эътиборга лойик қандай ишларни қилди ёки қиляпти? Она тилимиз тараққиётига бирор улуш қўша оляпмизми?

“Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, деган эди Авлоний. Чиндан ҳам, миллат бошқа ҳар қандай бойлигини йўқотса, ўрнини тўлдириш мумкин. Агар у тилидан айрилса, ҳамма нарсасидан, бор-буидан айрилади, миллат сифатида мавжуд бўлолмайди. Шўроларнинг бунга уриниб кўргани маълум. Шукрлар бўлсинки, улар бу муддаоларига эриша олмади.

Абдурауф Фитрат она тилимизга таъриф берар экан, унинг “дунёдаги энг бой ва энг баҳтсиз тил” бўлганини таъкидлайди. Буни, биринчидан, шу тил вакили бўлған мутафаккирларнинг ўзга тилда асарлар ёзгани, иккинчидан, тилга нисбатан лоқайдлигимиз билан изоҳлайди. Бу лоқайдлик, таассуфларки, бугун ҳам қайсиdir даражада давом этаётир.

Эътибор беринг: “асл тилларнинг маншаъи... ”. Бу ҳазилакам гап эмас. Маншаъ – бу сўз “Навоий асарлари лугати”да “бир нарсанинг чиқиб келган ўрни, келиб чиқиш жойи, бошланиши”, дея изоҳланган. Демак, бизнинг тилимиз бошқа асл тилларнинг келиб чиқишига асос, замин бўлган тиллардан ва биз дунёниг энг қадим миллатларидан эканмиз.

Ҳазрат Навоийнинг бу сўзларини Носириддин Рабгузийнинг “Қиссаи Рабгузий” асаридан олинган қуидаги иқтибос ҳам тасдиқлайди: “Нух кемадин чиқди. Ул кун сексон одамий – қирқ эр, қирқ хотун Шом вилоятинда tengiz қирогинда бир кенд қўбордилар. Анга “Қарят ус-самонина” атадилар. Олти ой сув ичинда туруб ел тўқимади. Онгизин чиқиб ел тўқиди эрса ярапимади. Заиф бўлдилар. Қамуғ ўлдилар, магар етти киши қолдилар. Тақи Нух, ўғуллари, уч келин. Олам ичинда бу етти киши қолди, азин ким эрса қолмади. Бу кун мунча халойик ёвуз, яхши, мўъмин, кофир Нух ўғлонлариндин туғдилар”.

Маълум бўладики, машҳур тўфондан олдин Нух алайҳиссалом билан кемада кетган барча инсонлар ҳалок бўлади. Дунёда Нух алайҳиссалом, уч ўғли – Ёфас, Сом ва Ҳом ҳамда уч келини қолади. Ҳазрат Навоийнинг ёзишича, “Нух алайҳиссалом тўфон ташвишидин нажот ва анииг маҳлакасидин ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайдур эрди, Ёфасники, таворих ахли Абут-турк битирлар, Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абул-фурс битирлар, Эрон ва Турон мамоликининг васатида волий қилди ва Ҳомники, Абул-ҳинд дебдурлар, Ҳиндистон билодига узотдилар. Ва бу уч пайғамбарзода авлоду атбоъи мазкур бўлғон мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар”.

Мен халқымыздан чиққан бизнесменларни, тожирларни хурмат қиласам. Бугун улар аксари савдо маданиятини юксалтиришга катта ҳисса құшыпты. Дүнёнинг исталған давлатидан халқ әхтиёжи учун зарур маҳсулотларни керагыча етказиб келаётір – баракалла! Бойияпти, одамларга, жамиятга фойда келтиришга уриняпти – офарин! Дүконлар, бопка савдо ва майший иншоотларни барпо этяптилар – бу жуда зарур! Бизнинг истагимиз: уларда ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, “асл тилларнинг маншаъи” бўлган она тилимизга ҳам озгина эътибор, салгина хурмат туйғуси ҳам бўлса эди... Тилимизда юқоридаги ажнабий сўзлардан кўра жозибалироқ иборалар шунчалар кўпки, уларни билмаслик – жаҳолат (!!!) Ярашадими шундай замонавий одамларга ўз она тилим кониятларидан бехабарлик?!

“Сабо” деган ном эшитган одамда лирик кайфият уйғотади. Ресторандан ҳам кўра мумтоз ғазалларни ёдга солади бу сўз. Унинг ёнидаги “Aport” деган ошхонадан эса (балки у ерда энг лазиз таомлар пиширилар) туз ҳам тотгинг келмайди.

Бугун рекламалар тили ачинарли ҳолда. Телевизоримиз, музлатгичимиз, кир ювиш машинамиз ва ҳоказо майший буюмларимиз бузилса, тузатишга олиб боришдан аввал албатта шу соҳадан хабардор одамлар билан маслаҳатлашамиз. Устанинг энг яхисини топишга ҳаракат қиласимиз. Чандон афсуслар бўлсинки, тилимиз бузилса, заррача ҳам эътибор қилиб қўймаймиз. Йўқса, рекламадан пулни аямайдиган жўмард тожир унга қандай сўзлар битилганига ҳам озгина эътибор қаратган бўлар эди. Юқорида тилга олинган кўчада дизайн жиҳатдан анча чиройли бир реклама лавҳаси осилган. Унда рус тилида “Качества – признак лидерст-

3. Тил тақдири – эл тақдири

Она тили тақдири учун куйиниш ҳисси – у хоҳ тилшунос олим, бирор соҳа раҳбари ёки муаллим бўлсин, хоҳ оддий дехқон, тижоратчи ёки муҳандис бўлсин – миллатнинг ҳар бир вакили қалбига қўчмас экан, тилнинг равнақи ҳақида гапириш маҳол. Шукрки, куйинаётган олимларимиз, зиёлиларимиз, оддий ватандошларимиз бор. Устоз Озод Шарафиддинов “Тилда ҳикмат кўп”, “Она тилим – ифтихорим, инжа ганжинам” сингари мақолаларида бу ҳақда ёниб ёзган эди. Қаҳрамон шоирларимиз Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг тилга бағишлиланган сара шеърлари, ўтли публицистик чиқишилари қанчалар таъсир қилган эди ҳалойиққа. Эшқобил Шукур тил хазинасидан жавоҳирлар териб, сўзларнинг этимологияси хусусида туркум мақолалар ёзяпти. Мен бу борада фаол қалам тебратгандарнинг ҳаммасини санамаган бўлишим мумкин, лекин аксариятимиз бефарқ эканимиз ҳам рост.

“Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз” деб ёзган эдилар ҳазрат Навоий. Тил ва элнинг яхлит бир ҳодиса эканига ишора бор бу сўзларда. Бирига заха етса, унисига ҳам таъсир этмай қолмаслиги англашилади ундан. Бугун ана шу ҳодисаларнинг бир тан – бир жон эканини бир қадар унутгандекмиз назаримизда. Биргина мисол. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирида борйўғи икки чорраҳа оралиғидаги жой номларини ўқиб, таажҷубда колдим. Мана улар: “PlayStation”, “TOP-MEN boutique”, “Premio”, “Rest”, “Holis agro”, “Miss S”, “MAG avto”, “Avtostekla” “Mano Mancino”, “Dizayn grup”, “Kids klub”, “Elegan Service”, “Салон красоты”, “Ателье мод” (???)

Мустабид тузум даврида маърифатпарвар аждодларимиз замон талабига мос, янгича мактаблар очишга ҳаракат қилганлар. Манбаларда мустамлака маъмурияти бундай мактабларга дарслар ўша ҳудуд шевасида олиб борилган ҳолдагина рухсат этиш ҳақида яширин фармон бергани зикр этилган. Бинобарин, тилнинг равнақини, миллатнинг ҳамжиҳатлигини таъминлашни истаган ҳар бир зиёли масъулиятни зиммасига олиши – адабий тилга эътиборли бўлмоғи зарур.

Лотин имлоси асосидаги ёзувга ўтганимиздан буён ҳам қарийб йигирма йил ўтибди. Бир неча авлод ўрта, ўрта маҳсус ва олий таълим тизимини ана шу имло асосида битирди. Крилчадаги “х” ва “х”ни аник фарқлаш мақсадида лотин имлосида улар учун бир-бирига ўхшамайдиган алоҳида белгилар қабул килинган. Бироқ, афсуски, уларни фарқламаслик ҳануз давом этаётир. Салобатли бир ташкилотга боришимга тўғри келди, биргина қаватдаги уч эшикка осилган лавҳалар барчаси ғалат: “Qabulhona”, “Hatlar bo’limi”, “Xisob-kitob bo’limi”. Агар бу ягона ҳол бўлгандаю факат шу муассасадагина учраса эди, унга эътибор қаратмаса ҳам бўларди. Таассуфки, бундай лоқайдлик, бефарқлик урғга айланяпти. Буларни кўриб, дилингиз ранжиб қайтар экансиз, пешонангиз яна бир хатога урилади: “Hush kelibsiz”. Ажабо, бу нима дегани? Балки “Хушингизга келибсиз” демокчидир. Кошкийди, тилга, имлога эътиборсиз лоқайдлар хушларига келса...

4. Тил илмишининг ривожи талаб даражасидами?

Бугун тилшуносликда компьютер лингвистикаси деган алоҳида илмий йўналиш пайдо бўлди. Шаклланиши ва ривожланиши тўла маънода миллий мустақил-

ва" жумласи дарж этилган. Энг афсусланарлиси шуки, бу жумла ўзбек тилига "Сифат – сардорлик белгиси" дея таржима қилинган. Табийки, русча жумлада бугунги рақобат шароитида сифат билангина енгиг чикиш мумкинлиги ифодаланган ва у жуда ҳам тушунарли. Уни ўзбек тилига тўғридан-тўғри калка қилиб эмас, "Сифат – ютуқ гарови!" дея ўгириш ҳам мумкин эди. Эшик савдоси ҳақидаги мазкур рекламада "Эшикмисан эшик!!!" тарзидаги харидорниң қалбига тез етиб борадиган қўйма ўзбекча сўзлар битилса ҳам бўларди. Бу ягона мисол эмас. Афсус...

Шевалар – адабий тилни бойитишдаги муҳим манба. Фақат уни қўллашда меъёр талаб этилади. Ўзаро сухбат, чойхона, тўй-маъракаларда шевада сўзланиши заррача эътиroz уйғотмайди. Устоз Матёкуб Кўшжонов ҳикоя қилган қизиқ бир воеани адабиёт ихлосмандлари эшигитган. Эмишки, Хоразмдаги мактаблардан бирида битириув оқшоми бўлган. Домла жиддий туриб: "Мана, энди ўнинчи синфни битирдинглар. Ўзбекистон бўйлаб тарқалиб кетасизлар. Шунинг учун мумкин қадар тоза ўзбекча гапиринглар. Хўпми?" деса, зал гуриллаб жавоб берибди: "Ховва!"

Бунда шевадан бутунлай қутулиш қийин эканлиги ифодаланган. Лекин бу дегани фикрни адабий тилда баён этиш имконсиз дегани эмас. Жамоат жойларида, телевидение-радиода, маънавий-маърифий тадбирларда эса адабий тилда сўзлаш ҳам фарз, ҳам карз. Зеро, адабий тил миллатнинг бирдамлигини таъминлашга хизмат қиласи. Адабий тилда сўзлаш бошқа шевалар вакилларига хурмат демакдир. У сўзловчининг маданий даражасини, маърифий савиясини ҳам кўрсатади. Таассуфки, бугун телевидениенинг айрим каналарида, хусусий радио-каналларда шевада гапириш қоидага айланяпти.

кистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети олимлари етакчилик қилиб келмоқда. Энг муҳими, илмдаги бу янгиликлар муттасил ўкув жараёнинга татбиқ қилинмоқда. Бу эса, тил таълими тараққиётининг асосий омилларидан бириди.

Булар – ютуқларимиз. Улар шубҳасиз ўзимизники. Бирок... Модомики она тилимиз мавқеи ҳозиргидан ҳам юксалишини хоҳлар эканмиз, камчиликларимизни ҳам эътироф этишимиз керак. Уларни тузатиш чораларини кўрмогимиз зарур. Мен тилшуносликнинг жамият ривожига таъсирини назарда тутяпман. Бугун гўё “Тилшунослик – тилшунослик учун” деган қоида амал қилаётгандек тасаввур уйғонади. Ваҳоланки, тилшунослик ва ижтимоий воқелик ўзаро мутаносиблиқда, ўзаро таъсир асосида ривожланиши сир эмас. Хўш, тилшуносликнинг илмий натижалари бугунги кунда ўкув жараёнидан бошқа (аслида, бу борада ҳам муаммолар етарли) қайси жабҳага фаол татбиқ этиляпти?

Тахлиллар шуни кўрсатади, бугун филология соҳасида энг кўп диссертациялар замонавий тилшунослик муаммолари бўйича ҳимоя қилинганди. Лекин уларнинг амалиётга татбиғи қониқарлими? Таассуфки, бу саволга бериладиган жавоб биз кутган даражада ижобий эмас.

5. Тил ва замонавий техника-технологиялар

Бугунги кунда жаҳон миқёсида кечётган интеграция ва глобаллашув жараёнида ўзбек тилини дунёвий тиллар даражасига олиб чиқиш ҳаётий заруритдир. Мазкур катта, масъулиятли, ўта муҳим мақсадни амалга оширишда компьютер технологияларига, хусусан,

лигимиз билан боғлик бўлган ўзбек субстанциал тилшунослиги борасида муайян ютуқлар қўлга кири-тилмоқда. Шу йўналиш заминида юзага келаётган градуал лингвистика бўйича тадқиқотлар олиб борилаётир. Ўзбек заминида шаклланган бу тилшунослик натижаларидан Farb мамлакатларида, хусусан, Германияда замонавий “WortShatz” интернет лугатларини тузишда кенг фойдаланилмоқда. Мутахасислар фикрича, бу тилшунослик ютуқларини илмга жорий этиш дунё миқёсида том маънодаги янги миллий ўзбек тилшунослиги шаклланиши учун замин яратади.

Бундан ташқари, тилшунослик ва социология кеси-шувида юзага келган социолингвистика, психология ва тилшунослик синтезида майдонга чиқаётган психолингвистика тобора ривожланаётир. Бу йўналишлар алоҳида фан сифатида бакалавриат ва магистратура ўқув режаларига киритилгани ҳамда уларни ўқитиша-муайян ютуқларга эришилаётганини замон тақозоси, эҳтиёж самараси, деб билмоқ зарур.

Тилшунослик ва табиий фанлар деган алоҳида илмий йўналиш шаклланди ва у фан сифатида ўқи-тилмоқда. Тилшунослик ва медицина, жумладан, пси-хотерапия ва нотиқлик санъати, шунингдек, тилшунослик ва психиатрия, яъни турли рухий касаллик ҳолатидаги нутқий хусусиятлар масалаларини тадқиқ қилиши; математик методларнинг тилшуносликка ўтиши, бошқача айтганда, эҳтимоллик назарияси ва статистик методдан фойдаланиш муаммоларини ана шу фан ўрганади. Бундан ташқари, лингвогеография, яъни тилшунослик ва картография, шевашунослик ҳамда ареал лингвистика масалалари ҳам шулар жумласидандир.

Таъкидлаш керакки, тилшуносликнинг бу замона-вий илмий йўналишларини тараққий эттиришда Ўзбе-

- ўзбек тилининг ахборот (компьютер) услубини яратиш;
- ахборот матнларидағи қолиплилик, қисқалик, аниклик мезонларини ишлаб чиқиши;
- интернет сайтларини яратиш мөъёрларини белгилаш;
- компьютер изоҳли ва таржима луғатларини ишлаб чиқиши;
- ўзбек тили ва адабиёти бўйича электрон дарсликлар яратиш;
- компьютерда инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча таржима дастурларини тузиши;
- ёзма матнларни таҳрирлаш дастурини яратиш.

Таъкидлаш жоизки, ушбу муаммоларнинг энг аҳамиятлиси – ўзбек тилининг ахборот (компьютер) услубини яратиш. Чунки саналган барча муаммоларнинг ечими шунга боғлиқ. Зеро, жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи, ҳар томонлама мукаммал, қулай ва оммабоп ахборот (компьютер) услуби яратилганидан сўнггина юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш мумкин бўлади.

Бир неча йил мукаддам "Дунёвий ўзбек тили" китоби босмадан чиқди. Унда ўзбек тилидаги биргина "ишиламоқ" феълининг тахминан юз минг шакли (лексик грамматик парадигмалари) рус ва инглиз тилларига ўгирилган. Инглиз тилида эса бу феълининг бор йўғи 100 та шакли борлиги маълум. Мана сизга қиёс: 100 000 та ва 100 та.

6. Тил – қуёш, адабиёт – нур

Адабиёт – тилнинг бадиий воқеланиши. Тилнинг бутун сехру жозибаси, латофати, ҳатто нуқси ҳам шу тилда яратилган бадиий асарда намоён бўлади. Ижод

компьютер лингвистикасига бўлган эҳтиёж яна ҳам ошади. Чунки айнан компьютер лингвистикаси ўзбек тилининг жаҳон миқёсига чиқишида, она-тилимизнинг дунёвий тиллардан бирига айланишида, уни ўрганиш ва ўргатиш ишлари оптималлашувида ҳал қилувчи ўрин тутади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Хўш, компьютер лингвистикасининг ўзи нима? Мутахассислар фикрича, компьютер лингвистикасининг асосий мақсади тилшуносликка оид масалаларни ечишнинг компьютер дастурларини яратишидир. У амалий тилшуносликнинг бўлими бўлиб, матнга компьютер ёрдамида ишлов бериш билан боғлиқ вазифаларни баҷаради. Унинг асосий вазифаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- тилларга ўқитиш;
- билимларни текшириш (баҳолаш);
- матнларни турли жиҳатдан автоматик таҳрирлаш;
- машина таржимаси учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиши;
- луғатларни ва компьютердаги матнни статистик таҳлил қилиш ва ҳ.к.

Кўринадики, катта ҳажмдаги ахборотни қайта ишлаш зарурияти компьютер лингвистикасини тақозо этади. Буларни мазкур соҳанинг ўзига хос йўналишлари деб ҳам аташ мумкин. Агар ушбу йўналишларининг моҳиятига чуқурроқ эътибор берилса, уларнинг ҳар бири ўзбек амалий тилшунослиги учун нақадар ҳайтий, зарурий аҳамият касб этиши аён бўлади. Шунга қўра, компьютер лингвистикасининг айни вазифалари асосида бугунги қунида ўзбек тилшунослигининг компьютер билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш лозим бўлган қўйидаги масалаларини таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

фасоҳат ва балоғат бўлмоғи зарур. Устоз Абдулла Ориф таъбири билан айтганда, чинакам адабиёт, шеърият намунаси бетакрор мазмун, гўзал ташбеҳ, сирли рух мутаносиблигидан юзага келади. Унинг ўкувчини бутунлай ўзга оламга олиб кириши, китобхон туйгуларига кучли таъсир этиши сабаби шунда. Жаҳоннинг машҳур адиларидан бирининг диққатга сазовор эътирофи бор: “Математика, физика, умуман табиий фанлар бир илм одамини етиштирмоги мумкин. Чинакам ватанпарварни эса адабиёт тарбиялайди”. Шундай экан, миллатнинг ва миллий адабиётнинг мавжудлик шарти бўлган она тилимиз тақдири учун куйиниш, унинг равнақи учун барча имкониятларни сафарбар этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

аҳли зиммасидаги вазифа шунинг учун ҳам беҳад оғир. Қўлига қалам олган одам битиклари буюк бир миллат адабиётига муносиб бўлишига интилмоғи зарур. Миллий тил юксалиши, равнақ топиши учун бу тилда яратилган адабиётнинг савияси баланд бўлмоғи шарт.

Бугун сариқ матбуот ўзига ўхшаган хазонранг адабиётни туғди. Унинг тили ғализ, мавзуси олдиқочди, муддаоси эса – оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтмоқдир. Сариқ адабиётнинг аъмоли – адабсизлик. Шу боис унга оид “асар”ларда икки жинс муносабатидаги ҳазрат Навоийдай зот “зикри тарки адаб ва баёни беҳижоблиққа сабаб” деб ҳисоблаган жиҳатлар ҳам юзсизларча тарғиб этилаверади. Шу сабабдан одамкушлиқ, зўравонлик, қотилликнинг ялангоч тасвири бу “адабиёт”нинг асосий объектига айланган. Бу турдаги “асар”лар миллий маънавиятга катта хавф туғдиради. Азалий ахлоқий қадриятлар таназзулига сабаб бўлади. Адабий-эстетик дидни ўтмаслаштиради, тафаккурни ўлдиради.

Мен юқоридаги фикрларим исботи учун сариқ адабиёт намуналаридан истаганча мисол келтиришим, таҳлил қилишим мумкин эди. Бироқ улар бундай эътиборга-да муносиб эмас, танқиддан тубандир. Бунинг ўрнига миллий адабиётимизнинг сара асарлари ҳақида фикр юритмоқ афзалроқдир.

Агар тилни қуёшга ташбех этилса, адабиёт нурга менгзайди. Чунки Абдулҳамид Чўлпон айтмоқчи, адабиёт “ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви”. Шу сабабдан ҳам у аклни чархлайди, дидни ўткирлаштиради, шуурларга ёруғлик бағишлайди. Фақат адабиётгина инсонни жаҳолат гирдобидан халос этиб, маърифат мақомига олиб боришга қодир. Лекин бунинг муҳим бир шарти бор: унинг тилида

Турли миллий адабиётлар ва адабий мактабларга мансуб икки машхур сиймо – ўзбек шоири Абдулла Орипов ва рус шоири Николай Рубцов шахсияти ва ижодини, шубҳасиз, “миллий ранг-баранглик уйгунлашуви”нинг ноёб намунаси, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар иккала шоир ижоди ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги бирон бир адабий жараён қолипига тушмайди. Улар шеърияти юксак ва ишониш мумкинки, “қалб ва рух” лирикаси ўларок чинакам шеърхонлар шууридан боқий ўрин олди. Тაъкидлаш керакки, бу уларни яқинлаштирадиган хусусиятлардан биттасигина, холос.

Шоирнинг, чин маънодаги катта ШОИРнинг, МУТАФАККИРнинг истеъодини нима билан ўлчаш мумкин? Поэтик тафаккурининг нодирлиги биланми ёки бадиий умумлашма яратиш салоҳиятига кўрами? Ҳаётни мутаносиблиқда тасвирлай олиш қобилияти биланми ёки сўз билан ифодалап маҳол бўлган айрича мезони борми бунинг?

Абдулла Орипов ўзбек шеъриятининг ана шундай улкан намояндасидир. Ёни кезлариданоқ унинг шеърлари оҳорли мазмуни ва ҳайратомуз бадиий кашфиётлари билан эътироф козонди. Унинг ижодини ўзбек адабиётининг “булутли осмон”ини ёритиб юборган чақмоққа менгзаш мумкин.

Абдулла Ориповнинг энг биринчи китобидан бошлиб ҳар бир шеърий тўплами, ҳатто айрим шеърий туркumlари ҳам қўпладаб таҳсинларга сазовор бўлди. Умумий обзор руҳидаги мақолаларида бир-икки мунаққидгина ёш шоир салоҳиятига ишончсизлик билдирган эди. Бу – шоир ижодининг илк палласида, олтмишинчи йиллар бошида содир бўлган эди. Кейинчалик ва айниқса, бугун танқидчилар наздида Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов ўзбек адабиётининг йирик

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ ВА ШОИР МУҲАББАТИ

Абдулла Орипов ва Николай Рубцов ижодининг муштарак ва ўзига хос хусусиятлари

Замонавий адабиётшунослик ахборот майдонининг кенглиги билангина эмас, “миллий ранг-баранглик” хусусиятига кўра ҳам алоҳида ажралиб туради. Адабий ижод намуналари сонининг бениҳоя ошиб кетгани қиёсий тадқиқотларга бўлган кучли эҳтиёжни юзага келтирди. Бинобарин, бусиз адабий таҳлил теранлиги, унинг аҳамияти хақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўтган асрнинг 60-70-йилларида адабиётшунослик атамалари тизимида моҳиятан анча қамровли ва кўп нарсага ойдинлик киритувчи “контекст” тушунчаси бежиз пайдо бўлмаган. Ижтимоий-тарихий муҳит ва тарихий-адабий шароитга мувоғик бу тушунча ижодий йўлнинг ўзига хослигини аниклаш имконини беради, тадқиқотга рух бағишлади, илмнинг равнақини таъминлайди.

Ўрганилаётган давр шеърияти ўзига хос поэтик фалсафани В.Кожинов сўзлари билан айтганда, “силлогизмлар тизимини эмас, балки тўлақонли ва шунинг учун ҳам эътиrozга ўрин қолдирмайдиган образлилк”ни юзага келтирди. “Самимият”, “истигфор”, “ҳакгўйлик”, “жасорат”, “эркинлик” каби туйғулар устувор мақомга кўтарилди. Бунинг натижасида бу давр шеъриятида баъзан бир-бири билан “чатишиб” кетадиган икки услуг – романтизм ва реализм етакчилик қилди.

шоир ҳар қандай оҳанжамадан сақланган ҳолда, оддий нарсалар ҳакида ёзади ва шундай ёзадики, ўқувчини мушоҳада юритишга, одатий ҳодисалардаги ҳеч ким пайқамаган сирларни пайқашга, ҳис этган туйғуларини яширмасликка мажбур этади. Мана, унинг машхур “В горнице” (“Меҳмонхонада”) шеъридан бир парча:

В горнице моей светло.
Это от ночной звезды.
Матушка возьмет ведро,
Молча принесет воды...
Дремлет на стене моей
Ивы кружевная тень,
Завтра у меня под ней
Будет хлопотливый день!

Таржимаси:

Меҳмонхонам чароғон эрур,
Бу – юлдузлар шарофатидан.
Челак олиб қўлига онам
Секингина келтиради сув...
Мудраб борар деворларимда
Толларнинг тўрсимон сояси
Эртага ўтади толлар тагида
Ташвишларга тўла яна бир куним.

Шеърий асар мутолаасида тасаввурнинг, мушоҳаданинг турлича бўлиши кузатилади. Қачонки, шоир асарни ёзётган кезда ҳис қилган образлар, муносабат ва кайфият ўқувчида ҳам уйғонса, унинг туйғулари муаллиф ҳиссиётининг “поэтик тўлқини”га мувофиқ бўлади. Бу яхшироқ бўлса керак. Бошқа томондан, бизнингча, шеърии индивидуал тушуниш ва бутунлай шахсий нуқтаи назар бўлиши янада муҳимроқдир.

намояндалари қаторида муносиб ўрин тутади. Бирок, бизнингча, шоир ижоди адабий танқидчиликда ҳануз ҳақиқий баҳосини олган эмас, бу – келажакнинг иши. Шунинг баробарида, Абдулла Орипов истеъоди устоз адабиётшунослар эътирофини қозонган. Шоир Қайсин Кулиев бундай ёзган эди: “Абдулла Орипов сўзнинг ифода кучини бехаго сезади, ҳаётни ўз билишича, уни ўзига хос янги назар билан кўради. Ўзбек поэзиясини янги, катта истеъодод билан табрикласа бўлади. Абдулла Орипов шеърлари билан ҳар бир учрашув шеърият байрамига айланиб кетади”.

Қайсин Кулиев фикрларини ривожлантириб, қайд этиш мумкинки, Абдулла Орипов шеърларида кўтаринки ва ноёб сўзлар фонида ўзининг гўзал маъно кирраларини намоён этувчи “оддий”, “халқона” сўзлар кўп кўлланади. Бу эса, шеърнинг теран, ҳассос ва ўқувчига яқин бўлишини таъминлайди. Натижада, шеър, менинг назаримда, хос кишиларга мутаносиб ва теран, жозибали ва таъсирчан мақомга кўтарилади. А.Т.Твардовский айни шундай шеъриятни қўйидагича тавсифлаган эди: “Бу – шеърий сатрлар ортида кўплаб инжа тафсилотлар ва маъно қатламларини мужжасам этган бағоят гўзал лўндалик, нутқнинг оз сўзга таянган теран ихчамлигидир”.

Қанчалик таажжубланарли бўлмасин, яна бир бетакрор шоир – Николай Рубцов ижодини ҳам худди шундай тавсифлаш мумкин. Танқидчи А.Ланников шоир ҳақидаги мақоласида бундай ёзган эди: «... Николай Рубцов салоҳияти олдида ҳайратга тушмай иложинг йўқ: у энг оддий сўзларни шундай “териб қўяди”ки, улардан янги ҳаёт нафаси уфуриб туради, ўз ўзидан поэзиянинг янгиланиш жараёни, ажойиботлари ҳақида сўз юритиш истаги уйғонади”. Ҳақиқатан ҳам,

Узорным чистым полотенцем
Свисает радуга с берез.

(Н.Рубцов)

Таржимаси:

Бамисли йиғлоқи гүдакдай,
Үйнайман жаладан кейин у билан.
Гүёки нақшынкор сочиқлар мисол
Капалак осилиб тушар қайндан.

Шундай савол туғилиши табиий: бошқа-бошқа мұхитдаги икки шоир шеъриятида қандай муштараклик бўлиши мумкин? Бизнингча, бундай жиҳатлар жуда кўп. Булар – оҳангдошлиқ, янгича кўзқараш, оҳорли ифода ва ўқувчи туйгуларига таъсир қила олиш салоҳияти.

Нечоғлик таажжубланарли бўлмасин, бу шоирлар ижодида бир-бирига қарийб айнан ўхшаш шеърлар ҳам учрайди. Қиёслаб кўринг. Абдулла Орипов мана бундай ёзди:

Химматли гапларга қулоқ солмок даркор,
Кулоқ солмок даркор халқнинг сўзига.
Лекин одамларнинг бир одати бор.
Мақол тўқийдилар мослаб ўзига.
Масалан, ит – вафо, демишлар, ҳайҳот,
Ит эгалари буни тўқиганлар заб.
Бирорлар итидан бўлгил эҳтиёт,
Ўзингники бўлса бошқа гап...

Николай Рубцов шеъри:

Говорю о том
Не для смеху,
Я однажды
Подумал так:

Умумийлик ва алоҳидаликнинг уйғунлиги лириканинг ўзига хос хусусиятини, жозибаси ва аҳамиятини таъминлайди. Агар сұхбат жараёнида барчага аён воқелик таҳлили билан чегараланилса, бу ҳол асарни бениҳоя қашшоқлаштириб қўяди ва унга бўлган қизиқиши сўндиради. Бадиий асар бу – ўқувчига, авлодларга, келажак наслларга ўзига хос мурожаатдир. Садо қай тарафдан ва қандай янграшини фараз қилиш имконисизdir. Энг муҳими, шахсий муносабатинг ва туйгуларингни ифодалашга интилишингдир.

Биринчи шеърлариданоқ ҳар иккала шоир фантазияси, яратган образларидаги уйғунлик, метафорага бой оҳорли услуб ўқувчини ҳайратга солди. Бу фикр тасдиги учун кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бундан ташқари, Абдулла Орипов ва Николай Рубцовнинг деярли ҳар бир шеърида бу ҳолни кузатамиз ва ҳайратланишдан чарчамаймиз:

Биз ҳам юксакларга тиккандик қўзни,
Бизда ҳам бор эди матонат, бардош.
Арслон чорлаганди қошига бизни,
Лекин кумурсқалар бўлди сафардош.

Жами тирикликка таниш шу хатар,
Кумурска яралган ёппа таларга.
Дўстим, алам қилар, арслон бехабар,
Ем бўлиб кетсан шу кумурсқаларга.

(A. Орипов)

Как над заплаканным младенцем,
Играя с нею после гроз,

Николай Рубцов ва унинг муҳитидаги шоирлар лирикаси Б.Луговский, Я.Смеляков ва бошқа ижодкорлар томонидан ўтган асрнинг 50-йилларида бошланган фуқаролик ва халқчиллик руҳидаги шеъриятнинг узвий давомидир. Бинобарин, бунга маълум даражада аввалроқ замин тайёрланган, замонавийлик тарихий ва миллий хотира билан, поэтик реализмнинг мумтоз анъаналари билан чамбарчас боғланиб кетган ўтган аср 60-йиллари биринчи ярми шеъриятида бу ҳақда башорат қилинган эди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Н.Рубцов ижоди В.Белов, Ф.Абрамов, В.Распутин каби адиларнинг рус адабиётшунослигида “деревянская проза” номи билан машхур асарларига руҳан яқинидир.

Танқидчи В.Мусатов шу муносабат билан қўйида-гиларни таъкидлаган эди: “Рубцов шеъриятида шахс қандайдир янги универсал муносабатларни ифодалайди, чунки у “деревянская проза”га хос номувофиқликни ўзида мужассам этади”.

Ижод йўлининг дастлабки кезлариданоқ “деревянская проза”нинг энг яхши жиҳатларини ўзбек адабиётига олиб кирган Абдулла Орипов шеъриятида ҳам худди шу хусусиятларни кузатиш мумкин.

Шунга кўра, таъкидлаш керакки, Абдулла Орипов ва Николай Рубцов ўзларигача бўлган даврдаги ижодкорларнинг бутун бир авлоди заминида шаклланган ноёб салоҳият эгаларидир. Улар поэзияси адабий жараёндаги муайян йўналиш доирасида қолиб кетган эмас. Бу шоирлар ижоди адабий факторнинг ўзи билангина чекланмаган, бошқа каттароқ миқёсдаги омиллар самараси бўлган дунёқарашнинг ўзига хос намоён бўлишидир. Улар ижоди миллий мумтоз шеърият анъаналари тараққийсига таянган ҳолда аниқ

Да! Собака –
Друг человеку
Одному,
А другому – враг.

Таржимаси:

Сўзлайман бу ҳақда
Кулги учунмас
Кунлардан бирида
Ўйланиб қолдим:
Ҳа! Ит –
бир инсонга
дўст.
Бошқасига эса душмандир.

Николай Рубцовни “сокин лирика”нинг ёрқин намояндаси сифатида эътироф этадилар. “Сокин лирика” атамаси шовқинли эстрада поэзиясига, сунъий поэтик шов-шувга ва китобийликка қарама-қарши ўлароқ пайдо бўлган. “Сокин лирика” вакиллари ижодида “шовқинли”лар томонидан талқин этилган фуқаролик туйғуси ва шахс маънавий камолоти, хотира ва қисмат каби оҳанглар ўзига хос ифодаланган. Бироқ, бу оҳанглар ана шу “тўлқин”га хос бўлган муайян мақсадга йўналтирилган теран лиризм тажассумининг маҳсули эди. Николай Рубцов ва унинг ҳаммаслаклари асарларида даврнинг энг долзарб муаммоларини акс эттиришга интиладилар. Шахсга, шахсиятга мурожаат қилиш орқали бу йўналишга мансуб шоирлар ўз ижодий тажрибаларида атроф-муҳит билан кенг миқёсда муносабат боғлашга, табиат, Ватан ва оиласи умумлаштирувчи миқёсларга кўтаришга интилдилар.

худди табиат сингари яшовчан ва мунтазам янгиланиб боради. Ватанга муҳаббат туйғуси уни бир лаҳза бўлсин, тарк этмайди.

Виждонни асрангиз, ҳар недан ортиқ,
Ягона заминни асрагансимон.
Боболардан қолган ноёб бу тортиқ
Токи авлодларга етолсин омон...

Тўқайга ўт кетса ёнгай бус-бутун.
Адолат борлиққа ёлғиз онадир.
Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун
Ёвузликдан зада қўриқхонадир.

Николай Рубцов учун Ватан мавзуси наинки етакчи ўрин тутади, балки шоир ижодининг моҳиятини ташкил этади. Бу туйгу ҳар бир асарида намоён бўлади, унинг зоҳирлан содда шеърлари замирида теран фалсафий мазмунни, изтироб ва ҳиссиётлар пўртранасини кузатиш мумкин. Улар кўнгилнинг туб-тубига оқиб киради, қалбни нурафшон этади.

Айни ана шу тарздаги шеърлар мутолааси натижасида шундай поэтик сокинликни ҳис қилиш мумкинки, уни тинглагинг ва у билан ёлғиз қолгинг келади:

Высокий дуб. Глубокая вода.
Спокойные кругом ложатся тени.
И тихо так, как будто никогда
Природа здесь не знала потрясений.
И тихо так, как будто никогда
Здесь крыши сел не слыхивали грома!
Не встрепенется ветер у пруда,
И на дворе не зашуршит солома.

реалистик услуб асосларини яратиш негизида гуллаб-яшнади. Мумтоз шеърият анъаналариға мурожаат улар шеъриятида ўз натижасини берди.

Бу ҳол ҳар иккала шоирнинг Ватан ҳақидаги таъсирчан шеърларида, айникса, яққол намоён бўлади. Абдулла Ориповнинг сара асарларидан “Ўзбекистон” шеърида унинг бутун ижодига накорат бўла оладиган мисра бор: “Ўзбекистон, Ватаним маним!”. Шоир Ватангга муҳаббат туйғусини бениҳоя ёрқин ва миқёсли ифодалайди:

Юртим, сенга шеър битдим бу кун.
Қиёсингни топмадим асло.
Шоирлар бор, ўз юртин бутун –
Оlam аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп йирок.
Қанотида кумуш диёри,
Бир ўлка бор дунёда, бироқ
Битилмаган достондир бори:
Фақат ожиз қаламим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Абдулла Орипов “битилмаган достон” – она юрт ҳақида мушоҳада юритар экан, ўзи туғилиб ўсган, яшаётган замин ҳудудинигина назарда тутмайди. Унинг учун Ватан – яхшию ёмонни, муҳаббат ва нафратни елкасига ортган, оғир юқ билан баҳт сари интилаётган она сайёра.

Абдулла Орипов шеъриятия яхлит ҳолда ҳаётсеварлик, оптимизм руҳи билан сугорилган. Шоир ҳаётни бутун ранг-баранглиги, серқирралиги бўйича англайди ва ҳис қиласиди, барча мураккабликлари ва зиддиятларини теран тушунади. Шунинг учун ҳам унинг шеърияти

Менинг ҳам бор дўсту қарогим,
Шаънларига шеърлар куйладим.
Лекин танҳо қувонган чогим,
Сирдошим деб сени ўйладим.

Бедард эмас умр ҳам асло,
Ҳасратлардан гоҳо сўйладим.
Шубҳа ичра қолганда танҳо,
Ғамдошим деб сени ўйладим.

Қучолмасман мен сени ҳаргиз,
Сен осмонсан, мен-чи зарра тан.
Қиблагоҳим, юпанчим ёлғиз
Сен барҳаёт онамсан. Ватан...

Табиатни ҳис этиш даражаси бениҳоя юқори эканини
бу икки шоир ижодининг моддиятга асосланиши билан
изоҳлаш мумкин. Чунки улар шеъриятида абстракт
тушунчанинг ўзи йўқ, ҳатто ҳар қандай ҳаётдан узоқ
туюлган тушунча ҳам қиз яноғидаги хол сингари ёрқин
ифодаланади.

Шундай шоирлар борки, уларнинг дастлабки шеър-
наридан ижодининг ундан кейинги асосий палласигача
салафларининг кучли таъсири остида кечади. Пастернак
ва Хлебников ижодининг таъсири маҳсули бўлган ўзига
хос «мантикий давоми» хисобланган ёш Вознесенский
ижодини бунга оддий бир мисол сифатида келтириш
мумкин. Бунинг заррача уятли жойи йўқ ва бу ягона
мисол эмас. Бу чин маънода табиий адабий жараёндир.

Шубҳасиз, Абдулла Орипов ижодига салафлари,
биринчи навбатда, Ғафур Ғулом ва Миртемир кучли
таъсир кўрсатган. Бирок, қаҳрамонимиз ижодида бош-
қалардан ўзлаштирилган тасодифий мисралар ёхуд
ўзгалардан очикдан-очиқ таъсир намуналари уч-

Таржимаси:

Баланд эман. Тубсиз күл.
Сокин қоронгилик қуршар атрофни.
Шунчалар сокинки, бамисли бунда
Изтиробни билмас табиат.
Шунчалар сокинки, бамисли бунда
Гулдирамас ҳатто момақалдироқ.
Ховузлар устида түзғимас шамол,
Шитирламас ҳовлида буғдой пояси.

Табиат шоирга жуда яқин ва жонли. У, ўзи ҳис этайды-
ганидек, табиатнинг ажралмас бўлаги:

И возвратиться в отчий дом,
Чтобы однажды в доме том
Перед дорогою большою
Сказать: – Я был в лесу листом!
Сказать: – Я был в лесу дождем!
Поверьте мне: я чист душою...
Таржимаси:
Қайтиб келиб туғилган уйга
Кунлардан бирида у ердаги
Катта йўл олдида
Дедим: – Барглар билан бўлдим ўрмонда!
Дедим: – Ёмғирлар-ла бўлдим ўрмонда!
Ишонинг менга: мен чин кўнгилдан...

Ҳаётдаги номувофиқликлар, инсон ва табиат уй-
ғунлиги туйгусини кучайтириш истаги Абдулла Ори-
пов ижодида ёрқин ифодаланган. Лирик қаҳрамон
инсонпарварлиги бутун борликқа, табиатга татбиқ эти-
лади:

Үйлаб топмоқ ниятим йўқдир
Ўзимни, яъники Рубцовни.
Ишонмай қўяман ҳаттоқи
Ўша билганингиз Рубцовга ҳам.
Бироқ Тютчев ва Фетдан
Иzlайман сўзларни самимий.
Тютчев ва Фет анъанасини
Давом эттирмок-чун Рубцовчасига.

Бугун танқидчилар баъзан халқ поэзияси билан Рубцов шеърияти орасига тенглик алматини қўяди. Бунда шоирнинг дунёни англишига, асарларидағи ўткир эмоционалликка таянилган – умуман, бу икки хусусиятни бирлаштирадиган, уларнинг бетакрорлиги ва ўзига хослигини таъминлайдиган муайян мантиқ бор:

Россия, Русь –
Куда я ни взгляну!
За все твои страдания и битвы
Люблю твою, Россия, старину,
Твои леса, погосты и молитвы.
Люблю твои избушки и цветы,
И небеса, горящие от зноя,
И шепот ив у омутной воды,
Люблю навек, до вечного покоя...

Таржимаси:

Россия, Рус –
Қай тарафга ташламай назар!
Кечиргансан уруш, машақкатларни
Севаман кечмишинг, Россия,
Ўрмонларинг, мозорларинг, ибодатларинг.

рамайди. Бу ҳолни, бизнингча, Абдулла Орипов шеъриятининг ўзбек адабиётидаги ўзига хос вокелик экани билан изоҳлаш мумкин. Чиндан, у – бетакрор шоир. Бу хусусият шоир шеърларининг шаклигагина эмас, моҳиятига ҳам тегишилдири. Уларнинг аксарияти поэтик тасвирнинг таъсирчанлиги ва охорли экани, ҳаётий ҳодисаларининг нозик ҳис этилгани, изтиробли ҳолларнинг, ҳалқ афсоналари, кўшиклари, мақол ва накларининг ўзига хос образли талкини билан ўқувчи қалбида чукур из қолдиради.

Николай Рубцов ижодида эса, Некрасов, Тютчев, Фет, Блок, Есенин, Твардовский, Заболоцкий каби энг забардаст рус шоирлари анъаналари ўз тажассумини топиб, чинакам ҳалқчиллик касб этди.

Я переписывать не стану
Из книги Тютчева и Фета.
Я даже слушать перестану
Того же Тютчева и Фета.
И я придумывать не стану
Себя особого, Рубцова,
За это верить перестану
В того же самого Рубцова,
Но я у Тютчева и Фета
Проверю искреннее слово.
Чтоб книгу Тютчева и Фета
Продолжить книгою Рубцова!...

Таржимаси:

Кўчирмоқчи эмасман зинҳор
Тютчев ва Фет китобларидан.
Керак бўлса тингламайман ҳам,
Ўша Тютчев ва Фетни.

Эсладим қайғули фикрни
Унуганим аллақачонлар...
Маъюс тортиб, маъюс тортиб
Хотиржам бўлди кўнгил.

Абдулла Орипов ва Николай Рубцов ижодида
Ватан талқинига оид кузатишларни асарларидағи ҳар
иккала шоир учун характерли бўлган ва моҳиятан улар-
ни яқинлаштирадиган парчаларни келтириш билан
якунлаш мумкин:

Шаънимга ғаюрлар бир сўз демасин,
Ҳар ким ўзи тортар умр кемасин,
Ҳеч кимни муштоқлик дарди емасин,
Мени олиб кетинг ўз диёrimга.
Талпинган диёrim – у Ўзбекистон,
Сехрини айтишга борми ҳеч имкон,
Йўқ, ўзга юртларда беролмасман жон,
Мени олиб кетинг ўз диёrimга.

(A.Oripov)

Я уплыву
На пароходе,
Потом поеду
На подводе,
Потом еще на чем-то вроде,
Потом верхом,
Потом пешком
Пройду по волоку с мешком –
И буду жить в своем народе!

(H.Rubtsov)

Кулбаларинг, гулларингга муҳаббатим бор.
Ҳароратдан ёниб турган осмонларингни
Гирдобли сувларинг шивирларини
Севаман асрлар бўйи, токи хаётман...

Ҳар иккала шоир фольклор мотивларидан, образларидан унумли фойдаланади, бирок, уларни анъанавий тушунчалардан мутлақо фарқли, баъзан ҳатто унга зид, ўзига хос талқин этади. Мана, Абдулла Орипов машҳур ўзбек мақолига қай тарзда янгича руҳ багишлаган:

Мана бу эса Н.Рубцовнинг “Угрюмое” (“Бадқовок”) шеъридан бир лавҳа:

Я вспомнил угрюмые лица,
Я вспомнил угрюмую речь.
Я вспомнил угрюмые думы,
Забытые мною уже...
И стало угрюмо, угрюмо
И как-то спокойно душе.

Таржимаси:

Эсладим бадқовоқ чехрани,
Эсладим дарғазаб сүзларни.

Бу икки шоир ижодий тақдирида ички драма, узок маشاқатли изланишлар, синов ва омадсизлик йиллари, очик-ошкора бўлмаса-да, қийинчиликлар ва юлдузли онларни кузатиш мумкин. Бу фикрлар кўпроқ Николай Рубцовга тегишли. Бироқ, Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижод йўли ҳам гулзорлар ва ҳар турли рағбатлар ичра кечган эмас. Аммо мафтун қиласи даражадаги зўр шоирлик салоҳияти дастлабки шеърий тўпламлари, хатто илк назмий туркумлариданоқ бўй кўрсатган эди.

Николай Рубцовнинг узтозларидан бири, машхур шоир Борис Слуцкий ёш, бошловчи шоирни илк бор учратганидаёқ унинг шеърларидағи нафосатдан, одат тусидаги таъбир билан айтганда, “ҳаддан ташқари” бой метафорадан ҳайратга тушиган эди. Ёш Абдулла Орипов ҳам устози шоир Миртемирда ана шундай кучли таассурот қолдирган.

Ички бир қувват, жозибадор, кучли поэтик мафтункорлик, шубҳасиз, ҳар иккала шоирнинг ижодий камолини таъминлади. Тўғри, бу ҳол уларнинг ҳар бирида ўзига хос тарзда кечди. Бироқ, улар ижодида муштарак жиҳатлар ҳам кўп.

Ҳар иккала шоирнинг зоҳирланадиган асарлари моҳиятан интеллектуаллиги билан характерланади. Ташки соддалик замирида самимий, изтироб маҳсули бўлган, шунинг баробарида, кучли ва теран туйғулар ила йўғрилган кўпқиррали ҳамда кўнгилга яқин образлар гавдаланади. Мана, Абдулла Орипов ижодидан биргина мисол:

Инсонда қанот йўқ,
Ачинманг бунга.
Зотан унга юрак – сабот берилган.

Таржимаси:

Сузажакман мен
Пароходда
Жұнарман сұнг
От-аравада.
Кейин шунга үхашаш бошқа нарсада,
Сұнгра отда.
Кейин пиёда
Көп орқалаб ўтиб ўрмондан
Халқым орасида яшайман.

Бу шеърлар – рухий кечинмалар маҳсули. Ҳар иккала шоир ижодининг кучи ва барҳаётлиги шундан, улардаги Ватанга муҳаббат туйгусидан.

Ҳар доим зарур ва ҳаёттің әхтиёжга монанд бўлиши учун поэтик манзара қандай хусусиятларни касб этмоғи зарур? Мана бу саволга жавоб бериш маҳол: замон ҳукмидан устун тура оладиган объектив куч борми ўзи? Баъзан гувоҳ бўласанки, истеъдодли ва ҳаётлигига ёк эътироф қозонган ижодкор секин-аста сезиларли тарзда “кичрая” бориб, “саҳнадан тушади”. Бу сингари шоирлар, одатда, аксариятни ташкил этади.

Шунинг билан бирга, йиллар ўтган сари ижодий салоҳияти наинки сүнмайдиган, балки ўзгача, янада ёрқин рангларда, энг муҳими эса, янгича мазмунда жилолана борадиган шоирлар ҳам бор. Бунинг сабаби нимада? Улар ижоди ўзига хос, қандайдир айрича ҳолда кутилмаган тарзда намоён бўлади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Абдулла Орипов ва Николай Рубцов айни тоифага мансуб. Вакт – энг одил ҳакам. Бизнинг вазифамиз эса, бу атоқли шоирлар ижодининг юксак қийматига доир шартли, субъектив қарашларимизни изҳор этмоқдан иборат.

Мана, бизнингча, шоир ижодининг ёркин намуналаридан ҳисобланган «Оломонга» шеъридан бир парча:

Хукмлар ўқилур сенинг номингдан,
Тарихлар тўқилур сенинг номингдан.
Нимасан? Қандайин сехрли кучсан?
Нечун томошага бунчалар ўчсан?
Қаршиингда ҳасратли ўйга толаман,
Қачон халқ бўласан, сен эй, – оломон?!

Ёки шоирниң дастурий аҳамиятга молик асарларидан саналған “Гилла балиқча” шеърини олайлик. Асарнинг тўлиқ матнини келтириш жоиз деб биламиз:

Тухумдан чиқдию келтириб уни
Шу лойка ҳовузга томон отдилар.
Ташландик ушоқ еб ўтади куни,
Хору хас, хазонлар устин ёпдилар.

Дунёда кўргани шу тор ҳовузча
Ва мудрок толларнинг аччик хазони.
Менга алам қилас, тилла балиқча
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни...

Ҳайратланарли, шундай эмасми?! Оддий, шунинг баробарида теран фикр накадар санъаткорона ва нафис ифодаланган!

Абдулла Ориповнинг бу каби шеърлари халқ руҳини англашга, вужуд-вужуди билан ҳис этишга бўлган сўнмас иштиёқ самарасидир. Бу ҳиссиёт ҳар жабҳада: ритмда ҳам, сўзда ҳам, фикрлаш тарзида ҳам, “ўзи ҳақда” ёзмасликка интилишда ҳам намоён бўлади. Шоир ижодининг хос хусусиятларидан яна бири ҳайқириш истаги, уни ҳаёт ва ижод йўлига бошлаган,

Күшда-чи, сабот йўқ, шунинг-чун унга
Қочиб қолмоқ учун қанот берилган.

Мана бу парча эса Николай Рубцовнинг “Во время грозы” (“Жала пайтида”) шеъридан олинган:

Завеса мутная дождя
Заволокла лесные дали.
Кромсая мрак и бороздя,
На землю молнии слетали!
И туча шла, гора горой!
Кричал пастух, металось стадо,
И только церковь под грозой
Молчало набожно и свято.

Таржимаси:

Куюқ дарпардаси ёмғирнинг
Ўради поёnsиз ўрмонни.
Юракни эзувчи зимистон келиб,
Ерга итқитади чақмоқни!
Тўп-тўп келар қора булутлар,
Чўпон қичқиради, елади сурув,
Фақат ибодатгоҳ жала тагида
Ихлос-ла оғишмай туар жим.

Абдулла Орипов шеърияти ёрқин фалсафий йўналишга эга. Унинг турмуш чигалликларини кўламли ва теран тасвирлаш салоҳиятидан, моҳиятни ўзига хос ва бенихоя оҳорли ифодалаш иқтидоридан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ. Бунда шоир ўз юртининг фарзанди сифатида кундалик ҳаётда одамлар дуч келаётган муаммоларни ва шахсий кечинмаларини заррача иккиланмай, жасорат билан, нафис ва санъаткорона акс эттира олади.

Гаржимаси:

Кремлнинг барҳаёт буюклигини
Мумкин эмас ифодалаш руҳсиз сўз-ла!
Сенинг қисматингда – о рус замини!...
Тепалик ва ўрмонли овлокларингда,
Маъюслик-ла кечар замонлар,
Унда бари кечган: тавозе ҳам кибр –
Асрларки, эшитилар ва ёд этилар,
Тан олинган москвача истехком.

Дард ва изтироб, гуур ва ифтихор мужассам бу каби шеърларда. Соддалик, анъана ва психологик новаторлик – бу уч омил Абдулла Орипов ва Николай Рубцов поэтик оламининг бош маънавий константаси (барқарор микдори)дир. Сўз оддийлиги улар шеъриягининг барча жиҳатларида: аниқ мисолларда, табиат тасвирида, ҳатто лирик қаҳрамон изтироблари ифодасида бирдай кузатилади. Булар барчаси биргаликда ўзига хос, бетакрор поэтик дунёни ҳосил қилувчи чинакам ШЕЪРИЯТни юзага келтиради.

Абдулла Орипов шеъриятидаги психологик новаторлик – бу анъанадан кўра юксалишга бўлган интилиш. Шоир ўтмиш ва бугунни боғлаб турган маънавий-рухий омиллар нақадар теранлигини, уларни айри тасаввур этиб бўлмаслигини бутун масъулияти билан англайди. Анъаналар фақат ўзига хос, баъзан ҳатто умумэътироф этилган қарашларга зид тарзда давом эттирилади, ривожлантирилади. Абдулла Орипов шеъриягининг ютуғи ҳам шунда: “Муножот”ни тинглаб” шеъридан олинган мана бу парча ҳам фикримизни тасдиқлайди:

хар нарсадан азиз билгани – одамлар онг ва шуурини шеърлари билан эгаллаш хоҳишидир.

Николай Рубцов шеърлари мутолааси натижасида шоир учун “фалсафий оқим” иккинчи даражали экани аён бўлади. Туйғу, лирик кечинма сезиларли даражада аник ифодаланади. Бу айни ҳакиқат. Шоир бундай ёзади:

Я чуток как поэт,
Бессилен как философ.

Таржимаси:

Шоир сифатида зийракман,
Ожизман философ ўлароқ.

Ҳакиқатан ҳам, айтиш мумкинки, атоқли рус шоирининг теран, барҳаёт шеърлари ифода жиҳатидан “сокин”, билим ва тафаккур эмас, кўнгил ва руҳият маҳсулидир. Унинг шеърий нафасидан шоир учун бениҳоя муҳим ҳисобланган, ижтимоий-психологик омил деб атайдиганимиз қандайдир сирни туйиш, ҳис этиш мумкин:

Бессмертное величие Кремля.
Невыразимо смертными словами!
В твоей судьбе – о русская земля!...
В твоей глуши с лесами и холмами,
Где смутной грустью веет старина,
Где было все: смиренье и гордыня –
Навек слышна, навек озарена,
Утверждена московская твердыня!

Ҳар иккала шоир, шубҳасиз, новатор. Бироқ, уларнинг поэтик кашфиётлари таажжубланарли эмас. Улар ватанпарвар, фукаролик тутуми мустаҳкам, аммо ғашга тегадиган шиорбозликдан йироқ. Улар шеърияти ёркин ва фалсафий теран, лекин ясама донишмандликдан узоқ. Щунинг учун ҳам халқ уларни севади, уларга ҳоктиёж сезади. Ҳар иккала шоир ҳар доим ўзликка содик, ҳеч қачон ҳеч кимга ялтоқилик қилмайди, ҳамиша самимий:

Кўряпсанми, гавжум бутоқдан
Чирт узилиб тушди бир япрок.
Барглар йигласа-да фироқдан,
Кутқаролмас дўстини бироқ.
Бахт кутмасман ўзгадан зинҳор,
Бировга бахт беролмасман ҳам.
Сен бахтимсан, демагил, дилдор,
Бахт беролмас одамга одам.

Мана, Н. Рубцовнинг ўзига хос “тавба”си:

Перед этой
Желтой, захолустной
Стороной березовой
Моей
Перед жнивой
Пасмурной и грустной
В дни осенних
Горестных дождей,
Перед этим
Строгим сельсоветом,
Перед этим
Стадом у моста

Агар алдамаса шу совук симлар,
Гар шул эшиганим бўлмаса рўё.
Сен бешик эмассан, дорсан, табиат,
Сен она эмассан, жаллодсан, дунё!
Эшилиб, тўлғониб ингранади куй,
Асрлар ғамини сўйлар “Муножот”.
Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига,
Қандай чидай олган экан одамзод!

Николай Рубцов ижодидаги ўзига хос “йиллар чакириғи” ҳам жуда кизиқарли, факат ўзгача усулда ифодаланади:

Сколько было здесь чудес,
На земле святой и древней,
Помнит только темный лес!
Он сегодня что-то дремлет.
От заснеженного льда
Я колени поднимаю
Вижу поле, провода,
Все на свете понимаю!

Таржимаси:

Бунда бўлган не-не ажойиботлар,
Муқаддас ва қадим заминда,
Хотирлайди фақат коронги ўрмон!
Нечундир мудрайди у бугун.
Кор қоплаган музгалакдан
Тиззамни кўтараман мен.
Майдонда кўраман симларни,
Англайман шу топда дунёни.

ижодидаги тарихийлик – сараланган, аник, чегараланган.

Иккала шоир ҳам наинки ўтмиш, замонавий мухит тасвирини яратиша буюк сиймолар номларидан унумли фойдаланади. Уларда ўзаро уйғун оқанглар ҳам учраб туради. Жумладан, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” шеърида мана бундай мисралар бор:

Сени Чингиз ғазабга тўлиб
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.
Жалолиддин самани бўлиб
Сакраб ўтдинг Амударёдан.
Сенсан ўшал саманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Николай Рубцовнинг энг яхши шеърларидан бири “Шумит Катунь” деб номланади. Мана, ўша асардан кичик бир парча:

Катунь. Катунь – свирепая река!
Поет она таинственные мифы.
О том, как шли воинственные скифы, –
Они топтали эти берега.
И Чингизхана сумрачная тень
Над целым миром солнце затмевала,
И чёрный дым летал за перевалы
К стоянкам светлых русских деревень.

Таржимаси:

Катунь, Катунь – шиддатли дарё
Куйлайди у сирли мифларни.
Жанговар скифлар қай тарзда, –
Топтагандир бу киргокларни.

Перед всем
Старинным белым светом
Я клянусь:
Душа моя чиста.

Таржимаси:

Мана бу
Сарғайған, хилватдаги
Қайин олдида
Қовоғи солиқ ва ғамгин
Үүссали ёмғир ёққан
Куз кунларида
Аңгиз олдида
Мана бу
Бағритош қишлиқ совети олдида.
Мана бу
Күпrikдаги оломон олдида,
Қадимий
Еруғ олам олдида
Қасамёд қиласман:
Юрагим покдир.

Тарих түйгүсидан айри ҳолда катта шоир бўлиш маҳол. Абдулла Орипов ва Николай Рубцов ижоди ҳам тарихийдир. Савол тугилади: улардаги тарихийликнинг ўзига хослиги нимада? Улар ҳар доим ўтмиш ва бугун орасидаги, турли замонлар орасидаги тўғридан-тўғри, юзаки ўхшашликлар тасвиридан сақланган. Бундай қиёс аксарият ҳолларда носамимийликни, натижада эса, воқелик моҳиятини нотўғри англашни келтириб чиқаради. Ҳар иккала шоир халқнинг тарихий тажрибасини хурмат қиласади, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлади. Абдулла Орипов ва Николай Рубцов

И когда я тебя целую,
Вспоминаю всегда о ней.

Таржимаси:

Сен жуда гўзалсан – биламан,
Алдай олмам сени ҳеч қачон.
Яшираман нима учундир
Сенга кўнгил қўя олмадим.
Бошқасини севаман дилдан,
Ишонаман унга кўнгилдан.
Бўса оларканман сендан ҳар қачон
Хаёлимда у тураг ҳар дам.

Бу масалада ҳам иккала шоир ижодининг муштарак жиҳатларини топиш мумкин. Абдулла Ориповнинг ишқ мавзусидаги энг сара шеърларидан бири “Биринчи муҳаббатим” деб номланади. Шоир биринчи муҳаббатини қўмсайди:

Нидо бергил, қайдасан, шарпангга қулоқ тутдим,
Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унугдим.
Тонгда туриб номингга ушбу шеъримни битдим,
Дилдаги оҳим менинг, биринчи муҳаббатим,
Ёлғиз оллоҳим менинг, биринчи муҳаббатим.

Николай Рубцовнинг “Биринчи муҳаббат ҳақида қисса” номли шеъри бор. Унда ҳам надомат оҳанглари учрайди, бироқ, у ўзгача ҳиссиётни ифодалайди:

Однажды с какой-то дороги
Отправила пару слов:
“Мой милый! Ведь так у многих
Проходит теперь любовь”.

Ва Чингизхон – хўмрайган шарпа
Тўсгандир қуёшдан бутун оламни.
Учти довон оша қора тутунлар
Руснинг ёруғ қишлоқларига.

Бу шоирлар ҳаётий фалсафасининг ажралмас қисмини муҳаббат лирикаси ташкил этади. Жаҳонда бу мавзуда бир-бирига яқин образ ва оҳангда ёзадиган икки шоирни топиш маҳол. Абдулла Орипов ва Николай Рубцов ижодида ҳам муҳаббат лирикаси ўзига хос: бошдан кечирилган, ҳис қилинган, бир-бирига муштарак. Бу ҳақда жуда кўп ёзиш мумкин, зеро, уларнинг ҳар бир шеъри, ҳар бир мисраси ишқ билан нафас олади.

Бунчалар камолот, айт-чи, кимда бор,
Кимда бор бунчалик латофат, хусн.
Шу чирой, шу ишва, шу ноз, шу виқор,
Бахтиёр жуфтингга муборак бўлсин.

Севганинг қалбида, билмам, қай ният,
Демасман, шаъннингга шеърлар битсин деб.
Сени яратгандир асли табиат
Бир шоир ҳажрингда куйиб ўтсин деб...

Мана, Н. Рубцов муҳаббатини қай тарзда изоҳлайди:

Ты хорошая очень – знаю,
Я тебе никогда не лгу
Почему-то только скрываю,
Что любить тебя не могу.
Слишком сильно любил другую,
Слишком верил ей много дней.

ИСТИҚЛОЛ, МАЪННИВИЯТ ВА ШЕЪРИЯТ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

“РУҲИМ СЕН ВУЖУДНИНГ ҒАМИНИ ЕМА...”

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири
Абдулла Орипов билан сұхбат**

Умумжаҳон тамаддунининг тамал тошини қўйганлар авлодимиз. Мутафаккир аждодларимиз инсон ҳаётининг асл моҳияти унинг маънавий-руҳий камолоти даражаси билан белгиланишини алоҳида таъкидлаган. Ўз ҳаётларида шунга амал қилган. Модомики маънавият жамият тараққиётининг муҳим омили экан, биз маънавий юксалиш, маърифий янгиланишини амалга ошириш учун нималарга эътибор бермогимиз зарур? Президентимиз жамият маънавиятини юксалтиришни нима учун тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида белгилади? Бу миллат зиёлиларидан қандай масъулиятни талаб қиласди? Бунда адабиётнинг, шеъриятнинг ўрни қандай? Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан сұхбатимиз шу ҳақда бўлди.

– Абдулла ака, Сизнинг ижодингизда вужуд ва рух, сурат ва сийрат, ботин ва зоҳир муносабатларининг теран бадиий-фалсафий талқинини кузатиш мумкин. Айтинг-чи, инсон ҳаётида бу муносабатларининг туттган ўрини қандай? “Руҳим”, “Сурат ва сийрат” каби назмий асарларингизнинг яратилиш жараёни қандай кечган?

– Бу тушунчалар ўртасидаги муносабатлар ҳар бир ижодкорни қизиқтириб келган. Уларнинг ҳар қайсиси бу муносабатларни ўз дунёқарашидан, тафаккур тар-

И всё же в холодные ночи
Печальней видений других-
Глаза ее, близкие очень,
И море, отнявшее их.

Таржимаси:

Бир куни қайсиdir ийл bilan
Иншo этдим бундай жумлани:
“Севгилим! Күпларда шундайин
Үтиб кетар энди мухаббат”.
Нимa бўлганда ҳам совук тунларда
Ўзгаларнинг ғамгин ҳислари –
Кўзлари, жуда ҳам яқиндир,
Уни жазб айлаган денгиздек.

Бугунги мураккаб ва шиддатли замонда ҳам одамлар
калби ва руҳида ҳақиқий, сўнмас шеърият яшаётгани
таҳсинга лойикдир. Йиллар ўтиши билан у янада бойиб
боради. Бунда ҳар бир шоирнинг ҳиссаси ўзига хос ва
такрорланмасдир. Маданиятнинг башарий савиясини
оширишда Абдулла Орипов ва Николай Рубцовнинг
улуси алоҳида. Таъкидлаш керакки, бу – шонли ва
бардавом ийлнинг ибтидосидир.

урф-одатлари, анъаналари бор. Худди шунингдек, бизнинг халқимизда ҳам. Инчунун, бизда кексалар ҳурмат қилинади. Уларнинг дилини ранжитиш бизнинг ахлоқимизга ёт. Ҳар бир ўзбек, лавозими, мансаб-мартағаси қанчалик катта бўлмасин, қарияни тўрга ўтқазади, ҳурмат қиласди. Баъзи халқларда бундай эмас. Уларнинг ўзларига хос ахлоқ меъёрлари бор. Биз ўз маънавий-маърифий анъаналаримизни давом эттиришимиз, сақлашимиз лозим. Миллий қадриятларимизни асрани ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бу жараёнда ёзувчи ва шоирларнинг тутган ўрнига келадиган бўлсак, улар миллат ёшларининг диidi ва савиясини юксалтиришга хизмат қилиши керак. Уларга мустақиллигимизнинг моҳиятини, буюк тарихга ва нурли истиқболга эга миллат эканлигимизни яхшилаб тушунтиришимиз лозим. Яна бир нарсани эслатиш зарурки, боболаримиз буюк бўлган, деб ўтирган билан осмондан чалпак ёғмайди. Китобингни бирор ёзиб бермайди. Уларга муносиб бўлишимиз керак. Боболаримиз қўйиб кетган олтин нарвонлардан дадил қадам ташлаб, уларни янада тепароқка кўтаришимиз лозим. Жуда кўп ишлар қилишимиз зарур. Катта ёзувчиларни, шоирларни камситмаган ҳолда айтиш керакки, барча умидимиз ёшлардан. Ёшлар Ватанга садокат билан, унинг нурли истиқболига ишонч билан, мардона, танти ўзбек йигитлари сифатида астойдил хизмат қилишлари шарт. Улар икки гапли бўлмасинлар. Қитмирилик, гурухбозлик, лўттивозлик каби иллатлардан юксакроқ турсинлар. Ҳар бир у ёқ-бу ёққа қараб ҳуштак чалган кимсанинг орқасидан етим қўзига ўхшаб эргашиб кетавериш, кўринган ҳар нокас “хой” деб чакирса, бориб эшигини супуриб юравериш

зидан келиб чиқиб тушунган ва шу асосда изоҳлаган. Инсоннинг қадр-қиммати унинг ташки кўриниши – сурати билан эмас, руҳий дунёсининг нечоғлиқ бой ёки қашшоқ эканлиги – сийратига қараб белгиланади. Одамзоднинг, биринчи навбатда, сийрати гўзал бўлиши керак. Сурати чиройли бўлса-ю, маънавияти қашшоқ бўлса, бу чиройдан, бундай хусндан ҳеч кимга фойда тегмайди. Одамнинг вужуди қарийди, парчаланади. Лекин буюк инсон тушунчаси йўқолмайди. Вужудни енгиш мумкин, руҳни, иродани енгиб бўлмайди. Шеърият, адабиёт айни енгилмас руҳни, демакки, маънавиятни тарбиялаш учун хизмат қиласди. Мен “Вужуд деганлари асли нимадир. Дайр денгизизда юрган кемадир. Бир куни қояга урилгай кема, Рухим, сен вужуднинг ғамини ема” деганимда айни шу ҳақиқатни назарда тутганман.

– Айтниш мумкинки, бугун бизда маънавият масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида жамият маънавиятини янада юксалтириш масаласини мамлакатимиз ривожланиши стратегиясининг энг муҳим, устувор йўналишларидаи бири сифатида қайд этдилар. Сизнингча, жамият маънавиятини юксалтиришда миллат зиёллалари – ёзувчилар ва шоирларнинг тутган ўрни қандай бўлиши керак?

– Дарҳақиқат, Президентимиз XXI аср арафасидаги тараққиётнинг бешта катта устувор йўналишларини белгилаб бердилар. Янги асрда инсониятнинг қудратини унинг бомбалари белгиламайди. Инсоннинг буюклиги – акли, маърифати, илми, маънавияти, комиллиги билан белгиланади.

Ҳар бир халқ ўзининг маънавий қиёфасига эга. Ҳар бир миллатнинг бошқаларникига ўхшамайдиган

кўзи тўқ бўлиб ўсади. У олтин, кумуш пиёлаларда шароб ичган, олтин косада овқат еган. Ўйлаб кўринг, бундай шаҳзодани олтин, кумуш билан сотиб олиб бўладими? Унга олтин, кумушдан пора бермоқчи бўлишса, “Э, нима қиляпсан? Бу менинг қошиғим-ку, 1 ўжа ичган косам-ку? Буни бошимга ураманми? – дейиши аниқ. Худо хоҳласа, ёшларимиз назари тўқ, маънавий баркамол бўлиб ўсадилар.

Бугун юзлаб фарзандларимиз хорижий мамлакатларда таълим оляптилар. Кўплаб тилларни ўрганмокдалар. Истардимки, улар фақат компютер билан гаплашадиган роботларга айланниб қолмасинлар. Ўз она тилини мукаммал биладиган, гўзалликни ҳис қиласидиган, эстетик жиҳатдан етук, мусиқани тушунадиган, жаҳон санъати даражасида фикрлай оладиган комил инсонлар бўлиб етишсин. Китоб уларнинг доимий дўстига айлансин. Зеро, келаётган XXI аср маънавият асри бўлади.

Фарбда фикр бозори деган тушунча мавжуд. Уларда тараққиётга хизмат қиласидиган фикр йигирмата бомбадан, бир тонна олтиндан қиммат. Олимнинг битта идеяси миллиардлаб тонна олтин бериши мумкин. Шунинг учун инсоннинг, интеллектнинг қиймати олтин билан ўлчанмайди. Шу боис Президентимиз ўзлари бош бўлиб, ҳеч қандай маблагни аямасдан ёшларимизни ривожланган мамлакатларга ўқишга юборяптилар. Ёшларимиз бунинг қадрига етиши лозим. Бугун бу борада амалга оширилаётган ишлар, албатта, ўз самарасини беради. Ёшларимиз келиб корхоналарни бошқарадилар. Бюрократларга, чаласаводларга ўрин қолмайди. Кўзбўямачилик, порахўрлик барҳам топади.

Ҳеч ким ота-онангни нега севасан ёки нега севмайсан, деб савол қўйишга ҳакли бўлмагани каби

керак эмас-да! Ёт мафкуралар таъсирига тушган баъзи ёшларга ишора қиляпман. Маънавият масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши мана шундай салбий ҳолатларга барҳам беради. Маънавий юксалишга хизмат қилиш ҳар бир ёзувчи ва шоирнинг муқаддас бурчи.

– Президентимиз Америка Кўшма Штатларида таълим олаётган ёшлар билан учрашууда мамлакатнинг қудрати унинг қуролли кучлари ёки моддий имконияти билан эмас, миллатнинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланиши хақида гапирдилар. Сиз бугунги ёшларнинг интеллектуал даражасини қаноатланарли, деб баҳолайсизми?

– Бир халқни оммавий равишда интеллектуал даражаси паст, иккинчисиники баланд, деб бўлмайди. Бу ижтимоий шароит билан чамбарчас боғлиқ ҳодиса. Мустақиллик ҳозирги ёшларга катта имкониятлар эшигини очди. Бугун бир халқ иккинчисини улуғ оғам деб қарамайди. Ҳозирги ёшлар бундай мутеълиқдан тамомила фориғирлар. Улар бугун Амир Темур, Жалолиддин каби саркардаларнинг, Беруний, Улугбек каби алломаларнинг, Навоий, Бобур каби мутафаккирларнинг авлодлари эканликларини, Ислом Каримов каби буюк давлат арбоби уларга раҳнамо эканлигини яхши биладилар. Шундан қалбларида ғурур бор.

Ёшларни назари тўқ қилиб тарбиялашимиз зарур. Доно халқимиз “Бойлик ашёларнинг кўплигига эмас, назарнинг тўқлигига”, деб бежиз айтмаган. Аввалги замонларда подшоҳликка фақат шахзодалар қўйилган. Агар бир мамлакатда подшоҳ бўладиган шахзода қолмаса, иккинчи бир мамлакатдан шахзода келишини кутишган. Нима учун? Сабаби нима? Чунки шахзода

берилмоқда. Туршак күтариб юришимиз шарт эмас. Лекин адабиётимиз, шеъриятимиз ўз-ўзидан машхур бўлиб кетади, деб ўтирмаслик ҳам керак. Яхши таржимонлар етиштиришимиз, ўз асарларимизни юксак даражада таржима қилиб, миллий сўз санъатимизнинг имкониятларини намоён эта олишимиз зарур.

– “Бургут” деган шеърингизда қанчалик шиддат билан парвоз қўлса-да, юксак қояларни забт этса-да, бургутда шунчалик шижоатта яраша мақсад йўқлигини, бу орқали эса инсон ҳаётда маълум бир орзуга, идеалга интилиб яشاши лозимлигини таъкидлагансиз. Сиз ёш Абдулла сифатида нималарни орзу қилгансиз? Бугун Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов сифатида қандай мақсадга интилиб яшайсиз?

– Бир пайтлар “Муножот” ва сиз таъкидлаган “Бургут” шеърларимни устозлар даврасида ўқиганман. Улар орасида Абдулла Қаҳхор ҳам бор эди. Ҳақиқатан ҳам, мен бургутнинг ҳолатидан ҳайратланганман. Мана шу ҳайрат маҳсули бўлган бу шеър устозларга ҳам маъқул келган. Албатта, инсон улуғ мақсадларни кўзлаб яшаши керак. Бир шоир сифатида миллий шеъриятимиз ривожига ҳисса қўша олган бўлсанм, ўзимни баҳтиёр сезаман. Шу Ватан, шу юрт, шу элнинг омонлиги – менинг энг улкан орзуим.

– Мухлисларингизни энг қизиқтирадиган нарса, табиийки, Сизнинг ижодий режаларингиз. Шу ҳақда гапириб берсангиз.

– Албатта, янги туркум шеърларимни қоралаяпман. Уни мухлисларимга тақдим этиш менга мамнуният бағишлади.

– Сиздан миллатнинг маънавий юксалишига хизмаг қиласидиган янги асарлар кутиб қоламиз. Ижодингизга барака.

Ватанни ҳам мажбуран севдириб бўлмайди. Ватанга муҳаббат табиий бўлиши керак, яшаш тарзига айланishi керак. Ҳаводан нафас олар эканмиз, унинг кимёвий таркибини ўйламаймиз. Ёки сув ичаётганимизда унинг H_2O элементдан таркиб топганлигини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Ватанга муҳаббат ҳам худди шундай табиий эҳтиёжга айланмоғи зарур. Интеллектуал салоҳият Ватан севгиси билан уйғун бўлгандагина юксак натижалар беради.

– Абдулла ака, Сиз шеърларингиздан бирида овозингизнинг икки дарё оралиғида қолиб кетганлигини армон билан таъкидлагансиз. Бугун Сизда бу армон йўқ. Шеърларингиз жаҳоннинг кўнгина тилларига таржима қилиниб, дунёга тарқалияпти...

– Шеърларининг бошқа тилларга таржима бўлишини ҳамма истайди. Мен ҳам буни орзу қилганман. Ўша йиллари неча-неча саёз шеърлар Москвада таржима қилиниб, жаҳонга тарқаларди. Оригиналда йўқ, мавжуд ҳолатидан ер билан осмонча фарқ қиласидиган шеърларни Москвада ясашарди.

Туршак эвазига ёлғон қаҳрамонлар, ёлғон шеърлар яратиларди. Алам қиласидигани, жаҳонда ўзбек адабиёти дейилганда, ўша таржима қилинган “асарлар” тушинилар эди. Менга бир таржимон: “Сенинг адабиётинг йўқ даражада”, – деган. “Нима учун яхши асарлар таржима қилинмайди”, – десам, у: “Эй ука, сен ҳали ёшсан. Бунинг учун катта харажат, ҳаракат, таниш-билиш керак”, – деган. Мен, ҳақиқатан ҳам, ўша пайтларда “Бир вақтлар илҳомнинг ўтли тифида, Фалакни кўзларди менинг ҳам созим. Лекин, икки дарё оралиғида, Қолиб кетди менинг ўша овозим”, – дея ўкиниб ёзганман. Бугун истиқлол шарофати билан жаҳонга юзландик. Энди адабиётимизга холис баҳо

ва мақсад сари интилиш зарур. “Мен ҳеч кимга иш буюрмадим, – дейди Бобур, – ўзим бориб, қор тепиб, йўлни оча бошладим. Бу ерда сўз билан, подшоҳлик амри билан даъват этиш тўғри эмас эди”. Ҳазрат Бобур таъкидламоқчи, қор тепиб йўл очиш, мақсад сари интилиш ҳар кимнинг виждан иши эди. Буни кўрган сафдошларининг барчалари ишга киришадилар ва довондан эсон-омон ўтиб оладилар. Шоир шеърият майдонига қадам қўяр экан, унинг олдида ҳам худди шундай довон туради. Бу – шеъриятда ўз йўлини топиш, фақат ўзигагина хос бўлган СЎЗни айтиш. Ҳар бир ижодкор шунга интилади. Бунда албатта устозлар тажрибасидан сабоқ олинади. Лекин бу машакқатли йўлда виждан йўлчи юлдуз вазифасини бажаради. Виждон – инсон фаолиятини бошқариб турувчи куч, унинг маънавияти даражасини белгиловчи муҳим омил. Виждон – буюк устоз, деганда шуни назарда тутганман.

Шу ўринда, таъбир жоиз бўлса, мукояса қилиш мумкинки, биз мустақилликка эришганимиздан кейин катта, машакқатли довонни босиб ўтяпмиз. Бу ерда ҳам муаммолар, машакқатларгадуч келишимиз табиий. Буни ҳеч қачон четлаб ўтиб бўлмайди. Мана шундай пайтда, хоҳлаймизми-йўқми, барча масъулият виждонли, комил эътиқодли, фидойи инсонлар зиммасига тушади. Бу – тарих ва тақдир тақозоси.

– Яна бир шеърингизда “Адабиёт шеър, достон эмас... она ҳалқ учун жанг”, деган фикрни ифода этгансиз. Назаримда, бу ерда адабиётнинг вазифаси тўғрисида гап кетянти. Мамлакатимиз раҳбари томонидан жамият маънавиятини юксалтириш тараққиётнинг устувор йўналишларининг бири сифатида белгиланди. Бу жараёнда адабиётнинг, шеъриятнинг хизмати қандай бўлиши керак?

МАЊНАВИЯТ КАЛИТИ

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон билан сұхбат

Мањнавий юксалишни адабиётдан, шеъриятдан айри тасаввур этиб бўлмайди. Зоро, халқимизнинг кўнглида шеъриятга мойиллик, ундаги гўзал бадиий мисралар моҳиятини идрок этишга, хис қилишга интилиш ниҳоятда кучли. Шунинг учун ҳам мутафаккир аждодларимиз ўзларининг инсон ва унинг моҳияти, табиат ва жамият ҳодисаларининг сир-асори тўғрисидаги қарашларни баён этишда шеърнинг имкониятларидан самарали фойдаланганлар. Янги аср арафасидаги мањнавий юксалиш жараёнида ҳам адабиётнинг, шеъриятнинг хизмати алоҳида бўлиши шубҳасиз. Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон билан сұхбатимиз шу ҳақда борди.

– Хуршид ака, шеърларингиздан бирида Бобур, Усмон Носир, Ойбек каби алломалар номини айтиб, улардан кўп нарса ўрганганингизни, лекин, шеъриятда чинакам устоз – шоирнинг виждони эканини таъкидлагансиз. Бу ташбехдан қандай мазмун-моҳиятни кўзда тутгансиз?

– Виждон ҳақида гапирганда мен ўзбек мумтоз адабиётидаги энг севимли китобим – “Бобурнома”даги бир воқеани эслайман. Ҳазрат Бобур жондан азиз она юртдан чиқиб кетиб, саргардонликда юрганларида қорли довондан ошиб ўтишга тўғри келади. Асарда тасвиrlанишича, отнинг белигача қор тушган, йўллар қор билан тўсилган. Нима килиб бўлса-да, йўл очиш

жаат қиласан. Бунинг бош сабаби – миллатимизнинг шоили ўтмишга эга эканлиги. Эътибор берсангиз, халқимизнингт қўли гул. Ҳаммамиз катта бўлган бешик, қўлимизда ушлаган қопиқ, пичокларимиз ҳам – санъат. Миллий кийимларимиз – санъатнинг юксак намунаси. Булар ҳаммаси халқимизнинг қобилияти, интеллектуал имкониятлари нечоғлик улкан эканлигини кўрсатади. Азал-азалда, ўша қўлёзма китобларда ҳам юртимиз Оллоҳ назар қилган мамлакат экани таъкидланган. Бугун маълум бўляптики, деярли барча илмларнинг асосини аждодларимиз яратган. “Бобурнома”да таъкидланишича, ислом оламидаги уч катта илм – ҳадис, калом ва фикҳ илмларининг энг улуғ олимлари шу тупроқда туғилган. Имом Исмоил Бухорий – ҳадис, Абу Мансур Мотурудий – калом, Бурхониддин Марғиноний фикҳ илмларида тенгсиз алломалар бўлган. Бугун ҳам Юртбошимиз Фармони билан Тошкент Ислом университети ташкил этилиб, мазкур алломаларнинг издошлари стишиб чиқишига катта имконият яратилди.

Тарихнинг маълум бир бурилиш паллаларида ҳар бир халқ оғир, мураккаб ҳолатларни бошдан ке-чиради. Узоқ давом этган мустамлака даврида ҳам худди шундай бўлган эди. Мустабид тузумнинг асосий зарбаси миллатнинг маънавиятига қаратилди. Уни миллат сифатида маҳв этиш учун барча кучлар сафарбар этилди. Лекин улар миллатнинг руҳини синдира олмади. Биз ўтган кисқа фурсат – саккиз йил давомида томирларимизда Амир Темурнинг, Улуғбекнинг, Навоийнинг, Беруний, Форобий ва Ибн Синонинг, Фаргоний ва Хоразмийнинг қони оқаётганини исботлай олдик. Янги аср арафасида жаҳон бизни яна бир бор эътироф этди.

Мен масъул бўлганим сабабли Ёшлилар телеканалини мунтазам кузатиб бораман. Дунёнинг қайси бир бур-

– Баъзи адабиётчиларнинг фикрича, ижодкор фақат адабиётга хизмат қилиши керак. Мен бунга қўшилмайман. Адабиётнинг ўзи миллатнинг маънавий юксалишига, Ватан, ҳалқ манфаатига хизмат қилиши лозим. Мен ўша шеъримда ҳам худди шу фикрни назарда тутганиман.

Президентимиз мустақилликнинг биринчи қунариданоқ маънавият, маърифат масалаларига алоҳида эътибор бериб келяптилар. Ҳар бир маърузаларида, ҳаттоки, иқтисодий ислоҳотлар жараёнига боғлиқ йигинларда ҳам маънавият масаласига албатта тўхталиб ўтадилар. Бинобарин, инсон ҳаётини маънавиятдан айри тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, Юортбошимиз алоҳида таъкидлаганларидек, бугун ҳар қандай давлатнинг кучи, қудрати ушбу мамлакат ҳалқининг маънавий даражаси билан белгиланади. Энди бирор мамлакат ёки миллат қудратини қуролли кучлари ёхуд моддий имкониятлари белгилайдиган замонлар ўтди. Шунинг учун ҳам адабиёт бугун айни маънавий-маърифий даражани юксалтириш учун хизмат қилиши керак. Адабиётдан, санъатдан, умуман, ҳар қандай илмдан ҳам мурод – инсон. Модомики, шундай экан, инсоннинг, ҳалқнинг, миллатнинг манфаатига хизмат қилмаса, адабиёт ўз вазифасини бажармаган бўлади. Ҳазрат Навоий, Бобур ва бошқа аллома-аждодларимиз ҳам адабиёт воситасида Ватан, миллат манфаатига хизмат қилганлар.

– Сизнинг ижодингизда тарихга бўлган мурожаат салмоқли эканини кузатиш мумкин. Бунинг сабаби нимада? Тарих ва бугуннинг муносабатини қандай баҳолайсиз?

– Дарҳақиқат, мен Ватанимиз, аждодларимиз тарихга жуда қизиқаман ва ижодимда тарихга кўп муро-

Эрк нима?
Озодлик нима?
Буни англаганга қийин бўлади.
Кундуз деб қурашганлар
Кўёшни туш кўриб тунда ўлади.
Юрт нима?
Ватан нима?
Буни англаганга қийин бўлади.
Бир умр азобдан қонлар қусару
Ватандан узокда ўлади.
Халқ нима?
Миллат нима?
Буни англаганга қийин бўлади.
Деворга қараб миллатдоши отган
Ўқдан захарланиб ўлади.
Бурч нима?
Виждон нима?
Буни англаганга қийин бўлади.
Ўлимдан сўнг тириламан деб
Ўлимдан кўркмасдан ўлади.

Ижодкорларгина эмас, миллатнинг ўзлигини англаган ҳар бир фарзанди бирорларга қул бўлишини истамайди. Юртида ўзгалар ҳукмрон бўлишини ҳеч ким хоҳламайди. Миллат озод, ҳур бўлса деган орзу, интилиш бизни ҳам ўйлантирган. Бу орзуларимизни рамзлар, тимсоллар воситасида ифодалашга ҳаракат қилганимиз. Яна бир тўрт қатор шеъримда ҳам ҳудди шундай орзу-ниятлар ўз ифодасини топган: “Тундан кўркма, тунни ич, Ва мағрур боқ саҳарга, Синган бўлса гар қилич, Айланар у ханжарга”.

Шу маънода, таъкидлаш керакки, шеър – қудратли куч. Ўша пайтларда миллатнинг бўйсунмас рухини фақат шеър орқалигина ифода этиш мумкин эди.

чагида спорт мусобақаси, санъат ёки илмга оид анжуман ўтказиладиган бўлса, албатта, унда ўзбек ёшлари иштирок этади ва нуфузли ўринлардан бирини эгаллаб келади. Буларнинг ҳаммаси ёшларнинг миллат кечмишини, кимлар авлоди эканликларини ҳис эта бошлаганлари натижаси, деб биламан. Президентимиз тарихчи олимлар билан мулоқот чоғида: “Тарихини билмаган миллатнинг келажаги бўлмайди”, деб бежиз айтмадилар.

Шунинг билан бирга, тарихга фақат маҳлиё бўлмаслиқ, хушёр кўз билан карашимиз керак. Мутафаккир аждодлар билан фаҳрланиш яхши, лекин биз ўзимиз уларга муносиб бўла оляпмизми? Улар эгаллаган илм чўққиларига интиляпмизми? Бугун нималарга эришдигу келажак режаларимиз қандай? Ҳар биримиз ўзимизга шундай саволларни беришмиз ва унга жавоб топишмиз зарур! Шундагина тарихни ўрганишдан кўзланган мурод ҳосил бўлади. Фақат шу ҳолдагина тарих бугун учун хизмат қиласиди.

– **Хуршид ака, 1973 йилда ёзилган “Чилилик дўстларга”** деган шеърингиз бор. Албатта, бу шеърнинг ёзилишидан мақсад Чили бўлган эмас. Зоро, шеърнинг услуби шуидай. Унда гўёки Чили ёхуд яна бошқа мамлакат хусусида гап кетаётгандек туюлади-ю, кўзланган мурод ўзгача бўлади. Шу шеърнинг яратилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

– Тўғри айтасиз. Ўша мустабид тузум шароитида бундай фикрларни ошкора айтиб бўлмас эди. Чилилик дўстлар бир восита эди, холос. Аслида ўзимизнинг озодликка, мустақилликка интилишларимиз ифода этилган бу шеърларда. Мана, ўша шеър:

Америкалик Фунлер деган сиёсатшуносдан: “XX асрдаги энг катта сиёсий ҳодиса, энг аҳамиятга молик воқеа нима?” деб сўраганларида, у: “Сўзсиз, бу совет тузумининг йўқолиши ва унинг асоратида яшаб келган, ўз миллий анъаналарига, урф-одатларига эга бўлган миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш хукукини қўлга киритганлари”, дея таъкидлаган. Бу гап бизнинг бугун айнан қайси жараёнда иштирок этаётганимиз, бу ҳодисанинг аҳамиятини чуқур англашимизга ёрдам беради. Ёшлилар канали ўз кўрсатувлари орқали бугунги ёшлилар ҳаётига чукурроқ кириб боришга интилмоқда.

– Мазмунли сухбатингиз учун раҳмат.

Икки йил бўлди, бир китобим нашрдан чиқди. “Баҳордан бир кун олдин” деб номланган бу китоб аслида 1988 йилда нашр этилиши керак эди. Баъзи сабабларга кўра тўхтаб қолган. Бизда ҳар доим миллатнинг баҳорига, бугунги саодатли кунларга ишонч бўлган. Истиқлол – улуғ неъмат, унинг қадрига етишимиз керак. Одатда бахтни унинг қучоғида ўтирганда эмас, йўқотиб қўйганда хис этилади, қадрига етилади. Халқимиз “Йўқолган пичоқнинг сопи олтин”, деб бежиз айтмаган. Айримлар ўйлайдики, мустақиллик осонликча қўлга кирди. Аслида ундей эмас. Айрим одамларимиз уч тийинлик трамвайнин соғинадилару, ўша замонда инсоннинг қадри бир тийин бўлганини унутиб қўядилар. Бугун барча кучларни миллатнинг озод руҳини тарбия қилишга сафарбар этмоғимиз зарур.

– Ёшлар телеканалининг Бош директори сифатида унинг бугунги ёшлар ҳаётида тутган ўрни хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.

– Бу канал шахсан Президентимизнинг ташаббуслари билан очилди. Унинг бугунги ёшлар ҳаётида тутган мавқеи нечоғлик эканлиги телеканалимизга келаётган мактублар, муҳлисларнинг телефон орқали билдирган фикр-мулоҳазаларидан ҳам кўриниб турибди. Бу фақат дам олиш канали эмас, маънавий-маърифий канал. Мамлакатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, бу канал ёшларни мустақил фикрлашга, дунёда кечётган ҳодисаларнинг асл моҳиятини англашга, уларга очик кўз билан қарашга ўргатади. Зоро, мустақил дунёқарашга эга бўлган ёшлар миллий мустақилликнинг қадрини кўпроқ англайлар.

бешинчи жилдида босилиб чиқкан (Каранг: “Озод Ватан саодати”. Беш жилдлик, 5-жилд, Тошкент, “Адиб” нашриёти, 2013, 315–326-бетлар).

Шеър аҳлининг икки жаҳонгири – Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан ёзилган бу мақола “Соҳибқирон юлдузи” журналининг 2011 йил 3-сонида нашр қилинган.

Олимнинг ишқ чечаклари – мақола “Фидокор” газетасининг 2003 йил 28 октябрь сонида нашр қилинган.

Зулфикор рух орзуси – бу мақола “Шарқ юлдузи” журналида нашр этилиши режалаштирилган.

Туйғулари рост шонр – мақола матни асосида Ўзбекистон Халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишиниб Ўзбекистон Миллий университетида 2014 йил 28 январда ўтказилган илмий анжуманды маъруза қилинган.

“Рұхим харітаси”дан “Дил фасли”гача – бу мақола Ўзбекистон Халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Сўз йўли” номли икки жилдлик тақланган асарларининг 2-жилдида сўнгсўз сифатида чоп этилган (Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 2008, 356–371-бетлар).

Метафорага бой шеърният – мақола матбуотда эълон қилинмаган.

Сирли кечинмалар талқини – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2013 йил 20 сентябрь “Сирли туйғулар талқини” сарлавҳаси билан босилиб чиқкан.

Кўнгил – олам меҳвари – мақола матбуотда чоп этилмаган.

Хаёл, ҳаёт, мұхаббат – мақола “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2008 йил 21 ноябрь сонида нашр қилинган.

ИЗОХЛАР

Шеъриятимиздаги хайрли тамойиллар – бу мақола 2012 йили нашр этилган шеърий түпламлар ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қилинган маъруза асосида ёзилган. Қисқартирилган матни “Янги замон шеърияти: тамойиллар, изланишлар” сарлавҳаси билан “Шарқ ўлдузи” журналиниң 2013 йил 3-сонида чоп этилган.

Миллий рухият жилвалари – 2013 йилги шеърий түпламлар таҳлилига бағишиланган бу мақола матни асосида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шеърият кенгаши йиллик якуний йигилишида маъруза қилинган. Мақоланиң тўлиқ матни “Янги замон шеърияти тамойиллари” сарлавҳаси билан “Шарқ ўлдузи” журналиниң 2014 йил 3-сонида босилиб чиқкан.

Шеършунос мезони – мақола “Дилидаги тилида эди” сарлавҳасида жузъий қисқартириш билан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2009 йил 30 январь сонида нашр қилинган.

Шарқ – шоир макони, шеър – юрак қони – бу мақоланиң муҳтасар матни “Халқ сўзи” газетасининг 2008 йил 1 март ҳамда 2014 йил 6 декабрь сонларида чоп этилган.

Гўзал ташбех, сирли рух – мақола дастлаб “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2007 йил 26 октябрь сонида нашр қилинган; қайта ишланиб, тўлдирилган матни мустакиллик даври ўзбек адабиёти антологиясининг адабий танқидчиликка бағишиланган

тов" сарлавҳали бу мақоласи Москвада нашр этиладиган "Роман-журнал XXI век"нинг 2007 йил 5-сонидан олиниб таржима қилинди. Таржима матни дастлаб "Жаҳон адабиёти" журналиниг 2007 йил 12-сонида босилиб чиқкан. "Ёшлар китоби"да ("Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2008, 394-408-бетлар) "Жаҳон адабиёти"дан олиниб, қайта нашр этилган.

"Рұхим, сен вужудининг ғамини ема..." – Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан сұхбат "Фидокор" газетсининг 1999 йил 27 май сонида чоп этилган.

Маънавият калити – Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон билан сұхбат "Фидокор" газетасининг 1999 йил 8 июнь сонида нашр қилинган.

Юз ҳикмат ва назмий шарҳ – бу мақола Маҳмуд Замахшарийнинг “Силсилату-з-заҳаб” асаридағи ҳикматларга шоир ва журналист Фозил Зоҳид томонидан шеърий шарҳ сифатида ёзилган “Замахшар тасбеҳи ёхуд 101 манзума” китобига сўнгсўз сифатида чоп этилган. (Тошкент, “Мұхаррір” нашриёти, 2011, 132–138-бетлар).

Кўзга айланган кўнгил – мақола адабиётшунос олим ва драматург Нафас Шодмоновнинг “Махзан” (Қарши, “Насаф” нашриёти, 2011) достонига сўзбоши сифатида босилиб чиқкан..

Ижод ойнаси – бу мақола ҳажвчи шоир Абдураззоқ Обрўйнинг “Уч нукта” (Тошкент, “Тафаккур қаноти” нашриёти, 2013) китобига сўзбоши сифатида нашр қилинган.

Шеъриятининг сирли дунёси – мақола Абдугани Сулаймоннинг “Кўнглимдаги дарё” (Тошкент, “Мұхаррір” нашриёти, 2012) шеърий тўпламига сўзбоши сифатида чоп этилган.

Тушга айланажак армонлар – бу мақола Юсуф Зиёднинг “Мехрингга ташнаман” шеърий тўпламига (Қарши, “Насаф”, 2011) сўзбоши сифатида босилиб чиқкан.

Образли мушоҳада йўлида – мақола матни асосида ўш ижодкорлар шеърлари таҳлилига бағишлиланган анжуманда маъруза қилинган. “Гулчехралар” газетасининг 2011 йил 14 январь сонида нашр қилинган.

Истеъдод учқунлари – бу мақола “Садоқатнинг ойдин йўллари” сарлавҳаси билан Дилдора Оқбўтаеванинг “Қаҳратонда гуллаган юрак” (Тошкент, “Мұхаррір”, 2011) шеърий тўпламига сўзбоши сифатида чоп этилган.

Миллат ойнаси – мақола дастлаб “Китоб дунёси” газетасининг 2012 йил 5 октябрь сонида босилиб чиқкан.

Ҳаёт фалсафаси ва шоир мұхаббати – адабиётшунос Фарход Ҳамроевнинг “Философия жизни и любви поэ-

Образли мушоҳада йўлида.....	233
Истеъдод учқунлари.....	238

ТИЛ – МИЛЛИЙ, АДАБИЁТ – УМУМБАШАРИЙ

Миллат ойнаси.....	240
Ҳаёт фалсафаси ва шоир муҳаббати (Абдулла Орипов ва Николай Рубцов ижодининг муштарак ва ўзига хос хусусиятлари).....	254

ИСТИҚЛОЛ, МАЬНАВИЯТ ВА ШЕЪРИЯТ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

“Руҳим, сен вужуднинг ғамини ема...”	283
Маънавият калити.....	290
ИЗОҲЛАР.....	298

МУНДАРИЖА

ЯНГИ ЗАМОН РУХИ

Шеъриятимиздаги хайрли тамойиллар.....	3
Миллий рухият жилвалари.....	43

УСТОЗЛАР МАКТАБИ – КАМОЛОТ МАНБАИ

Шеършунос мезони.....	63
Шарқ – шоир макони, шеър – юрак қони.....	74
Гўзал ташбех, сирли рух.....	96
Шеър аҳлининг икки жаҳонгири.....	112

ШЕЪР – КЎНГИЛ ОЙНАСИ

Олимнинг ишқ чечаклари.....	132
Зулфиқор рух орзуси.....	137
Туйгулари рост шоир.....	146
“Руҳим харитаси”дан “Дил фасли”гача.....	153
Метафорага бой шеърият.....	167
Сирли кечинмалар талқини.....	186
Кўнгил – олам меҳвари.....	191
Хаёл, ҳаёт, муҳаббат.....	200
Юз ҳикмат ва назмий шарҳ.....	206
Кўзга айланган кўнгил.....	212
Ижод ойнаси.....	216

НАЗМ ЙЎЛИ ИБТИДОСИДА

Шеъриятнинг сирли дунёси.....	221
Тушга айланажак армонлар.....	228

Адабий-бадиий нашр

Нурбой Жабборов

**ЗАМОН
МЕЗОН
ШЕЪРИЯТ**

Муҳаррир *Абдураҳмон Жўраев*
Бадиий муҳаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*
Техник муҳаррир *Екатерина Корягина*
Мусаххих Доно Тўйчиева
Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09. Босишга 31 март 2015 йилда
руҳсат этилди. Бичими 84x108¹/₃₂. Times New Roman
гарнитураси. Офсет босма. 15,96 шартли босма тобоқ.
10,8 нашр тобоги. Адади 1000 нусха. 171 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида
чоп этилди. 100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

*Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69*

www.gglit.uz
e-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz